4. Pinna, N.; Garnweitner, G.; Antonietti, M.; Niederberger, M. Nonaqueous synthesis of high-purity metal oxide nanopowders using an ether elimination process Adv. Mater. 2004 39.

ЯНГИ КОНСТРУКЦИЯЛИ КОЛОСНИК КОНТУРИ БЎЙЛАБ ЧИГИТ ОҚИМИНИ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Х.А. Ахмедов - катта илмий ходим, PhD,
И.О. Эргашев - стажёр тадқиқотчи.
ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

Аннотация: *Маърузада аррали ишчи камерасидаги янги конструкцияли колосник контур юзасида чигитнинг ҳаракати ўрганилган.*
Аннотация: *В докладе исследовано движение семян по контуру поверхности новых конструкции колосника рабочей камере пильного джина*
Annotation: *The article research the movement of seeds on the contour surface of the new structures ribs in the working chamber of saw gin*
Калит сўзлар: *Аррали жин, ишчи камера, колосник, чигит, чигит тароғи.*
Ключевые слова: *Пильный джин, рабочая камера, колосник, семян, гребёнка.*
Key words: *Saw gin, working chamber, rib, seed, seed comb.*

Чигитлар хом ашё валигидан чиққанидан сўнг чигит тароғидан колосниклар томонга қараб ҳаракатланади. Чигит тароғи бармоқларининг диаметри 6 *мм* бўлганда бармоқ билан арралар орасидаги тирқиш 130- аррали жин учун 5,525 *мм*, 138-аррали учун -5,025 *мм*, 156-аррали учун – 4,025 *мм* ташкил қилади [1]. Кўриниб турибдики, чигитларни мавжуд ўлчамларида уларнинг асосий массаси чигит тароғи бармоқлари учи билан колосник орасидаги тирқишда (30–35 *мм*) ажратилади ва колосникка тегиб ундан пастга думалаб тушади. Чигит тароғи зонасидаги колосник юзасида ажратилган чигитнинг бир қисми арранинг ён сирти билан илиб олинади ва қайтадан хом ашё валигига йўналтирилади.

Фараз қилайлик, колосник контури икки айланадан ва иккита тўғри чизиқдан ташкил топган бўлсин. Контур бўйлаб пахта чигитларидан иборат оқим ҳолатда ҳаракатланади. Оқимнинг контур бўйлаб қалинлиги ўзгармас h_0 га тенг деб оламиз.
Колосникнинг бошлангич контури айлана ёйи АВ унинг давоми ВС тўғри чизиқ, сўнгра СВ айлана ёйи ва ВЕ тўғри чизиқдан иборат бўлсин (1-расм).



1-расм. Пахта чигити оқимининг колосник контури бўйича ҳаракат схемаси. *AB – CD* айланалар ёйи, *BC – DE* тўғри чизиқлар.

Контурнинг ҳар бир учаскасида оқимнинг ҳаракати бир ўлчовли тенгламасини тузамиз. Оқимнинг ҳолатини аниқлаш учун унинг тезлигини, зичлигини ва босимни ҳар бир учаскада мос равишда $(v_1, \rho_1, P_1), (v_2, \rho_2, P_2), (v_3, \rho_3, P_3), (v_4, \rho_4, P_4)$ билан белгилаймиз. Оқим ҳаракатини контур бўйлаб ёй билан ўзгарувчига нисбатан аниқлаймиз. Ҳар бир ёйнинг узунлигини А нуқтадан бошлаб ҳисоблаймиз ва ҳар бир участканинг унинг узунликлари $0 < s < s_a$ (*AB* участка), $s_{01} < s_0 + s_1$ (*BC* участка), $s_0 + s_1 < s_0 + s_1 + s_{02}$ (*CB* участка) ва $s_{01} + s_1 + s_0 < s < s_{01} + s_1 + s_0 + s_2$ (*DE* участка)лардан иборат бўлади.

Ҳар бир участка учун Эйлер тенгламасини ёзамиз:

$$\rho_1 v_1 \frac{\partial v_1}{\partial s} = -\frac{\partial p_1}{\partial s} + \rho_1 g[\sin(\alpha_{00} + s/R) + f\cos(\alpha_{00} + s/R)] - f\rho_1 \frac{v_1^2}{R_1} \qquad 0 <$$

(1)

$$\rho_2 v_2 \frac{\partial v_2}{\partial s} = -\frac{\partial p_2}{\partial s} + \rho_2 g[\sin(\alpha_{00} + \alpha_{01}) - f\cos(\alpha_{00} + \alpha_{02})] \qquad s_{01} < s < s_{01} + s_1 ,$$

(2)

$$\rho_3 v_3 \frac{\partial v_3}{\partial s} = -\frac{\partial p_3}{\partial s} + \rho_3 g[\sin(\alpha_{00} + s/R - s_1/R) - f\cos(\alpha_{00} + s/R - s_1/R)] - f\frac{v_3^2}{R_2}$$

$$s_{01} + s_1 < s < s_{01} + s_1 + s_{02} \qquad (3)$$

$$\rho_4 v_4 \frac{\partial v_4}{\partial s} = -\frac{\partial p_4}{\partial s} + \rho_4 g[\sin\alpha_{00} + \alpha_{01} + \alpha_{02}) - f\cos(\alpha_{00} + \alpha_{01} + \alpha_{02})]$$

$$s_{01} + s_1 + s_{02} < s < s_{01} + s_1 + s_{02} + s_2 \qquad (4)$$

Бу ерда, f *- оқим билан колосник орасидаги ишқаланиш коэффиценти,* R_1, R_2 *-айланалар радиуси.*

Координата бошини Е нуқтада ўрнатиб ох ўқини ўнга йўналтириб оу ўқини унга вертикал қилиб йўналтирамиз. А, В, С, Д ва Е нуқталарнинг координаталари, α_{01}, α_{02} *- бурчаклар ва радиуслари R_1 ва R_2 маълум қийматлар бўлиб, (1) – (4) тенгламалар учун узунликла қуйидаги формулалар билан аниқланади.*

Колосник панжарани йиғишда ишчи зонасида 3±0,2 мм ва колосник лапасининг юқори ва пастки қисмида 3,8±1,2 мм тирқишни сақлаш керак. Фақат колосник ишчи қисмидаги тирқиш қатъий нормаланган. Панжарада колосниклар сони аррали цилиндрдаги арра дисклари сонидан биттага кўп бўлиши керак. Экспериментал ва назарий натижаларни таққослаш узунлик кўрсаткичларидаги фарқ 3,7%, яъни 0.103 ва 0.1068 *м*, тезликлар орасидаги эса -4%, яъни 0,96 ва 1,0 *м/с*. эканлигини кўрсатди.

Умуман чигитни колосник юзаси бўйича ҳаракати тенгламаси тузилган, чигитни ҳаракати ва колосник юзасидан думалаб тушиши ўрганилган. Назарий олинган

натижаларни экспериментал олинган натижалар билан солиштириш уларни 4% га фарқ қилишини кўрсатди.

АДАБИЁТ

1. Мирошниченко Г.И. Основы проектирования машин первичной обработки хлопка.– М. Машиностроение. 1972– 485 с.

РОТОР-ФИЛЬТРЛИ ҚУРИЛМАДА ГИДРАВЛИК ҚАРШИЛИКНИНГ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

А.С.Исомидинов, А.А. Ахроров, А.А.Мўйдинов, И.М.Мамаризаев

isomidinov1985@mail.ru

Фарғона политехника институти

Маърузада чангли газларни ҳўл усулда тозаловчи ротор-фильтрли қурилмада гидравлик қаршиликнинг тозалаш самарадорлигига таъсири тадқиқ қилинган. Тажрибаларда танланган чанг наъмуналаридан фойдаланиб ўзгарувчи омиллирнинг турли параметрларида гидравлик қаршиликка таъсири ўрганилган ҳамда қурилма тозалаш самарадорлигининг мақбул параметрлари асосланган.

Калит сўзлар: *ротор-фильтр, актив ва пассив юза, медиан ўлчам, селитра ва аммофос чанги, фильтрловчи тўрли материал.*

В докладе рассматривается влияние гидравлического сопротивления на эффективность очистки роторно-фильтрующего устройства для влажной очистки от пылевых газов. В экспериментах изучалось влияние гидравлического сопротивления на различные параметры переменных факторов с использованием выбранных образцов пыли и на основе оптимальных параметров эффективности очистки устройства.

Ключевые слова: *ротор-фильтр, активная и пассивная поверхность, средний размер, нитратная и аммофосная пыль, фильтрующий сетчатый материал.*

The article examines the effect of hydraulic resistance on the cleaning efficiency of a rotor-filter device for wet cleaning of dust gases. The experiments studied the effect of hydraulic resistance on the various parameters of the variable factors using selected dust samples and based on the optimal parameters of the cleaning efficiency of the device.

Keywords: *rotor-filter, active and passive surface, median size, nitrate and ammophos dust, filter mesh material.*

Ҳўл усулда чангли ҳавони тозалаш ва нейтраллаш аппаратларининг конструкциялари бўйича олиб борилган кўплаб илмий-тадқиқот изланишлари уларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида [1,2,3,4] ротор-фильтрли чанг ушлагичнингг янги конструктив схемаси ишлаб чиқилди ва лоборатория қурилмаси яратилди [5] (1-расм).

Қурилма гидравлик қаршилигининг тозалаш самарадорлигига таъсирини ўрганиш ва мақбул параметрларни асослаш мақсадида эксперементал тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотлар учун чанг наъмуналари (селитра ва аммофос минерал ўғити чанги) танланиб уларнинг асосий физик ва кимёвий характеристикалари ўрганилди ҳамда икки босқичли лоборатория анализидан ўтказилиб ўртача медиан ўлчамлари аниқланди [6].

Қурилма гидравлик қаршилигининг тозалаш самарадорлигига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган эксперементал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди.
Биринчи босқичда чангли ҳаво оқиқмининг гидравлик қаршиликка таъсири ўрганилди.





1-расм. Қурилманинг умумий кўриниши.

1 – қурилма танаси; 2 – диффузор; 3 – фильтрловчи тўрли материал;5 – стержен; 6 – пўлат тўр; 7 – конфузор; 8 – вал; 9 – насос; 10 –суюқлик қувури; 11 – штуцер; 12 – зонт; 13 – жумрак; 14 – шлам қувури; 15 – сатҳни мослаштирувчи қувур; 16 – вентилятор; 17 – шнекли таъминлагич; 18 – Прандл найи;19 – шкив; 20 – тасма; 21 –электромотор; 22 – ЛАТР; 23 – тахометр; 24 – ротометр; 25 – электрон монометр **JM-510**; 26,27,28 – болт, гайка ва шайба.

Биринчи босқич тажрибаларини ўтказиш учун ўзгарувчи омилларнинг қийматлари суюқлик сарфи $S_{сую}$=0,141; 0,168; 0,178 м^3/соат, штуцер тешигининг диаметри $d_ш$=1; 2; 3 мм, газ тезлиги $\upsilon_г$= 7 м/с ÷35 м/с гача оралиқ қадам 4 м/с, фильтрловчи тўрли материал актив юзаси $\sum S_{акт}$=0,202; 0,229; 0,268 м^2, роторнинг айланишлар частотаси тажриба учун ўртача қийматда n=25 айл/мин, газ зичлиги селитра чанги ва ҳаво аралашмаси учун $\rho_{ар}$=1,82 кг/м^3 ҳамда аммофос чанги ва ҳаво аралашмаси учун $\rho_{ар}$=1,88 кг/м^3 этиб белгиланда [7,8]. 1м^3 ҳаво таркибидаги чангнинг миқдори ГОСТ-1245-93 бўйича селитра чанги учун 333,7 мг/м^3, ва ГОСТ-1261-93 бўйича аммофос чанги учун 245,91 мг/м^3 танланди.Ўтказилган тажриба натижалари 2-7-расмларда келтирилган.



2-расм.
$d_ш$=1 мм ва $\rho_г$ =1,82 кг/м^3–const бўлганда



3-расм.
$d_ш$=2 мм ва $\rho_г$ =1,82 кг/м^3–const бўлганда



4-расм.
$d_ш$=3 мм ва $\rho_г$ =1,82 кг/м^3–const бўлганда



5-расм.
$d_ш$=1 мм ва $\rho_г$ =1,88 кг/м^3–const бўлганда



6-расм.

$d_ш$=2 мм ва $\rho_г$ =1,88 кг/м^3–const бўлганда



7-расм.

$d_ш$=3 мм ва $\rho_г$ =1,88 кг/м^3–const бўлганда

1 – актив юза $\sum S_{акт}$=0,268 м^2 бўлганда; 2 – актив юза $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 бўлганда; 3 – актив юза $\sum S_{акт}$=0,202 м^2 бўлганда.

2-7-расмлар. Суюқлик берилган қурилма гидравлик қаршилиги $\Delta P_{сб}$ нинг газ тезлиги $\upsilon_г$ га боғлиқлиги/

2-4-расмларда газ ва селитра аралашмасининг гидравлик қаршиликка таъсири кўрсатилган. Берилган маълумотлардан кўринадики, газ тезлиги $\upsilon_г$= 7÷35 м/с гача оралиқ қадам 4 м/с, фильтрловчи тўрли материал актив юзаси $\sum S_{акт}$=0,202; 0,229; 0,268 м^2 ортиб борганда гидравлик қаршиликнинг энг юқори қиймати $d_ш$=1 мм, $S_{сую}$=0,141 м^3/соат–const учун $\Delta P_{сб}$=1403 Па дан $\Delta P_{сб}$=2027 Па гача ортгани кузатилди. Оралиқ қадам актив юзанинг $\sum S_{акт}$=0,202 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=243 Па ни ташкил этган бўлса, $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,268 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=381 Па ни ташкил этди.$d_ш$=2 мм, $S_{сую}$=0,168 м^3/соат–const учун $\Delta P_{сб}$=1812 Па дан $\Delta P_{сб}$=2398 Па гача ортгани кузатилди. Оралиқ қадам актив юзанинг $\sum S_{акт}$=0,202 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=161 Па ни ташкил этган бўлса, $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,268 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=425 Па ни ташкил этди. $d_ш$=3 мм, $S_{сую}$=0,168 м^3/соат–const учун $\Delta P_{сб}$=1922 Па дан $\Delta P_{сб}$=2520 Па гача ортгани кузатилди. Оралиқ қадам актив юзанинг $\sum S_{акт}$=0,202 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=140 Па ни ташкил этган бўлса, $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,268 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=458 Па ни ташкил этди.

5-7-расмларда газ ва селитра аралашмасининг гидравлик қаршиликка таъсири кўрсатилган. Берилган маълумотлардан кўринадики, газ тезлиги $\upsilon_г$= 7÷35 м/с гача оралиқ қадам 4 м/с, фильтрловчи тўрли материал актив юзаси $\sum S_{акт}$=0,202; 0,229; 0,268 м^2 ортиб борганда гидравлик қаршиликнинг энг юқори қиймати $d_ш$=1 мм, $S_{сую}$=0,141 м^3/соат–const учун $\Delta P_{сб}$=1450 Па дан $\Delta P_{сб}$=2094 Па гача ортгани кузатилди. Оралиқ қадам актив юзанинг $\sum S_{акт}$=0,202 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=251 Па ни ташкил этган бўлса, $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,268 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=393 Па ни ташкил этди. $d_ш$=2 мм, $S_{сую}$=0,168 м^3/соат–const учун $\Delta P_{сб}$=1872 Па дан $\Delta P_{сб}$=2477 Па гача ортгани кузатилди. Оралиқ қадам актив юзанинг $\sum S_{акт}$=0,202 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=166 Па ни ташкил этган бўлса, $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,268 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=439 Па ни ташкил этди. $d_ш$=3 мм, $S_{сую}$=0,168 м^3/соат–const учун $\Delta P_{сб}$=1986 Па дан $\Delta P_{сб}$=2603 Па гача ортгани кузатилди. Оралиқ қадам актив юзанинг $\sum S_{акт}$=0,202 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=144 Па ни ташкил этган бўлса, $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,268 м^2 қийматлари орасида $\Delta P_{сб}$=473 Па ни ташкил этди.

2-7-расмларда келтирилган график боғлиқликларга энг кичик квадратлар усулини қўллаб қуйидаги эмпирик формулалар олинди [5].

Селитра чанги ва газ аралашмаси учун.

$d_ш$=1 мм ва $\rho_г$ =1,82 кг/м^3–const бўлганда;

$\sum S_{акт}$=0,202 м^2; $\Delta P_{сб}$= 1,1676 $\upsilon_г^2$ – 0,6974 $\upsilon_г$ + 19,433 (R² = 0,9935) (1)

$\sum S_{акт}$=0,229 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,3981 $\upsilon_г^2$ – 1,1964 $\upsilon_г$ + 18,877 (R² = 0,9988) (2)

$\sum S_{акт}$=0,268 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,6946 $\upsilon_г^2$ – 0,6312 $\upsilon_г$ + 23,262 (R² = 0,9981) (3)

$d_ш$=2 мм ва $\rho_г$ =1,82 кг/м^3–const бўлганда;

$\sum S_{акт}$=0,202 м^2; $\Delta P_{сб}$= 1,3153 $\upsilon_г^2$ + 9,505 $\upsilon_г$ – 65,449 (R² = 0,9996) (4)

$\sum S_{акт}$=0,229 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,4017 $\upsilon_г^2$ + 11,508 $\upsilon_г$ – 77,513 (R² = 0,9999) (5)

$\sum S_{акт}$=0,268 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,6068 $\upsilon_г^2$+ 18,36 $\upsilon_г$ – 120,11 (R² = 0,9993) (6)

$d_ш$=3 мм ва $\rho_г$ =1,82 кг/м^3–const бўлганда

$\sum S_{акт}$=0,202 м^2; $\Delta P_{сб}$= 1,6592 $\upsilon_г^2$ – 1,6208 $\upsilon_г$ + 7,6006 (R² = 0,9997) (7)

$\sum S_{акт}$=0,229 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,7691 $\upsilon_г^2$– 1,1406 $\upsilon_г$ + 3,4417 (R² =0,9999) (8)

$\sum S_{акт}$=0,268 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,7808 $\upsilon_г^2$+ 14,461 $\upsilon_г$ – 87,976 (R² = 0,9999) (9)

Аммофос чанги ва газ аралашмаси учун.

$d_ш$=1 мм ва $\rho_г$ =1,88 кг/м^3–const бўлганда;

$\sum S_{акт}$=0,202 м^2; $\Delta P_{сб}$= 1,2245 $\upsilon_г^2$ – 1,5615 $\upsilon_г$ + 26,39 (R² = 0,9925) (10)

$\sum S_{акт}$=0,229 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,447 $\upsilon_г^2$– 1,3463 $\upsilon_г$ + 20,436 (R² = 0,9988) (11)

$\sum S_{акт}$=0,268 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,752 $\upsilon_г^2$ – 0,7154 $\upsilon_г$ + 24,753 (R² = 0,9981) (12)

$d_ш$=2 мм ва $\rho_г$ =1,88 кг/м^3–const бўлганда;

$\sum S_{акт}$=0,202 м^2; $\Delta P_{сб}$= 1,3291 $\upsilon_г^2$ + 11,04 $\upsilon_г$ – 75,205 (R² = 0,9996) (13)

$\sum S_{акт}$=0,229 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,414 $\upsilon_г^2$+ 13,352 $\upsilon_г$ – 90,285 (R² = 0,9999) (14)

$\sum S_{акт}$=0,268 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,656 $\upsilon_г^2$+ 19,122 $\upsilon_г$ – 125,05 (R² = 0,9993) (15)

$d_ш$=3 мм ва $\rho_г$ =1,88 кг/м^3–const бўлганда;

$\sum S_{акт}$=0,202 м^2; $\Delta P_{сб}$= 1,7131 $\upsilon_г^2$ – 1,601 $\upsilon_г$ + 6,6182 (R² = 0,9997) (16)

$\sum S_{акт}$=0,229 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,825 $\upsilon_г^2$ – 1,0224 $\upsilon_г$ + 1,2864 (R² =0,9999) (17)

$\sum S_{акт}$=0,268 м^2; $\Delta P_{сб}$ = 1,8382 $\upsilon_г^2$+ 14,992 $\upsilon_г$ – 91,37 (R² = 0,9999) (18)

Гидравлик қаршиликни аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалардан шундай хулосага келиш мумкинки, фильтрловчи тўрли материал юзасида ҳосил бўладиган суюқлик плёнкасининг қалинлашиши ва актив юзанинг кўпайиши ҳисобига плёнка мустахкамланади. Бу эса ўз навбатида гидравлик қаршиликнинг ортишига сабаб бўлади. Бундан ташқари қурилмага берилаётган газ тезлиги ва зичлигининг ўзгариши ҳам гидравлик қаршиликка сезиларли даражада таъсир кўрсатар экан. Гидравлик қаршиликнинг ортиши натижасида тозалаш самарадорлиги яхшиланади, лекин чангли газни тозалашга сарфланадиган енергия истемоли кўпаяди. Шу боис гидравлик қаршиликнинг минимал қийматларида юқори тозалаш самарадорлигига эришиш муҳим масала ҳисобланади.



8-расм.



9-расм.



10-расм.

8-9-расмлар. Тозалаш самарадорлиги η нинг қаршилик коэффициенти $\xi_{ум}$ га боғлиқлиги

8-расм.$d_ш$=1 мм; 9-расм.$d_ш$=2 мм;
10-расм.$d_ш$=3 мм;

Иккинчи босқичда гидравлик қаршиликнинг тозалаш самарадорлигига таъсири тадқиқ этилди. Танланган чанг наъмуналари қурилма вентеляторининг (16) чангли газни сўрувчи потрубкасига ўрнатилган шнекли таъминлагич (17) орқали миқдорлаб узатилиб қурилманинг тозалаш самарадорлиги ўзгарувчи омиллирнинг турли параметрлари учун аниқланди. Тажрибаларини ўтказиш учун ўзгарувчи омилларнинг қийматлари газ тезлиги 7 м/с÷35 м/с гача ўзгартирилди ва оралиқ қадам 4 м/с ортиб борди, фильтрловчи материал актив юзаси $\sum S_{акт}$=0,268 м^2, $\sum S_{акт}$=0,229 м^2 ва $\sum S_{акт}$=0,202 м^2 гача, роторнинг айланишлар частотаси тажриба учун ўртача қийматда 25 айл/мин, газ зичлиги селитра чанги ва газ аралашмаси учун 1,82 кг/м^3 ва аммофос чанги ва газ аралашмаси учун 1,88 кг/м^3 ва экспериментал тадқиқотларда майдаланган заррачаларнинг ўртача медиан ўлчамини селитра чанги учун δ_{50}=0,917 мкм ва аммофос чанги учун эса δ_{50}=1,5 мкм деб қабул қилинди. Тажрибаларни ўтказишда ташқи муҳит таъсири ҳисобга олиниб сув ва газ тизими учун ҳарорат 20°C±2 танланди.Тозалаш самарадорлигини аниқлашда ПА-40М лаборатория жиҳозидан фойдаланилди.

Ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар кўп опилли эканлиги инобатга олиниб, гидравлик қаршиликнинг қуйи ва юқори юкламалари учун тозалаш самарадорлиги аниқланди ва оралиқ қийматлардаги ўзгариш нуқталари тахлил қилинди. Тозалаш самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган умумий тажриба натижалари 8-10-расмларда келтирилган.

Олинган тажриба натижалари шуни кўрсатдики танланган чанг наъмуналарининг ўртача медиан ўлчамидаги фарқ тозалаш самарадорлигига таъсир кўрсатар экан. Қурилмага чангли газни кириш тезлиги 18,79÷23,8 м/с оралиғида бўлганда, гидравлик

қаршилик мақбул қийматда ва тозалаш самарадорлиги ПДК талабларидан юқори бўлар экан.

Қурилманинг тозалаш самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалардан олинган натижалардан шундай хулоса қилиш мумкинки қурилмада қаршилик коэффициентининг энг катта қийматида ξ=2,6 намуна учун танланган changларни тозалаш самарадорлиги қурилманинг энг кичик гидравлик қаршилигида аммофос changи учун $\eta_{РФА}$=96,4%ни, селитра changи учун эса $\eta_{РФА}$=97,2% ни, қурилмадаги энг катта гидравлик қаршилигида эса Аммофос changи $\eta_{РФА}$=99,4% селитра changи учун $\eta_{РФА}$=99,7% ни ташкил этмоқда. Графиклардан кўринадики аммофос changига нисбатан селитра changини тозалаш самарадорлиги юқори бўлиб бунга chang намуналарининг ўртача медиан ўлчамларидаги фарқлар сабабини кўрсатиш мумкин. Қурилмани саноат вариантини лойиҳалашда саноат корхоналаридан чиқаётган changларнинг медиан ўлчамини эътиборга олиш тавсия этилади.

АДАБИЁТ

1. B.O. Andersen, N.F.Nielsen, J.H. Walthe. Numerical and experimental study of pulse-jet cleaning in fabric filters // Powder Technology. – Netherlands, 2016. – 291, – pp. 284-298.

2. Hassan Ali. Improvement of centrifugal wet scrubber design through laboratory experimentation and computational fluid dynamics. Diss. … PhD. – Queensland, 2017. 227 p.

3. Патент. РФ 451451 Роторный пылеуловитель / А.Ф. Сарокопуд, Н.М. Горячкина, И.Е. Бельдяев // Б.И. – 2013. – № 23.

4. Патент. РФ 451451 Устройства для макрой очистка газов от пыли / Б.Я.Кругляк, В.А.Мамонтовский, И.А.Палов, И.Я.Кругляк//Б.И.–2014.–№ 26.

5. Исомидинов А.С., Тожиев Р.Ж., Каримов И.Т. Ҳўл усулда changли газларни тозаловчи роторли қурилма // Фарғона политехника институтининг илмий-техник журнали. – Фарғона, 2018. – №1. – Б. 195–198.

6. Исомидинов А.С. Chang намуналарини танлаш ва уларнинг дисперс таркибини анализ қилиш // Global science and innovations 2019: Central Asia. V-Международной научно-практической конференции. – Астана, 2019. – С. 264-268.

7. Исомидинов А.С., Каримов И.Т., Тожиев Р.Ж. Changли ҳавони тозаловчи ротор-фильтрли қурилма фильтрловчи тўрли материалининг актив ва пассив юзаларини аниқлаш // Актуальные проблемы внедрения инновационной техники и технологий на предприятиях по производству строительных материалов, химической промышленности и в смежных отраслях. I-Международной научно-практической конференции. – Фергана, 2019. – Б. 429-431.

8. Исомидинов А.С., Каримов И.Т., Тожиев Р.Ж. Ротор фильтрли chang тозалаш қурилмасига берилаётган суюқлик сарфини тажрибавий аниқлаш // Замонавий ишлаб чиқаришнинг иш самарадорлиги ва энерго-ресурс тежамкорлигини ошириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман. – Андижон, 2018. – Б. 424-428.

ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛОВЧИ СКРУББЕРНИНГ ГИДРАВЛИК ҚАРШИЛИГИ ВА ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

А.С.Исомидинов - кат.ўқ., Б.М.Ализафаров - асс., А.О.Хошимов магистрант,
Isomiddinov1985@mail.ru
Фарғона политехника институти

Маърузада саноат иккиламчи ташлама газларини ювиб тозловчи скруббернинг гидравлик қаршилиги ва тозалаш самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари келтирилган. Қурилманинг ишчи органларидаги гидравлик қаршилик ва қаршилик коэффициентларини аниқлаш тенгламаси тавсия эитлган.

Калит сўзлар: *гидравлик қаршилик, сёмник, йўналтирувчи қувир, конуссимон тиқин, панжарали насадка, қаршилик коэффиценти,ташлама газ, газ оқимининг кучи.*

В докладе представлены научно-исследовательские работы, определению гидравлического сопротивления и эффективности очистки промышленного вторичного скруббера отработавших газов. Рекомендуется уравнение для определения коэффициентов гидравлического сопротивления и сопротивления в рабочих органах устройства.

Ключевые слова: *гидравлическое сопротивление, сёмник, направляющая труба, коническая пробка, решетчатое сопло, коэффициент сопротивления, выхлопной газ, сила потока газа.*

The article presents the research work carried out on the determination of the hydraulic resistance and cleaning efficiency of the industrial secondary exhaust gas scrubber. The equation for determining the hydraulic resistance and resistance coefficients in the working bodies of the device is recommended.

Keywords: *hydraulic resistance, syomnik, guide pipe, conical plug, grid nozzle, resistance coefficient, exhaust gas, gas flow strength.*

Дунё миқёсида атмосферани иккиламчи ташлама газлар билан ифлосланишига қарши технологик жараён ҳамда қурилмалар ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилинган. Шу билан бирга озиқ-овқат, кимё ва бошқа саноатларда ҳосил бўладиган иккиламчи ташлама газларни тозалаш орқали экологик муаммоларни ҳал қилиш ва улардан қайта фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим ахамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа саноат тармоқларидаги иккиламчи ташлама газларни интенсив тозалаш каби устивор йўналишларда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [1,2,3 ва бошқалар]. Мамлакатимизда ҳам охириги йилларда шу соҳга оид жараён ва қурилмаларни яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилган [4,5 ва бошқалар]. Бироқ инсоннинг табиий ва сунъий йўллар билан олинадиган маҳсулотларга бўлган талабининг кундан кунга ўсиб бориши натижасида, саноат корхоналари янги ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва шу билан бир қаторда атроф–муҳитнинг ифлосланиш кўламининг тезлашиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боис экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги, хусусан «саноатни юқори технологияли тозалаш иншоатлари билан таъминлаш»[1]га қаратилган вазифаларда белгилаб берилган кам энергия сарфлаб

юқори нейтраллаш имконини берувчи қурилмаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш масаласи долзарбдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб саноат иккиламчи газларини ишчи суюқлик ичида айланма харакат асосида тарқатиб интенцив тозаловчи скруббернинг замонавий конструктив схемаси ҳамда лаборатория қурилмаси ишлаб чиқилди [6] (1-расм).

Қурилмада тозаланадиган иккиламчи ташлама газ потрубка 6 бўйлаб газ тезлигини оширб йўналтирувчи қувир 8 га ўтади. Қувир 8 нинг ўрта қисмида газ тезлигини максимал қийматга кўтарувчи конуссимон мослама 9 ўрнатилган бўлиб, у ўз навбатида қувир 8 ҳамда газни суюқлик ичида узатувчи сёмник 2 ни ўзаро боғлаб туради. Сёмник 2 нинг газни узатувчи қувири сони 4 та бўлиб уларнинг оралиқ градуслари 90^0 да жойлашган. Узатувчи қувирларга умумий тешиклар очилган бўлиб, тозаланадиган газ шу тешиклар орқали суюқлик мухитига ўтади хамда суюқлик ичида массаламашинув жараёнида бўлади. Тозаланадиган газ суюуқлик мухитига ўтиш пайтида сёмникни суюқлик ичи бўйлаб айланма харакатга келтиради ва газ суюқликнинг тўла ички юзасида харакатланишини таъминлайди. Массаламашинув жараёнини яхшилаш ва тозаланадиган газни суюқлик мухитида кўпроқ вақт давомида ушлаб туриш учун аппарат танасининг юқори қисмига решеткали насадка 4 ўрнатилган. Тозаланган газ аппарат танасининг юқори қисмига ўрнатилган потрубка 3 орқали атмосферага чиқариб юборилади. Аппарат ичидаги шламли сувни доимий алмаштириб туриш учун шлам қувири 10 хамда суюуқлик қувири 5 хизмат қилади. Аппаратда сёмник ва узатувчи қувирни суюқлик ичида харакати узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ростловчи қурилма 7 дан фойдаланилади.



1-Скруббер корпуси; 2- Иккиламчи газни тарқатувчи сёмник; 3-Тозаланган газ чиқувчи потрубка; 4- Панжарали насадка; 5-Суюқликни узатувчи қувир; 6-Тозаланадиган газ қувири; 7-Тиргак; 8-Йўналтирувчи қувир; 9- Газни йўналтирувчи конуссимон тиқин; 10-Суюқлик шлами.

1-расм. Газларни суюқлик ичида айланма харакат асосида узатиб тозаловчи скруббер схемаси.

Қурилма гидравлик қаршилигининг тозалаш самарадорлигига таъсирини баҳолаш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Иккиламчи ташлама газларни нейтралловчи қурилмаларда газ тезлигига қурилманинг ишчи органларида таъсир қиладиган юкламаларни тадқиқ этиш ва хисоблаш тенгламаларини тўғри тузиш муҳим ахамиятга эга. Бу ҳолат қурилманинг гидравлик қаршилиги, ишчи органлардаги қаршлик коэффиценти ва иш унумдорлигининг мақбул параметрларини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Қурилманинг ишчи органларида гидравлик қаршиликнинг ортиши тозалаш самарадорлигига яхши таъсир кўрсатсада, иш унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлади. Бу эс ўз навбатида тозалаш учун сарфланадиган энергия истеъмолини кўпайтиради. Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда қурилманинг конструктив схемасидан фойдаланиб гидравлик қаршилик ва тозалаш самарадорлигини аниқлашнинг оптимал методини кўриб чиқамиз.

Тадқиқ этилаётган скруббер иккиламчи газларни йўналтирувчи қувир (8) ва оқим энергияси таъсирида суюқлик муҳитида газ оқимига айланма бериб тарқатувчи сёмникдан (2) ташкил топган бўлиб, газ оқими қувирдаги харакати давомида, сёмникнинг йўналтирувчи тешигидан ўтганда ҳамда суюқлик муҳитидаги харакати давомида гидравлик қаршиликга учрайди. У ҳолда қурилманинг умумий гидравлик қаршилигини аниқловчи тенгламани қуйидагича тузиш мумкин бўлади,Па;

$$\Delta P_{ум} = P_{йк} + P_{тс} + P_{с} \text{,Па} \tag{1}$$

бунда $P_{йк}$ - иккиламчи газларни йўналтирувчи қувурдаги ҳаракати давомида йўқотилган босими бўлиб, у Дарси-Вейсбаха тенгламаси ёрдамида аниқланади [7]. У ҳолда тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин бўлади, Па;

$$P_{йк} = \xi_{йк} \frac{\rho_{ар} \cdot \upsilon^2_{йк}}{2} \text{,Па} \tag{2}$$

бунда $\upsilon_{йк}$- иккиламчи газнинг йўналтирувчи қувурдаги тезлиги, м/с; $\xi_{йк}$-йўналтирувчи қувирнинг маҳаллий қаршилик коэффиценти бўлиб уни қуйидаги тенглама бўйича аниқланади;

$$\xi_{йк} = \lambda \frac{l}{d_э} \tag{3}$$

бунда l-қувур узунлиги, м; $d_э$ -қувурнинг эквивалент диаметри, м; λ-Дарси коэффиценти бўлиб унинг ўзгариш қонунини эмперик тенгламалар билан ифодалашда жуда кўп омилларга боғлиқлиги аниқланган. Тажриба қурилмасининг тузилишидан келиб чиқиб тенгламадаги Дарси коэффицентини Блазиус қонуни бўйича аниқлаш киритилди [7]. У ҳолда (3) тенглама қуйидаги кўринишга келади;

$$\xi_{йк} = \frac{0{,}3164 l}{d_э \sqrt[4]{\mathrm{Re}}} \tag{4}$$

(2) тенгламага (4) тенгламани қўйсанг, у ҳолда (2) тенглама қуйидаги кўринишга келади, Па.

$$P_{йк} = \frac{0{,}3164 l \rho_{ар} \upsilon^2{}_{йк}}{2d_э \sqrt[4]{\mathrm{Re}}}, \text{Па} \qquad (5)$$

$P_{тс}$- газ оқимини тарқатувчи сёмникнинг йўналтирувчи тешигидан ўтгандаги йўқотилган босими бўлиб у қуйидаги тенглама орқали аниқланади, Па;

$$P_{тс} = \xi_{тс} \frac{\rho_{ар} \cdot \upsilon^2{}_{тс}}{2}, \text{Па} \qquad (6)$$

бунда $\upsilon_{тс}$- газ оқимининг сёмник тешигидан оқиб чиқишдаги тезлиги, м/с; $\xi_{тс}$-сёмник тешигининг қаршилик коэффиценти бўлиб, уни Б.А.Алиматов ва И.Т.Каримовларнинг қувур тешиги қаршилик коэффициентининг қувур тешиги қалинлигининг тешик диаметрига нисбатига боғлиқ ҳолда ўзгариши бўйича ўтказган тажриба усулидан фойдаланиб аниқлаймиз [8]. У ҳолда ҳисоблаш тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин бўлади;

$$\xi_{тс} = \frac{\delta}{d_т} \qquad (7)$$

бунда δ-сёмник тешигининг қалинлиги, мм; $d_т$-сёмник тешигининг диаметри,мм

(6) тенгламага (7) тенгламани қўйсанг, у ҳолда (6) тенглама қуйидаги кўринишга келади, Па.

$$P_{тс} = \frac{\delta \cdot \rho_{ар} \cdot \upsilon^2{}_{тс}}{2d_т}, \text{Па} \qquad (8)$$

$P_{тс}$- газ оқимининг суюқлик муҳитидан ўтгандаги йўқотилган босими бўлиб у қуйидаги тенглама орқали аниқланади, Па;

$$P_c = \xi_c \frac{\rho_{ар} \cdot \upsilon^2{}_c}{2}, \text{Па} \qquad (9)$$

бунда υ_c- газ оқимининг суюқлик муҳитидан ўтгандаги йўқотилган тезлиги, м/с; ξ_c-ишчи суюқликнинг газ оқимига кўрсатадиган қаршилик коэффиценти бўлиб, уни фақатгина тажриба йўли билан аниқланади.

$\rho_{ар}$-иккиламчи газ ва ҳаво аралашмаси зичлиги бўлиб, уни қуйидаги тенглама орқали аниқланади. кг/м^3;

$$\rho_{ар} = \rho_x + (\rho_г \cdot \gamma), \qquad (10)$$

бунда $\rho_г$ – иккиламчи газ зичлиги, кг/м^3; ρ_x – ҳаво зичлиги, кг/м^3; γ – хаво таркибидаги иккиламчи газ миқдори, %.

(5) тенгламага (8) ва (9) тенгламаларни (1) тенгламага қўйсак қуйидаги кўринишга келади.

$$\Delta P_{ум} = \rho_{ар}\left(\frac{0{,}3164 l \upsilon^2{}_{йк}}{2d_э \sqrt[4]{\mathrm{Re}}} + \frac{\delta \upsilon^2{}_{тс}}{2d_т} + \frac{\xi_c \upsilon^2{}_c}{2}\right), \text{Па} \qquad (10)$$

Ҳосил қилинган (10) тенглама орқали қурилмадаги умумий гидравлик қаршиликни аниқлаш имконига эга бўламиз.

(9) тенгламадаги қаршилик коэффициентини ξ_c аниқлаш мурракаб характерга эга ва турли четга чиқишларни талаб этади. Шу сабабли қаршилик коэффициентини сёмникнинг

газ оқими кучи таъсирида очиқ циклдаги ва суюқлик ичидаги айланишлар сонининг нисбати орқали аниқлаш тенгламасини киритамиз.

$$\xi_c = \frac{n_{хб}}{n_{сб}}, \qquad (11)$$

бунда $n_{хб}$ – сёмникнинг табиий ҳаво босими таъсиридаги айланишлар сони, мартта/минут; $n_{сб}$ – сёмникнинг сув босими таъсиридаги айланишлар сони, мартта/минут;

Ушбу тенгламадан кўринадики сув босими ёки қовушқоқлигининг ортиши қаршилик коэффицентининг кўпайишига сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган омилларга асосланиб (10) тенгламага ўзгартириш киритиб, қурилманинг умумий гидравлик қаршилигини қуйидагича аниқлаш мумкин бўлади, Па.

$$\Delta P_{ум} = \rho_{ар}\left(\frac{0{,}3164 l \upsilon^2{}_{йк}}{2d_э \sqrt[4]{\mathrm{Re}}} + \frac{\delta \upsilon^2{}_{тс}}{2d_т} + \frac{n_{хб}\upsilon^2{}_c}{2n_{сб}}\right), \text{Па} \qquad (12)$$

Иккиламчи ташлама газларни ювиб тозаловчи қурилмаларнинг тозалаш самарадорлиги жараённи амалга ошириш учун сарфланган энергия орқали аниқланади. K.T.Semraунинг тадқиқот ишидан маълумки, тозалаш самарадорлиги қурилманинг гидравлик қаршилигига боғлиқ бўлиб, қурилма ўлчами ва конструкциясига боғлиқ эмас. Бунда умумий энергия сарфи суюқлик ёрдамида чангли газларни тозалашга сарфланиши зарур [9].

Таклиф этилган қурилмада ҳам энергия сарфи қурилманинг иккиламчи ташлама газ кириш ва чиқиш қисми, форсункалари, суюқлик ёрдамида газни ювиш, насос ва вентиляторлардаги ишқаланиш ҳисобига сарфланган энергияни ўз ичига олади.

Қурилмада суюқлик ва газ оқимини қурилмадан ўтишида ишқаланишига сарфланган аниқ энергия миқдорини ҳисоблаш мураккаб жараён бўлганлиги сабабли, K.T.Semraунинг тадқиқот ишидан фойдаланиб умумий энергия сарфини қуйидаги тенглама орқали ҳисоблашни киритамиз. Ҳисоблашнинг ушбу услуби конструкцияси ва иш принципи турлича бўлган газларни тозалаш қурилмаларига қўлланилганда ±10% хатолик беради. Қурилманинг уммий энергия сарфи қуйидаги тенглама бўйича аниқланади, кЖ/1000м^3;

$$K_c = \Delta P_{ум} + \Delta P_{кб}\frac{V_{сую}}{V_{газ}} + \frac{N_c}{V_{газ}}, \qquad (13)$$

бунда ΔP_c –қурилманинг гидравлик қаршилиги, Па; $\Delta P_{кб}$ – суюқликнинг қовушқоқлигига боғлиқ бўлган босим, Па; $V_{сую}$ – суюқликнинг ҳажмий сарфи, м^3; $V_{газ}$ –газнинг ҳажмий сарфи, м^3; N_c –суюқлик ва газни узатиш учун сарфланадиган қувват, Вт;

Газларни тозалаш самарадорлиги ва энергия сарфи ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади, %;

$$\eta_{РФА} = 1 - e^{ВК^X_{РФА}}, \qquad (14)$$

бунда B ва x – ўзгармас сон бўлиб, у чангнинг дисперс таркиби бўйича тажриба йўли билан аниқланади.

Тозалаш самарадорлигининг аниқ қийматини белгилаш учун η_c модда ўтказиш сони орқали ифодаланади. Модда ўтказиш сони қуйидаги тенглама бўйича аниқланади;

$$N_м = \ln\left(\frac{1}{1-\eta_c}\right). \qquad (15)$$

Тенгламада олинган сон қиймати 0,5÷10 оралиғида бўлганда аниқланган қиймат 1-жадвал бўйича таққосланади ҳамда қурилманинг тозалаш самарадорлиги белгиланади.

1-жадвал

Модда ўтказиш сонига боғлиқ ҳолда тозалаш самарадорлигини белгиланиши

Модда ўтказиш сони $N_м$	Тозалаш самарадорлиги η_c	Модда ўтказиш сони $N_м$	Тозалаш самарадорлиги η_c
0,5	39,35	4,0	98,17
1,0	63,21	6,0	99,752
2,0	86,47	10,0	99,9953

АДАБИЁТ

1.B.O. Andersen, N.F.Nielsen, J.H. Walthe. Numerical and experimental study of pulse-jet cleaning in fabric filters. Diss. PhD.: 06.10.2017y.203p.

2.Нечаева Е.С.Исследование основных характеристик роторного распылительного пылеуловителя. Дисс к.т.н. Кемерово – 2014, - 149 с.

3. Плотников К.Б. Исследование эффективности пылеулавливания и массоотдачи в роторном аппарате с внутренней циркуляцией жидкости. Дисс … канд. техн. наук. – Кемерово, 2014, – 150 с.

4. Нурмуҳамедов Ҳ.С., Темиров О.Ш., Туробжонов С.М., Юсупбеков Н.Р., Зокиров С.Г., Таджихужаев З.А. Газларни қайта ишлаш технологияси, жараён ва қурилмалари. – Тошкент: Шарқ, 2016. – 856 б.

5. Юсупбеков Н.Р., Нурмуҳамедов Ҳ.С., Зокиров С.Г. Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалари. – Тошкент: Фан ва технология-лар, 2015. – 848 б.

6. Исомидинов А.С., Тўйчиева Ш., Хошимов А., Абдуғоффоров Д. Чангли газларни тозаловчи скруббер // Global science and innovations 2019: Central Asia. V-Международной научно-практической конференции. – Астана, 2019. – С. 268-270.

7.К.Ш.Латипов. “Гидравлика, гидромашиналар ва гидроюритмалар” Тошкент, Ўқитувчи, 1992й.75-80 бетлар.

8.Каримов И.Т., Алиматов Б.А., Оғир суюқликни оқиб чиқиш тезлигини аниқлашда ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар тахлили // Фарғона политехника институтининг илмий-техника журнали, – Фарғона, 2019. – №4. – Б. 103–110.

9.Валдберг А.Ю., Николайкина Н.Е. Процесси и аппараты зашиты окружающей среды. Москва.: “Дрофа”, 2008.- 239стр.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ№4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

СУВНИ МАГНИТЛИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА АМАЛДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Х.Дж. Ачилов - Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таьминоти кафедраси ассистенти. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти Бухоро филиали

Сувни магнитли қайта ишлаш технологик жиҳатдан оддийлиг, тежамли ва экологик хавфсиз усул бўлиб. Ушбу мақолада Ushbu ma'ruzada сувни магнитли қайта ишлашнинг назарий ва амалда қўлланиладиган соҳалари ёритилган.

Магнитная очистка воды - технологически простой, экономичный и экологически безопасный метод. Эта доклад В данной докладе описываются теоретические и практические области магнитной обработки воды.

Magnetic water treatment is a technologically simple, economical and environmentally safe method. This article This article describes the theoretical and practical areas of magnetic processing of water.

***Таянч сўзлар**: Магнит майдон, сув, ион, қутб, гидрат, сув қозонлари, молекулалар*

***Ключевые слова**: Магнитное поле, вода, ион, полюс, гидрат, водогрейные котлы, молекулы.*

***Key words**: Magnetic field, water, ion, pole, hydrate, water boilers, molecules*

Магнит майдонининг сувга таъсири кўп факторли комплексли тавсифга эга ва у иш натижасида сув, гидратланган ионлар, унда эритилган ноорганик тузларнинг физико-химик хоссалари ва ҳаракати таснифининг ўзгаришида ўз аксини топади. Магнит майдонининг сувга таъсири вақтида эриш жараёни рақиб реакцияларининг бориши ҳисобига химик реакцияларнинг тезлиги ва эриган тузларнинг чўкиши ўзгаради, коллоид комплексларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалиши содир бўлади, кейинчалик тузларнинг седиментацияси ва кристаллизациясига олиб келувчи электрохимик коагуляция (ёпишиш ва чўкиш) яхшиланади.

Микробли софликнинг юқори даражаси талаб қилинувчи сантехник тизимларда сувни магнитли қайта ишлашда фойдаланиш учун магнит майдонининг бактерицид таъсирини кўрсатувчи ишончли маълумотлар бор.

Ҳозирги кунда магнит майдонининг сувга таъсири механизмини тушунтирувчи фаразлар (гипотезалар) бир-бирини тўлдирувчи учта - коллоидли, ионли ва сувли асосий гуруҳларга бўлинади.

Магнит майдонининг сув таснифига комплексли таъсири ва қаттиқлик тузларининг гидратланган катионлари, сувни магнитли қайта ишлаш учун, иссиқлик энергетикасида, саноатнинг қўшма тармоқларида, шу жумладан, сув тайёрлашда кенг истиқболларни очади.

Сувни магнитли қайта ишлаш саноатнинг кўплаб тармоқларида, қишлоқ хўжалигида ва медицинада кенг қўлланилади. Масалан, қурилишда цементни гидратация жараёнида магнитли сув билан қайта ишлаш цементнинг клинкер ташкил этувчиларининг сув билан қотиш вақтини қисқартиради, қаттиқ гидратларни ҳосил қилувчи майда кристаллик структура эса буюмларга катта мустаҳкамлик беради ва уларнинг атроф муҳитнинг агрессив таъсирларига чидамлилигини оширади.

Қишлоқ хўжалигида уруғларни беш соат мобайнида магнитланган сувда ивитиб қўйиш ҳосилдорликни сезиларли кўтаради. Магнитланган сув билан суғориш соя, кунгабоқар, помидор каби экинлар ҳосилдорлигини 15-20% га оширади.
Медицинада магнитланган сувнинг қўлланилиши буйрак конкрементларининг эришига бактерицид таъсир кўрсатади.

Магнитланган сувнинг биологик активлиги, магнитланган сувнинг катта структураланганлиги ҳисобига, ҳужайра тўқималари биологик мембраналарнинг ўтказувчанлиги билан боғлиқ, чунки магнит майдонлари ҳисобига диполни ҳосил қилувчи сув молекулалари магнит қутбларига нисбатан тартибланган ҳолда йўналган бўлади.

Сув тайёрлашда сувни юмшатишда фойдаланиладиган магнитли қайта ишлаш истиқболли, чунки магнитли қайта ишлашда, сувда қуйқа ҳосил қилувчи тузларнинг кристалланиш жараёнининг тезлашиши, кристаллизация жараёни ва кристаллар ўлчамининг кичрайиши ҳисобига сувда эриган Ca^{2+} ва Mg^{2+} ионлар концентрациясининг сезиларли камайишига олиб келади. Сувдан қийин чўкувчи қуйқаларни йўқотиш учун магнитланган сувнинг агрегатли барқарорлигини ўзгартириш ва бўлакчаларнинг коагуляция (ёпишиш ва чўкиш)ини тезлаштириш хоссасидан фойдаланилади. Бу хосса кичик дисперс қуйқаларни ҳосил қилишга, уларни йўқотиш эса сувни тозалашга олиб келади. Сувни магнитлаш сув станцияларида анча лойқа бўлган табиий сувларни тозалаш учун қўлланилади, худди шундай магнитли қайта ишлаш ифлосланган саноат сувларини тез ва самарали тозалашга ҳам имкон беради.

Сувни магнитли қайта ишлаш сувдан қуйқа ҳосил қилувчи тузлар тушишининг олдини олишга ёрдам берибгина қолмай, балки парафинга ўхшаган органик моддаларнинг тўпланишини ҳам анча камайтиради. Бундай қайта ишлаш нефт олувчи саноатда юқори парафинли нефтларни олишда ҳам фойдали экан, бунда, агар нефть таркибида сув бўлса, магнит майдонининг самарадорлиги ўсади.

Сув қозонлари буғ қувурларининг ички деворларида гидрокарбонатларнинг қаттиқ қуйқаларини (иситилганда CO_2 ни чиқариб, $CaCO_3$ ва $Mg(OH)_2$ га ажралувчи кальций $Ca(HCO_3)_2$ ва магний $Mg(HCO_3)_2$ тузлари, сульфат ($CaSO_4$, $MgSO_4$), хлорид ($MgSO_4$, $MgCl_2$) ва оз миқдорда кальций, магний ва темирнинг силикат (SiO_3^{2-}) тузлари) ҳосил қилишга мойил бўлган иссиқлик тарқатувчи қурилма ва тизималарда ҳам сувни магнитли қайта ишлаш самарали экан.

Юқори қаттиқлик сувни хўжалик-кунлик эҳтиёжлари учун яроқсиз қилади, иссиқлик алмашувчилар ва қувурларнинг карбонат, хлорид ва сульфат тузлари кўринишидаги қуйқаларидан ўз вақтида тозаламаслик эса қувурнинг ўтказиш диаметрини кичрайтиради, натижада гидравлик қаршилик ошади, бу эса, ўз навбатида, иссиқлик алмаштирувчи қурилма ишига акс таъсир кўрсатади. Қуйқанинг, сув иситувчи элементлар тайёрланган металлга нисбатан иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти жуда кичик бўлгани учун сувни иситишга жуда катта вақт сарфланади. Шунинг учун бундай сувда, вақт бориши билан сарфланаётган энергетик йўқотишлар иссиқлик алмаштирувчи қурилманинг ишини самарасиз ёки уни умуман амалга ошмайдиган қилиб қўяди.

Қуйқа ички қатламининг катта қалинлигида сув циркуляцияси бузилади, қозонли қурилмаларда бу ҳол металлнинг қизиб кетишига, оқибатда унинг бузилишига олиб келади.. Бу факторларнинг ҳаммаси таъмирлаш ишларини ўтказишга, қувурларни ва сантехник жиҳозларни алмаштиришга зарурият туғдиради, анчагина капитал маблағларни ва иссиқлик тарқатувчи аппаратураларни тозалаш учун қўшимча пул сарфларини талаб

қилади. Умуман айтганда, сувни магнитли қайта ишлаш пўлат қувурлар ва жиҳозлар коррозиясини 30-50% га камайтиришга олиб келади, бунинг натижасида эса иссиқлик тарқатувчи жиҳозлар, сув ва буғ қувурларининг эксплуатация муддатини оширишга ва уларнинг авария ҳолатларини анча пасайтиришга имкон беради.

Сувни анъанавий – ионли алмаштириш билан юмшатиш усулига нисбатан уни магнитли қайта ишлаш технологик жиҳатдан оддий, тежамли ва экологик хавфсиз. Магнит майдони билан қайта ишланган сув инсон саломатлиги учун зарарли оқибатларга олиб келмайди, сувнинг ичишга яроқлилик хоссасини сақлаб туриб, унинг тузли таркибини ўзгартирмайди. Бошқа метод ва технологиялардан фойдаланиш моддий харажатларни кўтариш ва сувни тайёрлаш жараёнида ишлатилган химик реагентларни (кўпинча кислоталар) йўқотиш муаммолари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда, кўпинча, қўшимча моддий харажатлар қилишга, иссиқлик аппаратураларининг иш режимларини ўзгартиришга, қайта ишланаётган сувнинг тузли таркибини ўзгартирувчи махсус химик реагентлардан ва бошқалардан фойдаланишга тўғри келади. Сувнинг ионли юмшатувчиларида, катионирлашдан кейин натрий хлорид (NaCl) эритмаси билан регенериланувчи Na^+ - ионитлар ишлатилади. Бу атроф муҳит учун, таркибида кўп миқдорда натрий тузларига эга бўлган ювувчи сувларни йўқотиш зарурияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни туғдиради. Сув, шунингдек, тескари осмотик мембранали фильтрлар ёрдамида ҳам юмшатилади. Бу усул эса сувнинг кўп тузларини йўқотишига олиб келади, қолаверса, бу усулдан мембраналарнинг юқори баҳоси ва уларнинг ишлаш ресурсларининг чекланганлиги туфайли кам фойдаланилади.

Сувни магнитли қайта ишлаш юқорида санаб ўтилган камчиликлардан холи ва кальций-карбонатли сувларни қайта ишлашда самарали. Иссиқлик энергетикасида сувни магнитли қайта ишлашни қўллаш соҳаси буғ қозонлари, иссиқлик алмаштиргичлар, бойлерлар, компрессорли жиҳозлар, двигателларни ва генераторларни совутиш тизимлари, буғ генераторлари, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш тармоқлари, марказий иситиш тизимлари, қувурлар ва бошқа иссиқлик алмаштириш жиҳозларини қамраб олади. Саноатнинг кўплаб тармоқларида магнитли сувни қайта ишлашдан фойдаланишнинг мазкур анъаналари ва уларнинг истиқболларини эътиборга олиб, сувни қаттиқ қилувчи тузлардан имкон қадар тозалаш ва уларнинг ишлаш ресурсини кўтариш мақсадида, сувни магнитли қайта ишлаш аппаратлари ишининг юқори самарадорлигига эришиш учун, ҳозирги кунда, сувни магнитли қайта ишлаш технологияларини мукаммаллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Хулоса

Бу иш асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

сувни магнитли қайта ишлашда сувнинг ўзига, механик аралашмаларга, қуйқа ҳосил қилувчи тузлар ва сувда содир бўлаётган эриш ва кристалланишнинг физик-химик жараёнларига таъсири амалга ошади;

магнитли қайта ишланган сувда ионлар гидратациясида, тузларнинг эрувчанлигида, pH қийматларида ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу ҳол химик реакцияларнинг ва коррозия жараёнлари тезлигининг ўзгаришида намоён бўлади.

Шундай қилиб, сувни тайёрлашда сувни юмшатиш учун қўлланилаётган магнитли қайта ишлаш, физик табиати ва қўлланилиш соҳасини ўрганиш эндигина бошланаётган, кўплаб ҳамроҳ физик-химик таъсирларни чақирувчи истиқболли, динамик ривожланаётган замонавий йўналишдир. Ҳозир саноатда иссиқлик энергетикаси ва сувни

қайта ишлашда ўзининг кенг қўлланилишини топаётган сувни магнитли қайта ишловчи доимий ва электромагнитли ҳар хил аппаратлар ишлаб чиқарилаябди. Сувни анъанавий – ионли алмаштириш ва тескари осмос ёрдамида юмшатиш усулига нисбатан сувни магнитли қайта ишлашнинг технологик жиҳатдан оддийлиги, тежамлилиги ва экологик хавфсизлиги унинг, шубҳасиз, афзал томонларидир. Бундан ташқари сувни магнитли қайта ишлаш қандайдир бир химик реактивлар бўлишини талаб қилмайди, шунинг учун у экологик тозадир.

Сувни магнитли қайта ишлаш аппаратларининг ҳамма афзал томонларига қарамасдан, амалда магнит майдонининг самарадорлиги кўпинча эксплуатациянинг фақат биринчи даврида намоён бўлади, кейин эса самара секин-асталик билан пасайиб боради. Сувнинг магнит хоссаларини йўқотиш ҳодисаси релаксация дейилади. Шунинг учун иссиқлик тармоқларида, ичимлик сувини магнитлашдан ташқари, кўпинча, тизимда ҳаракатланувчи ҳамма сувни қайта ишловчи антирелаксацион контур деб аталувчи усул билан ишлаш зарурдир.

АДАБИЁТ

1. Андреев И.С., Х.К. Арипов, Ж.Т. Махсудов, Ш.Б. Рахматов. Полупроводниковые приборы многослойной структуры. Транзисторы и тиристоры. Част 1: Учебное пособие. — Т.: ТЭИС, 1994. 164 с.
2. Андреев И.С. , Х.К. Арипов, Ж.Т. Махсудов, Ш.Б. Рахматов. Полупроводниковые приборы многослойной структуры. Транзисторы и тиристоры. Част 2: Учебное пособие. — Т.: ТЭИС, 1994. 98 с
3. Избосаров Б.Ф., Камолов И.Р. Магнетизм. — Т.: «Алоқачи» Нашрёти.

NOAN'ANAVIY VA QAYTA TIKLANUVCHI ENERGIYA MANBALARIDAN FOYDALANIB ELEKTR TA'MINOTIDAGI ISHONCHLILIKNI OSHIRISH

Х.Дж. Ачилов - Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таьминоти кафедраси ассистенти. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти Бухоро филиали

Qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanib energiya tejash ya'ni quyosh energiyasini suyuqlik - bug' yordamida elektr energiyasiga aylantirish sxemasi berilgan.

Существует схема энергосбережения с использованием возобновляемых источников энергии, то есть преобразование солнечной энергии в электричество с использованием паров жидкости.

There is an energy-saving scheme using renewable energy sources, that is, the conversion of solar energy into electricity using liquid vapor.

Tayanch so'zlar: *Soat, quyosh, fotoelektr, ana'naviy usul, kondensator, elektrostansiya, geliostat*

Ключевые слова: *Часы, солнечные, фотоэлектрические, традиционный метод, конденсатор, электростанция, гелиостат*

Key words: *Clock, solar, photovoltaic, traditional method, capacitor, power plant, heliostat*

Hozirgi kunda mamlakatimizning Samarqand viloyatida 400 gektar maydonga quvvati 100 000 MVt ga teng quyosh elektrostansiyasi uchun Osiyo taraqqiyot bankining investitsiyalari kiritildi va qurilish ishlari boshlab yuborildi. Kichik quvvatli quyosh energetik qurilmalaridan respublikamizning barcha burchaklarida foydalanilmoqda.

Quyosh energiyasidan foydalanishni hisoblashda asosan, quyosh nurining 1m^2 maydonga berayotgan energiya miqdori hisobga olinadi.

Koinotning atmosfera qatlamidan yuqori qismiga tushayotgan quyosh radiatsiyasining energiyasi 1,395 kVt/m^2 ni tashkil qiladi va bu miqdor quyosh doimiysi deb ataladi. Ammo bu miqdor er yuzasiga etib kelguncha har xil qarshiliklarga uchraydi hamda yilning fasli va hisob qilinayotgan hududning kengligiga nisbatan uning miqdori o‘zgarib turadi. Masalan, Yer yuzasiga tushadigan quyosh nurlarining o‘rtacha intensivligi:

Evropa mamlakatlarida – 2 kVt soat/m^2;

Tropik va Osiyo mamlakatlarida – 6 kVt soat/m^2 ga teng.

O‘zbekiston Respublikasi serquyosh mamlakatlardan hisoblanadi. Bir yilda o‘rtacha:

300 kun quyoshli kun hisoblanadi; 2980÷3130 soat temperaturaning o‘rtacha mikdori +42^0 S ni, kunning uzunligi 14-16 soatni tashkil kiladi (1-rasm); cho‘l rayonlarida temperatura + 70^0 S gacha ko‘tariladi; har bir m^2 maydonda 1 yilda 1900-2000 kVt gacha quyosh radiatsiyasi hosil bo‘lishi mumkin.

1-rasmda O‘zbekiston Respublikasida hududning kengligi va yilning fasliga nisbatan kunning yorug‘ vaqti ko‘rsatilgan. Rasmda O‘zbekiston Respublikasi hududning 16 hamda 21 kengliklarida kunning yorug‘lik davri 16-17 soatni tashkil qilishi ko‘rinib turibdi.



1-rasm. O‘zbekiston Respublikasida hududning kengligi va yilning fasliga nisbatan kunning yorug‘ vaqti.

Quyosh energiyasidan ikki xil usulda elektro energiya ishlab chiqarish mumkin.

1. Ana’naviy usulda – suyuqlikni isitish va hosil bo‘lgan bug‘ni issiqlik turbinasiga uzatish orqali.

2. Fotoelektr usulida.

Ana’naviy usulda quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantirish uchun (2-rasm) quyosh energiyasini yig‘ib oluvchi geliostatlarning-1 energiyasi suvga to‘ldirilgan bug‘ qozoniga-2 yo‘naltiriladi. Hosil bo‘lgan bug‘, generatorni-4 harakatga keltirub ish

bajargan bug‘ kondensatorga-5, bug‘ni suvga aylantiruvchi moslamaga uzatiladi. Kondensatordan chiqqan suyuqlik yana quyosh geliostatlariga uzatiladi va shu tariqa jarayon davom etadi. 2-rasmda quyosh energiyasini suyuqlik - bug‘ yordamida elektr energiyasiga aylantirish sxemasi berilgan.

Fotoelektr usulda elektr energiyasi ishlab chiqarish. Ma’lumki quyosh nurini eletromagnit to‘lqinlari deb qarash mumkin. Kvant nazariyasiga asosan, elektromagnit to‘lqinlariga nol massali elementar zarrachalar - fotonlar deb qaraladi. Quyosh energiyasini fotoelektrik energiyaga kayta aylantirish asosida1887 yilda Gers tomonidan yaratilgan, yoruglik fotonlaring ba’zi bir metallarning elektronlari bilan kirishuvi natijasida elektronlar ma’lum miqdordagi energiyaga ega buladilar. Mana shu energiyadan foydalangan holda quyosh energiyasidan to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektroenergiya olish mumkin. Bu jarayonga fotoeffekt hodisasi deyiladi.



2-rasm. Quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantirish sxemasi:

1-geliostatlar; 2- qozon; 3-turbina; 4- generator; 5- kondesator (bug‘ni suvga aylantiruvchi qurilma).

Yo'l profilini o'lchash birinchi marta 1900 yillarning boshlarida boshlangan va ular yo'lnining profile bilan transport vositalarining harakatlanish tezligi aniqlangan . Yo'l profil ma'lumotlarini qo'lga kiritishning bir qancha yechimlari ,jismoniy holda yoki lazer asosida o'lchash va kameraga asoslangan texnikalarda foydalanish taklif qilingan. Sanoatda mashhur bo'lgan ish tartibi bu samarali yo'l profiliga hisoblash uchun g'ildirak kuchini o'zgartirgichlardan foydalanish , ammo bu juda qimmat va to'xtatib turish ishiga ta'sir etadigan darajada og'ir, va bu hisoblash ususlu uzoq vaqt talab etadi. Yana bir tahliliy yondashuv - bu dinamik model va "Kuzatuvchi" - bu modeldagi davlatlarni haqiqiy holatlarga o'tishga majburlashga urinadigan raqamli usul; qarang [4-7].

Har xil turdagi profilometrlar bilan yo'llarning xizmatga yaroqliligi, ko'zdan kechirish va ekspluatatsiya qilish maqsadida ko'plab tadqiqotlar o'tkazildgan. Birinchilardan General Motors Reseach(GMR) Laboratories tomonidan 1964-yilda inersial profilometr bilan o'tkazilgan tadqiqotlar taklif qilingan (2-rasm) [1, 5].

2-rasm GMR profilometer

Ushbu profilometrda akselerometr joylashtirilgan sinov vositasining tanasi inersial ma'lumotnomani yaratish uchun ishlatiladi. Kontaktsiz yorug'lik yoki akustik sensor masalan, lazer transduseri akselerometr va qoplama orasidagi masofani o'lchash uchun ishlatiladi.

Ushbu vositaning bo'ylama masofasi odatda avtomobil tezligini o'lchash moslamasidan olinadi. Yo'lning taxminiy profilini balandlik sensori chiqishi va transport vositasi tanasining mutlaq harakati orasidagi farqdan olish mumkin . Hozirgi inertial profilchilar faqat yo'l profilini o'lchashlari va yozishlari mumkin ma'lum tezliklar, masalan, soatiga 16 dan 112 km

gacha. Bundan tashqari, ushbu usul sensorning joylashuviga juda bog'liq chunki asbob va yo'l



o'rtasidagi vizual aloqani ta'minlash qiyin.

Boshqa bir misol, yo'l profilini o'lchash uchun Fransiyaning Yo'l va ko'priklar markaziy laboratoriyasi tomonidan ishlab chiqilgan lazerli sensor o'rnatilgan bo'ylama profil analizatori (LPA), 3-rasmda ko'rsatilganidek.

3-rasm.Bo'ylama profilanalizator.

Ushbu tizim olish uchun mashina tomonidan doimiy tezlikda tortib olinadigan bitta yoki ikkita



bitta g'ildirakli treylerlardan foydalaniladi o'lchangan ma'lumotlar. Yo'l profiliga to'g'ridan-to'g'ri bog'lanadigan sezgir g'ildirakni bog'laydigan tebranuvchi nur shassi to'xtatib turish va damping tizimiga ega. Vertikal harakatlar a bilan o'lchanadi inersial mayatnik bilan bog'liq bo'lgan burilish o'zgarishi. Olingan o'lchovlarga ehtiyoj bor yo'l profilini baholash uchun qayta ishlanadi. Cheklov shundan iboratki, ushbu qurilma oddiy yo'lovchilar avtomashinalarida birlashtirilishi mumkin emas. Ushbu vosita ba'zida noxolis yoki buzilgan choralarni ham keltirib chiqaradi [4,8]

Adabiyotlar:

1.Vladan Ilic Relationship between road roughness and vehicle speed.Xalqaro konfirensiya.2015-yil.

2. Greene.M, Akbarian "Pavement roughness and fuel consumption". 2013/

3. Cox, J.B.: Effect of Road Surface condition on Vehicle Operating Costs in Australia: Literature Review and Fleet Database Analysis. Report to AUSTROADS. Symonds Travers Morgan Pty Ltd., 1996, Melbourne, Australia.

4. H. Imine, Y. Delanne, and N. M'Sirdi, "Road profile input estimation in vehicle dynamics simulation," *Vehicle System Dynamics*, vol. 44, no. 4, pp. 285–303, 2006.

5. A. Rabhi *et al.*, "Second order sliding mode observer for estimation of road profile," in *Proc of Workshop on Variable Structure Systems (VSS)*. IEEE, 2006.

6. R. McCann and S. Nguyen, "System identification for a model-based observer of a road roughness profiler," in *Proc of Region 5 Technical Conference*. IEEE, 2007.

7. H. Imine and Y. Delanne, “Triangular observers for road profiles inputs estimation and vehicle dynamics analysis,” in *International Conference on Robotics and Automation (ICRA)*. IEEE, 2005.
8. M. Doumiati *et al.*, “Estimation of road profile for vehicle dynamics motion: experimental validation,” in *Ameri can Control Conference (ACC)*. IEEE, 2011.
9. A.Muxitdinov, O.Adilov va boshqalar «Avtomobilning ekspluatasiyaviy xususiyatlar nazariyasi» o‘quv qo‘llanma. TAYLQEI, 2013 y.- 148 b.

ПАХТАНИ КАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИДА ЧИГИТНИНГ ШИКАСТЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Э.Т. Мухаметшина - Енгил саноат технологияси кафедраси асситенти,
И.З. Аббасов - Енгил саноат технологияси кафедраси доценти,
Р.М. Мурадов – Енгил саноат технологияси кафедраси профессори, т.ф.д..
Жиззах политехника институти

Аннотация. *Ушбу мақолада муаллифлар пахтани қайта ишлаш технологик жараёнида чигитнинг шикастланиш даражасини аниқлашни таҳлил қилиш билан бирга, энг кўп чигит шикастланиши содир бўладиган технологик жараёнлар ҳамда уларни авзалликлари ва камчиликлари келтирилган.*

Калит сўз. *Пахта, чигит, пневмотранспорт, шикастланиш, технологик жараён, жин, линтер.*

Аннотация. *В данной докладе авторы наряду с анализированием степени повреждения семян в технологическом процессе обработки хлопка, приводят также технологические процессы, вызывающие наибольшее повреждение семян, а также их преимущества и недостатки.*

Ключевые слова. *Хлопок, семена, пневмотранспорт, повреждённость, технологический процесс, джин, линтер.*

Annotation. *In this article, the authors analyze the process of determining the degree of damage to the seed in the technological process of cotton processing, as well as the technological processes that cause the most seed damage, as well as their advantages and disadvantages.*

Keywords. *Cotton, seeds, pneumatic transport, damage, technological process, gin, linter.*

Жаҳон андозаларига мос келадиган, юқори сифатли тола ишлаб чиқариш пахтани қайта ишлаш соҳаси мутахассислари ва олимлари олдига мавжуд техника ва технологияни такомиллаштиришдек муҳим вазифани қўймоқда [1, 18]. Ўз навбатида, йигирув ва тўқувчилик ускуналарининг такомиллашиш даражаси тобора ортиб бораётганлиги ҳам пахта толасининг сифатига катта эътибор қаратилишини талаб этмоқда.

Пахтани дастлабки ишлаш бир қатор технологик жараёнлардан иборат бўлиб (жойлаштириш, сақлаш, ташиш, қуритиш, тозалаш, тола ажратиш ва бошқалар), у ўзига хос технологик занжирни ташкил этади. Бу занжирдаги ҳар бир жиҳознинг иш унуми ва сифати ундан олдинги машиналарнинг кўрсаткичлари ва иш сифатига чамбарчас боғлиқдир. Мана шу ҳолатни инобатга олган ҳолда, пахта маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларига уни қайта

ишловчи технологик занжирдаги ҳар бир жиҳознинг таъсири катта, деган хулоса қилиш мумкин.

Пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнида чигитни шикастланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки чигит шикастланиш натижасида толанинг сифатига таъсир қилувчи турли хил нуқсонлар ҳосил бўлади.

А.Бурхонов томонидан ўтказилган тадқиқотларида пахтани дастлабки қайта ишлаш технологик жараёнида линтер машинасигача сони 5 та нуқтада пахтадан намуна олиб чигитнинг шикастланишини текшириб кўрган.

Энг катта чигитнинг шикастланиши жин билан линтер машинасида бешинчи ва саккизинчи нуқталарда 2,5÷3% ҳосил бўлган. Ғарамлар жин машинасигача бўлган бешта нуқтада чигитнинг шикастлаиш 1,5% ни ташкил қилган Шунда 1,0÷1,2% биринчи ва учинчи нуқталарда, яъни пахтани қувурларда ҳаво ёрдамида ташувчи қурилмада бўлишини кўрсатган (1-расм).



1-Расм. Пахта тозалаш корхоналарида хом ашёни қайта ишлаш технологик жараён схемаси
I-VIII намуна олган нуқталар

I – VIII намуна олган нуқталар

игит

ı бу



2-расм. Пахтани қайта ишлаш технологик жараёнида чигит шикастланиш графиги

Бундан пахтани қайта ишлаш технологик жараёнида чигит шикастланишини юз бериши жин машинасидан кейин олинидиган толанинг сифатига таъсир қилади. Бу эса толаларни юқорри синфда сотилиш имконини бермайди, бу ўз навбатида пахта тозалаш корхоналари иқтисодий кўрсатгичининг тушиб кетишига олиб келади.

Пахта тозалаш корхонаси ҳудуди ва цехлари пахтани дастлабки ишлаш жараёнида хомашё ва тайёр махсулотни жойдан-жойга етказиш учун ҳар хил транспорт воситаларидан фойдаланилади. Бунда ғарамлар ва корхона омборларидан цехларга ҳамда бир цехдан иккинчисига пахтани ташишда ишлатиладиган транспорт тури механик ва ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма бўлиши мумкин. Механик транспорт турига қараганда ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма бир қанча устунликка эгадир.

Механик турдаги линталлар ёрдамида пахтани ғарамлардан цехларга ташиш анча мураккаброқ булади. Ҳаво ёрдамида ташувчи қурилмани кенг қўлланишининг асосий сабаби унинг ишончли ишлаши, пахтани ташишда материалнинг минимал даражада нобуд бўлиши, қурилманинг ихчамлиги, унинг механик ташиш воситалари учун ноқулай ва тор бўлган жойларда ишлатиш имкони борлиги, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашнинг осонлигидадир. Бундан ташқари пахтани ҳаво оқими ёрдамида ташиш пахтанинг титилишига ва маълум бир миқдорда намлигининг йўқолишига ёрдам беради. Шунингдек пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида пахтани майда ифлос аралашмалар ва чанглардан дастлабки тозалаш таъминланади.

Ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма ўзининг бир қатор афзалликларига эга эканлиги сабабли пахта тозалаш саноатида ҳам ундан кенг фойдаланилади.

Ҳаво ёрдамида ташувчи қурилмалар бошқа қурилмалардан ишлатилишининг оддийлиги, бошқаришнинг осонлиги, ташиш жараёнларини автоматлаштириш имконияти борлиги билан ҳам фарқ қилади.

Пахтани ҳаво ёрдамида ташувчи қурилманинг камчилиги - ташилаётган пахтада чигит шикастланиши ва электро энергиянинг кўп сарф бўлишидир. Ҳозирда ҳаво ёрдамида ташувчи қурилмалар чигит ва ишлаб чиқариш чиқитларини ташиш ва юклаш-туширишни механизациялаш ишлари учун ҳам ишлатилмоқда.

Пахта ташиш учун ишлатиладиган ҳаво ёрдамида ташувчи қурилмаларини қуйидаги белгиларга асосан классификациялаш мумкин:

Ўрнатилиш жойи ва ишлатилишига қараб ҳаво ёрдамида ташувчи қурилмалар корхона ичида, цех орасида ва цех ичида ўрнатиладиган турларга бўлинади [2,3, 270, 328].

Пахта тозалаш корхоналарида пахтани ташиш учун асосан сўрувчи типдаги ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма қўлланилади (3-расм).

У қуйидаги асосий ишчи элементлардан ташкил топган: қувурга пахта механик узатувчи ускуна (1) воситасида берилади, у ишчи қувур (2) бўйлаб ҳаво ёрдамида ташилади, пахта оғир аралашмалардан тоштутгич (3) да ажратилади ва сепаратор (4) га келиб тушади. Ифлосланган ҳаво эса сўрувчи ҳаво ўтказгич (5), қувурларда босим ҳосил қилувчи марказдан қочма вентилятор (6), чиқарувчи ҳаво ўтказгич (7) орқали циклон (8) га ва чанг камераси (9) га узатилади. Улар ўз навбатида ҳавони атмосферага чиқаришдан олдин чангдан тозаланишини таъминлайди.



3-расм. Пахта тозлаш корхоналаридаги ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма
1-қувурга пахта механик узатувчи ускуна; 2-ишчи қувур; 3- тоштутгич;
4- сепаратор 5-сўрувчи ҳаво ўтказгич 6- вентилятор; 7-чиқарувчи ҳаво ўтказгич; 8-чанг ушлагич; 9-чанг камераси (I – пахта ғарами, II – ишлаб чиқариш цехи).

Ҳаво ёрдамида ташувчи қурилманинг ишлаш тамойили шундан иборатки, босимлар фарқи туфайли хосил бўлувчи оқим остида атмосфера ҳавоси ўзи билан бирга ташилаётган материални эргаштириб қувурга сўради. Қувур ичида пахта ҳаво билан ҳаракатланиб, сепараторга етиб келади. Сепаратор эса материални ташувчи ҳаводан ажратади ва технологик жиҳозга узатади [4, 28].

Сўрувчи ҳаво ёрдамида ташувчи қурилманинг афзаллик томони - ишчи қувур тизимини пахта тозалаш корхоналарининг ғарамлар сақланадиган майдонлари жойлашишига қараб қийинчиликларсиз, осонлик билан ўзгартириш имкони борлигида, унинг узунлигини бошланғич қувурларга қўшимча қувурларни улаш орқали узайтириш мумкинлигидадир. Ҳаво ёрдамида ташувчи қурилманинг ишлаб чиқариш унумдорлиги пахта тозалаш корхонасининг ишлаб чиқариш қувватига боғлиқ. Бир батареяли илғор пахта тозалаш корхонаси учун у соатига 10 тоннани ташкил қилади.

Пахта тайёрлаш суръатининг ўсиши, пахтани қайта ишлаш саноати олдига ишлаб чиқариш кувватларини ошириш, ускуналарнинг унумдорлигини кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш вазифасини қўймоқда. Бу вазифалар ижроси, ҳудудда ўрнатиладиган ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма ишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Чунки, у тўғридан-тўғри пахта тозалаш корхонасининг узлуксиз технологик жараёнига қўшилиб, унинг дастлабки ва иш суръатини белгилаб берувчи муҳим қисми бўлиб ҳисобланади.

Пахта тайёрлаш ҳажмининг ортиши, корхоналар худудининг кенгайишига ва ундаги ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма тармоғи узунлигининг ортишига, баъзи ҳолларда узунлиги 200 м ва ундан кўпроқ бўлишига олиб келди. Битта ҳаво ёрдамида ташувчи қурилманинг ВЦ-12М вентилятори хизмат кўрсатган ҳолдаги ҳаракат радиуси 100-110 метрдан ошмаганлиги сабабли, пахтани жуда узоқ жойлардан ташиш одатда, қўшимча қўзғалувчан ҳаво ёрдамида ташувчи қурилмаларини кетма-кетликда улаш йўли билан амалга оширилади [5, 22].

Пахта тозалаш корхонаси технологик жараёнида ташиш учун сўрувчи типдаги ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма кўпроқ тарқалган. Ҳаддан юқори тезлик режимида ташиш пайтида пахтанинг қувур ичидаги тезлиги 20÷25 м/с га етади, шу тезликда у қувур деворларига урилади, ишқаланади, қувурнинг бурилиш жойлари, тоштутгич ва сепаратор ички

деворларига урилади [6,7, 6,9]. Бу эса сўзсиз пахтанинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир қилади. Ваҳоланки, пахта сифатининг сақланишини таъминлаш, яъни пахта чигитининг шикастланиши ва толада технологик нуқсонлар пайдо бўлишига йўл қўймасликнинг шартларидан бири - ҳаво ёрдамида ташиш учун оптимал режимни танлашдир.

Ушбу мақолада муаллифлар пахтани қайта ишлаш технологик жараёнида чигитнинг шикастланиш даражасини аниқлаш масаласини атрофлича таҳлил қилиш билан бирга, энг кўп чигит шикастланиши содир бўладиган пневмотранспорт қурилмасининг ишлашига алоҳида тўхталди.

Пахтани ҳаво билан ташувчи қурилманинг классификациясига эътибор қаратган ҳолда пневмотранспорт қурилмаси ва унинг асосий элементларининг ижобий томонларини, камчиликларини кўрсатиб берди.

Кейинги ишларимизда пахтани қайта ишлаш технологик жараёнида чигит шикастланиш мумкин бўлган жойларда, уни камайтириш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

АДАБИЁТ

1 А.Бурханов, “Совершенствование рабочих элементов пневмотранспортной системы с целью сохранения природных свойств семян перерабатываемого хлопка”, диссертация к.т.н. Ташкент 1987-159 с

2. Р.Мурадов “Пахтани ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма самарадорлигини ошириш асослари ” монография, “Наманган” нашриёти 2015-270 б

3. Г.Жаббаров ва бошқалар “Чигитли пахтани дастлабки ишлаш технологияси” дарслик, Тошкент, Ўқитувчи 1987-328 б

4. Abbazov, IZ (2019) “Chang havo tarkibidan tolali chiqindilarni ajratib olish uskunasini chang ushlashga ta’siri” Paxta tolasini toza tozalashning yo'llari, O'zbekiston To'qimachilik jurnali: № 3, - T: 28-36

5. M.Xodjiev, I.Abbazov, B.Mardonov, O.Sarimsakov Effective Cleaning of Cotton Waste Produced at Cotton Cleaning Factories // American Association for Science and Technology ISSN: 2375-3803. Volume-5, Issur-2 (2017) –pp. 22-28.

6. Р.Файзиев, Х.Азимов “Исследование повреждаемости семян при пневмотранспортировке хлопка-сырца”, Ж. Хлопковая промышленность, 1976, №2 6-7 с

7. Р.Корабельников и др.”Теоретическое изучение зависимости поврежденность семен от скорости рабочих оргонов хлопкоочистительных машин”, Сборник научных трудов, ТИТЛП 1989. С-6-14

ҚАТТИҚ ЖИСМЛАР ФИЗИКАСИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ ҲАҚИДА

Э.Қ.Қаландаров ТДПУ, ЎзПФИТИ докторанти (DSc)

Аннотация. *Маърузада умумий ўрта таълим мактабларида қаттиқ жисмлар физикасини ўқитишда фанлараро боғланишнинг аҳамияти ва роли таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар. *Қаттиқ жисм, физика, интеграция, таълим, ўқитиш методикаси.*

Аннотация. *В докладе анализируется значение и роль междисциплинарного общения в преподавании физики твердого тела в общеобразовательных школах.*

Ключевые слова. *Твердое тело, физика, интеграция, обучение, методы обучения*

Summary. *The article analyzes the significance and role of interdisciplinary communication in the teaching of solid state physics in secondary schools.*
Keywords. *Solid state, physics, integration, training, teaching methods.*

Узлуксиз таълим жараёнида фанлараро боғланишни тўғри йўлга қўйиш ва ундан моҳирлик билан фойдаланиш талаба ва ўқувчиларнинг билимга бўлган эҳтиёжини янада орттиради, ўқув фаолиятини ривожлантиради, физик дунёқарашини кенгайтиради.
Шунингдек, қаттиқ жисм физикасини ўқитиш жараёнида кимёвий ва биологик ҳодисалар, жараёнлар ҳамда қонуниятлардан фойдаланиш ўқувчиларда биофизик, физик кимё тушунчаларни шакллантириш, табиий фанлар юзасидан олган билимларининг пухта бўлиши, уларнинг чуқур ўзлаштирилишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда жаҳондаги етук педагог олимлар умумтаълим фанлардан интегратив билимларга эга бўлган ёшларни тарбиялаб вояга етказиш зарурлигини таъкидламоқда. Шу сабабдан 100 дан ортиқ ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг таълим тизимида ёшларга интеграциялашган таълим бериш асос қилиб олинган. Сўнги йилларда ўқитиладиган фанлар ўртасидаги фанлараро боғланишни интеграция атамаси билан юритиш одат тусига айланиб бормоқда.

Интеграция – лотинча «integratio» сўзидан олинган бўлиб, тўлиқ, яхлит, бир бутун деган маъноларни билдиради. Табиий фанлар жумласига кирувчи физика, кимё ва биология фанларининг шиддат билан жадал ривожланиши, улар ўртасида интеграллашган фанларнинг вужудга келиши, узлуксиз таълим тизими турларида ўқитиладиган физика ўқув фанининг аосий бўғини бўлган қаттиқ жисмлар физикаси мазмунини ҳам интеграллашни тақозо этмоқда. [1, 56]

Бунинг учун таълим берувчи ўқитувчилар юқорида қайд этилган фанларнинг ривожланишидаги энг сўнгги ютуқлар, уларнинг фан ва техника, халқ хўжалиги ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаб етиши зарур ҳамда уларни таълим олувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, билим захираларига мос ҳолда дидактик қайта ишлаши ва мавзуларнинг мазмунига киритиш йўлларини топиб белгилаши лозим бўлади. [2, 12]
Физика фанини ва унинг бўлимларини ёки қаттиқ жисмлар физикасини ўқитишда табиий фанларни интеграциялаш, яъни фанлараро боғланишни амалга ошириш таълим - тарбия жараёнининг муҳим дидактик шарти бўлиб, у қуйидаги вазифаларни бажаради:
1. Ўқувчилар учун асосий билим манбаи бўлган ўқув материалининг илмийлиги изчиллиги ва узвийлига, бошқа табиий фанлардан ўзлаштирилган тушунчаларнинг дидактик боғлиқлигини таъминлайди.
2. Таълим олувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришга ва мазкур фанларга бўлган қизиқиш ортади ҳамда ақлий ривожланиш тезлиги ошади.
3. Таълим тизимида табиий фанларни интеграллаш, яъни ўқитишда фанлараро боғланишни боқичма босқич ва изчил амалга ошириш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришга имкон яратади.

Таълим – тарбия жараёнида ўқитиладиган ўқув фанларини интеграциялаш, яъни фанлараро боғланишни амалга ошириш муаммоси ҳозирги кунда ҳам ўз ахамиятини йўқотмасдан жуда кўп тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Педагог олимларнинг илмий тадқиқот ишларидан фойдаланиб қаттиқ жисмлар физикасини фанлараро боғлаб ўқитишни қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин.

а) Объектга доир интеграцияда бир объектнинг турли фанлардаги тимсоллари бир мавзу, бўлим ёки курсларга киритилади. Масалан, қаттиқ жисмларнинг тузилишига оид мавзулари физика ва кимё фанларида ўқитилиши бир-бирини тўлдириши таъминланади.
б) Қаттиқ жисмларга оид тушунчаларга оид интеграцияда умумий тушунчалар, мазмунни очиб берадиган мавзу ёки курсларни қамраб олиниши зарур. Бунга қаттиқ жисмларнинг иссиқлик ёки термодинамик хоссаларига тегишли тушунчаларни ўргатишда табиий фанлар билан боғлаш мақсадга мувофиқдир.
в) Ўқитишда қўлланиладиган назарияга оид интеграцияда физика ва кимёдаги назариялар умумий ҳолатда ўрганилади. Буларга қаттиқ жисмлар турларига оид мавзулар масалан полимерлар ва уларнинг тузилиши, ҳосил бўлишини тушунтиришда умумий қонун ва назариялардан фойдаланиш тавсия этилади.
г) Таълим дарсларидаги методологик интеграцияда илмий билишнинг алоҳида методларига оид интеграцияни амалга ошириш кўзда тутилади.
д) Фанни ўқитишда муаммоли интеграцияда фанлараро муаммолар қамраб олинади ва ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилади. Қаттиқ жисмлар физикасининг муаммолари табиий фанлар билан чамбарчас боғлиқлиги ўқувчиларга тушунтирилади.
е) Ўқитиш фаолиятига оид интеграцияда муаммони ҳал этиш юзасидан мунозара ўтказиш, кичик гуруҳларда ишлаш, фанлараро тадбирлар режасини тузиш, лойиҳалар тайёрлаш кабилар кўзда тутилади.
с) Таълим жараёнида амалий интеграцияда аҳамиятга молик бўлган жараёнлар асосида техник маҳсулотларни яратишни ўрганиш назарда тутилади.

Қаттиқ жисмлар физикасини бошқа табиий фанлар билан боғлаб интеграциялаб ўқитиш, дарс жараёнида фанлараро алоқадорликни самарали амалга ошириш ўқувчиларда табиий фанларга нисбатан қизиқишини янада орттиради.

АДАБИЁТ

1. Хуррамов Ш.,Норбўтаев Х. “Биологияни фанлараро ўқитишда асинхрон (горизонтал) боғланиш” //Замонавий таълим. 2015. №4.-Б.-50 – 55.
2. Жўраев Х.О. Интеграциялашган медиатаълим тизимини яратишда муқобил энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш. // Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 2019

ОПРЕДЕЛЕНИЕ КАЧЕСТВО ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ МИКРОСЕТЯХ С ВОЗОБНОВЛЯЕМЫМИ ИСТОЧНИКАМИ ЭНЕРГИИ

М.Р. Каюмова[1] , Г.Т. Бадалова[1], Ж.О. Иззатиллаев[2]
[1]Ташкентский химико – технологический институт, Узбекистан,100011, Ташкент, ул.Навои 32, *munojatr1983@gmail.com*
[2]Физико-технический институт НПО «Физика-Солнце» АН РУз,Узбекистан
e-mail: *izzatillaev.jurabek@gmail.com*

Аннотация. *Маърузада ETAP дастуридан (Electrical Transient Analyzer Program) фойдаланиб, қайта тикланадиган энергия манбаларига эга автоном микроэлектр тармоқларда электр энергиянинг сифатини аниқлаш (кучланиш ўзгариши ва электр энергия йўқотишлари) масалалари муҳокама қилинади. Моделда электр энергиясининг*

манбалари: фотоволтаик, микрогидроэлектр станциялари, шамол ва бошқа турдаги станциялар, шунингдек асосий электр тармоғи. ETAP дастуридан фойдаланиб танланган микроэлектр тармоқ схемаси режимлари бўйича турли хил тажрибалар ўтказилди ва улар асосида натижалар олинди.

Калит сўзлар: *микроэлектр тармоқ, тармоқ режимлари, ETAP, қуёш фотоэлектрик станцияси, шамол электр станцияси, микрогидроэлектростанция, қувват.*

Аннотация. *В докладе рассматриваются вопросы определения качество электроэнергии (изменения напряжения и потери электроэнергии) в автономном микросетях с возобновляемыми источниками энергии путём использования программного обеспечения ETAP (Electrical Transient Analyzer Program). В модели источниками электрической энергии считаются: фотоэлектрические, микрогидроэлектростанции, ветровые и другие типы станций, а также магистральная электрическая сеть. С использованием программного обеспечения ETAP проведены различные опыты для режимов выбранной схемы микросети и получены их результаты.*

Ключевые слова*: микросети, режимы сетей, ETAP, солнечная фотоэлектрическая станция, ветровая электростанция, микрогидроэлектростанция, мощность.*

Abstract. *The article discusses the issues of determining the quality of electricity (voltage changes and energy losses) in autonomous microgrids with renewable energy sources using ETAP software (Electrical Transient Analyzer Program). In the model, the sources of electrical energy are: photovoltaic, microhydroelectric power stations, wind and other types of stations, as well as the main electric network. Using ETAP software, various experiments were carried out for the modes of the selected microgrid scheme and their results were obtained.*

Keywords: *microgrids, network modes, ETAP, solar photovoltaic station, wind power station, microhydroelectric power station, power.*

Предлагается новая платформа моделирования технологий микросетей на основе ВИЭ с помощью специальных программ анализа определения потоков электрической энергии (ETAP, Simulink, PSCAD, DIgsilentPowerFactory и др.). Эти интегрированные программные комплексы обладают возможностями для проведения расчётов при проектировании, а также для эффективной эксплуатации электроэнергетических систем и планирования режимов электрической сети.

ETAP - комплексная аналитическая платформа для проектирования, моделирования, эксплуатации и автоматизации генерирующих, распределительных и промышленных электроэнергетических систем. ETAP разработан в соответствии с установленными требованиями и используется во всем мире как высокоэффективное программное обеспечение. Являясь полностью интегрированным решением для энергетических предприятий, ETAP позволяет эффективно управлять энергосистемами в режиме реального времени с возможностью мониторинга, моделирования, автоматизации и оптимизации работы энергосистемы.

В работе, в качестве примера используется низковольтная электрическая сеть 0,4 кВ, включающая в фотоэлектрические батареи, микрогидроэлектростанции и генераторы ветровых турбин. Имеется возможность вводить различные системные параметры, в том числе статические и динамические компоненты. Кроме этого, имеется возможность узнать больше о результатах моделирования с помощью анализатора и функции просмотра предупреждений на интерфейсе отображения результатов.

Микросети вызвали существенный интерес учёных-исследователей, а в последнее время-привлекли также внимание широкой общественности. Микросети предложены в качестве современной архитектуры распределённых сетей для того, чтобы в полной мере воспользоваться интеграцией всего спектра ВИЭ на основе современной технологии интеллектуальных сетей.

Во-первых, концепция микросеть (Microgrid) была введена в исследовательских работах R.H. Lasseter. Концепция, структура, работа и управление микросетейописаны в работах [1].Микросеть определяется как «группа взаимосвязанных нагрузок и распределённые энергетические ресурсы в чётко определённых электрических границах, которые действуют как единый контролируемый объект по отношению к сети. Электрическаямикросеть может работать параллельно с электросетью крупной энергетической системы, параллельно с соседними микросетями или в автономном режиме. Микросети имеют три явных преимущества: *во-первых* - помогают максимизировать оперативную эффективность и, следовательно, снижение общей стоимости системы. *Во-вторых*, могут выполнять требования отказоустойчивости и поддерживать качество обслуживания во время непредвиденных обстоятельств. *В-третьих*, снижают воздействие на окружающую среду за счёт сокращения выбросов парниковых газов.

В качестве инструмента компьютерного моделирования и обучения широко применяется программное обеспечение ETAP [2-4]. Например, с помощью ETAP имеется возможность проектировать промышленные электрические сети, исследовать последствия коротких замыканий и анализ потоков распределения электроэнергии [5]. В работе на основе ETAP представлена имитационная платформа для исследования микросетей, и представлена серия моделей современных компонентов энергосистем с микросетями (с возобновляемыми источниками энергии).

Предлагаемая платформа для моделирования микросетей. На рис.1 показано, что выбранная нами микросеть состоит из источников энергии (ВЭС (250 кВт), ФЭС (73 и 62 кВт) и мГЭС (150 кВт) и подключена к магистральной электрической сети 6 кВ, а также в мини системе в качестве потребителя предложены четыре разнотипных потребителя: с установленной мощностью 34 кВт (нагрузка 1), 170 кВт (нагрузка 2), 85 кВт (нагрузка 4) и 75 кВт (двигатель).

Выбранная схема микросетей используется для демонстрации анализа изменения напряжения в шинах и определения электрическое потери в автономном микросетей. Это также показывает полезность ETAP, как имитационной платформы для обучения.



Рис.1. Принципиальная схема автономной микросети (можносоединить к центральному электрическому сетью).

Библиотеки (база данных) ETAP предоставляют полный набор проверенных и подтверждённых данных, основанных на публикациях производителей оборудования. Таким образом, можно просто выбрать оборудование и использовать типичные значения конкретного оборудования для анализа без необходимости сбора дополнительных данных, что делает весь процесс моделирования более эффективным и удобным.

Отображение результатов. Направления и количество потоки мощностей всех ответвлений и напряжения на шине визуально показаны на однолинейной схеме системы с направлениями, показанными на рис.1. На рис.2 показан поток мощностей, когда микросетьнеинтегрирована в центральную электрическую сеть.



Рис. 2. Результаты анализа качество электроэнергии в автономном режиме (CB1 открыто).

Программой ETAP на схеме обозначаются красным и розовым цветом для указания элементов, которые находятся вне критического и предельного диапазона, соответственно. Полные результаты анализа потока мощности можно получить из анализатора данных потоков мощности.

Из итогового отчёта (табл.1) можно получить разные данные о потерях в ветви и др.

Таблица 1

Итоговый отчет о потерях ветви

ID ветви	Поток от-к-шине		Поток к-от-шины		Потери		% напр. шины		Ud % пад.
	кВт	кВАр	кВт	кВАр	кВт	кВАр	Из	В	в Uзнач.
T2	0.0	0.0	0.0	0.0			100.0	100.0	0.00
Cable10	-199.3	33.8	210.5	-28.8	11.2	5.0	98.7	103.7	5.01
Cable11	94.6	-139.0	-87.8	142.0	6.7	3.0	98.7	98.0	0.68
Cable13	-64.3	0.4	65.3	0.0	0.9	0.4	98.7	100.1	1.43
T4	-245.0	7.4	250.0	0.0	5.0	7.4	103.7	105.7	2.05
Cable6	-74.6	-242.1	81.7	245.3	7.1	3.2	98.0	100.0	2.00
Cable12	-250.0	0.0	250.0	0.0	0.0	0.0	105.7	105.8	0.02
					30.9	19.0			

Это исследование проводится для того, чтобы помочь планирование лучшей работы и контроля. Программное обеспечение ETAP для моделирования обеспечивает высокий уровень гибкости для специалистов, чтобы варьировать входные переменные, так что специалисты могут понять взаимодействие и эффект каждого элемента модели. Кроме того, множество аналитических инструментов помогут специалистом лучше понять

систему микросетей и выработать способность обнаруживать и оперативно устранять потенциальные неисправности.

Это платформа добавит ценность отраслевым инсайдерам, соединив новейшие технологии электросетей с их предыдущими техническими знаниями. Кроме того, программа может облегчить обмен идеями и инновациями в отрасли, включая разработку новых продуктов и применение технологий.Если на основе обобщенного отчета срочно не устранить выше указанное проблемы в критическое местах в микросетях могут появиться аварийные сбои (отключения).

ЛИТЕРАТУРА

[1] J.O. Izzatillaev, Z.E. Yusupov, “Short-term Load Forecasting in Grid-connected Microgrid”, 7th International Istanbul Smart Grids and Cities Congress 2019, Istanbul.25-26 April, pp. 71-75, 2019.https://ieeexplore.ieee.org/document/8782424.

[2] Lamar University, ELEN 3441 Lab 16: Introduction to ETAP, 2012 [Online]. *http://www.ee.lamar.edu/gleb/power/ELEN%203441%20SYL%20Spring%202009.pdf.*

[3] Ryerson University, 2012-2013 Undergraduate Calendar, Electrical engineering (EES, ELE)., 2012 *http://www.ryerson.ca/calendar/2012-2013/pg3180.html.*

[4] P. Idowu, Penn State University – Harrisburg, Power Systems Protection Laboratory through University –Industry Partnership, p. 6, 2012. *http://www.ece.umn.edu/groups/power/faculty_work-shops/Feb12_napa/Posters/Power_Systems_Protection_Laboratory_through_Uniersity_Industry_Partnership.pdf*.

[5] West Virginia University, Institute of Technology, 2013-2014 College Catalog, p. 213, 2013. *http://techregistrar.wvutech.edu/r/download/179715*.

ЭНЕРГОРЕСУРСОСБЕРЕЖЕНИЕ В СИСТЕМЕ СОБСТВЕННЫХ НУЖД ТЕПЛОЭЛЕКТРОСТАНЦИИ

А.М.Нажимова - ст.преп., Т.М.Юлдошов - студент, А.Д. Исмандияров
Каракалпакский государственный университет

Аннотация: *Маърузада Тахиаташ ТЭС нинг ўз эҳтиёжлари тизими электр юритмаларини ноиқтисодий ҳолатларда ишлашини асосий сабаблари кўрилган. Электр юритмаларнинг иш ҳолатини яхшилаш учун частотали ростлаш электр юритмалари тавсия этилади.*

Калит сўзлар: *электростанция, ўз эҳтиёж, электр юритма, ҳолат, двигател, исроф, актив қувват.*

Аннотация: *В данной докладе рассматривается основные причины неэкономичных режимов работы электроприводов в системе собственных нужд Тахиаташской ТЭС. В качестве улучшения режимов работы электроприводов, предлагается частотно-регулируемый электропривод.*

Ключевые слова: *электростанция, собственные нужды, электропривод, режим, двигатель, потерь, активная мощность.*

Abstract: *This article considers the principal causes of uneconomical operating modes of electric drives of own needs system of Tahiatash TPS. As improvement of operating modes of electric drives, the frequency-regulated electric drive is offered.*

Key words: *Power Plant, own needs, electric drive, mode, motor, loss, active power.*

Система собственных нужд электростанции - комплекс вспомогательного электрического оборудования электростанции, обеспечивающего бесперебойную работу её основных агрегатов. В состав собственные нужды электростанции входят: силовая и осветительная электросети станции, аккумуляторные установки, аварийные источники электропитания, электродвигатели всех механизмов - насосов (водяных, нефтяных, масляных и т.д.), вентиляторов дымососов, а на наиболее распространённых тепловых электростанциях - также механизмов разгрузки железнодорожных вагонов, подачи топлива, угледробления и пылеприготовления.

На электродвигателях в системы собственных нужд Тахиаташской ТЭС установлены асинхронные электродвигатели с короткозамкнутым ротором и электродвигатели постоянного тока, электродвигатели питаются от напряжения 6 и 0.4 кВ [1].

На сегодняшний день расход электроэнергии на собственные нужды составляет больше 10 %, хотя должно не превышать и 8 %. Основной причиной неэкономичных режимов работы механизмов собственных нужд и потерь топлива и электроэнергии являются переменные нагрузки ТЭС. Вследствие переменных режимов большинства энергоблоков ухудшается надежность эксплуатации и экономичность, как основного тепломеханического оборудования, так и механизмов системы собственных нужд (СН) - многочисленных насосных и вентиляторных установок и их приводных асинхронных двигателей.

Частые пуски и остановы энергоблоков, изменения их нагрузок сопровождаются потерями из-за неоптимальных режимов работы основного оборудования и механизмов в системы собственных нужд, вследствие необходимости дросселирования теплоносителей (пара, воды, воздуха, газов) [2-3].

Для улучшения режимов работы механизмов системы собственных нужд рассматриваются следующие мероприятия:

Обследование технического состояния электроприводов и средств автоматизации механизмов системы собственных нужд энергоблоков ТЭС для решения вопросов их дальнейшей эксплуатации или замены на электродвигатели новых серий, отвечающих требованиям энергетики.

Анализ режимов работы, реальных загрузок и условий эксплуатации электродвигателей механизмов системы собственных нужд энергоблоков ТЭС и разработка рекомендаций по совершенствованию методов их эксплуатации и повышению эксплуатационной надежности.

Экспериментальное исследование пусковых, нагрузочных и тепловых характеристик электроприводов и приводимых механизмов системы собственных нужд энергоблоков на месте установки на ТЭС.

Разработка рекомендаций по применению и освоению в эксплуатации современной пускозащитной аппаратуры электродвигателей.

Оценка возможности и целесообразности применения регулируемых электроприводов для конкретных механизмов системы собственных нужд энергоблоков на ТЭС и в тепловых сетях и разработка рекомендаций по их внедрению.
Организация технического аудита и для научно-обоснованного, для технического перевооружения энергоблоков ТЭС.

Следует отметить что, как энергоресурсосберегающая технология и средство экономичного регулирования производительности механизмов системы СН является частотно - регулируемый электропривод. Частотно- регулируемый электропривод- это один из эффективных инструментов улучшения топливоиспользования и снижения издержек при производстве и отпуске электрической и тепловой энергии, повышения надежности эксплуатации [3-4].

В области электроэнергетики применение регулируемого электропривода необходимо, в первую очередь, на тепловых электростанциях для питательных насосов, дымососов, дутьевых вентиляторов, сетевых и подпиточных насосов. Исследования специализированных организаций и опыт эксплуатации регулируемого электропривода показывают, что усреднённое значение коэффициента удельной экономии электроэнергии Кэ, учитывающий вклад 1 кВт установленной мощности регулируемого электропривода, для энергоблоков мощностью 150-300 МВт составляет порядка Кэ =1100-1200 кВт.час/год/кВт, что свидетельствует о высокой эффективности регулирования производительности указанных механизмов. Расчёты показывают, что оснащение регулируемым электроприводом всех тепловых энергоблоков единичной мощностью от 150 до 300 МВт, обеспечит, за счёт снижения расхода электроэнергии на собственные нужды, дополнительный отпуск электроэнергии потребителям.

Регулирование производительности механизмов системы СН изменением частоты их вращения позволяет обеспечить новые, существенно важные в эксплуатации ТЭС возможности: оптимизацию нагрева поверхностей парогенераторов при разгрузках энергоблоков за счет уменьшения температурных перекосов, что не только повышает надежность их работы, но и существенно увеличивает ресурс. исключение гидродинамических ударов в тепломеханической схеме энергоблоков в пусковых режимах и при других переходных процессах. экономичное прохождение энергоблоками режима «скользящих» параметров пара, что обеспечивает маневренность и высокую эффективность топливоиспользования в этом режиме [4].

ЛИТЕРАТУРА

1. Инструкция по обслуживанию и эксплуатации электродвигателей собственных нужд Тахиаташ ТЭС. 57 стр.
2. Хашимов А.А, Арипов Н.М «Частотно-регулируемый асинхронный электропривод шелкометания» Ташкент, ТГТУ, 2000 г. 92 стр.

3. Браславский, И.Я. Энергосберегающий асинхронный электропривод [Текст] / И.Я. Браславский, З.Ш. Ишматов, В.Н. Поляков; — М.: ACADEMA, 2004. — С. 33-34.

4.А.Т.Имомназаров., А.М.Нажимова. Частотно-регулируемый асинхронный электропривод питательного насоса Тахиаташский ТЭС. //Проблемы энерго и ресурсосбережения. Ташкент, 2014. № 4. С. 178-182.

ОБ ОПТИМИЗАЦИИ РЕЖИМОВ РАБОТЫ ТАХИАТАШСКОЙ ТЭС

К.М.Реймов - доц., Б.А.Узаков - асс., А.Д.Исмандияров студ., Т.М.Юлдошов- студ.
Каракалпакский государственный университет

Аннотация: *В докладе рассматриваются оптимизационные вопросы повышения эффективности режимов работы Тахиаташской ТЭС на основе двух критериев оптимизации.*

Ключевые слова: *теплоэлектростанция, режим, оптимизация, критерия, математическая модель, активная мощность, метод.*

Аннотация: *Маърузада Тахиаташ ИЭС ни оптималлаш масалалари яъни иш режимлари самарадорлигини ошириш учун оптималлаштиришнинг икки хил мезони кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *иссиқлик электростанция, ҳолат, оптимизация, мезон, математик модел, актив қувват, услуб.*

Annotation: *In article considered the optimum questions of increasing to efficiency state of modes Tahiatash TPS on base two criterions to optimization.*

Key words: *Thermal Power Station, mode, optimization, criterion, mathematical model, active power, method.*

В процессе развития энергетики непрерывно повышается экономичность энергетических предприятий, что выражается в снижении затрат на производство, передачу и распределение электрической энергии. Как и в большинстве других отраслей промышленности, повышение эффективности в энергетике достигается двумя путями.
Первый из них связан с совершенствованием вновь устанавливаемого оборудования в направлении снижения удельных расходов топлива на единицу выработанной энергии, что уменьшает топливную составляющую себестоимости. Второй путь - рациональная эксплуатация существующих установок, заключающаяся в выборе наивыгоднейшего состава работающего оборудования и наиболее благоприятном распределении нагрузки между работающими агрегатами [1].

Оптимизацию режимов работы станции рассмотрим на примере Тахиаташской ТЭС. Тахиаташская ТЭС – конденсационная станция мощностью 730 МВТ (два блока по 210 МВт и три агрегата по 100 МВт) с незначительным отпуском тепла потребителям. Число часов использования установленной мощности 5500-6000 ч/год, удельный расход топлива 0,428 кг/кВт·ч.

Основной причиной неэкономичных режимов работы станции и дополнительных расходов топлива являются переменные нагрузки ТЭС (рис. 1), а также износ электрического и теплового оборудования. Вследствие переменных режимов большинства энергоблоков ухудшается надежность эксплуатации, как основного оборудования, так и механизмов собственных нужд (СН) — многочисленных насосных и вентиляторных установок с приводами на асинхронных двигателях [2].



Рис.1. Суточный график выработки электроэнергии Тахиаташской ТЭС за 01.03.19

Рассмотрим вопросы, относящиеся к эксплуатационной задаче, т. е. к оптимизации режима работы электрической станции с целью получения максимальной экономической эффективности эксплуатации оборудования при полном удовлетворении спроса на электрическую энергию.

Основными из этих вопросов являются:

выбор наивыгоднейшего состава работающего оборудования; наивыгоднейшее распределение активной нагрузки между агрегатами.

Для решения этой задачи необходимо провести ряд расчетов для различных сочетаний работающих агрегатов и разных участков суточного или недельного графика нагрузки. Такая задача является многокритериальной.

Составим математическую модель оптимизации режима рассматриваемой станции, состоящую из двух критериев:

Целевые функции:

1) В качестве экономического критерия примем минимум расхода топлива на ТЭС:

$$I_1(N) = \sum_{i=1}^{5} B_i(N_i) = B_1(N_1) + B_2(N_2) + B_3(N_3) + B_4(N_4) + B_5(N_5) \to \min$$

2) В качестве критерия по надежности примем вероятность отказов оборудования в зависимости от его нагрузки:

$$I_2(N) = \sum_{i=1}^{5} P_i(N_i) = P_1(N_1) + P_2(N_2) + P_3(N_3) + P_4(N_4) + P_5(N_5) \to \min$$

Уравнения-связи (зависимость расхода топлива от выдаваемой мощности и зависимость вероятности отказов от величины нагрузки)

$B_i(N_i) = a_{0i} + a_{1i}N_i + a_{2i}N_i^2$

$P_i(N_i) = d_{0i} + d_{1i}N_i + d_{2i}N_i^2$

Ограничения:

автономные ограничения (ограничения-неравенства)

на допустимые пределы изменения мощности агрегатов станции вида:

$$N_i^{\min} \le N_i \le N_i^{\max};$$

на допустимые пределы по надёжности:

$P_i(N_i) \le$ А (лицо, принимающее решение, (ЛПР) выбирает допустимую вероятность отказа);

ограничения-связи (ограничения-равенства) на суммарную активную нагрузку станции, которая должна быть равна заданной N_C , вида:

$$N_C = \sum_{i=1}^{5} N_i = N_1 + N_2 + N_3 + N_4 + N_5$$

Задачу в такой постановке можно решать различными способами. Решим задачу методом субоптимизации [3], когда один из критериев принимается за главный, а другой переводится в разряд ограничения.

В качестве главного критерия выберем экономический критерий, а критерий по надёжности включим в задачу как ограничение:

$$I(N) = I_1(N) + C^T Ш = \sum_{i=1}^{5} B_i(N) + \sum_{j=1}^{3} C_j Ш_j \to \min_{N \in D},$$

где N – вектор оптимизируемых переменных; C - вектор весовых коэффициентов; $Ш$ - вектор штрафных функций.

Штрафные функции $Ш_j$ составляются в соответствии с ограничениями - равенствами и неравенствами следующим образом:

- по суммарной выработке электрической энергии $Ш_1 = \left| N_{\sum} - \sum_{i=1}^{n} N_i \right|$;

- по минимальным и максимальным мощностям агрегатов

$$Ш_2 = \sum_{i=1}^{n} (|v_i| + v_i), v_i = (N_i - N_i^{\min})(N_i - N_i^{\max});$$

- по критерию надежности - суммарной вероятности аварийных простоев

$$Ш_3 = \left| I_2(X) - I_2^{доп} \right| + \left(I_2(X) - I_2^{доп} \right) = \left| \sum_{i=1}^{n} P_i(N_i, T_i) - P_i^{доп} \right| + \left(\sum_{i=1}^{n} P_i(N_i, T_i) - P_i^{доп} \right).$$

Для оптимального решения поставленной задачи необходимо, чтобы сумма штрафных функций была равна нулю. Далее составляется модель решения на основе какого-либо метода оптимизации (Лагранжа, градиентного или др.) и осуществляется распределение N_C.

ЛИТЕРАТУРА

1. T.Sh.Gayibov., K.M.Reymov. Optimal planning of short-term modes of power systems with control of loads of electric consumers and taking into account of network factor// Scientific journal «European Science review». Austria, Vienna, 2017. - №9-10 September-October. PP. 86-91. ISSN 2310-5577.
2. Технические сведения о «Тахиаташской ТЭС». 29 стр.
3. Rakhmonov I.U., Reymov K.M. Mathematical Models and Algorithms of Optimal Load Management of Electricity Consumers. ENERGETIKA. Proceedings of CIS higher education institutions and power engineering associations. 2019;62(6):528-535. (In Russ.) https://doi.org/10.21122/1029-7448-2019-62-6-528-535.

ЭҲТИМОЛЛАР НАЗАРИЯСИ ТУШУНЧАЛАРИНИ ТАЛАБАЛАРГА ЕТКАЗИШДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Т.С. Нишонов –катта ўқитувчи, О.М. Дадамирзаева – ўқитувчи.
Андижон давлат университети

Аннотация: *Маърузада эҳтимоллар назариясини масофавий ўқитишнинг талабаларга маъқул усули ҳақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *эҳтимоллар назарияси, масофавий таълим, ижтимоий тармоқ, телеграм каналлар.*

Аннотация: *В докладе высказано удобные методы дистанционного обучение теории вероятностей для студентов.*

Ключевые слова: *теория вероятностей, дистанционная образования, социальные сети, телеграм каналы.*

Abstract: *The report expressed convenient methods of distance learning probability theory for students.*

Key words: *probability theory, distance education, social networks, telegram channels.*

Бугунги мураккаб даврда, яъни бутун дунёда COVID-19 пандемияси авж олган пайтда давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳукумат, ваколатли органлар ва вазирликлар, қолаверса барча фидойи устоз ва мураббийлар олий таълим муассасаларида билим олаётган талабаларга керакли билимларни масофадан туриб етказиш бўйича чора ва тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бунда интернет тармоғи ҳар бир талаба ва профессор ўқитувчининг бирламчи қуролига айланмоқда.

Сир эмаски бугунги кунда кабелли интернетдан кўра мобил интернет истеъмолда кенг қўлланилади, чунки ҳар бир талаба ва профессор ўқитувчининг қўлида смартфонлар бор ва бу смартфонлар алоқа операторлари ёрдамида мобил интернет билан таъминланган. Шунинг учун ҳам маълумотларни мобил интернет учун мўлжалланган мобил иловалар ва ижтимоий тармоқлар орқали етказиш, хусусан telegram мессенжери орқали етказиш энг маъқул вариант деб ҳисоблаймиз. Чунки, ҳозирги кунда юртимизда талаба ёшлар ўртасида энг кенг тарқалган ижтимоий тармоқлар орасида telegram мессенжери юқори ўринларда туради.

Ҳозирги кунда билим олувчиларга ҳажми каттароқ бўлган бирор адабиётни олиб ўқиб чиқиш унчалик ёқимли машғулот эмаслигини тан олишимиз керак. Замон сенга боқмаса сен замонга боқ деган гап бор. Шунинг учун уларга худди ўша китобдаги маълумотларни қисқа-қисқа бўлакларга бўлиб, ҳар куни ёки кунора бирор ижтимоий тармоқ, масалан telegram орқали бериб боришимиз мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан, эҳтимоллар назарияси курси ҳам катта курс ва унга доир адабиётларнинг ҳажми ҳам катта эканлигини ҳисобга олсак, талабага бирор адабиётни тавсия қилиб, уни ўқиб чиқиши лозимлигини уқтиргандан кўра ўша адабиётнинг энг керакли қисмларини қисқача тушунтиришлар орқали бериб борсак натижага эришишимиз мумкин.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, telegram мессенжерида «Эҳтимоллар назарияси» номли канал очдик (t.me/ehtimollarnazariyasi) ва ушбу каналда фанга доир тушунчаларни кичик постлар орқали, видео, расмли ёки овозли хабарлар орқали, қолаверса сўровнома кўринишида ҳам бериб борилмоқда. Бунда фақат фанга доир назарий маълумотларни юклабгина қолмасдан, қизиқарли фактлар, ҳозирги вақтдаги вазиятларга боғлаб берилган масалалар ёки оддий тушунчаларни ҳам масалан, исм шарифларга, байрамларга, коронавирусга ва шунга ўхшаш нарсаларга боғлаб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Мисоллар келтириб ўтамиз.

Эҳтимолларни кўпайтиришга доир масала. Дилёрбек (кичик ўғлим 1,5 ёш) компютеримни тугмаларини 11 тасини кетма кет таваккалига босганда экранда КОРОНАВИРУС ёзуви пайдо бўлиши эҳтимолини топинг (клавиатурада 102 та тугмача бор).

Тўла эҳтимол формуласига доир масала. Бир идишда 10 та шар бўлиб, уларга Т,Ў,Л,А,Н,М,И,Р,З,А ҳарфлари, иккинчи идишда эса 7 та шар бўлиб, уларга Н,И,Ш,О,Н,О В ҳарфлари ёзилган. Иккинчи идишдан битта шар олиниб биринчи идишга солинса ва ундан кетма-кет 6 та шар олиниб қатор терилса НАВРЎЗ сўзи ҳосил бўлиши эҳтимолини топинг.

Бернулли схемасига доир ўхшатиш. Бернулли, Пуассон ва Лаплас йўлда кетишаётса «боғлиқсиз синашлар кетма-кетлиги» ротаси дуч келиб қолибди. «Ўзим» дебди Бернулли ва бутун бир ротани енгиб қўйибди. Қараса «боғлиқсиз синашлар кетма-кетлиги» лилипутлар армияси келаётган экан. Бернулли духигаўтирибди. Шунда Пуассон олдинга чиқибдида лилипутларни армия-пармияси билан ер тишлатибди. Энди хурсанд бўлиб туришса «боғлиқсиз синашлар кетма-кетлиги» армияси келиб қолибди. «Ҳавотирланманглар» дебди Лаплас ва у бутун бир армияни енгиб қўйибди. Бопладик деб туришса «боғлиқ синашлар кетма-кетлиги» армияси келиб учаласиниям энасини Учқўрғондан кўрсатиб кетишибди.

Талабалардан келаётган хабарларга қараганда маълумотларни ушбу кўринишдаги берилиши уларга маъқул келмоқда ва ўзларига керакли билимларни олмоқда эканлар. Каналда берилаётган тушунчаларни ва масалаларни муҳокама қилиш учун телеграм гуруҳи ҳам очилган (t.me/ehtimolguruh).

Масофавий таълим учун платформалар етарлича топилади. Лекин, талабалар учун энг муҳим жиҳат, яъни интернет траффикларини тежаш, алоқа операторлари томонидан узатилаётган интернет тезлиги паст еканлигини инобатга олиш, ҳамда зерикарли ва ошиқча кўп анкета формаларидан фойдаланмасликни ўйлаган ҳолда, ижтимоий тармоқлар, хусусан telegram ижтимоий тармоғидан фойдаланган ҳолда, талабаларга яқин бўлиш учун ҳам масофавий таълимни ушбу тармоқлар орқали етказишни маъқул деб ҳисоблаймиз.

НОВОЕ, БОЛЕЕ ПЛОДОТВОРНОЕ, ОПРЕДЕЛЕНИЕ МЕТРИКИ (РАССТОЯНИЯ) В МНОЖЕСТВЕ КОНЕЧНЫХ МНОЖЕСТВ

Ж. К. Абдурахманов - старший преподватель кафедры информационных технологий кандидат физико-математических наук.
Андижанский государственный университет, УЗБЕКИСТАН

Аннотация. *Ушбу мақолада элементлари қандайдир бошқа (ихтиёрий)* ***чекли*** *тўпламлар бўлган тўпламда янги, аввал маълум бўлмаган, масофа (метрика) киритилган. Қаралаётган тўплам бундай масофа билан метрик фазо бўлишлиги исбот қилинган. Бу масофанинг Хэмминг масофаси билан тўғридан тўғри алоқаси ўрнатилган: у Хэмминг масофасидан роппа роса икки марта кичик ва уни ҳисоблаш анча осондир.*

Калит сўзлар: *тўплам, чекли тўплам, дискрет тўплам, масофа, метрика, Хэмминг масофаси, метрик фазо, дискрет метрик фазо.*

Аннотация. *В данной работе вводится новое, ранее неизвестное, расстояние (т.е. новая метрика) в множестве, элементами которого являются какие-то другие (любые)* ***конечные*** *множества. Доказывается, что с такой метрикой рассматриваемое множество является метрическим пространством. Установлена прямая связь данного расстояния с расстоянием Хэмминга: оно ровно в два раза меньше расстояния Хэмминга и вычислить его гораздо проще.*

Ключевые слова: *множество, конечное множество, дискретное множество, расстояние, метрика, расстояние Хэмминга, метрическое пространство, дискретное метрическое пространство.*

Annotation. *In this paper, we introduce a new, previously unknown, distance (i.e., a new metric) in a set whose elements are some other (any)* ***finite*** *sets. It is proved that with such a metric the set under consideration is a metric space. A direct relationship is established between this distance and the Hamming distance: it is exactly two times smaller than the Hamming distance and it is much easier to calculate it.*

Keywords: *set, finite set, discrete set, distance, metric, Hamming distance, metric space, discrete metric space.*

Для любого конечного множества **A** через **|A|** обозначим число элементов этого множества, то есть, говоря языком теории множеств – мощность этого множества. Например, если **A = { 4, a, 7, 81}**, то **|A| = 4**.

Пусть теперь $\boldsymbol{T}$ – произвольное (конечное или бесконечное) множество, каждый элемент которого является *конечным* множеством. Другими словами, $\boldsymbol{T}$ – множество некоторых конечных множеств. Тут слово «некоторых» имеет весьма широкое значение: множество $\boldsymbol{T}$ может состоять из бесконечного числа таких «некоторых» (т.е. произвольных, любых) конечных множеств. Эти конечные множества, содержащиеся в $\boldsymbol{T}$, могут оказаться самыми разными: разнородными или однородными. Несмотря на это, мы в самом обычном, общепринятом смысле будем пользоваться операциями объединения и пересечения этих конечных множеств, причем эти объединения и пересечения не обязательно должны быть элементами множества $\boldsymbol{T}$.

Для любых элементов $\boldsymbol{\alpha} \in \boldsymbol{T}$ и $\boldsymbol{\beta} \in \boldsymbol{T}$ введем расстояние $\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta)}$ между ними по следующей формуле:

$$\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta)} = (|\boldsymbol{\alpha}| + |\boldsymbol{\beta}|)/\mathbf{2} - |\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}|, \qquad \textbf{(1)}$$

Здесь $\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}$ – пересечение подмножеств $\boldsymbol{\alpha}$ и $\boldsymbol{\beta}$.

Например, если в $\boldsymbol{T}$ содержатся элементы **α = {1, 2, 3}** и **β = {3, 4, 5, 6},** то по формуле (1) легко вычислить расстояние

$$\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta)} = \mathbf{(3+4)/2 - 1 = 3,5 - 1 = 2,5.}$$

Теперь докажем следующую теорему.

<u>Теорема 1</u>. Множество *T* с расстоянием (1) является метрическим пространством.

<u>Доказательство</u>. Для любых элементов $\boldsymbol{\alpha} \in \boldsymbol{T}$ и $\boldsymbol{\beta} \in \boldsymbol{T}$ первая аксиома метрического пространства:

1) если $\boldsymbol{\alpha} \neq \boldsymbol{\beta}$, то $\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta)} > 0$, и, если $\boldsymbol{\alpha} = \boldsymbol{\beta}$, то $\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta)} = \mathbf{0}$

вытекает непосредственно из равенства **(1)**. Действительно, если $\boldsymbol{\alpha} \neq \boldsymbol{\beta}$, то в каждом из множеств $\boldsymbol{\alpha}$ и $\boldsymbol{\beta}$ не меньше элементов, чем в $\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}$ и по крайней мере в одном из них больше элементов, чем в $\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}$ и поэтому **|α| + |β| > 2|**$\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}$**|**. Отсюда и из **(1)** вытекает $\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta)} > 0$**.** Если же $\boldsymbol{\alpha} = \boldsymbol{\beta}$, то **|α| + |β| = 2|**$\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}$**|** и поэтому из **(1)** вытекает $\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta)} = \mathbf{0}$.

Так как для любых множеств $\boldsymbol{\alpha}$ и $\boldsymbol{\beta}$ выполняется $\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta} = \boldsymbol{\beta} \cap \boldsymbol{\alpha}$, то вторая аксиома метрического пространства:

2) $\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta)} = \boldsymbol{\rho(\beta,\alpha)}$ также непосредственно вытекает из равенства **(1)**.

Осталось проверить последнюю аксиому – аксиому треугольника метрического пространства, а именно следующую аксиому: для любых элементов **α, β** и **γ** множества $\boldsymbol{T}$ имеет место неравенство:

3) $\boldsymbol{\rho(\alpha,\beta) \le \rho(\alpha,\gamma) + \rho(\gamma,\beta)}$. **(2)**

Подставляя значения расстояний по формуле **(1)** в неравенство **(2)** получим эквивалентное неравенство

$$(|\boldsymbol{\alpha}| + |\boldsymbol{\beta}|)/\mathbf{2} - |\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}| \le (|\boldsymbol{\alpha}| + |\boldsymbol{\gamma}|)/\mathbf{2} - |\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\gamma}| + (|\boldsymbol{\gamma}| + |\boldsymbol{\beta}|)/\mathbf{2} - |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta}|,$$

которое после несложных элементарных (и, самое главное – эквивалентных!) преобразований приводится к виду:

$$|\boldsymbol{\gamma}| \ge |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}| + |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta}| - |\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}|. \qquad \textbf{(3)}$$

Следовательно, достаточно доказать это неравенство. Очевидно, что множество $(\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}) \cup (\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta})$ является подмножеством множества $\boldsymbol{\gamma}$, поэтому имеет место неравенство

$$|\boldsymbol{\gamma}| \ge |(\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}) \cup (\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta})|. \qquad \textbf{(4)}$$

Для любых конечных множеств **A** и **B** верно равенство

$$|\boldsymbol{A} \cup \boldsymbol{B}| = |\boldsymbol{A}| + |\boldsymbol{B}| - |\boldsymbol{A} \cap \boldsymbol{B}|.$$

Если в этом равенстве положить $\boldsymbol{A} = (\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha})$ и $\boldsymbol{B} = (\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta})$, то получим:

$$|(\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}) \cup (\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta})| = |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}| + |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta}| - |(\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}) \cap (\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta})|$$

или, что тоже самое

$$|(\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}) \cup (\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta})| = |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}| + |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta}| - |\boldsymbol{\gamma} \cap (\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta})|.$$

Из этого равенства в силу $|\boldsymbol{\gamma} \cap (\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta})| \le |\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}|$ вытекает неравенство:

$$|(\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}) \cup (\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta})| \ge |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\alpha}| + |\boldsymbol{\gamma} \cap \boldsymbol{\beta}| - |\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}|. \qquad \textbf{(5)}$$

Далее, из **(4)** и **(5)** вытекает неравенство **(3)**, которое, как мы показали выше, эквивалентно неравенству треугольника **(2)**.

Таким образом, для множества $\boldsymbol{T}$ с расстоянием **(1)** выполняются все аксиомы метрического пространства. **Теорема доказана.**

Рассмотрим произвольное конечное множество **A**, состоящее из **n** элементов. Пусть эти элементы пронумерованы, т.е.

$\mathbf{A = \{a_1, a_2, a_3, \ldots, a_n\}}$.

Пусть теперь $\boldsymbol{T}$ – множество некоторых подмножеств множества **A**. Тогда, согласно только что доказанной **теореме 1**, множество $\boldsymbol{T}$ является метрическим пространством с метрикой **(1)**. Для любых $\boldsymbol{\alpha} \in \boldsymbol{T}$ и $\boldsymbol{\beta} \in \boldsymbol{T}$ определим двоичные векторы длины $\boldsymbol{n}$:

$$\overline{\boldsymbol{\alpha}} = (\boldsymbol{\alpha_1}, \boldsymbol{\alpha_2}, \ldots, \boldsymbol{\alpha_n}),\ \overline{\boldsymbol{\beta}} = (\boldsymbol{\beta_1}, \boldsymbol{\beta_2}, \ldots, \boldsymbol{\beta_n}),$$

где

$$\boldsymbol{\alpha_i} = \begin{cases} \mathbf{1}, \text{если } \boldsymbol{a_i} \in \boldsymbol{\alpha}, \\ \mathbf{0}, \text{если } \boldsymbol{a_i} \notin \boldsymbol{\alpha}; \end{cases}$$

$$\boldsymbol{\beta_i} = \begin{cases} \mathbf{1}, \text{если } \boldsymbol{a_i} \in \boldsymbol{\beta}, \\ \mathbf{0}, \text{если } \boldsymbol{a_i} \notin \boldsymbol{\beta}; \end{cases}$$

$\boldsymbol{i = 1, 2, 3, \ldots, n}$.

Как известно, есть также расстояние Хэмминга [1, 39] между этими векторами

$$\boldsymbol{h}(\overline{\boldsymbol{\alpha}}, \overline{\boldsymbol{\beta}}) = \sum_{\boldsymbol{i=1}}^{\boldsymbol{n}} |\boldsymbol{\alpha_i} - \boldsymbol{\beta_i}|$$

где $|\boldsymbol{\alpha_i} - \boldsymbol{\beta_i}|$ – модуль (абсолютное значение) разности $\boldsymbol{\alpha_i} - \boldsymbol{\beta_i}$.

Оказывается, существует связь между расстоянием Хэмминга и расстоянием **(1)**.

<u>Теорема 2</u>. $\boldsymbol{h}(\overline{\boldsymbol{\alpha}}, \overline{\boldsymbol{\beta}}) = \mathbf{2}\boldsymbol{\rho}(\boldsymbol{\alpha}, \boldsymbol{\beta})$, т.е. $\boldsymbol{h}(\overline{\boldsymbol{\alpha}}, \overline{\boldsymbol{\beta}}) = |\boldsymbol{\alpha}| + |\boldsymbol{\beta}| - \mathbf{2}|\boldsymbol{\alpha} \cap \boldsymbol{\beta}|$.

Доказательство этой теоремы мы оставляем читателю в качестве полезного упражнения.

ЛИТЕРАТУРА

1. Р. В. Хэмминг. Теория кодирования и теория информации: Пер. с англ. – Москва, “Радио и связь”, 1983. – 176 с., ил.

PLANIMETRIYADAN MASALALARNI YECHISHDA O’QUVCHILARNING IJODIY FIKRLASH QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY VA AMALIY MASALALARI

A. Axlimirzayev - matematika kafedrasi dotsenti, Sh. Ermatov - matematika kafedrasi o’qituvchisi, D. Xojiyev - matematika kafedrasi o’qituvchisi, S. Axmadoxunova - matematika yo’nalishi 4-kurs talabasi.
Andijon davlat universiteti

Annotatsiya*: Ushbu ma’ruzada maktab geometriya kursining planimetriya bo’limini o’rganishda uchraydigan masalalar turlarga bo’lingan va har bir turga namuna sifatida masalalar yechimlari bilan berilgan.*

Kalit so’zlar: *Planimetriya, yuza, perimetr, balandlik, radius, katet, uchburchak, trapetsiya, bissektrisa, diagonal.*

Аннотация: *В этом докладе проблемы, возникающие при изучении раздела планиметрии школьного курса геометрии, подразделяются на типы, и каждый тип представлен с решением проблем в качестве примера.*

Ключевые слова*: планиметрия, поверхность, периметр, высота, радиус, катетер, треугольник, трапеция, биссектриса, диагональ.*

Annotation: *In this article, the problems encountered in the study of the planimetry section of the school geometry course are divided into types and each type is presented with problem solutions as an example.*

Keywords: *Planimetry, surface, perimeter, height, radius, catheter, triangle, trapeze, bisector, diagonal.*

Ma’lumki, so’nggi yillarda respublikamizda ta’lim sohasida tub islohotlar amalga oshirildi. Bu davrda uzluksiz ta’lim tizimining muhim bosqichlaridan hisoblangan umumiy o’rta ta’lim maktablarida o’qitiladigan fanlarning, jumladan matematika fanining mazmuni jahon standartlariga mos keladigan qilib yangilandi. Navbatdagi vazifa yangilangan mazmunni zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo’llagan holda o’quvchilarga yetkazish va pirovard natijada ularni chuqur matematik bilimlarni egallashlarini ta’minlashdan iborat. Matematika ta’limini yanada rivojlantirishning chora tadbirlarida “Matematika sohasida jahon ilmiy markazlari bilan hamkorlikda tadqiqotlar tashkil etish, zamonaviy ilm-fan yutuqlari ommalashtirilishini tashkil etish, ilmiy-tadqiqot faoliyatining ta’lim jarayoni bilan aloqalarini mustahkamlash” [1] kabi vazifalar belgilangan. Qo’yilgan bu vazifalarni amalga oshirishda ta’lim jarayonini tashkil qilish masalasi muhimdir.

Ma’lumki, matematik ta’lim jarayonida masala va misollarning o’rni g’oyatda muhimdir. Matematik masalalarni yechish jarayonida o’quvchilarning matematik faoliyatlari shakllanadi, fanga doir bilimlari chuqurlashadi va natijada uni amaliyotga tatbiq etish qobiliyatlari rivojlanadi. Shuning uchun ham maktabda matematikaning turli bo’limlarini o’qitish jarayonida

masalalar yechishga katta ahamiyat berilishi kerak. Aytilganlardan kelib chiqib biz, ushbu ma'ruzada geometriya kursining planimetriya bo'limida uchraydigan masalalarning turlari va ularni yechish usullariga to'xtalamiz.

I. Bevosita hisoblashga doir masalalar.

1-misol. Uchburchakning burchaklaridan ikkitasi 30° va 45°. Bu uchburchakning yuzini unga tashqi chizilgan doira yuziga nisbati topilsin (1-chizma).



1-chizma

Yechish: Uchburchakning ikkita burchagiga asosan uni va unga tashqi chizilgan doiraning yuzini bevosita hisoblab bo'lmaydi. Shuning uchun biz ularni topishda uchburchak tomonlari bilan uchburchakka tashqi chizilgan aylana radiusi orasidagi munosabatlardan foydalanamiz. Aytaylik, uchburchakka tashqi chizilgan doiraning yuzi $S = \pi R^2$ bo'lsin. Uchburchakning yuzi $S = \frac{abc}{4R}$ ga tengligi ma'lum. Uchburchak tomonlari bilan uchburchakka tashqi chizilgan aylana radiusi orasidagi munosabat sinuslar teoremasi deb ataluvchi quyidagi formula bilan bog'langan: $\frac{a}{\sin A} = \frac{b}{\sin B} = \frac{c}{\sin C} = 2R$, bu yerda $\angle C = 180° - (30° + 45°)$=105°.

Sinuslar teoremasidan, $a = 2\,R \sin 30° = 2\,R \cdot \frac{1}{2} = R$; $b = 2\,R \sin B =$ $=$ $2R \sin 45°$=$2R \cdot \frac{\sqrt{2}}{2} = R\sqrt{2}$; $c = 2R \sin C = 2R \sin 105° = 2R\frac{\sqrt{2}}{4}\left(\sqrt{3}+1\right) == \frac{R\sqrt{2}}{2}\left(\sqrt{3}+1\right)$.

a, *b* va *c* larining topilgan ifodalarini uchburchak yuzini topish formulasiga qo'yamiz:

$$S_{\Delta ABC} = \frac{abc}{4R} = \frac{R\sqrt{2}\cdot R\cdot\frac{R\sqrt{2}}{2}\left(\sqrt{3}+1\right)}{4R} = \frac{R^2\left(\sqrt{3}+1\right)}{4}.$$

Demak, $\frac{S_{\Delta ABC}}{S_{doira}} = \frac{\frac{R^2\left(\sqrt{3}+1\right)}{4}}{\pi R^2} = \frac{\sqrt{3}+1}{4\pi}$.

2-masala. Teng yonli trapetsiya asoslaridan biri $2\sqrt{3}$ ga, ikkinchi asosi va yon tomoni $\sqrt{3}$ ga teng. Trapetsiyaning diagonali topilsin.



2-chizma

Yechish: Trapetsiyaning *BE* balandligini o'tkazamiz (2-chizma). Trapetsiya teng yonli bo'lgani uchun $AE = \frac{AD-BC}{2} = \frac{2\sqrt{3}-\sqrt{3}}{2} = \frac{\sqrt{3}}{2}$ ga teng bo'ladi.

Masalaning shartiga asosan $AB = \sqrt{3}$. Biz yuqorida $AE = \frac{\sqrt{3}}{2}$ ekanligini topgan edik. Bularni e'tiborga olsak, $\angle ABE = 30°$ bo'lishi kelib chiqadi (30° li burchak qarshisidagi katetning xossasiga asosan). Demak, $\angle BAE$ burchak 60° ga teng ekan. Endi *BD* ni topish uchun kosinuslar teoremasidan foydalanamiz. Unga asosan, $BD^2 = AD^2 + AB^2 - 2AD \cdot AB \cos\angle BAE = \left(2\sqrt{3}\right)^2 + \left(\sqrt{3}\right)^2 - 2 \cdot 2\sqrt{3} \cdot \sqrt{3} \cdot \cdot \cos 60° = 12 + 3 - 12 \cdot \frac{1}{2} = 9$; $BD^2 = 9$; $BD = 3$.

II. Noma'lum (noma'lumlar) kiritish yordamida yechiladigan masalalar.

Planimetriyadagi ba'zi bir masalalarni yechishda masala shartidan kelib chiqib biror noma'lum miqdor kiritiladi va tenglama yoki tenglamalar sistemasi tuziladi. Bunda noma'lum sifatida masala shartidagi figuraning chiziqli o'lchamlari (tomonlari, burchaklari, diagonallari, balandliklari va hokazolar) olinishi mumkin. Quyida bunday masalalarga namunalar keltiramiz.

3-masala. Teng yonli *ABC (AB=BC)* uchburchakda *AE* balandlik 12 ga va *AC* asos 15 ga teng. Shu uchburchakning yuzi topilsin.

Yechish: Uchburchakning yuzini topish uchun uning biror tomoni va u tomonga tushirilgan balandlik ma'lum bo'lishi kerak. Shuning uchun uning biror tomoni, masalan, *BC* tomonni topaylik (3-chizma). *AB=BC=x* deylik, ΔAEC to'g'ri burchakli. Pifagor teoremasiga asosan $EC^2 = AC^2 - AE^2 = 15^2 - 12^2 = \quad = 225 - 144 = 81$, $EC = 9$. Endi ΔABE to'g'ri burchakli uchburchakdan Pifagor teoremasiga asosan $AB^2 = AE^2 + BE^2 = 12^2 + (x-9)^2 = 144 + (x-9)^2$. $AB = x$ bo'lgani uchun $x^2 = 144 + (x-9)^2$ tenglamani hosil qilamiz. Undan $x^2 = 144 + x^2 - 18x + 81$, $18x = 225$, $x = \frac{225}{18} = \frac{25}{2}$ kelib chiqadi. Demak, $S = \frac{1}{2} \cdot BC \cdot AE = \frac{1}{2} \cdot \frac{25}{2} \cdot 12 = 75$.



3-chizma

4-masala. Agar uchburchakka tashqi va ichki chizilgan aylanalar radiuslarining ayirmasi 9 ga va katetlari o'zaro 3:4 nisbatda bo'lsa, uning katetlari topilsin.

Yechish: Noma'lum katetlarni *x* va *y* lar bilan belgilaymiz, ya'ni $BC = x$, $AC = y$ deb olamiz (4-chizma). U holda $\frac{x}{y} = \frac{3}{4}$ bo'lib, undan $x = \frac{3}{4}y$ kelib chiqadi. Endi uchburchakka tashqi va ichki chizilgan aylanalar radiuslarini *x* va *y* lar orqali ifodalaymiz. Buning uchun uchburchakni yuzini unga tashqi va ichki chizilgan aylanalar radiuslari orqali topish formulalaridan foydalanamiz.

$$S_{\Delta ABC} = \frac{1}{2}AC \cdot BC = \frac{1}{2}xy; \quad P = \frac{AB+BC+AC}{2} = \frac{x+y+\sqrt{x^2+y^2}}{2}$$

(bu yerda $AB = \sqrt{AC^2 + BC^2} = \sqrt{x^2+y^2}$). U holda $S = p \cdot r$ dan $r = \frac{S}{P} = \frac{xy}{x+y+\sqrt{x^2+y^2}}$ ga teng. Endi uchburchakka tashqi chizilgan aylana radiusini topamiz. Buning uchun $R = \frac{abc}{4S}$ dan foydalanamiz $R = \frac{abc}{4S} = \frac{xy\sqrt{x^2+y^2}}{2xy} = \frac{\sqrt{x^2+y^2}}{2}$. Masalaning shartiga asosan $R - r = 9$. Demak, $\frac{\sqrt{x^2+y^2}}{2} - \frac{xy}{x+y+\sqrt{x^2+y^2}} = 9$. Shunday qilib biz, *x* va *y* larga nisbatan quyidagi sistemani hosil qildik:



4-chizma

$$\begin{cases} x = \dfrac{3}{4}y, \\ \dfrac{\sqrt{x^2+y^2}}{2} - \dfrac{xy}{x+y+\sqrt{x^2+y^2}} = 9. \end{cases}$$

x ning *y* orqali ifodasini sistemaning ikkinchi tenglamasiga qo'yamiz.

$$\frac{\sqrt{\frac{9}{16}y^2+y^2}}{2} - \frac{\frac{3}{4}y \cdot y}{\frac{3}{4}y+y+\sqrt{\frac{9}{16}y^2+y^2}} = 9, \quad \frac{\sqrt{\frac{25}{16}y^2}}{2} - \frac{\frac{3}{4}y^2}{\frac{7}{4}y+\sqrt{\frac{25}{16}y^2}} = 9, \quad \frac{5}{8}y - \frac{y}{4} = 9, \quad y = 24.$$

y ning bu qiymatini o'rniga qo'yamiz: $x = \frac{3}{4}y = \frac{3}{4} \cdot 24 = 18$.

Demak, uchburchak katetlari 18 va 24 ga teng ekan.

III. Yordamchi kattaliklar kiritish bilan yechiladigan masalalar.

Planimetriya bo'limida shunday masalalar uchraydiki, ularning shartlarida figura elementlari oshkor holda berilmaydi. Bunday masalalarni oshkor holda berilmagan elementlari kiritilib so'ngra yechiladi. Quyida bunday masalalarga namunalar keltiramiz.

5-masala. Katetlari o’zaro teng bo’lgan to’g’ri burchakli uchburchakka tashqi va ichki chizilgan aylanalar radiuslarining nisbati topilsin.

Yechish: Bu masalada to’g’ri burchakli uchburchakning katetlari tengligidan boshqa hech narsa berilmagan. Bu esa uchburchakka tashqi va ichki chizilgan aylanalar radiuslarini topishni qiyinlashtiradi. Shuning uchun biz bu yerda uchburchak katetlarini a bilan belgilaymiz (5-chizma). U holda Pifagor teoremasiga asosan $AB^2 = AC^2 + BC^2 = a^2 + a^2 = 2a^2$ bo’lib, undan $AB = a\sqrt{2}$ kelib chiqadi. To’g’ri burchakli uchburchakka tashqi chizilgan aylananing markazi gipotenuzaning o’rtasida yotishini e’tiborga olsak, $R = \frac{a\sqrt{2}}{2}$ bo’ladi. Uchburchakka ichki chizilgan aylananing radiusi $S = pr$ dan topiladi. Bu yerda $S = \frac{1}{2}a^2$ ga va $p = \frac{AB+AC+BC}{2} = \frac{a+a+a\sqrt{2}}{2} = \frac{2a+a\sqrt{2}}{2} = \frac{a(2+\sqrt{2})}{2}$ ga teng bo’lgani uchun $r = \frac{S}{p} = \frac{\frac{1}{2}a^2}{\frac{a(2+\sqrt{2})}{2}} = \frac{a}{2+\sqrt{2}}$ bo’ladi. Shunday qilib, $\frac{R}{r} = \frac{a\sqrt{2}}{2} : \frac{a}{2+\sqrt{2}} == 1 + \sqrt{2}$. (Bu yerda masala shartidan a ni topishni imkoni yo’qligini ta’kidlaymiz).



5-chizma

6-masala. ABC uchburchakda BD bissektrisa o’tkazilgan. Agar $AB = a$, $BC = b$ bo’lsa, bissektrisa hosil qilgan uchburchaklar yuzalarining nisbati topilsin.

Yechish: $BD = c$ va $\angle ABC = \alpha$ deb ikkita yordamchi miqdorlar kiritamiz (6-chizma). U holda $S_{\Delta ABD} = \frac{1}{2}ac\sin\frac{\alpha}{2}$ va $S_{\Delta BDC} = \frac{1}{2}bc\sin\frac{\alpha}{2}$ bo’lib, $\frac{S_{\Delta ABD}}{S_{\Delta BDC}} = \frac{\frac{1}{2}ac\sin\frac{\alpha}{2}}{\frac{1}{2}bc\sin\frac{\alpha}{2}} = \frac{a}{b}$. Shunday qilib biz, α va c larni masala shartidan topib bo’lmasada qo’yilgan masalani yechishga erishdik.



6-chizma

IV. Yuzalarni topish formulasini qo’llash bilan yechiladigan masalalar.

Masalalar yechishda bu usulni o’zidan yoki boshqa usullar bilan birga qo’llash mumkin. Bu usulni mohiyati shundaki, unda dastlab figuraning yuzi berilgan miqdorlardan foydalanib topiladi, so’ngra shu figuraning yuzi noma’lum kattaliklar orqali ifodalanib topiladi. Quyida bu usulni qo’llashga doir masalalardan namunalar keltiramiz.

7-masala. Teng tomonli uchburchak ichida uning tomonlaridan bir xil uzoqlikda yotgan O nuqta olingan. Agar uchburchak tomoni a ga teng bo’lsa, bu O nuqtadan uchburchak tomonlarigacha bo’lgan masofalar yig’indisi topilsin.

Yechish: O nuqtani ABC uchburchak uchlari bilan tutashtiramiz va u nuqtadan uchburchak tomonlariga perpendikulyarlar tushiramiz (7-chizma).

ABC uchburchak yuzini topamiz: $S_{\Delta ABC} = \frac{AB\cdot BC}{2}\sin\angle B == \frac{a^2}{2}\cdot\frac{\sqrt{3}}{2} = \frac{a^2\sqrt{3}}{4}$. Ikkinchi tomondan ABC uchburchakning yuzi ABO, AOC va BOC uchburchaklar yuzalarining yig’indisiga teng, ya’ni

$S_{\Delta ABC} = S_{\Delta ABO} + S_{\Delta AOC} + S_{\Delta BOC} = \frac{AB\cdot OF}{2} + \frac{BC\cdot OD}{2} + \frac{AC\cdot OE}{2} = \frac{a\cdot OF}{2} +$



7-chizma

$\frac{a\cdot OD}{2}+\frac{a\cdot OE}{2}==\frac{a(OF+OD+OE)}{2}$. ABC uchburchak uchun topilgan har ikkala yuzani tenglaymiz. $\frac{a(OF+OD+OE)}{2}=\frac{a^2\sqrt{3}}{4}$ yoki $OF+OD+OE=\frac{a\sqrt{3}}{2}$.

Tomoni a ga teng bo'lgan teng tomonli uchburchakning balandligi $\frac{a\sqrt{3}}{2}$ ga tengligi ma'lum. Demak, teng tomonli uchburchakning tomonlaridan O nuqtagacha bo'lgan masofalar yig'indisi uning balandligiga teng ekan.

8-masala. Balandliklari $\frac{1}{4}$, $\frac{1}{5}$ va $\frac{1}{6}$ bo'lgan uchburchakning tomonlari topilsin.

Yechish: Aytaylik balandliklari $\frac{1}{4}$, $\frac{1}{5}$, $\frac{1}{6}$ bo'lgan uchburchak tomonlari a,b,c bo'lsin. Uchburchakning yuzini har bir tomon va u tomonga tushirilgan balandliklar orqali ifodalarini yozamiz: $S=\frac{1}{2}a\cdot\frac{1}{4}=\frac{a}{8}$, $S=\frac{1}{2}b\cdot\frac{1}{5}=\frac{b}{10}$, $S=\frac{1}{2}c\cdot\frac{1}{6}=\frac{c}{12}$. Bulardan $a=8S$, $b=10S$, $c=12S$. Demak, uchburchak tomonlarini topish uchun uning S yuzasini topish kifoya ekan. Buning uchun Geron formulasidan foydalanamiz. Dastlab p ni topamiz:

$$p=\frac{a+b+c}{2}=\frac{8S+10S+12S}{2}=\frac{30S}{2}=15S;\quad S=\sqrt{15S\cdot 7S\cdot 5S\cdot 3S}=15S^2\sqrt{7}.$$

Shunday qilib, S ni topish uchun $S=15S^2\sqrt{7}$ tenglamaga ega bo'ldik. Undan $S=\frac{1}{15\sqrt{7}}$.

Shunday qilib biz, ushbu ma'ruzada maktab geometriya kursining planimetriya bo'limida uchraydigan masalalarni turlarga bo'ldik va har bir turga doir masalalarni yechish bilan shug'ullandik. Huddi shunday turdagi masalalarni geometriya kursining streometriya bo'limida ham ko'rish mumkin. Bunday masalalarni yechish jarayonida o'quvchilar mustaqil fikrlaydilar, mushohada qiladilar va o'zlarining bilim, ko'nikma va malakalarini yanada mustahkamlaydilar. Bular esa ta'lim jarayonini samarali bo'lishini taminlaydi.

ADABIYOT

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-iyuldagi "Matematika ta'limi va fanlarini yanada rivojlantirishni davlat tomonidan qo'llab quvvatlash, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi fanlar akademiyasining V.I. Romanovskiy nomidagi matematika instituti faoliyatini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi PQ-4387-sonli qarori. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 2019-yil, 07/19/4387/3397-son.
2. Alixonov S. Matematika o'qitish metodikasi. –T.: TAFAKKUR-BO'STONI, 2011.385 b.
3. Рурукин А.И. Математика. М.: "БАКО", 2004. -248 с

PARABOLAGA DOIR MASALALARNI MAPLE TIZIMIDAN FOYDALANIB YESHISHNING QULAYLIGI

J.R.Aliyeva - matematika kafedrasi katta o'qituvchisi(PhD), M.A.Ikromaliyeva – talaba.
Andijon davlat universiteti

Annotatsiya: Bu ishda asosan parabolaga doir masalalarni yechishda Maple dasturiy tizimidan foydalanishning qulayligi masala yordamida yoritilgan.

Kalit so'zlar: parabola, tenglama, vektor, fokus, direktrisa.

Аннотация: В работе в основном чтобы решить задачи касающиеся параболе из пакета Maple представлены задачи для удобного использования.

***Ключевые слова*:** парабола, уравнение, вектор, фокус, директриса.

Anotation: In this paper mainly to solve problems related to the parabola from the Maple software system tasks are presented for easy use.

Keywords: parabola, equation, vector, focus, directrix.

O‘zbekiston mustaqillikka erishgandan so‘ng, o‘z taraqqiyotining muhim shartlaridan biri bo‘lgan xalqning boy ma'naviy salohiyati va umuminsoniy qadriyatlariga hamda hozirgi zamon madaniyati, iqtisodiyoti, ilmi, texnikasi va texnologiyasining so‘nggi yutuqlariga asoslangan mukammal ta’lim tizimi barpo etilmoqda.

Matematik hisoblashlarni avtomatlashtirish tizimlari orasida ***«Maple»*** paketi muhim o’ringa ega. ***«Maple»*** eng tarqalgan va qo’llaniladigan quvvatli va samarali integrallashgan tizim hisoblanadi Shu bilan birga u barcha foydalanuvchilar uchun zamonaviy va universal matematik paket hisoblanadi. U ham sonli ham analitik(simvolli) hisoblashlarni amalga oshiradi. ***«Maple»*** keng va katta imkoniyatli grafik vositasiga ega. Ayniqsa undan oliy matematika masalalarini, hususan, parabolaga doir masalalarni yechishda ham foydalanish qulay. Buni biz quyidagi masala orqali ko’ramiz.

Masala. A(1;2) va M(4;8) nuqtalar berilgan. Quyidagiarni topish kerak:

1) Uchi A(1;2) nuqtada simmetrik o‘qi Ox ga parallel va M(4;8) nuqtadan o‘tuvchi parabola tenglamasini;
2) topilgan parabola fokusini va direktrisasini, M(4;8) nuqtadagi radius vektorini;
3) koordinata o‘qlari bilan kesishish nuqtasini;
4) parabolaning M(4;8) nuqtasiga o‘tkazilgan urinma tenglamasini;
5) y = 2x to‘g‘ri chiziq bilan kesishish nuqtalarini.

Yechish: 1) Uchi (a,b) nuqtada, simmetriya o‘qi Ox o‘qqa parallel bo‘lgan tarmoqlari unga yo‘nalgan parabola tenglamasi:

$$(y-b)^2 = 2p(x-a).$$

Chunki, berilgan masaladagi parabolada yotuvchi M(4;8) nuqta parabola uchi A(1;2) dan o‘ng tomonda joylashgan. Masala shartiga binoan parabola A(1;2) nuqtadan o‘tganligi uchun *a*=1, b=2 bo‘ladi va parabola tenglamasi:

$$(y-2)^2 = 2p(x-1).$$

Bu tenglamadagi parametrni parabolaning M(4;8) nuqtadan o‘tishidan foydalanib topamiz.

$$x = 4,\ y = 8;\ (8 - 2)^2 = 2p\,(4 - 1),\ \ p=6.$$

Bu holda masala shartiga asosan izlanayotgan parabola tenglamasi

$$(y - 2)^2 = 12\,(x+1) \text{ yoki } y^2 - 4y - 12x + 16 = 0$$

```
> restart; with(geometry):
> par1:=(y-b)^2=2*p*(x-a);
```

$par1 := (y - b)^2 = 2\,p\,(x - a)$

```
> a:=1; b:=2; x:=4; y:=8; p:=solve(par1,p);
```

$a := 1 \quad b := 2 \quad x := 4 \quad y := 8 \quad p:=6$

2)Topilgan $(y - 2)^2 = 12\,(x - 1)$ ko‘rinishdagi parabola fokusini quyidagicha topamiz.

$$F\left(a + \frac{p}{2}; b\right) = F\left(1 + \frac{6}{2}; 2\right) = F(4; 2).$$

Direktrisa tenglamasi:

$$x = a - \frac{p}{2} = 1 - \frac{6}{2} = -2, \qquad x = -2.$$

Radius-vektorini A(4;8) nuqta uchun topamiz: $r = x + \frac{p}{2} - a = 4 + \frac{6}{2} - 1 = 6.$

> p:=6; x:=4; a:=1; r:=x+p/2-a; p:=6 x:=4 a:=1 r:=6

3) Parabolaning koordinata o'qlari bilan kesishish nuqtasini toppish uchun:

a) x=0 da $(y-2)^2=12(0-1)=-12$ hosil bo'lgan tenglik o'rinli emas, shuning uchun, parabola Oy o'qi bilan kesishmaydi.

> evalf(solve({x=0, (y-2)^2=12*(x-1)}));

{ x = 0., y = 2.000000000 C 3.464101615 I }

b) y=0 da $(0-2)^2=12(x-1)$ dan x-1=4/12, x=4/3.

Demak, parabola Ox o'qi bilan $(\frac{4}{3};0)$ nuqtada kesishadi.

> evalf(solve({y=0, (y-2)^2=12*(x-1)})); {x = 1.333333333 , y = 0. }

Bu parabola grafigi quyidagicha yasaladi:

> with(plots):

imlicitplot((y-2)^2=12*(x-1), x=-6..6, y=-10..10,thickness=2);



Topilgan parabolani Pi/6 ga burish.

> with(plottools):with(plots):

> display(rotate(imlicitplot((y-2)^2=12*(x-1), x=-6..6,



4) M(4;8) nuqtaga o'tkazilgan urinma tenglamasini $(y - y_0)(y_0 - b) = (x - x_0)$ tenglamag asosan: $x_0 = 4$, $y_0 = 8$, b = 2, p= 6 bo'lganda, quyidagicha topamiz:

$$(y - 8)(8 - 2) = 6(x - 4), \; y - 8 = x - 4, \; y = x + 4.$$

5)y = 2x to'g'ri chiziq bilan kesishish nuqtasini toppish uchun quyidagi sistemalarni yechamiz:

$$\begin{cases} (y-2)^2 = 12(x-1) \\ y = 2x \end{cases}$$

$$x_1 = 1, x_2 = 4; \; y_1 = 2, y_2 = 8.$$

Kesishish nuqtalari (1; 2), (4;8).

> evalf(solve({-2*x+y=0,(y-2)^2=12*(x-1)}));

{ y = 2., x = 1. } , { y = 8., x = 4. }

Endi parapola Mapledan foydalanib quramiz:

```
> restart;
> with(geometry):
> point(A, 1, 2), point(B, 4, 8);   A, B
> point(M1, 1, 2), point(M2, 4, 8); point(F, 4, 2);
      d:=distance(M1, M2); evalf(d);
                                   M1, M2, F        d := √45   6.708203932
> line(l2, y=2*x, [x,y]), line(l3, x=-2, [x, y]), line(l4, y=2,[x,y]), line(l1, y=x+4, [x,y]);
l2, l3, l4, l1
> parabola(p5, y^2-12*x-4*y+16=0, [x,y]),
      segment(r, [F, B]), segment(l6, [M1, M2]);   p5, r, l6
    > draw({5(color=red, thickness=2), r, l1, l2, l3, l4, l6}, color=blue,
axes=BOX, style=LINE, symbol=DIAMOND, printtext=true, view=[-8..8,-
```




```
5..10]);
```

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati.

1. Mirzakarimov E.M. Maple 7 dasturi yordamida Oliy matematika masalalarini yechish. 1, 2 q. Farg'ona, 2014.
2. Матросов А.В. Maple 6. Решение задач высшей математики и механики.СПб.:БХВ-Петербург, 2001.
3. Дяконов В.П. Maple 6: Учебный курс. СПб.: Питер, 2001.

PISA TADQIQOTIDA MATEMATIK SAVODXONLIK

J.R.Aliyeva - matematika kafedrasi katta o'qituvchisi(PhD), Z.S.Asranova – talaba.
Andijon davlat universiteti

Annotatsiya: *Bu ishda PISA tadqiqoti va ba'zi o'quvchilarning matematik bilimlarini qay darajada ekanligi yoritilgan.*

Kalit so'zlar: *PISA, o'quvchi, matematika, masala, javob.*

Аннотация: *В работе показаны исследования PISA и насколько некоторые учащийся имеют математические знания.*

Ключевые слова: *PISA, учащийся, математика, задача, ответ.*

Anotation: *The paper shows the PISA research and how well some pupils have mathematical knowledge.*

Keywords: *PISA, pupil, mathematics, task, answer.*

PISA – o’quvchilarning o’qish (matnni tushunish), matematika va tabiiy fanlardan savodxonlik darajasini baholashga qaratilgan xalqaro baholash dasturi bo’lib, o’quvchilarning maktab davrida ortirrgan bilim va ko’nikmalarini real hayotiy vaziyatlarda qay darajada qo’llay olishlarini aniqlashga mo’ljallangandir. Shuningdek, PISA dasturi o’quvchilarning ta’lim olishga bo’lgan munosabati va motivatsiyasi haqida qimmatli ma’lumotlarni to’plash bilan birga, ularda muammoni hal qila olish kabi ko’nikmalarni baholaydi.

PISAning asosiy vazifasi – mamlakatlarni ta’lim sohasidagi davlat siyosatiga oid ma’lumotlar bilan ta’minlash va qaror qabul qilishda ularni qo’llab quvatlashdan iborat.

PISA tadqiqotida umumiy o’rta ta’lim muassasalarida ta’lim olayotgan “15 yoshli” (15 yosh 3 oydan 16 yosh 2 oygacha bo’lgan) o’quvchilar ishtirok etadi. Bundan tashqari PISA – 15 yoshdagi o’quvchilarning bilim va ko’nikmalarini baholash bo’yicha yagona xalqaro tadqiqot dasturi hisoblanadi.. tadqiqotning 15 yoshli o’quvchi-yoshlar orasida o’tkazilishiga asosiy sabab, OESD (iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashliloti)ga a’zo bo’lgan aksaryat davlatlarda ushbu yosh majburiy ta’lim bosqichining yakuniy davri hisoblanadi.

Dasturning har davrdagi tadqiqotlarida bitta asosiy yo’nalishga alohida urg’u, ustuvorlik beriladi. Ya’ni, ustuvor yo’nalish bo’yicha sinov topshiriqlari soni taklif etilgan barcha topshiriqlarga nisbatan ko’proqni tashkil qiladi. 2021-yilda PISA tadqiqotlarida “Matematik savodxonlik” yo’nalishi ustuvor etib belgilangan.

PISA muayyan maktab o’quv dasturining ustunligini emas, balki o’quvchilarning asosiy mavzularda bilim va ko’nikmalarini qo’llay olish qobilyati, muammolarni tahlil qilish, sharhlar vas amarali tahlil qilish , fikrlash va muloqot qilish imkoniyatlarini o’rganadi.

O’quvchilar maktabda o’rganishi lozim bo’lgan hamma narsani to’liq o’zlashtira olmaydilar. Samarali o’rganuvchi bo’lish uchun nafaqat bilim va ko’nikmalarni, balki ular qanday va nima uchun o’rganishi haqida habardor bo’lishi lozim.

PISA tadqiqotida topshiriqlar savollarning murakkablik darajasidan kelib chiqqan holda, o’quvchilar toimonidan berilgan javoblarning to’liqligiga qarab, “javob to’liq qabul qilindi”, “javob qisman qabul qilindi”, “javob qabul qilinmadi” mez’zonlari bo’yicha baholanadi.

Matematik savodxonlik tushunchasi turli yillardagi tadqiqotlarda turlicha talqin qilingan. Oxirgi tadqiqot nqtijalariga ko’ra unga quydagicha ta’rif berish mumkin. Matematik savodxonlik – bu shaxsning turli hayotiy vaziyatlar (kontekstlar) va masalalar ustida matematik mulohaza yurutish, berilgan muammoni matematika yordamida ifodalay olish, muammoni yechishda matematikani qo’llay olish va olingan natijalardan muammoni yechimini talqin qilish va baholashda foydalana olish qobilyatidir. U hodisalarni tavsiflash, tushuntirish va oldindan aytib berish uchun tushunchalar, algoritmlar, faktlar va vositalarni o’z ichiga oladi. U insonlarga matematikaning olamdagi o’rninini tushunishga hamda yaratuvchan, qiziquvchan va o’zizi o’zi tahlil qiladigan XXI asr fuqarolariga zarur bo’lgan asoslangan hukm va qarorlar qabul qilishga yordam beradi.

PISA tadqiqoti bo’yicha ba’zi o’quvchilar o’rtasida kichik tadqiqot o’tkazdik. Tadqiqotning natijalarini quyida bayon qilamiz.

1-masala (DVD disk ijarasi). Jamila kompyuter o’yinlari va DVD disklarni ijaraga beradigan do’koonda ishlaydi. Bu do’konning yillik a’zolik badali 10 zedni tashkil etadi. Qoyidagi jadvalda ko’rsatilgandek, DVD disklar a’zo bo’lgan mijozlarga a’zo bo’lmagan mijozlarga nisbatan arzonroq beriladi:

A’zo bo’lmaganlar uchun bitta DVD diskning narxi	3,20 zed
A’zo bo’lganlar uchun bitta DVD diskning narxi	2,50 zed

1-savol. Sanjar o’tgan yili DVD disklarni ijaraga beradigon do’konga a’zo bo’lgan. O’tgan yili DVD disklar ijarasi uchun a’zolik badali bilan hisoblaganda jami 52,50 zed sarfladi. Agar u do’konga a’zo bo’lmaganda shu miqdordagi DVD disklarni ijaraga olish uchun qancha to’lagan bo’lardi?

2-savol. A’zolik badalini qoplash uchun eng kamida nechta DVD disklarini ijaraga olishi kerak? Javobingizni asoslang.

2-masala (Gazeta sotish). Zedlandiyada ikkita gazeta sotuvchilarini ishga yollamoqchi.

1. Zedlandiya yulduzi
Qo’shimcha daromad olishni xohlaysizmi? Bizning gazetamizni soting. Sizga haftada sotgan birinchi 240 ta gazeta uchun har biriga 0,20 zeddan to’lanadi. Undan tashqari, har bir ortiqcha sotilgan gazeta uchun 0,40 zeddan olasiz.

2. Zedlandiya haqiqati
Oz vaqt ichida katta daromad keltiradigan ish. “Zedlandiya haqiqati”ni soting va haftasiga 60 zeddan daromadga ega bo’ling. Undan tashqari, har bir sotilgan gazeta uchun 0,05 zeddan qo’shimcha daromad olasiz.

E’londa sotuvchilarga qancha haq to’lashi haqida ma’lumot berilgan.

1-savol. Farruh haftasiga o’rtacha 350 dona “Zedlandiya yulduzi” gazetasini sotadi. U havtasiga o’rtacha qancha pul topadi?

2-savol. Komila “Zedlandiya haqiqati” gazetasini sotadi. Bir haftada u 74 zed ishlab topdi. Komila bu haftada qancha gazeta sotgan?

3-savol. Jasur gazeta sotuvchisi bo’lib ishga kirmoqchi. U “Zedlandiya yulduzi” yoki “Zedlandiya haqiqati” gazetalaridan birini tanlashi kerak. Quyidagi grafiklardan qaysi biri ikkita gazeta o’z sotuvchilariga qancha haq to’lashi haqidagi to’g’ri ma’lumotni beradi? Javobingizni A, B, C yoki D tarzida belgilang.



3-masala (Muzqaymoq do’koni). Quyidagi Malikaning muzqaymoq do’konidagi qavatning chizmasi berilgan. U do’konni ta’mirlamoqchi. Do’konning hizmat ko’rsatish joyi peshtahta bilan o’rab qo’yilgan.

Eslatma: Har bir kvadrat o'lchamlari 0,5m x 0,5m

1-savol. Malika peshtaxtaning tashqi qirrasi bo'ylab o'rab turuvchi yangi himoya to'sig'ini o'rnatmoqchi. U o'rnatmoqchi bo'lgan to'siqning umumiy uzunligi qancha? Javobingizni asoslab bering.

2-savol. Shuningdek, Malika do'konning polini almashtirmoqchi. Xizmzt ko'rsatish joyi va peshtaxta maydonini hisobga olinmaganida, do'kon polining umumiy yuzi nechaga teng? Javobingizni asoslab bering.

№	O'quvchilarning ismi va familiyasi	O'quvchilarning ko'rsatkichlari						
		Masalalar						
		DVD disk ijarasi		Gazeta sotish			Muzqaymoq do'koni	
		1-savol	2-savol	1-savol	2-savol	3-savol	1-savol	2-savol
1.	Holmirzayev Abdulaziz	Javob to'liq qabul qilindi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob qisman qabul qilindi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob qabul qilinmadi.
2.	Oxunjonov Umidjon	Javob to'liq qabul qilindi	Javob qabul qilinmadi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob qabul qilinmadi	Javob qabul qilindi.	Javob qabul qilinmadi.
3.	Abdumannopova Onaxon	Javob to'liq qabul qilindi	Javob qabul qilinmadi	Javob qisman qabul	Javob qabul qilinmadi	Javob qabul qilinmadi	Javob qabul qilinmadi.	Javob qabul qilinmadi.

				qilindi				
4.	Adusalomov Omadbek	Javob to'liq qabul qilindi	Javob qabul qilinmadi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob to'liq qabul qilindi	Javob qisman qabul qilindi.	Javob qabul qilinmadi.

Natijalardan ko'rindaiki o'quvchilarning matematika fanidan olgan bilimlari yaxshi deb hisoblasak bo'ladi lekin bilimlarini hayotga tadbiq etishda biroz muammoga duch kelishmoqda. Bu muammoni hal qilishda matematika fani o'qituvchilariga bir qancha takliflar kiritishimiz mumkin. Masalan, o'quvchilar bilan darsni samimiy o'tgan holda (o'quvchini erkinligini ta'minlash maqsadida) mazmunli va mulohazali qilib hayotiy misollarga yanada urg'u berishi yaxshi natija beradi.

ADABIYOT

1. Ismoilov A.A., N.A.Karimov, B.Q.Haydarov, Sh.N.Ismailov. Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning matematik savidxonligini baholash. Ta'lim inspeksiyasi huzuridai Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi. – Toshkent, 2019 y. -112 bet.

2. O'zbekiston respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi veb sayti www.tdi.uz.

БЎЛАКЛИ БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН СОҲА УЧУН ПУАСОН ТЕНГЛАМАСИГА ҚЎЙИЛГАН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАНИ ЕЧИШДА ИТЕРАЦИОН УСУЛ

Э.Ш. Назирова - *доцент*[1], Р.Т. Содиқов - *ассистент*[2],
Ш. Исмоилов *стажер- ўқитувчи*[3]
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ

Аннотация: *Ишлаб чиқилган дискрет моделда ички ва ташқи чегаравий шартларни ҳисобга олиш масаласи қараб ўтилган бўлиб, чегарада прогонка коэффициентларини қандай аниқлаш масаласи ёритилган. Суюқликларнинг фильтрация жараёнида бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламларида босим ўзгариши, босимнинг қатлам бўйлаб тарқалиши ва суюқликлар хоссаларини характерловчи параметрларнинг таъсири ўрганилиб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Пуаасон тенгламаси, итерацион усул, чекли айирмалар схемаси, дастурий таъминот.*

Аннотация: *Разработанная дискретная модель посвящена проблеме учета внутренних и внешних граничных условий, а также проблеме определения коэффициентов прогноза на границе. В процессе фильтрации жидкостей изучалось влияние изменения давления, распределение давления по слою и параметров, характеризующих свойства жидкостей в фрагментированных слоях неоднородных пористых сред.*

Ключевые слова: *Уравнение Пуаасона, итерационный метод, конечно-разностная схема, программное обеспечение.*

Annotation: *The developed discrete model deals with the problem of taking into account the internal and external boundary conditions, and the problem of how to determine the prognosis coefficients at the boundary. In the filtration process of liquids, the effect of pressure change, pressure distribution across the layer and the parameters characterizing the properties of liquids in the fragmented non-homogeneous porous media layers was studied.*

Keywords: *Puaason equation, iterative method, finite difference scheme, software.*

Ғовак муҳитда суюқликлар биргаликдаги стационар бўлмаган ҳаракати жараёнининг математик модели бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган чегаравий шартлар билан берилган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар чегаравий масаласи кўринишида ёзилади. Бундай масаланинг аналитик ечимини топиш оддий ҳол учун ҳам анча мураккаб масалалардан ҳисобланади [1-2].

Сўнгги йилларда хусусий ҳосилали дифференциал тенглама ва тизимларини ечиш учун кўплаб янги сонли ва яқинлашувчи аналитик усуллари қўлланилиб, улар ривожлантирилмоқда. Айрим синфдаги фильтрация назарияси масалалари учун дифференциал айирмали схемаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Унинг чекли айирмалар усулидан фарқли томони шундаки, дифференциал масалага кирувчи ҳосилаларнинг айримлари чекли айирмалар оператори билан аппроксимация қилинмайди. Ҳосил қилинган дифференциал-айирмали масаланининг тақрибий ечимини қуришнинг бир неча усуллари мавжуд. Дифференциал-айирмали чегаравий масалаларни ечишда айниқса дифференциал прогонка усулини қўллаш яхши натижаларни беради.

Икки ўлчамли дифференциал тенглама учун чегаравий масалани тақрибий ечишнинг тўр усули моҳияти (ёки, бошқача айтганда, чекли айирмалар усули) қуйидагилардан иборат:

1)Ечим изланаётган текисликдаги G соҳада бир хил ячейкалардан иборат ва шу G соҳага яқин бўлган G_h тўрли соҳа қурилади.

2)Берилган дифференциал тенглама қурилган тўр тугунларига мос чекли айирмали тенгламага алмаштирилади.

3)Чегаравий шартлар асосида изланаётган ечим қийматлари G_h соҳанинг чегаравий нуқталарида ўрнатилади.

Чекли айирмалар усулини Пуассон тенгламаси учун чегаравий масаласини ечиш мисолида кўрсатамиз.

Соддалик учун қўйилган масалада соҳани квадрат, яъни $G\ \{0<x<1,\ 0<y<1\}$ деб, унинг чегарасини $\Gamma\ \{x=0,\ x=1,\ 0\le y\le 1,\ y=0,\ y=1,\ 0\le x\le 1\}$ деб оламиз.

$$Lu=u_{xx}+u_{yy}=f(x,y);\ \ (x,y)\in G$$

$$u(x,y)=1;\ \ (x,y)\in\Gamma$$

Бу ерда $u(x,y)$ –изланаётган функция;

f(x,y) –объектга таъсир этувчи манба (масалан, иссиқлик манбаси ёки нефт ёки сув қатламидан олинаётган дестит миқдори);

Узлуксиз *G* соҳани дискрет G_h соҳа билан алмаштирамиз. Унда нуқталар тўплами (x_n,y_m) тўр тугунлари дейилади. Тўрли соҳани қуйидагича қурамиз. Тўртбурчакли соҳада $h=1/N$ қадам билан $x_n=nh$ ва $y_m=mh$ $(n,m=0,1,2,\ldots,N)$ тўғри чизиқларини ўтказамиз.

Чекли айирмалар схемасида иккинчи қадам *Lu* дифференциал ифодани айирмалар ифодаси кўринишида аппроксимация қилиш, яъни унинг бошқа қандайдир ўхшашини қуришдир. Худди шундай чегаравий шартни ҳам алмаштириш лозим бўлади.

$$\frac{1}{h^2}(u_{n-1,m}+u_{n,m-1}+u_{n+1,m}+u_{n,m+1}-4u_{nm})=f_{n,m}$$

бундан

$$u_{n,m}=\frac{1}{4}(u_{n-1,m}+u_{n+1,m}+u_{n,m-1}+u_{n,m+1})-f_{n,m}h^2$$

$(n,m=1,2\ldots,N-1).$

Худди шундай чегаравий шартни ҳам аппроксимация қиламиз

$$u_{0,m}=0;\ u_{n,0}=0;\ \ u_{N,m}=1;\ \ u_{n,N}=1;$$

$(n,m=0,1,2,\ldots,N).$

Бу ҳосил қилинган тизим одатда оддий итерация ёки Зейдел усулида ечилади.

Оддий итерация усулида ечиш:

Мисол сифатида бўлакли бир жинсли бўлмаган ғовак муҳитли қатламда суюқликлар фильтрацияси стационар масаласининг икки ўлчамли моделини қараймиз.

$$\frac{\partial}{\partial x}(k(x,y))\frac{\partial P}{\partial x}+\frac{\partial}{\partial y}(k(x,y))\frac{\partial P}{\partial y}=f(x,y)$$

Тенгламани чекли айирмали тенглама кўринишида ёзамиз, у ҳолда бу тенглама кўриниши қуйидагича бўлади

$$\frac{1}{h^2}(k_{n-0.5,m}u_{n-1,m}+k_{n+0.5,m}u_{n+1,m}+k_{n,m-0.5}u_{n,m-1}+k_{n,m+0.5}u_{n,m+1}-$$
$$[(k_{n-0.5,m}+k_{n+0.5,m})\cdot(k_{n,m-0.5}+k_{n,m+0.5})]u_{nm})=f_{n,m}$$
$$n=\overline{1,N},\ m=\overline{1,M}.$$

Бу ерда *N* ва *M* дискрет соҳанинг қадамлари сони.

Бу ердан

$$u_{n,m}=\frac{1}{(k_{n-0.5,m}+k_{n+0.5,m})\cdot(k_{n,m-0.5}+k_{n,m+0.5})}\cdot$$
$$\left[k_{n-0.5,m}u_{n-1,m}+k_{n+0.5,m}u_{n+1,m}+k_{n,m-0.5}u_{n,m-1}+k_{n,m+0.5}u_{n,m+1}-f_{n,m}h^2\right].$$

Тенгламани ечиш учун оддий итерация усулини қўллаймиз. Бунинг учун оддий итерация усули қоидасига кўра охирги ифодани қуйидагича ёзиб оламиз.

$$u_{n,m}^{(s)} = \frac{1}{(k_{n-0.5,m} + k_{n+0.5,m}) \cdot (k_{n,m-0.5} + k_{n,m+0.5})} \cdot$$

$$\left[k_{n,m-0.5} u_{n,m-1}^{(s-1)} + k_{n,m+0.5} u_{n,m+1}^{(s-1)} + k_{n-0.5,m} u_{n-1,m}^{(s-1)} + k_{n+0.5,m} u_{n+1,m}^{(s-1)} - f_{n,m} h^2 \right].$$

Бу ерда s –итерация қадами; $u_{n,m}^{(s)}$ -*s* итерация қадамида аниқланиши керак бўлган функция; $u_{n-1,m}^{(s-1)}, u_{n+1,m}^{(s-1)}, u_{n,m-1}^{(s-1)}, u_{n,m+1}^{(s-1)}$ -итерация жараёнида қиймати битта олдинги қадамдаги аниқ бўлган функциялар қийматлари. Бошланланғич ҳолатда, яъни итерациянинг биринчи *s=1* бўлгандаги қийматлари черавий шартдан ёки шунга яқин бўлган қийматлар олинади.

Ҳар бир итерация қадамида қуйидаги шарт текширилиб борилади, агар шарт бажарилса охирги аниқланган функция қиймати ечим қилиб олинади

$$\left| u_{n,m}^{(s)} - u_{n,m}^{(s-1)} \right| \le \varepsilon, \ n = \overline{1, N}, \ m = \overline{1, M}.$$

Кўплаб икки ўлчамдаги стационар масалалар, жумладан икки ўлчовли соҳада *f(x,y)* заряд зичлигидаги *u(x,y)* электростатик майдоннинг тарқалиши ёки текислик соҳасида *f(x,y)* кучли иссиқлик берувчи манбага эга *u(x,y)* иссиқликнинг стационар тарқалиши Пуассон тенгламасига келади. Пуассон тенгламаси учун коррект қўйилган чегаравий масала чегаравий шартларни талаб этади. Энг оддий вариант – бу нолга тенг чегаравий шартдир.

Мисол учун марказда *f=30* қийматга эга кучли манбани ҳисобга олувчи Пуассон тенгламасини ечиш керак бўлсин. Бунда қаралаётган соҳа *x* ўқи бўйича бўлакли бир жинсли бўлмаган ҳолат.

$$k(x) = \begin{cases} 0.05 & 0 \le x \le 0.3 \\ 0.5 & 0.3 < x < 0.7 \\ 0.05 & 0.7 \le x \le 1 \end{cases}$$

Натитижа: Сонли натижани 3D ва *x* бўйича кесимдаги графиклари.



1-расм. Марказда кучли манбани ҳисобга олувчи Пассон тенгламаси ечими

Олинган натижадан кўриниб турибдики *x* ўқининг 0.3 ва 0.7 нуқталарда графикда синиш кузатилмокда. Бу шуни кўрсатадики бу нуқталарда тенгламанинг *k(x)* коффициенти ўз қийматини катта фарқ билан ўзгартиради.

Шундай қилиб, ғовак муҳитда суюқликларнинг икки ўлчамли фильтрланиш жараёнини сонли моделаштиришда ўзгарувчилар йўналиши схемаси ва прогонка усули ёрдамида масаланинг дискрет моделини ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган математик-дасатурий восита нефт конлари асосий кўрсатгичларини ҳисоблаш ва сонли натижаларни визуал формада график объектлар кўринишида тақдим этиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида турли бўлакли бир жинсли бўлмаган нефт ва газ конлари ишлаш жараёнини тадқиқ қилиш ишларини амалга оширишда катта хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азиз Х., Саттари Э. Математическое моделирование пластовых систем. Масква-Ижевск. 2004.
2. Абуталиев Ф.Б., Хаджибаев Н.Н., Измайлов И.И.,Умаров У. Применение численных методов и ЭВМ в гидрогеологии. Ташкент, изд.“Фан”, 1976.

VODOROD YOQILG‘I ENERGIYASIDAN FOYDALANIB ENERGIYA TEJASH

S.D.To’rayev - Qishloq va suv xo‘jaligida energiya ta’minoti kafedrasi asisstenti.
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muxandislari instituti Buxoro filiali

Аннотация: Vodorod energiyasidan foydalanish energiya tejashning bir usuli bo’lib. Ushbu ma’ruzada vodorod energiyasidan foydalanishning nazariy jihatlari keltirilgan va qo’llaniladigan sohalar, energoya turlari yoritilgan.

Tayanch so’zlar: vodorod, quvur, elektroenergiya, kosmik, metan gaz, azotli o‘g‘it, organik yoqilg‘i

Аннотация:Использование водородной энергии является одним из способов экономии энергии. В данной докладе представлены теоретические аспекты использования энергии водорода и описаны области применения, виды энергии.

Ключевые слова: водород, труба, электричество, пространство, газ метана, азотное удобрение, ископаемое топливо

Annotation: Using hydrogen energy is one way to save energy. This article presents the theoretical aspects of the use of hydrogen energy and describes the scope, types of energy.

Key words: hydrogen, pipe, electricity, space, methane gas, nitrogen fertilizer, fossil fuel

Biz ko‘rib chiqqan tabiatdagi qaytalanuvchi energiya manbalaridan tashqari energiyaning boshqa turlari ham mavjud. Quyida hozirgi kunda insoniyat tomonidan foydalanish yo‘lga qo‘yilayotgan vodorod yoqilg‘isi va shahar chiqindilaridan energiya olishni qarab chiqamiz.

Ana’naviy-organik yoqilg‘i bozorida ozgina krizis boshlanishi bilan neft va gaz mahsulotlarining o‘rnini bosadigan boshqa energiya manbalaridan foydalanishga harakat qilinadi. Juda ko‘p olimlarning fikricha, zamonaviy energetikaning rivojlanishida uglevodorod yoqilg‘ilarinig o‘rniga tabiatda juda ko‘p tarqalgan ximik element-vodoroddan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Vodorod zahiralari planetamizda bitmas-tuganmasdir. Bundan

tashqari bir xil og‘irlikda vodorod, benzinga qaraganda 3 marta ko‘proq issiqlik ajratadi hamda undan yoqilg‘i sifatida xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlarida foydalanish mumkin (transportda, sanoatda, maishiy xizmatda va boshqalarda).

Vodorod yoqilg‘isini qo‘llash, atrof-muhitni toza saqlashga sharoit yaratadi, chunki vodorod yoqilishi natijasida undan chiqindi sifatida distillangan suvning bug‘lari ajarlib chiqadi xolos.Vodorodni tashish va saqlash juda qulaydir. Uzoq masofalarga uni quvurlar orqali uzatish mumkin. Vodorodni quvurlar orqali uzatish, elektroenergiyani ulkan elektr uzatish tarmoqlarida uzatishga nisbatan bir necha barobar arzonroqdir [1, 153].

где r_1 – радиус плунжера, Q – расход жидкости. Соотношения (2)-(5) выражает математическую модель исследуемого процесса.

Методика решения задачи. Введем следующие новые безразмерные величины $\bar{t} = \dfrac{t}{t_x}$, $x = \dfrac{y}{l}$, $\bar{v}(\bar{t}) = \dfrac{v(t)}{v_c}$, $\bar{v}_0(\bar{t}) = \dfrac{v_0(t)}{v_c}$, $\bar{q}(\bar{t}) = \dfrac{l^2}{\mu v_c} \dfrac{\Delta p}{L}$, $\bar{T} = \dfrac{T}{t_x}$, где обозначено $t_x = \rho l^2 / \mu$. Тогда в безразмерных переменных получим уравнение

$$\frac{\partial \bar{v}}{\partial \bar{t}} = \frac{\partial^2 \bar{v}}{\partial x^2} + \bar{q}(\bar{t}), \quad (0 < x < 1).$$

(6)

Краевые условия и соотношение баланса принимают вид:

$$\bar{v}(x,0) = 0, \ (0 \le x \le 1); \quad \bar{v}(0,\bar{t}) = \bar{v}_0(\bar{t}), \quad \bar{v}(1,\bar{t}) = 0, \quad (\bar{t} > 0). \qquad (7)$$

$$\frac{r_1^2 - r_2^2}{2l^2}\bar{v}_0(\bar{t}) = \int_0^1 (x + \frac{r_2}{l})\bar{v}(x,\bar{t})dx.$$

(8)

Для решения задачи применяя интегральное преобразование Лапласа

$$\tilde{v}(x,s) = \int_0^{+\infty} e^{-st}\bar{v}(x,\bar{t})d\bar{t}, \quad \tilde{v}_0(s) = \int_0^{+\infty} e^{-st}\bar{v}_0(\bar{t})d\bar{t}, \quad \tilde{q}(s) = \int_0^{+\infty} e^{-st}\bar{q}(\bar{t})d\bar{t},$$

получим $\tilde{v}(x,s) = \tilde{v}_0(s)\frac{shw(1-x)}{shw} + \frac{\tilde{q}(s)}{s}\cdot\left(1 - \frac{shw(1-x)}{shw} - \frac{shwx}{shw}\right)$, где $w = \sqrt{s}$.

Подставляя найденное выражение $\tilde{v}(x,s)$ в изображение соотношения (8) получим следующую формулу:

$$\tilde{q}(s) = \frac{l}{l + 2r_2}\cdot s\tilde{v}_0(s)\cdot f(w),$$

(9)

$$f(w) = \frac{\varphi(w)}{\psi(w)}, \ \varphi(w) = 1 - \frac{shw}{w} + \frac{r_2}{l}(1 - chw) + \frac{r_1^2 - r_2^2}{2l^2}wshw; \quad \psi(w) = 1 - chw + \frac{w}{2}shw.$$

Так как $\lim\limits_{w\to 0} w^2 f(w) = 4f_0$, где $f_0 = \frac{3}{l^2}\left(r_1^2 - r_2^2 - r_2 l\right) - 1$, для функции комплексного переменного $F(w) = f(w) - \frac{4f_0}{w^2} = \frac{\varphi(w)}{\psi(w)} - \frac{4f_0}{w^2}$ точка $w = 0$ является устранимой особой точкой и она имеет счетное число простых полюсов – корни уравнения $\psi(w) = 0$: 1) $w = \pm ia_k = \pm 2k\pi i$, $a_k = 2k\pi$, $k = 1, 2, \ldots$; 2) $w = \pm w_k = \pm 2z_k$, $k = 1, 2, \ldots$, где $z_k -$ положительные корни уравнения $tgz = z$. Функция $F(w)$ удовлетворяет условиям теоремы Коши о разложении мероморфной функции, поэтому разлагая ее в ряд получим

$$f(w) = \frac{4f_0}{w^2} + 4\sum_{k=1}^{\infty}\left[\frac{1}{w^2 + a_k^2} + \frac{w_k\varphi_k}{\psi_k(w^2 + w_k^2)}\right] = \frac{4f_0}{s} + 4\sum_{k=1}^{\infty}\left[\frac{1}{s + a_k^2} + \frac{w_k\varphi_k}{\psi_k(s + w_k^2)}\right],$$

где $\varphi_k = 1 - \frac{\sin w_k}{w_k} + \frac{r_2}{l}(1 - \cos w_k) + \frac{r_1^2 - r_2^2}{2l^2}w_k \sin w_k$; $\psi_k = w_k \cos w_k - \sin w_k$.

Оригинал $\Phi(\bar{t})$, соответствующий к $f(w)$ имеет вид

$$\Phi(\bar{t}) = 4f_0 + 4\sum_{k=1}^{\infty}\left(e^{-a_k^2\bar{t}} + \frac{w_k\varphi_k}{\psi_k}e^{-w_k^2\bar{t}}\right). \qquad (10)$$

Из (14) и (17), используя теорему о композиции операционного исчисления, найдем формулу для $\bar{q}(\bar{t})$:

$$\bar{q}(\bar{t}) = \frac{4l}{l+2r_2}\left\{\bar{v}_0(\bar{t})\left[\frac{3}{l^2}\left(r_1^2 - r_2^2 - r_2 l\right) - 1\right] + + \frac{48}{\pi^2\bar{T}}\sum_{k=1}^{\infty}\sum_{n=1}^{\infty}\frac{1-(-1)^n}{n^2}\cdot\left[\frac{1}{a_k^4 + b_n^2}\cdot\right.\right.$$

$$\left.\left.\cdot\left(a_k^2\left(\cos b_n t - e^{-a_k^2\bar{t}}\right) + b_n \sin b_n\bar{t}\right) + \frac{1}{w_k^4 + b_n^2}\cdot\left(w_k^2\cos b_n\bar{t} + b_n\sin b_n\bar{t} - w_k^2 e^{-w_k^2\bar{t}}\right)\right]\right\}, \qquad (11)$$

где $b_n = 2\pi n/T.$ Потери давления в подъемной трубе определяется по формуле $\Delta p(t) = \mu v_c L\bar{q}(\bar{t})/l^2$, а полное давление - по формуле (1).

Численные эксперименты. С помощью полученных формул произведены численные эксперименты используя следующие исходные данные: $L - h = 1000\,м;\ v_c = 0{,}60\,м/с;\ \ T = 20\,с,\ R = 0{,}030\ м,\ r_1 = 0{,}028\,м,$

$r_2 = 0{,}010\,м,\ p_0 = 10^5\ Па.$ На рис. 1 приведен графики зависимости полного давления на плунжер от времени при плотности жидкости $\rho = 800\ кг/м^3$ для значениях вязкости $\mu = 0.04,\ 0.07,\ 0.10\ Па\cdot с$ и зависимости давления на плунжер при вязкости $\mu = 0.05\ Па\cdot с$ и значениях плотности жидкости $\rho = 800,\ 850,\ 900\ кг/м^3$. Видно, что с ростом вязкости нефти давление на плунжер при спуске увеличивается, а при подъеме вверх – уменьшается. Рост плотности нефти при неизменной вязкости приводит к росту давления на плунжер во всем периоде спуска и подъема.

Заключение. Полученные формулы позволяют изучить влияние изменения вязкости и плотности жидкости на давление на плунжер при эксплуатации нефтяных скважин.



Рисунок - 1. Графики зависимости полного давления на плунжер при различных значениях вязкости и плотности жидкости.

ЛИТЕРАТУРА

1. Мирзаджанзаде А.Х., Хасаев А.М. и др. Теория и практика применения глубинных насосов с гидравлическим затвором. – М.: Недра, 1968. – 158 с.
2. Гурбанов Р.С., Касимов А.Ф. Нестационарное движение жидкости в зазоре между плунжером и цилиндром глубинного насоса. – Изв. АН Азерб. ССР. - № 1, 1962.
3. Касимов А.Ф. Рассмотрение радиального зазора как плоской трубы. – ДАН Азерб ССР. – т. 18. - № 7, 1962.

ИССЛЕДОВАНИЕ СИНХРОННЫХ ДВИГАТЕЛЕЙ ПРОДОЛЬНО - ПОПЕРЕЧНОГО ВОЗБУЖДЕНИЯ ПРИ ЭЛЕТРОМЕХНИЧЕСКИХ РЕЗОНАНСНЫХ УСЛОВИЯХ

Н.К. Камолов - доцент кафедры Электротехника, электромеханика и электротехнологии, Н.Н. Норхожаева - старший преподаватель кафедры Электротехника, электромеханика и электротехнологии.
Ферганский политехнический институт

Аннотация

Маърузада бўйлама кўндаланг қўзғотишли синхрон моторларнинг тез ўзгарувчан характердаги юклама билан ишлаб, юкнинг ўзгариш частотси моторнинг хусусий частотасига тенглашганда рўй берадиган электромеханик резонанс режимларида динамик турғунлик чегарасини кенгайтиришда кўндаланг қўзғотиш чўлғамининг магнит оқимини аҳамияти таҳлил қилинган

Аннотация

В докладе проведен анализ влияния магнитного поля поперечной обмотки возбуждения на расширении предел динамической устойчивости синхронного двигателя продольно поперечного возбуждения при электромеханических резонансных условиях.

Annotation

The article analyzes the influence of the magnetic field of the transverse excitation winding on the expansion of the dynamic stability limit of a synchronous motor of longitudinal transverse excitation under electromechanical resonant conditions.

Калит сўзлар

Тебраниш, реактив қувват, тажриба, қўзғотиш чўлғами, автоматик равишда, таъсир этиш, статор кучланиши, электромеханик, резонас.

Ключевые слова

Колебания, реактивной мощности, эксперименты, обмотка возбуждения, автоматической, регулирования, воздействием, напряжения статора, амплитуда, электромеханика, резонанс.

Keywords

Oscillations, reactive power, experiments, field winding, automatic, regulation, exposure, stator voltage, amplitude, electromechanics, resonance.

Резонансные колебания с точки зрения динамической устойчивости является весьма тяжёлым режимом работы не только самого синхронного двигателя, но и узла нагрузки и могут привести к расстройству системы электроснабжения.

Работа синхронного двигателя с обмоткой возбуждения только в продольной оси при ударной нагрузке с резонансной частотой без регулирования возбуждения и учета демпферной обмотки рассмотрена в /1/. При этом исследовании проводились определением колебаний только угла выбега ротора. В /2/ как частный случай ударной нагрузки рассмотрен электромеханический резонанс без учета насыщения магнитной цепи, эксперимент не проводился.

Оценка эффективности автоматического регулирования возбуждения для снижения качаний синхронного двигателя продольно поперечного возбуждения при электромеханическом резонансе проведена также в /3/. При этом возмущающим воздействием является колебание напряжения статора по амплитуде и по фазе. Такие колебания могут возникнуть в узле нагрузки, в котором работают мощные синхронные и асинхронные двигатели при резко переменной нагрузке, а также при асинхронном ходе системы. На основе линеаризованных уравнений рассмотрены только колебания ротора, эксперименты на физической модели не проводились.

В докладе аналитические исследования проводятся на основе решения обшепринятой системы дифференциальных уравнений Парка–Горева записанные в системе координатных осей d, q, 0 жестко связанных с ротором.

Все обозначения в уравнениях общепринятые.

Электромагнитный момент $M_Э$ определяется уравнением

$$M_э = \Psi_{\delta d} \cdot i_q - \Psi_{\delta q} i_d. \qquad (1)$$

Реактивная мощность

$$Q = U_d \cdot I_q - U_d \cdot I_q \qquad (2)$$

Эксперименты проводились на физическом модели синхронной машины МСА724 /4/. Величина набрасываемой нагрузки изменялась в пределах (0,8-2)$P_н$, а частота чередования набросов и сбросов рензкопеременной нагрузки равной частоте свободных колебаний агрегата синхронный двигатель-генератор постоянного тока f_0=3,8 пер/сек. Расчет и эксперименты переходного процесса при электромеханическом резонансе проводились при различных условиях возбуждения:

-поперечная обмотка возбуждения разомкнута, напряжения на продольной обмотке возбуждения соответствует режиму Cosφ =1,0 (рис.1);



Рис.1 Осциллограмма переходного процесса при разомкнутой поперечной обмотки и напряжении продольной обмотки U_{fd}= U_{fdxx} и Cosφ =1,0

- при набросе нагрузки форсируется напряжение на обеих обмотках возбуждения по законам (1) и (2) (рис.3.10.а и рис. 3.10.б).

Коэффициенты K_1 и K_2 коэффициенты форсировки напряжении возбуждения. Наброс и сброс нагрузки с резонансной частотой осуществлялся по специально разработанной системе.



Рис.2 Осциллограмма переходного процесса при короткозамкнутой поперечной обмотки и напряжении продольной обмотки U_{fd}= 0,85U_{fdxx}

Анализ результатов расчета ЭВМ и осциллограмм колебательных процессов работы синхронного двигателя продольно поперечного возбуждения в условиях электромеханического резонанса при названных режимах возбуждения (рис.1) показывают отсутствии регулирования возбуждения в продольной обмотке возбуждения набросы и сбросы нагрузки $P_{нг}$= 0,8 $P_н$ с резонансной частотой колебания потребляемой мощности P_1 превосходить установившегося в 3 раза, тока в обмотке статора I_1 в 2,6 раза, реактивной мощности Q_1 в 2 раза, а также колебания угла нагрузки ∘ . В обмотке возбуждения возникают колебания свободных токов с амплитудой Δi_{fd}=0,8 i_{fd} .

Регулированием возбуждения в двух осях при набросках и сбросах нагрузки с резонансной частотой по закону (3) и (4)

в момент наброса нагрузки форсируется по закону

$$U_{fd} = U_{fdo} + K_1 P_{нг} \qquad (3)$$

Здесь $P_{нг}$-мощность набрасываемой нагрузки (рис.)

$$U_{fq} = K_2 P_{нг} \qquad (4)$$

Можно полностью исключить свободные колебания активной и реактивной мощности, тока статора и обеспечить колебания угла смещения, соответствующего исходному режиму (рис. 3 и рис.4).



Рис.3 Переходный процесс при совместном регулировании U_{fd}= 0,85U_{fdxx}, U_{fq}=0,48 U_{fdxx}

В прокатных станах период нагрузки обычно значительно больше периода собственных колебаний агрегата, поэтому в реальных условиях резонанс возможен лишь при кратном соотношении периодов T_1 и T_2. Такие колебания имеют место, когда длительность действия нагрузки T_1 и T_2 равны нечетному числу полупериодов собственных колебаний T_0.



Рис.4 Осциллограмма переходного процесса при совместном регулировании U_{fd}= 0,85U_{fdxx}, U_{fq}=0,48 U_{fdxx}

Как видно из этих рисунков, регулирования возбуждения в продольной и поперечной осях позволяет полностью демпфировать колебания и обеспечить

апериодический переход активной мощности и тока статора в новқй установившейся значения, значительно снизить амплитуду свободных токов в продольной обмотке возбуждения, что приводить к снижению потерь мощности в этой обмотке..

Колебания реактивной мощности и угла выбега ротора почти отсутвуют, а в моменты сброса нагрузки отсутствуют «нырки» активной мощности в генераторный режим.

Характер протекания электромагнитных и электромеханических переходных процессов, позволяет сделать вывод, что путём регулирования тока возбуждения в продольной и поперечной обмотках возбуждения можно обеспечить апериодического перехода существенно снизить колебания режимных параметров узла нагрузки, питающего синхронных двигателей, работающих с резкопеременной нагрузкой.

ЛИТЕРАТУРА

1. Янко-Триницкий А.А. Новый метод анализа работы синхронныхъ двигателей при резкопеременных нагрузках.-М.-Л.: Госэнергоиздат.1958.-103 с.
2. Важнов А.И.Динамическая устойчивость синхронного двигателя при ударной нагрузке // Энергетика и автоматика.-1962- №3.-с.84-90
3. Погорелов Л.М. Вопросы регулирования возбуждения в продольной и поперечной обмотках ротора синхронного двигателя узла резкопеременной нагрузки: Автореферат. Дис. Конд.техн.наук.-И.,1974,- 24 с.
4. Н.Н.Норхожаева и др. Работа синхронных двигателей в асинхронных режимах. Научно – технический журнал Наманганского инженерно- технологического института

ХОМАШЁ ВАЛИГИНИНГ ЗИЧЛИГИНИ РОСТЛАШ ТАДҚИҚИ

Д.Рохмонов - катта ўқитувчи, А.У.Саримсаков - доцент, PhD,
Р.Мурадов - профессор, т.ф.д.
Наманган мухандислик технология институти

Маърузада жинлаш жараёнида толадан ажраган чигитларнинг жин машинаси иш унумдорлигига боғлиқлиги назарий йўллар билан ўрганилган ҳамда ишчи камера ўртасига тўпланиб қоладиган толадан ажраган чигитларни чиқариб юбориш имконини берадиган янги конструкцияси таклиф этилиб, унинг ишлаш жараёни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Пахта, жин, чигит, тола, арра, колосник, иш камераси, хомашё валиги, тезлик, сифат, самарадорлик, босим, зичлик.*

В докладе теоретически изучается зависимость семян, отделенных от волокон, от эффективности машины джина, и предлагается новая конструкция, которая позволяет удалять семена, накапливающегося в середине рабочей камеры, и анализируется ее работа.

Ключевые слова: *хлопок, джин, семян, волокно, пиль, колосник, рабочий камера, сырцовой валик, скорость, качество, эффект, давление, плотность.*

The article theoretically studies the dependence of seeds, separated from fibers, on the efficiency of the gin machine, and proposes a new design that allows you to remove seeds that accumulate in the middle of the roll box, and its work is analyzed.

Keywords: *The cotton, gin, seed, fiber, saw, gridiron, roll box, seed roller, speed, quality, efficiency, productivity, equation, pressure, density.*

Жинлаш жараёнида толадан ажраган чигитлар хомашё валигининг марказий қисмида йиғила бошлайди. Натижада хомашё валигининг зичлиги ортиб, чигит ва толанинг шикастланиши кўпайишига олиб келади. Жинлаш нуқсонларини камайтириш учун жинлаш жараёнини хомашё валигининг нисбатан бўш ва турғун зичлигида амалга ошириш керак.

А.А.Умаров [1] томонидан ишчи камерадаги хомашё валигининг зичлигини назорат қилиш қурилмаси билан таъминланган жин машинаси таклиф қилинган. Унда аррали цилиндр электромоторидаги юкланиш токининг назорат қилиш учун датчик ўрнатилган. Хомашё валигининг зичлиги ўзгаришида ва мос равишда юкланиш токи ўзгаришида, таъминлагич электромотори ишини автоматик ростлаш қурилмаси бошқарилади ва ишчи камерага узатилаётган пахта ҳажмини ростлаш имконини беради. Яъни хомашё валигининг зичлиги рухсат этилгандан юқори катталикка ўзгарганда жин электромоторининг юкланиш токи датчиги частота ўзгартиргичга сигнал узатади. Частота ўзгартиргич таъминловчи валикларни айлантирувчи электромоторнинг айланиш частотасини ростлайди ва шу билан жин ишчи камерага пахта узатилиш тезлиги секинлашади ва хомашё валиги зичлиги камаяди ёки аксинча.

Жин машинаси самарадорлигини ошириш учун ишчи камера ўртасига тўпланган чигитларни ташқарига ўз вақтида чиқаришни амалга ошириш керак. Мана шу масалани амалга оширишни таъминлаш мумкин бўлган икки хил вариантни кўриб чиқамиз:а) Колосник юзасини ариқчали қилиб тайёрлаш; б) Ишчи камера ўртасига тўрли барабан ўрнатиш.

Биринчи вариантда толадан ажраган чигитлар арра орасидан колосник юзасидан ариқчаларда ўз оғирлиги таъсирида пастга қараб ҳаракатлана бошлайди. Таклиф қилинаётган вариантда колосник юзаси ариқчали бўлганлиги сабабли, толадан ажраган чигитлар хомашё валиги таъсирига учрайди. Ўтказилган тажриба натижаларига асосан янги тайёрланган колосниклар ўрнатилиб ишлатилганда жин машинасида чигит чиқиш унумдорлиги ўртача 1,8 мартага ошиши мумкин. Лекин, бу жин машинасининг ботиқ колосникдаги чигит хомашё валигидан тўла озод бўлмаслиги сабабли, қуйидаги янги такомиллашган усул таклиф қилинди (1-расм).



1-расм. Янги пахта толасининг чигитдан ажратувчи қурилма
1-ишчи камера, 2-колосниклар, 3-чигит тароғи, 4- аррали цилиндр, 5-тирқиш, 6-овалсимон шаклдаги ариқча

Таклиф қилинган қурилма қуйидагича ишлайди [2]. Пахта ишчи камера 1 га келганидан сўнг, аррали цилиндр 4 ёрдамида илиб олинган пахта толаси колосниклар 2 ёрдамида чигитдан аратилади. Чигитлар колосниклар юзи бўйлаб ўз оғирлиги таъсирида чигит тароғи 3 га келиб тушади. Чигит тароғи билан арралар орасидаги масофадан фақат тўла толадан ажратилган чигитлар чиқиб кетади. Баъзи тозаланган чигитлар эса камерада кўпроқ қолиб кетиб шикастланиши ҳолатлари содир бўлади. Янги таклиф қилинаётган колосник эса мана шу чигитларни ўз вақтида чиқариб юборишга мўлжалланган бўлиб, бунинг ёрдамида тозаланган чигитлар камерада кўп қолиб кетмасдан чиқариб юборилади. Янги таклиф қилинаётган колосникда толадан ажраган чигитлар тирқиш 5 орқали овалсимон шаклдаги ариқча 6 ичидан ўз оғирлиги таъсирида пастга тушади. Натижада ишчи камерада толадан ажраган чигитларни ўз вақтида хомашё валигидан ажратиб олиш имконияти ҳосил бўлади. Бу эса хомашё валигини зичлигини ошиб кетмаслигини олдини олади. Натижада чигитни шикастланиши камаяди ва толанинг сифати яхшиланади.

Иккинчи вариант буйича таклиф қилинаётган толадан ажраган ва ишчи камера ўртасига тўпланиб қолган чигитларни ўз вақтида ташқарига чиқариб юбориш мақсадида ишчи камерага юзаси тўрли барабан ўрнатилган [3]. Шунингдек, хомашё валигининг зичлигини бир хил бўлишини таъминлаш мақсадида тўрли барабан ён томонларига пуржиналар жойлаштирилган (2-расм).

Таклиф қилинаётган аррали жин қуйидагича ишлайди. Пахта жин машинасининг ишчи камераси (4) га келиб тушади. Аррали цилиндрнинг (1) га айланиш натижасида унинг тишларига илашиб хомашё валигини ҳосил қилади. Арра тишларига илашган тола (2) колосник панжарасида чигитдан ажралади. Колосниклар орасидан ўта олмай қолган толадан ажраган чигитлар ўз оғирлиги таъсирида пастга туша бошлайди. Чигит тароғи (3) фақат толадан тўла ажраган чигитларни пастга тушириб юборади.



2-расм. Тола ажратиш қурилмаси.
1-аррали цилиндр, 2-колосник, 3-чигит тароғи, 4-ишчи камера, 5- тўрли барабан, 6-иссиқ ҳаво пуфлайдиган қўзғалмас қувур, 7-пружина

Толадан тўла ажраган чигитларни бир қисми хомашё валиги таъсирида ишчи камера ўртасида ўрнатилган тўрли барабан (5) тешикларидан ўтиб ҳаво пуфлайдиган қўзғалмас қувурдан (6) ҳаво пуфлаш ҳисобига ва тўрли барабан юзаси ариқча шаклида бўлганлиги сабабли чигитларни ташқарига тезроқ чиқариб юборади. Шунингдек, тўрли барабанларнинг ён томонларига пуржина (7) ўрнатилган. Бу пуржиналар тўрли барабаннинг диаметрини ўзгаришига олиб келади. Хомашё валигининг зичлигини ошиб кетиш натижасида пуржина сиқилади. Чигитлар чиқиб кетгандан кейин хомашё валигининг зичлиги камайиши билан яна ўз ҳолатига қайтади.

Ушбу мақолада муаллифлар томонидан мана шу турли барабаннинг ўзгарувчи қисмига яъни пружиналар жойлашган жойига датчик ўрнатилади, хомашё валигининг зичлиги ошиши билан пружинанинг сиқилиши натижасида датчик таъминлагич валикларига сигнал беради.

Сигнал натижасида таъминлагич валикларининг айланиши секинлашиб, жин машинасига бериладиган пахта миқдори камаяди. Шундай қилиб, толадан ажраган ва ишчи камера ўртасига тўпланиб қоладиган чигитларни ўз вақтида ташқарига чиқариб юборилгандан кейин, хомашё валигининг зичлиги камайгандан сўнг, датчик ишлаб яна таъминлагичга хабар беради. Шундан сўнг жин машинасига пахта хомашёсини узатиш бошланади. Тўрли барабан айланма ҳаракат қилганлиги сабабли хомашё валигини ҳаракатланишига ёрдам беради. Бу янги таклиф қилинган янгилик натижасида жин машинаси бир текисда ишлайди, хомашё валигининг зичлигини бир меъёрда ушлаб туриш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.А.Умаров. Тола сифатини яхшилаш мақсадида аррали жинни таъминлаш жараёнини такомиллаштириш. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Наманган. 2018 йил.
2. Р.Мурадов, А.Обидов, Х.Шарипов, Ж.Эргашев. Жин машинаси учун колосник. Фойдали моделга патент. FAP 00808.
3. А.Саримсаков, Р.Мурадов, Ж.Эргашев. Пахта толасини ажратадиган қурилма. Фойдали моделга патент. FAP 00809.

ANIQ FANLARNI O‘QITIShDAGI AYRIM MUAMMOLAR VA KLASSIK OLIMLARNING TA’LIM SAMARADORLIGI HAQIDAGI FIKRLARI

A.Artiqov – dotsent/
Andijon davlat universiteti

Informatsion va innovatsion texnologiyalarning rivojlanishi, kompyuter texnikasi va uning imkoniyatlarini, tezligini, hotirasini va mobilliligini takomillashtirilishi, dasturlash muammolarini hal etilishi va bu sohaning cheksiz imkoniyatlari yanada chuqurroq o‘rganilib, internet xizmati turlarining kengayishi, rivojlanishi va mobillashuvi jahonda fan va texnika hamda biznesning rivojiga olib kelishi o‘rganilgan va bularning asosida aniq fanlarni o‘rganish yotganligi bayon qilingan

Kalit so‘zlar: *kompyuter texnikasi, innovatsion texnologiyalar, internet xizmati turlari, mobillashuv*

Развитие информационных и инновационных технологий, совершенствование компьютерной техники и ее возможностей, быстродействие, память и мобильность, решение задач программирования и бесконечные возможности этой области были изучены более глубоко, развитие и мобилизация видов интернет-услуг привели к развитию науки и техники, а также бизнеса в мире были изучены, причем на основе современных информационных технологий.

Ключевые слова: *компьютерные технологии, инновационные технологии, виды интернет-услуг, мобилизация*

The development of information and innovative technologies, improvement of computer technology and its capabilities, performance, memory and mobility, solving programming problems and infinite possibilities of this region were studied more deeply, the development and mobilization types of Internet services has led to the development of science and technology and in the business world were studied, and based on modern information technologies.

Keywords: *computer technologies, innovative technologies, types of Internet services, mobilization*

XXI asr informatsion va innovatsion texnologiyalarning keng masshtabli rivojlanishi bilan boshlandi. Bu borada yetuk mutahasislar va ayniqsa yangi boshlovchi-tadqiqotchilar va axborot texnologiyalarini o‘rganuvchilar ham, uning taraqqiyotiga va imkoniyatlariga yetib olish mushkul ekanligini his etmoqdalar. Axborot texnologiyalari texnik imkoniyatlari, intelektual salohiyati va texnologik ko‘p qirraligi bilan lokal rivojlanishda jahon fani taraqqiyotiga katta xissa qo‘shib kelmoqda. Bunday taraqqiyot har bir davlat va hatto har bir mutahasisdan doimo izlanishda bo‘lishga va shu taraqqiyot- o‘sish poygasida o‘z o‘rnini topa bilishini taqazo etmoqda. Bunday raqobatni axborot texnologiyalarining barcha sohalarida kuzatilmoqda. Kompyuter texnikasi va uning imkoniyatlarini, tezligini, hotirasini va mobilliligini doimo takomillashtirish borasida rivojlangan davlatlarning shu soha mutaxasislari to‘htovsiz ish olib borib, kutilmagan, ulkan natijalarga-yutuqlarga ham erishmoqdalar. Ikkinchi tomondan dasturlash muammolarini hal etish va bu sohaning cheksiz imkoniyatlari yanada chuqurroq o‘rganilib, informatsion bozorda nihoyatda samarali yangi biznes soxalarining rivojlanishiga ham olib kelmoqda. Uchinchi tomondan internet xizmati turlarining kengayishi, rivojlanishi va mobillashuvi jahonda fan va texnika hamda biznesning rivojiga katta turtki bo‘ldi. To‘rtinchidan yuqoridagilarga bog‘liq holda aniq fanlarni o‘rganish va o‘rgatishga bo‘lgan extiyojlar va talablar ham tobora kuchayib bormoqda.

Buning natijasida ta’limning ham yangi shakllari, usullari va texnologiyalari vujudga keldi. Ammo innovatsion ta’lim texnologiyalari amaliyotga texnik jarayonlar texnologiyalariga qaraganda qiyinroq qo‘llanilmoqda. Buning didaktik, psixologik va pedagogik asoslari va sabablari mavjudligi bugun sir bo‘lmay qoldi. Bu texnologiyalarni aslida barcha pedagoglar bir hil muvaffaqiyat bilan ta’lim jarayoniga qo‘llay bilishlari mumkin edi, ammo bunday jarayon ancha qiyin kechmoqda. Tabiiyki, “nega shunday bo‘lyabdi?” - degan savol tug‘iladi.

Aslida ta’lim samaradorligini oshirish borasida klassik olimlar va pedagoglar juda qadimdanoq o‘z fikrlarini bayon etganlar. Buyuk mutafakkirlar: A.Beruniy, Ibn Sino, Al Xorazmiy, Farobiy, Imom Buxoriy, Imom at Termiziy, Yusuf Hos Hojib, A.Navoiy,

A.G‘ijduvoniy, Baxouddin Naqshbandiy, A.Temur va bular kabi dunyo tan olgan yuzlab allomalarimiz shular jumlasidandir.

Buyuk bobokalonimiz Alisher Navoiy “Xayrat ul Abror” dostonida 1483 yili, Kulondan 302 yil ilgari qahrabo va samon parchalarida xosil bo‘luvchi ikki hil unsur, samon parchalarining qaxraboga tortilishiga sabab bo‘lishligini aytib o‘tgan edi [1].

Yusuf Hos Hojibning bundan 950 yil ilgari bitilgan “Qutadg‘u bilig”-“Saodatga eltuvchi bilim” asari jaxon pedagogikasi kutubxonasidagi eng noyob durdona sifatida o‘rganilib va qadrlanib kelinmoqda. Bu asar bugungi kunda juda chuqur o‘rganilmoqda va uning ta’lim-tarbiya borasidagi bilimlarning cheksiz ummoni ekanligini jaxonning ko‘plab tilshunos, pedagog olimlari qayta-qayta e’tirof etmoqdalar. Unda Allohni tanishdan boshlab, oddiy dexqonni, chorvadorni va xatto shaxzodani qanday qilib mukammal qilib tarbiyalash masalalari juda qiziqarli bayon qilinadi [2].

Nek niyyat qildi kim,bilim keldi qo‘l,
Bilimdan topildi balki ko‘kka yo‘l.

Yusuf Hos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asari bilan, Ya.O.Komenskiyning buyuk didaktika kitobini solishtirib ko‘rsangiz, Siz muxtaram o‘quvchilarimizda ham bu ikki asarning strategiyasi aynan o‘xshash ekanligi to‘g‘risidagi xulosalarni keltirib chiqarishiga aminmiz. Mualliflarning har ikkisi ham ta’lim-tarbiya jarayonini yil fasllariga qiyoslaydi. Ta’lim va tarbiyani yoshligidan boshlashni va to‘g‘ri vaqt tanlay bilishni ta’kidlaydilar[3].

Ta’lim jarayonini tashkil qilishda tabiatdan ibrat olish kerak. Inson umrini va o‘qitish davrini yil fasllariga qiyoslaydi. O‘tgan asrning 90 yillari sobiq ittifoqda novator pedagoglar ish usullari keng targ‘ib qilindi va ularning yutuq va kamchiliklari chuqur o‘rganildi. Rivojlangan davlatlarda A. Osborn, U.Gordon, B. Blyum[4] kabilar tomonidan esa “Miya xujumi”(“Aqliy xujum”), “Sinektika”, ”Taksonomiya” kabi «demokratlashgan» ta’lim texnologiyalari taklif etildi. Bu usular hozirgacha g‘arbda keng qo‘llanilib kelinmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. A.Navoiy. Xayrat ul Abror.XIII bob,17-sahifa,T.1989.
2. Yu.X.Hojib. Qutadg‘u bilig.T.”Yulduzcha”.1990.151-bet
3. Ya.A. Komenskiy. Buyuk didaktika. T. 1975.
4. A.Artiqov, A.Xakimov, M.Qodirov, A.Asqarov. Fizika o‘qitishda innovatsion ta’lim texnologiyalari. 1-qism. Andijon, 2011. 48 s.

MODULLI TA’LIM TIZIMINING YARATILISH TARIXI VA TA’LIM SAMARADORLIGIDAGI O’RNI

A.Artiqov – dotsent.
Andijon davlat universiteti

Ma’ruzada ta’limda modulli texnologiyalarning yaratilishi va rivojlanishi tarixiga bag‘ishlangan masalalar yoritilgan. Maqolani tayyorlash jarayonida muallif tamonidan klassik olimlar, o‘rta osiyolik mutafakkirlar va g‘arblik ayrim mashhur pedagoglarning ta’lim samaradorligini oshiish borasidagi ishlari o‘rganilgan va qisqacha bayon etilgan.

Tayanch iboralar: *modulli ta'lim, metodologik asoslar, aqliy xujum, sinektika, taksonomiya, fan bloklari*

В докладе изложены некоторые вопросы создания и развития модульных технологий в образовании. В процессе подготовки статьи, авторы изучили работы классических ученых и мыслителей востока, а также работы западных педагогов в области повышения эффективности обучения.

Ключевые слова: *модульное обучение, методологические основы, мозговой штурм, синектика, таксономия, блоки наук*

The article presents some issues of creation and development of modular technologies in education. In the process of preparing the article, the authors studied the works of classical scientists and thinkers of the East, as well as the work of Western teachers in the field of improving the efficiency of education.

Keywords: *modular training, methodological foundations, brainstorming, synectics, taxonomy, blocks of sciences*

Modulli ta'lim to'g'risidagi tasavvurlar, ularning metodologik asoslari va inovatsion g'oyalarni bosqichma-bosqich alohida guruhlar ishtirokida yaratish va rivojlantirish fikri dastlab 1915-1940 yillarda Amerikalik ishbilarmon, Aleks Osborn tomonidan reklama qilishni takomillashtirish va muxandislarni yangi ixtirolarni kashf qilishga o'rgatish jarayonida taklif qilinadi. Uning bu g'oyalari-"Aqliy xujum" asosida dunyoning yuzlab davlatlarida ta'limning yangi, hususiy metodlari va "texnologiyalari" yaratildi. Bu metod "Aqliy xujum" metodi deb ataldi[1,13,14]. Keyinroq bu usul "Sinektika" nomi bilan Uilyam Gordon va "Taksonomiya" nomi bilan Benjamin Blum tomonidan yanada takomillashtirildi [15-17]. Bu metodlar haqidagi batafsil ma'lumotlar muallif tomonidan [1] da bayon qilingan. Ayrim manbalarda modul tizimi 1950 yillarda paydo bo'lgan degan ma'lumotlar ham keltirilgan[2]. Ammo ularning mualliflari [13-17] ishlarning birortasiga ihtibos bermaganlar. Bu ta'lim to'g'risidagi tasavvurlar, ularning metodologik asoslari o'tgan asrning 90-yillariga kelib, ancha rivojlandi.

Aslida tabiat xodisalarini va ayrim fizik jarayonlarni o'rganish va tushuntirishda qismlarga(bloklarga) ajratib tahlil qilish metodining qoidalari va usullari Beruniy va Ibn Sinolarning yozishmalarida, Farobiy asarlarida ham o'z aksini topgan. Ta'lim va tarbiyada oddiydan – murakkabga yoki osondan-qiyinga o'tib borish tamoyili, bloklarga ajritib o'rganishning asosiy elementlari sifatida keyinroq, o'ninchi asrda Yusuf Xos Xojibning "Qutadg'u bilig" va o'n yettinchi asrda Ya. O. Komenskiyning "Buyuk didaktika" nomli mashxur asarlarida yanada izchil, ta'limning tamoyillari sifatida bayon qilinadi.

Modul tizimi, to'g'ri tashkil etilsa, ta'limning yuqori bosqichlarida samaradorligini keskin oshirish imkonini beradi. Aslida ta'lim samaradorligini oshirish borasida klassik olimlar va pedagoglar juda qadimdanoq o'z fikrlarini bayon etganlar. Buyuk mutafakkirlar: A.Beruniy, Ibn Sino, Al Xorazmiy, Farobiy, Imom Buxoriy, Imom at Termiziy, Yusuf Hos Hojib, A.Navoiy, A.G'ijduvoniy, Baxouddin Naqshbandiy, A.Temur va bular kabi dunyo tan olgan yuzlab allomalarimiz shular jumlasidandir[1].

Modul tizimini qo'llashda ta'limning deyarli barcha tamoyillariga amal qilinadi va o'z-o'zidan eng samarali usullarni faol qo'llab borish talab etiladi. Bu xolat avvalo o'qituvchidan katta faollikni talab qiladi. Metod yo'lga qo'yilib, o'quvchilarni o'rgatib olganidan keyin, o'qituvchining ishlashi oson kechadi. Unda ortiqcha charchashlar, asabiy zo'riqishlar bo'lmaydi. O'quvchilar o'rganishlari kerak bo'lgan bilimlarni asosiy jihatlarini ajratishga odatlanadilar.

Murakkab narsalarni xayolan oddiy narsalarga aylantirishga odatlanadilar. Mushohada qilishga va chuqurroq o‘ylash va fikrlashga o‘rgatiladilar.

ADABIYOT

1.A.Artiqov, A.Xakimov, M.Qodirov, A.Asqarov. Fizika o‘qitishda innovatsion ta’lim texnologiyalari. 1-qism. Andijon, 2011. 48 s.

2.Методологические основы системы модульного формирования //Сб.нормативних документов.М.2006.

3.Борисова Н.В.От традиционного через модульное к дистанционному образованию: Учеб.пособие.М.ВИПК МВД России,1999.-174 с.

4.Башарин В.Ф. Модульная технология обучения физике//Специалист. 1994.№ 9.

5.Вазина К.Я.Саморазвитие человека и модульное обучение.Н.Н., 1991.

6.Батышев С.Я. Блочно-модульное обучение - М.,Транссервис,1997.225 с.

7.Закорюкин В.Б., Панченко В.М., Твердин Л.М. Модульное построение учебных пособий по специальным дисциплинам.// Проблемы вузовского учебника. - Вильнюс: ВГУ, 1983.

8.Лаврентьев Г.В. и Лаврентьева Н.Б. Сложные технологии модульного обучения: Учеб.пособие/Алт. гос. ун-т.Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 1994.

9.Юцявичене П. А.Теория и практика модульного обучения.Каунас,1989-271

10.Юцявичене П.А. Теоретические основы модульного обучения: Дис.д.п. н.

11.Goldshmid B., Goldshmid M.L. Modular Jnstruction in Higher Education// Hig her Education.972.2.

12.Owens G. The Modele in "Universities Quarterly"// Universities Quarterly, Higher education and society.V.25.1.

13.Osborn, Alex F. Your Creative Power (1948), New York,1948

14.Gordon W. I. I. Synectics: the development of creative imagination.-New-York, Harper and Row, 1961.

15. Bloom, B.S., (Ed.). Taxonomy of educational objectives: The classification of educational goals: Handbook I, cognitive domain. New York: Longman. 1956.

16.Anderson, L. W. & Krathwohl, D. R. A taxonomy for learning, teaching, and assessing. New York: Longman. 2001.

17. Marzano, R. J. Designing a new taxonomy of educational objectives. Thousand Oaks, CA: Corwin Press. 2000

АМАЛИЙ ДАРСЛАРНИ МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

И.Б. Асқаров - п.ф.б.ф.д (PhD), кафедра мудири, И.И. Умиров - ассистент, ЖизПИ

Аннотация: *Ушбу мақолада самарали ўқитиш технологияларидан бири модулли ўқитиш жараёнига тизимли фаолиятли ёндошув ва унинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, модулли ўқитиш технологиясининг ишлаб чиқариш таълими жараёнида қўллаш имкониятлари ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *Модулли ўқитиш технологияси, модул, тизимли ёндошув, индивидуаллаштириш, ўқув пакети, ўргатувчи модул.*

Аннотация: *В этой докладе описывается системный и активный подход к модульному процессу обучения, одна из наиболее эффективных технологий обучения и его особенности. Описаны возможности и особенности использования модульной технологии обучения в процессе развивающего обучения.*

Ключевые слова: *Модульная технология обучения, модуль, системный подход, индивидуализация, учебный пакет, учебный модуль.*

Abstract: *This article describes a systematic and active approach to the modular learning process, one of the most effective teaching technologies and its features. The possibilities and features of using modular learning technology in the process of developing learning are described.*

Keywords: *Modular training technology, module, systems approach, individualization, training package, training module.*

Янги педагогик технологияларнинг ажралиб турадиган томонларидан бири, анъанавий таълим фарқли равишда, ўқитувчи ўтаётган мавзусига технологик харита ишлаб чиқади. Бу эса дарс ўтиш жараёнини оптималлаштиради. Чунки технологик харитада бутун дарсни қандай бориши режалаштирилган бўлади. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фани мисолида модулли ўқитишда қўлланиладиган технологик харитани кўриб чиқамиз (1-жадвал). Технологик харита модулни ўрганишнинг назарий ва амалий босқичларини, турли даражали мақсадларни, билимларни ташҳислаш шаклларини ва тузатмалар киритиш йўлларини қамраб олган бўлиши керак.

Ўқув модулида қўлланиладиган технологик харитиага мисол.

1-жадвал

“Совитиш ва мойлаш тизимига ТХК ва Т” ўқув модулининг технологик харитаси		
Ўқитишнинг назарий босқичлари	**Ўқитишнинг амалий босқичлари**	
	Амалий машғулотлар	**Назарий машғулотлар**
1. Совитиш тизими- двигателнинг энг қулай иссиқлик ҳолати совутиш тизими ёрдамида сақлаб турилади 2. Мойлаш тизими- қизиган деталларга мойни бетўхтов узатиш, унинг айланишини, тозаланишини таъминлаш 3. Совитиш ва мойлаш тизимининг носозликларини қандай билса бўлади 4. Мойлаш ва совитиш тизимини диагностикалаш 5. Термостатларни текшириш 6. Мой филтрларини текшириш 7. Совитиш ва мойлаш тизимига ТХК	Топшириқларни бажариш, тестларни ечиш	Совитиш ва мойлаш тизимига ТХКни аниқлаш, ҳисобот тайёрлаш

Мақсадлар	Ташхислаш усули	Тузатиш
Қуйидагиларни билиш (қониқарли): Совитиш ва мойлаш тизими тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; Совитиш ва мойлаш тизимини таърифлаш Совитиш ва мойлаш тизимини моҳияти Совитиш ва мойлаш тизимларини ўзаро формулировка қила олиш	Оғзаки сўров Оғзаки сўров, ёзма Оғзаки сўров, ёзма	Совитиш ва мойлаш тизими замонавий формулировкасига эътибор бериш Совитиш ва мойлаш тизимини ўзаро боғлай билиш
Мақсадлар	**Ташхислаш усули**	**Тузатиш**
Қуйидагиларни билиш (яхши):		
Совитиш ва мойлаш тизимининг носозликларини билиш Амалиётда тизимни диагностика қила олиш Термостатларни текшириш мой филтрларини текшириш	Ўқув модулида кўзда тутилган масалаларни ечиш	Назарий билимлар, диагностика ишларига эътибор бериш
Қуйидаги малакаларни шакллантириш (аъло):		
Совитиш ва мойлаш тизимининг носозликларини бартараф эта олиш Совитиш ва мойлаш тизимининг деталларини жойлашиши ва ишлаш принципини айта олиш Совитиш ва мойлаш тизиминига дастлабки техник хизмат кўрсата олиш	Турли қийинчиликдаги саволлар, тест саволлари	Назарий билимлар, 1-ТХК ва 2-ТХК ишларини амалиёт машғулотида бажариш

Ўқув модулини ўзлаштириш жараёнида юзага келадиган саволларга жавоб бериш, талабаларнинг ўқув фаолиятини йўналтириб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг ҳар бир ўқув модули охиридаги фаолияти назорат топшириш билан якунланади. Олинадиган назорат таркибида оғзаки савол-жавоб, табақалаштирилган мустақил иш, тест топшириқлари кўзда тутили мумкин. Шундай қилиб ўқитишнинг модулли тизими ўқитувчига ўқитиш шакли ва услубларини танлашда етарли эркинлик ҳамда ўқув материалларини ўзлаштиришга кетадиган вақтни тежаш, қўшимча вақтдан фойдаланиш ҳисобига талабаларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш имконини беради ва буларнинг бари ўқуфчиларнинг билимларини тизимлаштириш ҳамда сифатини оширишга ҳизмат қилади.

“Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фанидан назарий билимларни модулли ўқитиш технологияларидан фойдаланиб ўқитишда ўқув материалини мавзу бўйича муаммолар қўйиб, олдин ўрганилган техникавий билимларини такрорлаш, Талаба хотирасидан ўтган далилларни фаоллаштириш йўли билан уни янги техникавий мавзуни ўрганишга тайёрлайди. Педагогик мақсадларни қўйиш — мавзуга

мувофиқ муаммони танлаш, ўрганилган таъриф, қоидаларни такрорлаш, механизмларни эслатиш мақсадларини аниқ тасаввур этади ва мустақил фикрлашга ундайди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашдан модулли дастурларни ва ўқув модуларини яратишда ўқитувчи муайян ишларни амалга ошириши лозим бўлади:

1. Модулнинг модулли дастурдаги ўрнини белгилаш.
2. Модул таркибига кирувчи мавзуларни ажратиш ва модулни номлаш.
3. Модулнинг интеграцияловчи дидактик мақсадини ва ўқитишнинг охирги натижаларини белгилаш.
4. Зарур техникавий ўқув материалларини танлаш.
5. Модул асосида ўқитишнинг ва назоратнинг усул ҳамда шаклларини танлаш.
6. Ўқув фаолияти усулларини танлаш.
7. Модул структурасини тузиб чиқиш.
8. Фаннинг ўқув материалини алоҳида тугалланган ўқув элементларига ажратиб чиқиш.
9. Модул матнини керакли нусхада кўпайтириш.

Демак, “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фанидан назарий билимларни модулли ўқитиш асосида ташкил этишда қуйидаги ўқув босқичларига таянган ҳолда ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади (1-расм).

1-расм. Назарий таълимда мавзу бўйича ўқув материалини ўргатиш босқичлари.

Модул асосида киритилган шакл ўзгаришларининг ҳарт бири ўқитувчи ва талабанинг диққатини тортади, ўқув материали уларнинг фикрларини маълум нуқтаи назарга жамлайди. Қизиқиш, ўқиш ва ўқув материали ўртасидаги боғланиш , алоқадорлик юзага чиқади.

Ҳар бир ўқув модули бошланғич назоратдан иборат бўлади. Бунинг учун биз двигателни тузилиши ва механизмлари ҳақидаги 10 ёки 15 содда-содда тестларни тавсия қиламиз. Бу талабаларнинг модуллга тайёргарлиги, уларда двигател бўйича дастлабки билимларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаб олиш учун зарур бўлади.

Модулнинг иккинчи босқичида ушбу ўқув модулнинг модулли дастурдаги ўрни, унинг олдинги ўқув модули билан боғлиқлиги, асосий мақсади нима эканлиги қисқача баён этилади. Модулни бажариш учун қайси ўқув дарсликлари ва қўлланмалар зарур бўлиши ҳамда модулнинг қисқача шарҳи ёзиб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак амалий машғулотларни модулларга бўлиб ташкил қилганимизда талабалар фан материалларини ўзлаштириш имконияти ортади. Бу эса ўз навбатида уларда касбий компетенцияларни шаклланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдуллаева Қ.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дис. пед. фан. ном.- Тошкент: 2006. - 182 б.
2. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Касб-ҳунар коллежларида касбий фанларнинг модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: Янги аср авлоди, - 2003. – 88 б.
3. Анденко М.А. Актуальные проблемы взаимодействия специальных кафедр высшей школы при модульном обучении. -Новосибирск, 1993. -78 с.
4. Ашурова С.Ю. Енгил саноат йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий-услубий асослари: Дис. … пед. фан. ном.- Тошкент: 2005. - 137 б.

БЎЛАЖАК МУХАНДИСЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Б. Ахмедов - Машинасозлик технологияси кафедраси катта ўқитувчиси. Андижон машинасозлик институти

Аннотация. *Маърузада талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятидаги асосий қийинчиликлари ва тўсиқлари, илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари таҳлил қилинган. Бўлажак мутахассисларда илмий-тадқиқот компетенцияларини самарали ривожлантиришга кўмаклашувчи таълим технологияларини қуришга ёндашувлар асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *талабалар, тадқиқотчилик компетенцияси, тадқиқот фаолияти, когнитив тўсиқлар, узлуксиз таълим ва ўзини-ўзи ривожлантириш эҳтиёжлари, интеллект-харитаси, интеллектуал фаолият, индивидуал услублар.*

Аннотация. *В докладе анализируются основные трудности и препятствия в научно-исследовательской деятельности студентов, организационно-педагогические условия формирования научно-исследовательских компетенций. Обосновываются подходы к построению образовательных технологий, способствующих эффективному развитию научно-исследовательских компетенций у будущих специалистов.*

Ключевые слова: *Студенты, исследовательская компетенция, исследовательская деятельность, когнитивные барьеры, потребности в непрерывном образовании и саморазвитии, интеллект-карта, индивидуальные стили, инттелектуальная деятельность.*

Annotation. *The article analyzes the main difficulties and obstacles in the research activities of students, organizational and pedagogical conditions for the formation of research*

competencies. The approaches to the construction of educational technologies that facilitate the effective development of research competencies among future specialists are substantiated.

Key words: *students, research competence, research activities, cognitive barriers, needs for continuing education and self-development, intelligence map, individual styles, intellectual activity.*

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди [1,3].

Фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги тараққиёти бўлажак мухандислардан касб эгаллашнигина эмас, балки вужудга келадиган ишлаб чиқариш техник масалаларни ижодий ҳал этишни билишини ҳам талаб этади.

Мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилашда бўлажак мухандисларни техник ижодиёти муҳим восита бўлиб ҳисобланади, бу қуйидаги масалаларни ҳал этишда асосий омил бўлади:

- Ижодий ва мустақил фикрлайдиган, изланувчан, фан ва техниканинг ривожланишига ижодий ёндашадиган ракобатбардош мутахассисларни тайёрлаш;
- Талабаларда талланган касбга ижобий муносабатини ошириш, хар қандай ишни ижодий бажариш кўникмасини шакллантириш;
- Ишлаб чиқариш жамоасида ишлашни ўргатиш, иш жараёнида назарий билимларини амалиётда қўллашни уддалай олиш, жамоа ишини тахлил қилиш ва ўз фикр-қарашларини ҳимоя қила олиш;
- Мунтазам ўз малакасини ошириб бориш, дунёқараши ва манавий билимларини такомиллаштириб туриш.

Талабаларда тадқиқотчилик компиентцияларни шакллантириш биринчи курсдан бошланиши керак, уларни техник ижодиёт ва илмий-текшириш фаолияти ўқув жараёнида ҳам ва дарсдан бўш пайитларида ҳам ташкил эттирилиши зарур. Дарс вақтида – бу амалий ва лаборатория ишларини, курс ва диплом лойиҳаларини бажаришда, малакавий амалиётларини ўташда намаён бўлади. Дарсдан ташқари пайитда – фан ва техник тўгараклар ишида фаол иштрок этиш, хорижий лойиҳаларни бажаришда қатнашиш, хўжалик шартномаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиш, мутахассислик бўйича ўтказиладиган танловлар ва иннивацион кўргазмаларда ўз ишланмалари билан қатнашиш, илмий – амалий конференцияларда мақола ва марузалар билан чиқиш [2, 5].

Бўлажак мухандисларда тадқиқотчилик компитентликни шакллантириш маъсулияти асосан мутахассислик кафедралар зиммасига тушади. Бу ўз навбатида профессор-ўқитувчилар, тўгарак ва лойиҳа раҳбарларидан ўз ишига ижодий ёндошиш, талабаларни илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этишни талаб қилади. Курс ва диплом лойиҳа рахбарлари талабалар томонидан бажариладиган лойиҳаларга тадқиқотчиликка оид махсус топшириқлар бериши, диплом лойиҳалари ишлаб чиқариш корхоналарини айрим муаммоларини ҳал этишга каратилган бўлиши керак. Ишлаб – чиқариш, технологик ва диплом олди амалиётларида бўлажак мутахассисларга ижодий ва тадқиқот ишларини бажаришга шароит яратишга харакат қилиш керак [6].

Талабаларни илмий-тадқиқот ишлари қуйидаги шаклларда ташкил этилиши мумкин:

- Умумтехник ва махсус фанлар бўйича тугараклардаги машғулотлар (рефератлар ёзиш, турли хил бюллетенлар чиқариш, марузалар ўқиш);
- Курс ва диплом ишларини ижодий ёндошган ҳолда бажариш;
- Ўқув лабораторияларни ишга тайёрлаш ва модернизация қилишда қатнашиш;
- Малакавий ва дипломолди амалиётлари даврида лойиҳа-тадқиқотчилик, тажриба ва ижодий ишларни бажариш;
- Хорижий лойиҳалар, хўжалик шартнома ишларида иштирок этиш;
- Мутахассислик танловлари, иннавацион кўргазмалар, олимпиадалар ва бошқа бирлашмалар ишида фаол иштирок этиш.

Юқорида тавсия этилган шакллардан ҳар бир курс ва ихтисослик учун имкони борича, талабаларни қизиқтирадиган илмий тадқиқотчилик ишининг шакли танлаб олиниши керак. У ёки бу масалани мустаҳкамлайдиган, уни чуқурлаштирадиган, ташаббусни ўстирадиган ҳамда мустақил ижод ва тадқиқотчиликка ҳавас уйғотадиган тажриба ишлари муҳим аҳамият касб этади [3].

Махсус фан тўгараклари ва илмий – тадқиқотчилик бюроларининг тематикаси фан – техника янгиликлари ва ўқув дастуридаги материаллар билан узвий равишда боғлиқ бўлиши, уни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган бўлиши керак. Ёшларни илмий – техник ижодиётининг турли уюшмаларида қатнашиш билан бир қаторда курс лойиҳалари устида ишлаш ҳамда малакавий амалиёти даврида, лойиҳа – конструкторлик ва тажриба машғулотларини бажариш йўли билан ҳам талабалар ўз қобилиятини ривожлантиришлари мумкин. Ишлаб – чиқаришда улар қурилмани бирон-бир қисми, технология ва ишлаб – чиқариш жараёнини ташкил этишни яхшилашга йўналтирилган ҳар қандай таклиф устида иш олиб боришлари мумкин [5].

Иҳтирочилик таклифлари, рефератлар, маълумот, маъруза, мақола, конструкторлик ва хорижий лойиҳалари, шунингдек малакавий амалиётлар даврида ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган масаларнинг тадбиқ этилиши иш натижаси ҳисобланади.

Бўлажак мухандислар ўзларини ишларини олий таълим муассасида ёки ишлаб чиқариш корхонасида кераклигини тушунишлари лозим. Асосий эътиборни талабалар томонидан бажарилган ишларга ёки улар томонидан берилган таклифлар иқтисодий жихатдан қандай фойда беришини таҳлил этишга қаратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони.

2. Гончарук, Н. П. Развитие интеллектуальной компетентности и профессиональной мобильности научнопедагогических кадров в условиях информационного общества. / Н.П.Гончарук. - Казань: Изд-во МОиН РТ, 2011. - 224 с.

3. Гончарук, Н.П. Формирование профессиональной мобильности будущих инженеров в образовательном процессе вуза./Н.П.Гончарук, Е.И.Хромова // Вестник казанского технологического университета. - 2012. -№13. - С.274-279.

4. Калиновская Т. Г. Научно-исследовательская работа студентов как фактор развития творческой активности / Т. Г. Калиновская, С. А. Косолапова, А. В. Прошкин //

Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. - 2010. - № 1. - С. 75-78.

5. Магистратура мутахассисликлари бўйича “Илмий-тадқиқот иши” ва “Илмий-педагогик иш” ҳамда малакавий амалиётларни амалга оширишнинг ишчи дастури (http://new.tdpu.uz/news/762 (манбаага мурожат санаси: 01.05.2020 й.)

6. Муртазаев Э.М. Ўқувчиларда қурувчи касбига оид компетенцияларини шакллантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш (Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси таълим йўналиши мисолида). Пед.ф.ф.д (PhD) ... дисс. автореф. - Тошкент, 2019.

7. Поведская О. К. Организация научно-исследовательской работы студентов и преподавателей в рамках компетентностного подхода в образовании // Успехи современного естествознания. - 2010. - № 1. - С. 88-90.

8. Федосова И. В. Школа молодого исследователя как форма повышения качества научно-исследовательской работы студентов // Современные проблемы науки и образования. - 2006. - № 6. - С. 65-67.

9. Сагдеева, Г.С. Организация и проведение научно-исследовательской работы студентов в процессе обучения: Учебное пособие / Г.С.Сагдеева, Р.Р.Хайдаров. -Казань: Изд-во Казан. гос. технол. ун-т, 2009. - 60 с.

10. Шакуров, РХ. Эмоции. Личность. Деятельность. / Р.Х.Шакуров. - Казань: Центр инновационных технологий, 2002. - 180 с.

11. Ўзбекистон Миллий университети талабаларининг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом (https://www.nuu.uz/uzc/info/studentscience (манбаага мурожат санаси: 01.05.2020 й.)).

Подавляющее большинство ГТУ, работающих независимо или в составе ПГУ, рассчитаны на работу на природном газе. Жидкое топливо иногда используется в ГТУ малой мощности, а также в ограниченном числе ГТУ средней и большой мощности, предназначенных для работы в нефтедобывающих странах Ближнего Востока и Центральной Америки. Но в последние годы в мировой энергетике существенно активизировались работы по использованию в парогазовых технологиях твердого топлива. За рубежом накоплен опыт эксплуатации демонстрационных ПГУ на твердом топливе с использованием ГТУ различных типов. Указанные тенденции связаны с тем, что газ является ценным технологическим сырьем для химической промышленности, где его использование часто более рентабельно, чем в энергетике.[Л.6]

Разработана принципиально новая схема газопаровой установки с паровым охлаждением проточной части ГТУ, позволявшая в перспективе рассчитывать на получение КПД 55-60 %. Были разработаны проекты установок мощностью 30 и 40 МВт, реализующих данную схему. Начались и успешно развивались опытные работы по созданию проблемных узлов для этой установки: газовой турбины на начальную температуру 1200 °С, камеры сгорания. Но и эти работы были в административном порядке сначала необоснованно прерваны, а позже незаслуженно забыты. Успешное

решение этой задачи не только определит возможности достижения мирового технического уровня теплоэнергетики Узбекистана прежде всего, обусловит темпы реконструкции и модернизации даёт большой возможности технического и экономического развития энергетике стран.

В решении этой сложной проблемы у нас в стране идут двумя путями. Первый путь связан с объединением усилий авиационных и энергомашиностроительных предприятий в создании новых ГТУ, отвечающих мировому уровню, второй — с конверсией для нужд энергетики образцов авиационной техники. У современных ГТУ давление газа перед турбиной находится на уровне 1,0-3,0 МПа, ставится задача увеличения его до 5,0-7,0 МПа. Одновременно необходимо увеличение начальной температуры газа перед газовой турбиной, которая в современных ГТУ составляет величину 1200-1400 °С.

Возможность дальнейшего увеличения начальной температуры газа связывают с заменой воздушного охлаждения на паровое в комбинированных парогазовых установках, применением новых материалов для лопаток и дисков газовых турбин, в том числе керамики и металлокерамики, легких композитных бороалюминиевых, боротитановых, углетитановых материалов и др.

Современные математические методы расчета и проектирования открывают возможности дальнейшей оптимизации геометрии проточной части и профилей турбинных лопаток на основе рассмотрения трехмерного течения газа, снижения габаритов и веса оборудования. Значительные успехи достигнуты в области снижения токсичности продуктов сгорания путем введения предварительного смешения топлива с воздухом, и подавления окислов NO_2 и СО.В частности, создана ГТУ, работающая по простой схеме с регенерацией при начальной температуре газа 1435 °С и КПД более 40 %.

Выводы:

1.Основой программы явилась программа XXI века — Vision 21, состоящая из двух подпрограмм: «Газовые турбины следующего поколения»компании производители ГТУ и «Передовые двигательные системы (AES). В программе компании производители ГТУ поставлена задача достижения в современных парогазовых установках с котлами-утилизаторами к.п.д. производства энергии 70-75 % при работе на природном газе, а при работе на угле — 60 %.

2.Уровень эмиссии NO_2 и СО в обоих случаях должен быть близок к нулю. 3.Один из разделов программы NGGT предусматривает создание гибридных систем «топливные элементы — ГТУ».

4. Объединение этих систем по прогнозу позволит превысить значение КПД 80 %.

Список использованной литературы

1. Цанев С. В. Газотурбинные и парогазовые установки тепловых электростанций / С. В. Цанев, В. Д. Буров, А. Н. Ремезов. - М. : Изд-во МЭИ, 2002. - 584 с.

2. Корж В.В. Газотурбинное установки. Ухта, УГТУ, 2010, -180 с.

3. Поверочный расчет котлов-утилизаторов. Методическое руководство к курсовой работе по дисциплине «Энергосбережение в энергетике и теплотехнологиях» / В.А. Мунц, Е.Ю. Павлюк. Екатеринбург: УГТУ-УПИ, 2001, - 30 с.

РЕШЕНИЕ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ ИЗГИБНЫХ КОЛЕБАНИЙ ИННОВАЦИОННЫХ ПАКЕТНЫХ КОНСТРУКЦИЙ.

М. Абдувахидов, М.М. Абдувахидов.
Наманганский инженерно-технологический институт.

Аннотация: *Ишда иннвацион таркибли дискли элементлардан йигилиб, бутун контсструкцияни монолит ишлашига етарли кундаланг сикиш кучи билан сикилган, пакетли ишчи органларнинг назарий куллаш асослари келтирилган. Ишда олинган тенгламалар пакетли конструкцияларни бурилиш инерцияси ва силжиш деформациясини хисобга олган холда, лекин силжиш деформациясинниг инерциясини хисобга олмай аниклашга имкон беради.*

Калит сўзлар: *Сиқилиш; диффренциал тенглама; эгилиш; тебраниш; таркибли ишчи орган; диск.*

Аннотация: *В работе приведены результаты исследования теоретических основ применения инновационных составных пакетных рабочих органов, имеющих в своём составе пакет дисковых элементов поочерёдно набранных и сжатых продольным усилием сжатия, достаточным для работы всей конструкции как монолитное тело. Полученные в работе уравнения позволяют определение частот собственных колебаний пакетных конструкций с учетом влияния инерции поворота и деформаций сдвига, но без инерционных составляющих деформаций сдвига.*

Ключевые слова: *Усилие; дифференциальная уравнения; изгиб; колебания; пакетный рабочий орган; диск.*

Annotation: *The paper presents the results of a study of the theoretical foundations of the use of innovative composite batch working bodies, which incorporate a pack of disk elements alternately typed and compressed by a longitudinal compression force sufficient to operate the entire structure as a monolithic body The equations obtained in this work allow the determination of the frequencies of natural vibrations of package structures taking into account the influence of inertia of rotation and shear deformations, but without inertial components of shear deformations.*

Key words: *effort; differential equations; bending fluctuations; batch working body; disk.*

Было выполнено исследование по определению перспективности и теоретических основ применения инновационных пакетных рабочих органов в виде гибкого пакетного стержня – ГПС в различных технологических машинах.

ГПС представляет собой пакет длиной L, собранный из круглых дисков, выполненных из одного материала и имеющих одинаковые толщины и радиусы R. Усилие сжатия пакета дисковых элементов N осуществляется с помощью гибкой нити.

В результате исследовании получены дифференциальные уравнения свободных изгибных колебаний пакетных конструкций [1]. Они представляют собой однородные линейные дифференциальные уравнения четвертого порядка в частных производных. Для выработки общего подхода к решению уравнений сгруппируем в группы $\alpha, \beta, \gamma, \delta$ и ε члены *a, b, c, d и e* полученных уравнений по параметру дифференцирования и по величине порядка производных, входящих в них. Тогда любое из составленных уравнений может быть представлено в виде:

$$\alpha(a,b)\frac{\partial^4 u}{\partial z^4}+\beta(a)\frac{\partial^2 u}{\partial z^2}+\gamma(a,b,c,d)\frac{\partial^4 u}{\partial^2 z\partial t^2}+\delta(a,b,c)\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+\varepsilon(a,b)\frac{\partial^4 u}{\partial t^4}=0 \qquad [1]$$

Для упрощения задачи функции при всех производных принимаются постоянными величинами.

Изгибные колебания пакетных конструкций могут происходить по одной из нормальных или собственных форм колебаний. В этом случае величины прогибов в любом сечении пакетных конструкций будут изменяться по гармоническому закону:

$$u=U_i\left(A_i\cos\omega_i t+B_i\sin\omega_i t\right) \qquad [2]$$

Здесь U_i – представляет собой функцию изменения величин максимальных прогибов по длине пакетных конструкций и определяет i-тую форму колебаний и называется нормальной функцией задачи. Ее называют также главной, собственной, или фундаментальной функцией задачи.

Известно, что имея уравнения типа (1) и (.2) нормальную функцию задачи можно написать в виде:

$$U=A\sin kz+B\cos kz+C\,sh\,kz+D\,ch\,kz$$

Это уравнение часто представляется в следующем, более общем и удобном для использования в виде:

$$\begin{aligned}U&=C_1(\cos kz+ch\,kz)+C_2(\cos kz-ch\,kz)+\\&+C_3(\sin kz+sh\,kz)+C_4(\sin kz-sh\,kz)\end{aligned} \qquad [3]$$

Теперь для решения уравнения (1) нам необходимо воспользоваться начальными и граничными условиями задачи.

Сформулированные при составлении дифференциальных уравнений граничные условия совместно с выражением (3) при любом способе закрепления пакетных конструкций приводят к системе четырех линейных однородных алгебраических уравнений относительно постоянных C_1, C_2, C_3 и C_4. Частоты собственных колебаний определяются из условия равенства нулю определителя этих уравнений. Это уравнение, а также вытекающие из него и равноценные его представления называются характеристическими или частотными уравнениями.

Рассмотрим решение дифференциального уравнения (1) в наиболее общей постановке, частным случаем которого является уравнение изгибных колебаний пильного цилиндра джина. По конструкции установки пакетных конструкций граничные условия задачи соответствуют свободному опиранию на обоих концах.

В этом случае следует положить $\delta_b=0$, $\varepsilon_a=0$ и уравнение свободных изгибных колебаний пакетных конструкций в наиболее общей постановке представится в виде:

$$(\alpha_a+\alpha_b)\frac{\partial^4 u}{\partial z^4}+\beta_a\frac{\partial^2 u}{\partial z^2}+(\gamma_a+\gamma_b+\gamma_c+\gamma_d)\frac{\partial^4 u}{\partial^2 z\partial t^2}+(\delta_a-\delta_c)\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+(\delta_a+\delta_b)\frac{\partial^4 u}{\partial t^4}=0 \qquad [4]$$

Разделив каждый член уравнения (4) на $(\delta_a+\delta_c)$ имеем

$$a^2\frac{\partial^4 u}{\partial z^4}+b^2\frac{\partial^2 u}{\partial z^2}+\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}-c^2\left(1+\frac{d^2}{c^2}\right)\frac{\partial^4 u}{\partial^2 z\partial^2 t}+e^2\frac{\partial^4 u}{\partial t^4}=0 \qquad [5]$$

Здесь:

$$a^2=\frac{\alpha_a+\alpha_b}{\delta_a+\delta_c};\quad b^2=\frac{\beta_a}{\delta_a+\delta_c};\quad c^2=\frac{\gamma_a+\gamma_c}{\delta_a+\delta_c};\quad d^2=\frac{\gamma_b+\gamma_d}{\delta_a+\delta_c};\quad e^2=\frac{\varepsilon_a+\varepsilon_b}{\delta_a+\delta_c} \qquad [6]$$

Нормальная функция задачи имеет вид (2). Учтем граничные условия в экспериментальном стенде:

При z=o: u=0 и $\frac{\partial^2 u}{\partial z^2}=0;$ при z=L: u=0 и $\frac{\partial^2 u}{\partial z^2}=0;$

Тогда нормальная функция задачи примет следующий вид:

$$U=\sin\frac{i\pi z}{L}\left(A_i\cos\omega_i t+B_i\sin\omega_i t\right) \qquad [7]$$

Отсюда видно, что характеристическое уравнение для определения частоты собственных колебаний запишется в виде:

$$\sin\frac{i\pi z}{L}=0 \qquad [8]$$

Подставляя значение функции (7) и его производных в соответствующие члены уравнения (5) имеем частотное уравнение в следующем виде:

$$\frac{a^2 i^2\pi^4}{L^4}+\frac{b^2 i^2\pi^2}{L^2}-\omega_i^2\frac{i^2\pi^2 d^2}{L^2}+\omega^4 e^2=0 \qquad [9]$$

Уравнение (9) позволяет определение частот собственных изгибных колебаний свободно опертых пакетных конструкций для всех случаев возможных их конструкций при наличии или отсутствии факторов, учитываемых в соответствии с (6). В этом случае уравнение может быть решено как биквадратное следующего вида:

$$e^2\omega^4-\left[1+\frac{i^2\pi^2c^2}{L^2}\left(1+\frac{d^2}{c^2}\right)\right]\omega^2+a^2\frac{i^4\pi^4}{L^4}+b^2\frac{i^2\pi^2}{L^2}=0 \qquad [10]$$

примем ω^2=t и тогда имеем:

$$e^2t^2-\left[1+\frac{i^2\pi^2c^2}{L^2}\left(1+\frac{d^2}{c^2}\right)\right]t+a^2\frac{i^4\pi^4}{L^4}+b^2\frac{i^2\pi^2}{L^2}=0 \qquad [11]$$

Решение уравнения дает выражение:

$$\omega_i=\sqrt{-\frac{\left[1+\frac{i^2\pi^2c^2}{L^2}\left(1+\frac{d^2}{c^2}\right)\right]}{2e^2}\pm\frac{\sqrt{\left[1+\frac{i^2\pi^2c^2}{L^2}\left(1+\frac{d^2}{c^2}\right)\right]^2-4e^2\left(\frac{a^2i^4\pi^4}{L^4}+\frac{b^2i^2\pi^2}{L^2}\right)}}{2e^2}} \qquad [12]$$

Полученные уравнения позволяют определение частот собственных колебаний пакетных конструкций с учетом влияния инерции поворота и деформаций сдвига, но без инерционных составляющих деформаций сдвига.

ЛИТЕРАТУРА

1. Абдувахидов М. Исследование механики составных роторов. // Труды Второй Международной научно-технической конференции «Актуальные проблемы фундаментальных наук». Том 2, книга 2. – М.: МГТУ им. Баумана, 1994, с. 22...25.

ТОЛАДОР ЧИГИТЛАРНИ САРАЛАШДА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИГА БОҒЛИҚЛИК ТАВСИФЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Х.Т.Ахмедходжаев - т.ф.д., проф., А.А.Обидов - т.ф.д., доц.,
Ш.Ш.Халиков - ассистент, Ж.Абдурахмонов – магистрант.
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация: *Маърузада, пахта толасини физик-механик хоссалари, асосий белгилари, аэродинамик хоссалар, ўлчамлари (кенглиги, қалинлиги ва узунлиги) ва улар юзаларининг хусусиятлари ҳамда ажратиш самарадорлиги чигитли аралашмаларнинг алоҳида фракциялари орасидаги фарқнинг юқорилигига боғлиқлиги ўрганилган. Муаллифлар томонидан пахта аралашмасининг ҳажмий оғирлигини унинг туксизлантирилганлиги 0 – 8% да нисбий босимга боғлиқлигини аниқланди.*

Abstract: *The article examines the physical and mechanical properties of cotton fiber, its main characteristics, aerodynamic properties, size (width, thickness and length) and the properties of their surfaces, as well as the separation efficiency depends on the high difference between individual fractions of seed mixtures. The authors found that the volumetric weight of the cotton mixture depends on its relative pressure at 0 - 8% of its depletion.*

Аннотация: *В докладе рассматриваются физико-механические свойства хлопкового волокна, его основные характеристики, аэродинамические свойства, размеры (ширина, толщина и длина) и свойства их поверхностей, а также зависимость эффективности разделения от большой разницы между отдельными фракциями семенных смесей. Авторами определено, что объемная масса хлопковой смеси зависит от ее относительного давления при 0 - 8% ее истощения.*

Калит сўзлар: *Пахта, жинлаш, тозалаш, тола, самарадорлик, хосса, оғирлик, ҳажм, комплекс, ҳаво, тукдорлик, қуритиш, регламент, сифат.*

Keywords: *Cotton, gin, cleaning, fiber, efficiency, texture, weight, volume, complex, air, dryness, drying, regulation, quality.*

Ключевые слова: *хлопок, джин, очистка, волокно, эффективность, свойства, вес, объем, комплекс, воздух, волокнистость, сушка, регламент, качество.*

Пахта хомашёсини қўлда теришга нисбатан машинада териш ишлари ошганда, юқори ифлосланган ва намлиги юқори бўлган пахтани териш ҳажми ҳам ортади. Яқин йилларда пахтани тўлиқ пахта териш машиналарида теришга ўтиш белгиланган. Бу эса пахта тозалаш саноати олдига пахтани жадаллашган усулларда ишлов бериш билан унинг табиий хоссаларини сақлаб қолиш муаммосини қўймоқди. Ҳозирги вақтда пахта тозалаш корхоналарининг тайёрлаш пунктларида технологик машиналар ва ёрдамчи қурилмаларни ўз ичига олган машинада терилган пахтани бирламчи ишлов бериш учун регламентланган технологик жараён қўлланилиши лозим бўлади. Ушбу регламентланган технологик жараён асосан машиналарда терилган пахта хомашёсини сифатли қайта ишлаш муаммосини ҳал қилади холос. Аммо, тўқимачилик саноатининг тола сифатига ҳамда маҳсулот ҳажмига нисбатан қўйган талаблари ортиши билан пахта тозалаш саноати олдига сифатли тола ишлаб чиқариш масаласи қўйилмоқда. Бунинг учун эса толани сифатини ошириш ҳамда унинг чиқиндига чиқиб кетишини олдини бўйича замонавий илмий-тадқиқот ишлари амалга ошириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Толанинг табиий

хусусиятларини сақлаш масалаларини ҳал қилишда пахта хомашёсини қуритиш линиялари такомиллаштирилиб, янгилари барпо этилмоқда, жинлаш ва тола тозалаш машиналарининг конструкциялари модернизация қилинмоқда.

Пахтадан жадаллашган усулда тола ажратиб олишни ташкил қилиш, пахта ва толани чиқинди хамда ифлосликлар таркибига кўп миқдорда ўтиб кетишига олиб келмоқда. Шунинг учун пахтани қайта ишлаш технологик занжири таркибига уларни регенерация қилиш ҳамда асосий оқимга қайтаришни таъминлайдиган қўшимча машина ва қурилмалар киритилади. Бундай машиналар ва қурилмаларнинг қўлланиши пахта хомашёсидан олинаётган толанинг йўқотилишини бир мунча пасайтиришга имкон беради, натижада пахтадан тола чиқиш ҳажми ортади [1].

Маълумки, чигит тозалаш ва саралаш машиналари толали аралашмани, уларнинг физик-механик хоссалари бўйича фракцияларга ажратиш имкониятини ҳосил қилган ҳолда ишлаб чиқилади. Ушбу аралашмани ажралувчанлигининг асосий белгилари, бу - аэродинамик хоссалар, ўлчамлари (кенглиги, қалинлиги ва узунлиги) ва улар юзаларининг хусусиятларидир. Фракцияларга ажратиш самарадорлиги чигитли аралашмаларнинг алоҳида фракциялари орасидаги фарқнинг юқорилигига боғлиқдир.

Баъзи тадқиқотлар натижаларига кўра [2] туксизлантирилган чигитнинг нисбий оғирлиги 1,00–1,06 кг/см^3 атрофида ўзгариб туради, бу эса уруғлик чигитни саралаш учун сувни қўллаш имконини беради. Сувга ботирилганида енгил ва етилмаган чигитлар юзага чиқади, етилган ва шикастланмаган чигитлар чўкади.

Толадорлик ортиши билан жинланган маҳсулотларнинг ҳажмий оғирлиги пасаяди. Чигитларнинг толадорлиги уларни эркин сочилишида ва кичик зичланган ҳолатида ҳажмий оғирлигига таъсир кўрсатади. [3] илмий иш муаллифи томонидан толадор аралашманинг нормал босимга боғлиқлик математик тенгламаси таклиф қилинган:

$$q = a_0 + a_1 \lg\left(H + P/2F\right) \qquad (1)$$

бу ерда: $a_0 \cdot a_1$ – доимий коэффициентлар;

H – чигитларга таъсир қилаётган нисбий босим, Н/см^2;

F – зичловчи юкланиш таъсир кўрсатаётан майдон, см^2;

P – зичловчи юкланиш таъсири остидаги чигитнинг оғирлиги, г.

Ушбу формула $H \le 14{,}7 \cdot 10^3$ мН/см^2 босимда тўғри бўлади.

Бир вақтнинг ўзида аралашманинг ҳажмий оғирлиги ва чигитларнинг тўлиқ туксизлантирилгани орасидаги эмпирик боғлиқлик аниқланди:

$$q = B_0 + \frac{B_1}{\lg C}, \qquad (2)$$

бу ерда, C – чигитларни тўлиқ туксизлантирилганлиги;

B_0, B_1 – нисбий босимга боғлиқ доимий коэффициентлар.

Муаллифлар томонидан пахта аралашмасининг ҳажмий оғирлигини унинг туксизлантирилганлиги 0 – 8% да нисбий босимга боғлиқлигини аниқлади.

Бунда, туксизлантирилганлик 0,49% бўлганида нисбий босимни 0 дан 33500 Па га оширилганида 2,5% туксизланганликда ҳажмий оғирлик 523 дан 594 кг/м^3 га (13%), 7,7% ли туксизланганликда 348 дан 480 кг/м^3 (30%) га ортади.

Чигитнинг комплекс физик-механик ва биологик хоссаларини унинг етилганлигидан дарак берувчи зичлиги бўйича баҳолаш мумкин. Мазкур илмий-тадқиқот

чигитларни зичлиги бўйича саралаш, пахтани ҳосилдорлигини оширувчи муҳим агротехник усул эканлигини кўрсатди.

Уруғлик чигитларни зичлигини аниқлаш учун уларнинг ҳажмини аниқлаш лозим бўлади, бу эса шаклининг нотўғри эканлиги, унинг алоҳида қисмларининг бир хил эмаслиги ва пуч чигитларнинг мавжудлиги билан аниқлашни қийинлаштиради. Шунинг учун, зичлик кўрсаткичлари билан бир қаторда тадқиқотчилар чигитларнинг нисбий оғирлиги кўрсаткичини ҳам қўллашади.

Тадқиқот натижалари бўйича ушбу кўрсаткич II навли пахтани туксизлантирилган чигитининг нисбий оғирлиги 1100 кг/м^3, III навли пахта чигитининг нисбий оғирлиги 1085 кг/м^3, I навли пахта чигитиники 1080 кг/м^3, IV нав учун 960 кг/м^3 бўлади.

Туксизлантирилган чигитнинг нисбий оғирлиги 1,00–1,06 кг/см^3 атрофида ўзгариб туради, бу эса уруғлик чигитни саралаш учун сувни қўллаш имконини беради. Сувга ботирилганида енгил ва етилмаган чигитлар юзага чиқади, етилган ва шикастланмаган чигитлар чўкади.

Пахтанинг нисбий оғирлиги нормал намликда 1,3 кг/см^3 га тенг бўлади. Аммо, чигитдан толани ажратиб олиниши билан уларнинг нисбий оғирлиги ортади, чунки чигитнинг нисбий оғирлиги толанинг нисбий оғирлигидан бир мунча катта бўлади. Шу билан бирга сочилувчанлик оғирлиги ҳам ортади, натижада тола ҳавонинг катта қатлами остида ажралади. Уруғлик туксизлантирилган чигитлар 300–400 кг/м^3, жинланган чигитлар эса 300–320 кг/м^3 атрофида сочилувчан оғирликка эга, шу билан бирга 1 м^3 тўлиқ туксизланган чигит 560–600 кг/м^3 оғирликка эга бўлади.

Толадорлик ортиши билан жинланган маҳсулотларнинг ҳажмий оғирлиги пасаяди. Чигитларнинг толадорлиги уларни эркин сочилишида ва кичик зичланган ҳолатида ҳажмий оғирлигига таъсир кўрсатади. Муаллифлар томонидан толадор аралашманинг нормал босимга боғлиқлик математик тенгламаси таклиф қилинган:

$$q = a_0 + a_1 \lg\left(H + P/2F\right) \tag{3}$$

бу ерда: $a_0 \cdot a_1$ – доимий коэффициентлар;

H – чигитларга таъсир қилаётган нисбий босим, Н/см^2;

F – зичловчи юкланиш таъсир кўрсатаётан майдон, см^2;

P – зичловчи юкланиш таъсири остидаги чигитнинг оғирлиги, г.

Ушбу формула $H \le 14{,}7 \cdot 10^3$ мН/см^2 босимда тўғри бўлади.

Бир вақтнинг ўзида аралашманинг ҳажмий оғирлиги ва чигитларнинг тўлиқ туксизлантирилгани орасидаги эмпирик боғлиқлик аниқланди:

$$q = B_0 + \frac{B_1}{\lg C}, \tag{4}$$

бу ерда, C – чигитларни тўлиқ туксизлантирилганлиги;

B_0, B_1 – нисбий босимга боғлиқ доимий коэффициентлар.

Пахта аралашмасининг ҳажмий оғирлигини унинг туксизлантирилганлиги 0 – 8% да нисбий босимга боғлиқлиги аниқланди. Бунда, туксизлантирилганлик 0,49% бўлганида нисбий босимни 0 дан 33500 Па га оширилганида 2,5% туксизланганликда ҳажмий оғирлик 523 дан 594 кг/м^3 га (13%), 7,7% ли туксизланганликда 348 дан 480 кг/м^3 (30%) га ортади.

Чигитнинг комплекс физик-механик ва биологик хоссаларини унинг етилганлигидан дарак берувчи зичлиги бўйича баҳолаш мумкин. [4] илмий-тадқиқот чигитларни зичлиги бўйича саралаш, пахтани ҳосилдорлигини оширувчи муҳим агротехник усул эканлигини кўрсатади.

Уруғлик чигитларни зичлигини аниқлаш учун уларнинг ҳажмини аниқлаш лозим бўлади, бу эса шаклининг нотўғри эканлиги, унинг алоҳида қисмларининг бир хил эмаслиги ва пуч чигитларнинг мавжудлиги билан аниқлашни қийинлаштиради. Шунинг учун, зичлик кўрсаткичлари билан бир қаторда тадқиқотчилар чигитларнинг нисбий оғирлиги кўрсаткичини ҳам қўллашади.

Тадқиқот натижаси бўйича ушбу кўрсаткич II навли пахтани туксизлантирилган чигитининг нисбий оғирлиги 1100 кг/м^3, III навли пахта чигитининг нисбий оғирлиги 1085 кг/м^3, I навли пахта чигитиники 1080 кг/м^3, IV нав учун 960 кг/м^3 бўлади.

АДАБИЁТ

1. Clementa J.D., Constablea G.A., Walfordb S.A. Improving the precision in estimating cotton seed fibre density. Field Crops Research, Volume 160, April 2014, Pages [1, 77-80].
2. Обидов А.А. Жинланган чигитларни тозалаш ва саралаш технологиясини такомиллаштириш. Техника фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент: ТТЕСИ, 2007. – 200 б. [2, 130-155].
3. Ахмедходжаев Х.Т., Обидов А.А. Чигитларни саралаш ва тозалаш технологиясини такомиллаштириш. // Монография. “Фан” нашриёти, 2009. [3, 56-68].
4. Ахмедходжаев Х.Т., Обидов А.А. Разработка и испытание нового сортировщика хлопковых семян после джинирования. // Сб. науч. трудов НамИЭИ. – Наманган, 2003. [4, 30-32].

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕСТШУНОСЛИКНИНГ ТИПОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

С.О. Саидов - Физика кафедраси ўқитувчиси, кимё фанлари номзоди,
В.Ш. Камалов - Физика кафедраси ўқитувчиси.
Бухоро давлат университети

Маърузада узлуксиз таълим тизимида педагогик тестшуносликнинг типология масалалари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *синалувчилар, дидактик тестология, норматив тестлар, дидактик-психологик тестлар, симптоматик, этиологик диагностика, гомогенлик даражаси, вақт омили.*

В докладе дан анализ и иерархия составления педагогических дидактических тестов, обсуждены вопросы типологии.

Ключевые слова: *исследуемые, дидактическая тестология, нормативные тесты, дидактико-психологические тесты, симптоматическая, этиологическая диагностика, степень гомогенности, временной фактор.*

The article analyzes the hierarchy of pedagogical didactic tests and discusses their typology.

Key words: *Test subjects, didactic testology, normative tests, didactic-psychological tests, symptomatic, etiological diagnostics, degree of homogeneity, time factor.*

Педагогик услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида [1-4] биз дидиактик тестларни иккита қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

а) назарий билимларни назорат қилувчи, малака ва қобилиятларни аниқловчи ўзлаштириш тестлари;

б)реал, ўқув имкониятлари бўйича диагностика тестлари ҳамда умумий ва махсус ўқитишлар бўйича (масалан, физика ёки математика фанлари) ўқитиш тестлари.

Ишлаб чиқилаётган тестлар характери ва уларнинг бошқа услубларга нисбатан ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун биз қуйида келтирилган схемадаги тестлар типологиясидан фойдаландик. Бу типологияга кўра ҳар қандай дидактик тестни (амалий жиҳатдан психодиагностик тестларни ҳам) қуйидаги 9 асосдан иборат иерархик кўринишда характерлаш мумкин. Тестлар типологияси асосида топшириқларни танлаш, уларнинг структуравий ўзаро боғлиқлиги ва таърифлари қуйидаги факторларга боғлиқдир.

1.Тестларнинг фанлараро қўлланиш соҳаси:

а) оралиқ назорат тестларида мавзулар, боблар бўйича билим ва ўзлаштириш элементларини текшириш;

б) кўп мавзулар бўйича фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олмаган ҳолда билим ва ўзлаштиришнинг чегаравий (оралиқ) назоратини ўтказиш;

в) кўп мавзулар бўйича фанларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда билим ва ўзлаштиришларнинг чегаравий назоратини амалга ошириш;

г) бутун курс бўйича ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни назорат қилиш (фан бўйича тестлар асосида фанлараро циклик тестларни яратиш).

Бу ҳолларнинг ҳар бирида фан топшириқларининг ўрни ҳақидаги саволлар ҳар хил қўйилади, масалан, физика-химия ҳамда физика-математика ҳақидаги интегратив билимлар ва ҳ.к.



2.Норматив тест тузилишининг умумий йўналиш бўйича мақсади ёки критериал характердаги тестлардан буларнинг фарқи шундаки, норматив тестларда йиғилган баллар ҳисоб натижаларига кўра бир гуруҳни бошқа гуруҳ билан, гуруҳ ичидагиларни эса бир-бири билан солиштириш имкони яратилади.

Критериал тестларда эса ҳар бир ўқувчининг қандайдир ўқув ёки мутахассислик характеридаги топшириқларни ечишдаги зарур бўладиган билим ва ўзлаштириш қобилиятлари очиб берилади, яъни критериал тестлар ва шунингдек, критериал характердаги топшириқлар билим ва кўникмаларнинг аниқ соҳаси учун мос равишда, ўқувчиларнинг билим ва кўникмалар аниқ соҳаси учун ўқитиш мақсадининг минимал талабларига қай даражада эришилгани ёки эришилмаганлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради.

Норматив тестларда асосан топшириқларни «ечди» ёки «ечмади» тартибида диагностика қилиниб, критериал тестларда эса топшириқни қайсидир йўл билан ечганларни мураккаб қурилмали ишларга қўйиш мумкинми ҳамда кейинчалик ўқитиш мураккаб ҳолда тузилган дастурларда давом эттира олишлиги ва шу кабиларни ҳисобга олиш керак.

3.Тестларнинг дидактик психологик йўналиши қандай тест ишлаб чиқилаётганлигини ёки адаптациядан ўтаётганлигини, тестнинг муаллифи уларни қандай характерлашини аниқлайди:

а)назарий билимларни назорат қилиш учун ишлаб чиқилган ўзлаштириш тестлари;
б)берилган фан (ўқув, мутахассислик) бўйича билим ва малакаларни назорат қилиш тестлари;

в)ўқитиш тестлари (маълум соҳа бўйича фан ёки унинг цикли реал ўқув имкониятлари диагностикаси);

4.Назорат босқичлари йўналиши бўйича:

а)кириш назорати – (олий ўқув юртига киришдаги ёки курсни, фан циклини ўқитиш этапининг бошланишидаги назорат);

б)кундалик (жорий) назорат – ҳар куни амалга ошириладиган ёки ўқув жараёни мавзулари бўйича;

в)оралиқ назорат – маълум курс алоҳида бўлимининг тугаши муносабати билан ўтказилади;

г)якуний назорат – маълум курснинг тугаши муносабати билан ўтказилади (фан цикли, ўқитиш босқичи ёки ўқув юртини тугатиш муносабати билан).

5.Тестлаштиришнинг диагностик даражаси (чуқурлиги) га берилган тестни ишлаб чикишдан кўзланган мақсади киритилган бўлади:

- симптоматик диагностикага – яъни билим ва ўзлаштиришнинг «юқори қатламларига» қаратилиши (яъни маълум қонуният ёки формулаларни билиш, билмаслиги ёки таниш, нотанишлиги ва бошқалар);

- этиологик диагностикага, яъни текширув алоқа сабабига (нима учун айнан ўша билимларни билмаслиги ва бунинг қай даражада бошқа билимларни билишлигига боғлиқлиги);

-типологик диагностикада эса ўқувчининг ўтилаётган дарс ва билимларни ўзлаштириш ва уддалай олишида қандай позитив ва негатив ғояларни кучайтириш, нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш лозим бўлади.

6.Синалувчининг тестни бажариш фаоллигини оширишда эса ёзма ва оғзаки тестларга мос равишда ёзма (кўпинча) ёки оғзаки (жуда кам ҳолда) жавобларни қўллаш, масалан, ҳаракат тестларида (айниқса, компьютерларда клавишларни босишдан тортиб, қисм дастурларини чиқаришгача) ҳамда ҳисоблаш ишларини ўтказиш, графикларни чизиш, лойиҳалаштириш ва ҳоказоларда. Ҳаракат тестларини ўқиш ёки ишлаш қурилмаларида, машқ тренажерларида, айниқса, мутахассислик бўйича ўқитиш тизимларида киритиш мумкин.

7. Тестнинг гомогенлик (бир жинслилик) даражаси эса тестни тузувчи муаллиф томонидан режалаштирилган бўлади. Шу жумладан:

а)кўзланган мақсадга қараб тестнинг нимани диагностика қилиши кераклиги, айниқса, интегратив характердаги асосий критерийлардан, масалан, маълум амалларнинг талаб қилинган даражада ёки шу амалларни бажаришда сифат, миқдор, тезлик, қатъий кетма-кетлик, жавобгарлик каби бир қанча омилларни ҳисобга олиш;

б)формал аспектда эса тест топшириқларини тузилиш шаклининг бир жинслилиги ёки ҳар хил шаклда (кўп турли) бўлишлигини таъминлаш зарур.

8.Вақт омили тестнинг тезкор бўлиши (ёки бўлиши кераклиги), топшириқларнинг функционал равишда маълум белгиланган вақтда бажарилишининг зарурлиги (қайси йўл билан, нимага асосланиб ёки тезкор бўлган ҳолда қаерда, қандай, қанақа топшириқларни бажарилиш вақтини баҳолаш учун, вақтнинг сарфланиш чегараси белгиланмаслиги ҳам мумкин).

9.Тестлаштиришни ташкил этиш усулларига эса умумий, индивидуал ёки жуда кам қўлланиладиган, лекин жуда ҳам эффектив ҳисобланган алоҳида бригадалик усули ёки гуруҳлар ҳолида эса текширилувчиларнинг диагноз қилувчи билан юзма-юз ҳоли

таъминланади (тестлаштиришнинг компьютерларда индивидуаллаштирилган дастурларининг замонавий вариантлари).

Юқорида келтирилган факторлар тест топшириқларининг барча характеристикаларини ўз ичига олган ҳолда унинг тўлиқ диагностик услуб сифатида тестшунослик мақсадлари, тизимларини тестлардан кўзланган мақсад ва композицияларини аниқлаб беради. Таклиф қилинган схемадан фойдаланган ҳолда ҳар қандай (тестларни ишлаб чиқиш бўйича етарли тажрибаси бўлмаганлар ҳам) тадқиқотчи унга ва унинг жамоасига қайси типдаги тест кераклигини аниқ ва асосли равишда аниқлаши мумкин. Шунингдек, у ушбу асосда тестларни яратишдан асосий мақсад, вазифаларни ҳамда унга мос равишда муҳим тест топшириқларини танлаши ва унинг диагностик жиҳатларини тўғри аниқлай олиши мумкин.

АДАБИЁТ

1. Амонашвили Ш.А., Лисенкова С.Н. Педагогик изланиш. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 603 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2017. – 367 б.
3. Саидов С.О. Иқтисодий билимларни тест-рейтинг услубида баҳолаш учун қўлланма.- Т.: Фан, 1999. 72 б.
4. Шаропов О.У. Дидактик тестшуносликдаги терминологик муаммолар //Халқ таълими. Тошкент.-1998.-№5.- 62-66 б.

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGINI ELEKTR ENERGIYASI BILAN TA'MINLASHDA, ELEKTR ENERGIYASINING TIJORAT HISOBINING AVTOMATLASHTIRILGAN TIZIMI (АСКУЭ) NI O'RNI

D. Mirzoyev - Qishloq va suv xo'jaligida energiya ta'minoti kafedrasi asisstenti.
Sh. Sh. Xusanov - Irrigatsiya tizimlarida suv energiyasidan foydalanish ta'lim yo'nalishi talabasi.

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muxandislari instituti Buxoro filiali

Ushbu maqola, hozirda respublikamizdagi muammolardan aholiga va barcha sohalardagi elektr energiya ytishmovchiligi bilan birgalikda sohadagi muammolarni echimini o'z ichiga olgan. Elektr energiyani etkazib berish va undagi elektr hisoblagichlarini xususiyatlari bilan birgalikda tarmoqda ishlash holatlari ham ko'rsatilgan.

Tayanch so'zlar: *cheklangan, istemolchi, konsentrator, islohat, havo yo'li, ziddiyat, avtomatlashtirilgan, salbiy, samaradorlik.*

В данном докладе рассматривается решение текущих проблем в стране, в том числе нехватка электроэнергии у населения и во всех сферах. Наряду с характеристиками электроснабжения и счетчиками электроэнергии существуют также случаи эксплуатации сети.

Ключевые слова: *ограниченный, потребитель, концентратор, реформа, воздушные пути, конфликт, автоматизированный, негатив, эффективность.*

This article discusses the solution of current problems in the country, including the lack of electricity among the population and in all areas. Along with the characteristics of power supply and electricity meters, there are also cases of network operation.

Keywords: *limited, consumer, concentrator, reform, airways, conflict, automated, negative, efficiency.*

So'nggi yillarda mamlakatimizda, avvalambor, iqtisodiyotning barcha sohalarini jadal rivojlantirish, investitsion jozibadorlik va ishbilarmonlik faolligini oshirish, ishlab chiqarish va xizmatlarni kengaytirishga qaratilgan keng ko'lamli islohotlar amalga oshirildi.

Shu bilan birga, elektroenergetikaning mavjud imkoniyatlari va salohiyatidan to'liq foydalanmaslik rejalashtirilgan islohotlarni samarali amalga oshirish va mamlakatni jadal rivojlantirishga to'sqinlik qilmoqda.

Sog'lom raqobat muhitining yo'qligi, muhim jamoat sektorining mavjudligi va tarif siyosati choralarining bozor iqtisodiyoti tamoyillariga nomuvofiqligi haddan tashqari davlat tomonidan tartibga solishga va davlat va tijorat manfaatlarining ziddiyatiga olib keladi.

Xalqaro ilg'or tajribalar, zamonaviy innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalar asosida, shuningdek, 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalarga muvofiq elektr energetikasi sohasida davlat boshqaruvining tashkiliy-huquqiy asoslarini tubdan takomillashtirish maqsadida bir qancha qarorlar qabul qilinib amalga oshirilmoqda jumladan: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 14 fevraldagi PQ-1705-sonli va 2012 yil 2-avgustdagi PQ-1795-sonli qarorlariga muvofiq "Elektr energiyasini iste'mol qilishni hisobga olish va nazorat qilishning avtomatlashtirilgan tizimini joriy etish" loyihasi amalga oshirilayotganligi e'tiborga olingan holda. Osiyo Taraqqiyot Banki ishtirokida Respublikasining Buxoro, Jizzax va Samarqand viloyatlaridagi 0,4 kV elektr energiyasini iste'molchilarini hisobga olish tizimi (ASKUE) hisoblagichlari o’rnatilishi rejalashtirildi.

Viloyatlardagi muammolardan elektr energiyasini havova kabel yo’llarida yo’qotilishi bilan birgalikda, istemolchilar tomonidan energiyani o’g’irlanishi, bu holat iqtisodiy muammolarni keltirgan holda, katta qarzdorliklarni egasi mavhumligicha qoldirayotgan edi.

Cheklangan energiya manbalari va ulardan samarali foydalanish to'g'risida aniq tushuncha mavjud.

Lekin iste'molchilar va hududiy elektr tarmoqlari korxonalari quyidagi muammolarga duch kelmoqdalar.

1. O'qishni qo'lda bajarish usuli noto'g'ri o'lchovlar, noto'g'ri ishonch, hisob-kitob sikllari orasidagi uzoq vaqtlar, ish haqi va Majburiy ijro byurosining tegishli xodimlariga xizmat ko'rsatish kabi bir qator salbiy oqibatlarga olib keladi.

2. Kam samaradorlik, xatolar va noaniqliklar qo'lda o'qishning muqarrar oqibatlaridir.

3. Qarzlarsiz va hisoblagichlarni masofadan boshqarish bilan iste'molchilar uchun real vaqt rejimida hisob-kitob qilish mumkin emas

4. Hududiy elektr tarmoqlari korxonalari real vaqt rejimida 0,4kV past kuchlanishli liniyalarda chiziqlardagi yo'qotishlarni nazorat qila olmaydilar, bu esa ushbu yo'nalishdagi ishlarning samaradorligini pasaytiradi.



Shunda kamchiliklarni bartaraf etish loyihasi hisoblanmish elektr energiyasining tijorat hisobining avtomatlashtirilgan (ASKUE) tizimini joriy qilish qishloq va suv xo'jaligi elektr energiya ta'minotidagi muammolarni bartaraf etishga xizmat qiladi. Ayniqsa elektr energiya qarzdorligini 99% ga kamaytiradi.

Elektr energiyasining hisobining avtomatlashtirilgan tizimi (ASKUE) tizimiga qo'shiladigan elektr uzatish liniyalari, RF va GPRS uchun aloqa modullari bilan hisoblagichlardan foydalanish reja asosida amalga oshiriladi.



Xulosa qilgan holda elektr energiyasining tijorat hisobining [illegible] tizimini joriy etish sizga aqlli hisoblagichlarni o'rnatish orqali deyarli barcha muammolarni echimi bo'lib xizmat qiladi. 2021 yil 1-dekabrdan boshlab respublikaning butun hududida avtomatlashtirilgan hisobga olish tizimini joriy etish ko'zda tutilgan.

ADABIYOT

1. Siddikov I.H . Elektr energiyasi iste'molini nazorat qilish. o'quv qo'llanma (2-nashr).T.:«ILMZIYO»,2016.[3,22]
2. Осин А.В. Электронные образователнке ресурсы нового поколения: открытые образовательные модульныемультимедисистемы. Интернет порталы: содержание и технологие. Сб. науч. Ст. М.: 2007.Вып 4. – С.[9,104]
3. http: www.Узбекистан. Uz
4. http: www. Ziyonet.uz

ТАЛАБАЛАР КРЕАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРУВ МАВЗУЛАРИНИ ЎТИШДА РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Д.М. Махмудова - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети.
e-mail: dilfuzamahmudova@mail.ru

Маърузада оптимал бошқарувнинг асосий масаласи мавзусини баён қилишда талабаларда креатив компетентликни ривожлантириш мақсадини қандай амалга ошир хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: *креатив компетентлик, дифференциал тенглама, оптимал бошқарув.*

Основная тема оптимального управления в докладе – как достичь цели развития креативной составляюўей у студентов.

Ключевые слова: *креативный компонент, дифференциальная уравнения, оптимального управления.*

The main topic of optimal management in the article is how to achieve the development goal of the creative component of students.

Keywords: *creative component, differential equation, optimal control.*

Ҳаммага маълумки, бугунги кунда мутахассиснинг илмий тайёрлигидан ташқари, шахснинг мустақиллик, муҳим ечимлар қабул қила олиш, ҳар бир ишга ижодий ёндошиш, доимий ўқиб – ўргана олиш, киришувчанлик, ҳамкорлик қила олиш ва касбий жавобгарликни ҳис қила олиш каби қатор фазилатларга эга бўлиши муҳим ўрин тутмоқда. Бу эса талабаларда креатив компетентликни ривожлантиришга асос бўлади. Талабаларда креатив компетентликни ривожлантириш, унга алоҳида эътиборни талаб қилади. Бундай талабалар билан ишлаш жараёни мураккаб кечади. Сабаби, улар билан ишлаш учун (айниқса бошланғич пайтларда) жуда кўп вақт сарфлаш, улар ўз натижаларини бир-бирларига айтиб бера олиш учун шароит яратиш (масалан кичик семинарлар ташкил этиш) зарур бўлади.

Таълим-тарбия жараёнида талабалар креатив компетентлилигини ривожлантиришни ташкил қила олишда математика ўқитувчиларидан махсус методик

билим ва кўникмалар, педагогик амалиётда зарур бўладиган методик тайёргарликка эга бўлиш талаб этилади.

Айтайлик дарсда оптимал бошқарувнинг асосий масаласи мавзуси ёритилди. Биз обьект ҳаракти ва бошқарувнинг бу ҳаракатга таъсирини қуйидаги дифференциал тенгламалар системаси билан ёзилади деб фараз қилайлик

$$\frac{dx^i}{dt} = f^i(x^1, x^2, ..., x^n, u^1, ..., u^r) = f^i(x,u), \quad i = 1,2,...,n \tag{1}$$

ёки вектор кўринишида,

$$\frac{dx}{dt} = f(x,u), \tag{2}$$

бу ерда $f(x,u)$ - вектор бўлиб координаталари $f^1(x,u)$, $f^2(x,u),...,$ $f^n(x,u)$. f^i функциялар вектор ўзгарувчилар $x \in X$ ва $u \in U$ ларнинг ихтиёрий қийматларида аниқланган, узлуксиз деб фараз қилинади. Уларни $x^1, x^2, ..., x^n$ ўзгарувчилар бўйича узлуксиз дифференциалланувчи деб қараймиз [1].

Агар ҳаракат қонуни, яни $u = u(t)$ жоиз бошқарув маълум бўлса, (2) тенглама қуйидаги кўринишни олади

$$\frac{dx}{dt} = f(x, u(t)), \tag{3}$$

бундан ихтиёрий $x(t_0) = x_0$ бошланғич шартларда обьектнинг ҳаракат қонуни ёки (3) тенгламанинг $x = x(t)$ ечими қандайдир ораликда бир қийматли аниқланади. Ҳақиқатдан ҳам агар бизга $t_0 \le t \le t_1$ ораликда $u(t)$ бошқарув берилган бўлиб, $\theta_1, \theta_2, ..., \theta_k$ — лар унинг (биринчи тур) узилиш нуқталари бўлса ва улар $t_0 < \theta_1 < \theta_2 < ... < \theta_k < t_1$ тартибда жойлашган деб фараз қилсак, (3) тенгламани $t_0 \le t \le \theta_1$ ораликда $x(t_0) = x_0$ бошланғич шарт билан одатдаги Коши масаласи дейиш мумкин, чунки бу ораликда (3) тенгламанинг ўнг томони узлуксиз. $x(t)$ орқали ушбу тенгламанинг $x(t_0) = x_0$ бошланғич шартдаги ечимини белгилаймиз. Агар бу ечим бутун $t_0 \le t \le \theta_1$ ораликда аниқланган бўлса у θ_1 нуқтада $x(\theta_1)$ қийматни қабул қилади, у ҳолда биз (3) тенгламани $\theta_1 \le t \le \theta_2$ ораликда $x(\theta_1)$ бошланғич шарт остида қарашимиз мумкин. Бу ечимни ҳам биз $x(t)$ орқали белгилаймиз. Шундай қилиб, қурилган $x(t)$ ечим ўзининг аниқланиш соҳасини барча нуқталарида узлуксиз ва θ_1 “уланиш” нуқтасида ҳам. Агар энди $x(t)$ ечим бутун $t_0 \le t \le \theta_2$ ораликда аниқланган бўлса ва θ_2 нуқтада $x(\theta_2)$ қийматни қабул қилса, биз (3) тенгламани $\theta_2 \le t \le \theta_3$ ораликда $x(\theta_2)$ бошланғич шарт остида қарашимиз мумкин ва ҳ.к. Бу усулда олинган (3) тенгламанинг $x(t)$ ечими узлуксиз ва $\theta_1, \theta_2, ..., \theta_k$ нуқталардан бошқа нуқталарда узлуксиз дифференциалланувчи бўлади. Ушбу ечимни (1) системанинг $x(t_0) = x_0$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи $u(t)$ бошқарувга мос ечими деб атаймиз. Бу ечим умуман олганда бутун $t_0 \le t \le t_1$ ораликда аниқланмаган бўлиши мумкин.

Биз жоиз бошқарув $u(t)$, $t_0 \le t \le t_1$ фазовий нуқтани x_0 ҳолатдан x_1 ҳолатга ўтказади деймиз, агар (2) ёки (3) тенгламанинг $x(t_0) = x_0$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи унга мос $x(t)$ ечими бутун $t_0 \le t \le t_1$ ораликда аниқланган бўлиб t_1

охирги моментда x_1 нуқтадан ўтса, яни $x(t_1)=x_1$ шартни қаноатлантирса. Фараз қилайлик, бизга яна бир ўзининг $\frac{\partial f^0}{\partial x^i}$, $i=1,2,...,n$, хусусий ҳосилалари билан бутун $X\times U$ фазода узлуксиз бўлган $f^0(x^1,x^2,...,x^n)=f^0(x,u)$ функция берилган бўлсин. У ҳолда оптимал бошқарувнинг асосий масалани қуйидагича тавсифлаш мумкин.

n ўлчовли X ҳолатлар фазосида иккита x_0 ва x_1 нуқталар берилган бўлсин. Фазовий нуқтани x_0 ҳолатдан x_1 ҳолатга ўтказувчи $u=u(t)$ жоиз бошқарувлар (мавжуд бўлса) ичидан шундайини топингки унда

$$J=\int_{t_0}^{t_1} f^0(x(t),\,u(t))dt \qquad (4)$$

функционал ўзининг мумкин бўлган энг кичик қийматини қабул қилсин; бу ерда $x(t)$ — (2) тенгламанинг $x(t_0)=x_0$ шартни қаноатлантирувчи $u(t)$ бошқарувга мос бўлган ечими, t_1 — эса ечимнинг x_1 ҳолатдан ўтган моменти.

Мавзу яхшилаб тушунтирилгандан сўнг талабаларга ҳар бир ишлатилган тушунчаларга доир, масалан бошланишида иккитадан масала тузиш таклиф қилинади. Агар талабаларга бу қийинлик қилаётган бўлса мисоллар келтирилади ва яна масалага қайтилади ва ҳ.к. Уларга мисоллар келтирайлик: 1) (1) тенгламани ёйиб ёзинг, уни иккинчи тартибли чизиқли ҳолдаги система кўринишини ёзинг; 2) U тўплам, квадрат, куб, параллелопипед бўлиши мумкинми, қандай ҳолларда? 3) U тўплам текисликда доира бўлса уни аналитик кўринишда ёзинг; 4) Жоиз бошқарув бўлакли ўзгармас функция бўлиши мумкинми? 5) J функционални f содда функциялар бўлгандаги кўринишини ёзинг [2].

Шундай қилиб, ижодкор иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришда дифференциал тенгламалар курсидан танлаб олинган ушбу мавзудаги масалаларни ечиш катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга бу турдаги масалаларни ечиш ва таҳлил қилиш талабаларда креатив компетентликни ривожлантиришга имкон беради.

АДАБИЁТ

1. Понтрягин Л.С. Математическая теория оптимальных процессов. Москва, Наука,1976 г.
2. Makhmudova D.M., Methodology for the Formation of Creative Competence of Future Teachers in the Process of Teaching Mathematics based on a Special Complex of Tasks // International Journal of Psychosocial Rehabilitation ISSN:1475-7192, Volume 24 - Issue 2, February, 2020. – P. 616-627.

ЭКОЛОГИК ШАРОИТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ХОЛДА МССЛАРИНИ ЯНГИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Н. Б. Холмирзаев – ассистент*, Д. А. Умарова – ўқитувчи,**
Д. А. Бойматова – ўқитувчи,**
***Андижон машинасозлик институти, **Норин туман 15-мактаб.**

Аннотация. *МССларини самарали таркибларидан фойдаланиш ва унинг компонентларини мақсадли танлаш хисобига машинасозликда деталларга ишлов беришни унумдорлигини, сифатини ва аниқлигини ошириш назарий асослари ишлаб чиқилди.*

Калит сўзлар: *Мойлаш совутиш суюқликлари, компонентлар, кимёвий актив элементлар,*

Аннотация. *Были разработаны теоретические основы для повышения качества и точности обработки деталей за счет использования эффективных компонентов СОЖ.*

Ключевые слова: Смазочно-охлаждающие жидкости, компоненты, химические активные элементы,

Annotation. *Utilizing effective compositions of metalworking fluids and it is produced theoretical principles of increasing productiveness, quality and exactitude of machining details in machine construction by choosing expedient components of metalworking fluids.*

Key words: *Metalworking fluids, components, chemical active elements.*

Машинасозлик корхоналарида металларга кесиб ишлов беришнинг турли операциялари учун МССларини танлаш ва ишлаб чиқиш вазифаси долзарб вазифалардан бири. У МССларининг самарадорлигини илмий асосланган универсал мезонлар асосида асослаб беришнинг, янгича асосланган илмий ёндашувини талаб этади.

Асосси сувдан иборат бўлган МССлари мойлиларига қараганда арзонроқ ва санитар-гигиеник томондан яхши хусусиятларга эга. Машинасозлик корхоналарида ишчиларнинг мехнат шароитини ёмонлаштирмаслик мақсадида, технологик кўрсаткичларни пасайиб кетишига қарамасдан мойли МССлари ўрнига сувлиларидан фойдаланилади.[1]

МССларини самарали таркибларидан фойдаланиш ва унинг компонентларини мақсадли танлаш хисобига машинасозликдаги деталларга ишлов беришни унумдорлигини, сифатини ва аниқлигини ошириш назарий асосларини ишлаб чиқиш, бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ечиш зарур:[3]

- кесиш жараёнида МССларининг таъсир механизмини анализ қилиш;
- МССларини самарадор таркибини танлашга таъсир этувчи, факторларни анализи билан боғлиқ, назарий масалаларни ишлаб чиқиш;
- модел қурилмаларида ва хақиқий қурилмаларда МССларини функциональ хусусиятларини миқдорий баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш;
- МССларини турли таркибларини стенд ва метал кесиш дастгохларида тадқиқот қилиш.

МССларини самарали турларидан фойдаланиш хисобига ишлов беришнинг санитар гигиеник шароитини яхшилаш қуйидагилар хисобига амалга оширилади:

- органик ва метал асбобларни цех атмосферасида қолиб кетишини камайтириш;
- дастгохдан оператор томонидан олинаётган ишлов берилган деталнинг температурасини пастроқ бўлишига эришиш;

- қириндиларнинг илашувчанлиги ва уни йиғиштириб олиш хисобига ишчи ходимларни шикастланиш эхтимолини пасайиши;

Механик ишлов беришнинг маълум операцияларида МССларини сериялаб ишлаб чиқарилаётган маркаларини қўлланиши ва тадқиқотига бағишланган етарли даражада кўп ва кенг материаллар нашир еттирилган.

Машинасозлик заводларида ишлов бериладиган деталлар ва асбоблар материалларининг турларининг кўплиги, алохида ўзига хос ишлов бериш шароитлари учун МССларини оптимал таркибларини танлаш учун кўп вақт ва харажатлар қилишни талаб этади. Шунда ҳам оптимал МССларини оптимал таркиби танлангани кафолатланмаган.

МССларини қўллаш назарий асосларининг ишланмаларининг камлиги шунга олиб келадики, МССларини бизнинг мамлакатда ҳам, чет элларда ҳам танлаш асосан яқинлашиш(эмперик) йўли билан яъни мутахасисларнинг шахсий тажрибасига таяниб амалга оширилади.[3]

МССларининг самарали таркибларини ишлаб чиқишни энг мақул цикллари, уларнинг кимёвий таркиби ва функционал хусусиятларини анлитик бахолаш усулларига таянган бўлиши, тажриба синов тадқиқотларини модел қурилмаларида, хақиқий дастгохларда МССларини ишлаб чиқаришда ва лабараторияларда синашга асосланган бўлиши керак.

АДАБИЁТ

1. Смазочно-охлаждающие технологические средства для обработки металлов резанием: Справочник / Под общей ред. С.Г. Энтелиса, Э.М. Берлинера. - М.: Машиностроение, 2001, - 352 с.
2. Технологические свойства новых СОЖ для обработки резанием / Под ред. М.И. Клушина.- М.: Машиностроение, 2001. - 189 с
3. Jerry P. Byers Metalworking Fluids Second Edition 2006 the United States of America

КЕСИШ ЖАРАЁНИГА МОЙЛАШ СОВУТИШ СУЮҚЛИКЛАРИ (МСС) ФУНКЦИОНАЛ ТАРКИБИНИНГ ТАЪСИРИ

Н. Б. Холмирзаев – ассистент*, Д. А. Умарова – ўқитувчи,**
Д. А. Бойматова – ўқитувчи,**
***Андижон машинасозлик институти, **Норин туман 15-мактаб.**

Аннотация. *МССларининг кесишдаги мойлаш хусусиятларини алохида фарқлаб бахо бериш имкониятини берадиган назарий ва тажриба синов тадқиқотлари ўтказилди. Оз миқдордаги янги қўшимчалардан фойдаланиб ўтказилган синовлар асосида МССларининг янги таркиби таклиф этилди.*

Калит сўзлар: *мойлаш совутиш суюқликлари, фрезалаш, технологик параметрлар, иқтисодий мезонлар, функционал хусусиятлар.*

Аннотация. *Заключается в проведении, теоретическое и экспериментальное исследования, позволяющие дифференцированно оценить смазочные свойства СОЖ. Дать предложение нового состава СОЖ пользуясь испытательными данными.*

Ключевые слова: *Смазочно- охлаждающие жидкости, фрезерование, технологические параметры, экономические критерии, функциональные особенности.*

Annotation. *Consists in holding, theoretical and experimental probes, permissive differentially to evaluate lubricant properties of metalworking fluids. To give the offer of new composition metalworking fluids using the test data.*

Key words: *metalworking fluids, milling, technological parameters, economic criteria, functional features.*

Чет эл матбуотида нашир этилган кўплаб металларни кесиб ишлаш учун МССларига бағишланган ишларда, уларнинг янги самарали таркибларни ишлаб чиқишда фақат металл кесиш дастгохларида ўтказилган синов тажриба усуллари натижаларидан фойдаланиш тавсия этилади. [3]

Компонентларни танлашнинг бундай усули янги МССларининг кўп миқдорда (100-400литр) дастгохларга қуйишни талаб этади. У янги таркибни яратувчи мутахасис металларни кесиб ишлов беришнинг турли операцияларини таснифини яхши билади деб тахмин қилади. Бизнинг фикримизча янги МССларини ишлаб чиқишда компонентларни танлаш уларнинг функционал хусусиятларидан келиб чиқиб амалга ошириш керак.

МССларининг тасир механизими турли туман. Шунинг учун мураккаб турли туман ходисаларни хар томонлама чуқур тадқиқот ишларини оргинал усул ва қурилмалардан фойдаланиб ўтказиш керак. Метал кесиш бўйича мутахасислар металларни кесиб ишлаш учун МССларини самарадорлигини дастгохларидаги синов натижалари бўйича бахолашади. Солиштирув синов ишларида МССларининг асбоблар турғунлигига, ишлов берилган юзанинг ғадир-будирлигига, кесиш кучига, қолдиқ кучланишларга таъсири, кесиш режимларини ошириш имкониятлари текширилади.

Технологик, функциональ, санитар-гигеник, ишловчанлик ва экологик хусусиятлар фарқланади. МССларини технологик хусусиятлари метал кесиш дастгохларида деталларга ишлов бериш жараёнининг кириш кўрсаткичлари билан бахоланади: рухсат етилган энг кичик машина вақти, ишлов берилган детал юзаси сифати, кесучи асбобнинг ейилиши ва бошқалар. МССларининг экологик хусусиятлари атроф мухитга таъсири, уларни қайта ишлаш мумкинлиги ва хавсиз чиқиндига айлантириш имкониятлари билан бахоланади.

Функционал хусусиятлар кесувчанлиги, мойловчанлиги (ишқаланишга қарши, едирилишга қарши), хўлловчанлиги, сингувчанлиги, совитувчанлиги, ювувчанлиги, занглашга қаршилигида намоён бўлади.

- кесиб олинаётган қатлам (қиринди) ва асос оралиқ тирқишига етиб бориб кесиш хусусияти;
- асбобларнинг ейилишини ва кесиш кучини камайиши (мойловчанлик харакатлари);
- ишлов берилаётган юза қатламларининг мустахкамлиги пасайиши (кесилувчанлик харакатлари П.А. Ребиндер эффекти); [2]
- кесиш зонасига кирувчанлиги(сингувчанлик);
- асбоб ва деталларнинг температурасини пасайиши (совитиш харакатлари)
- ейилган ва кесиш махсулотларини ишлов берилаётган зонадан узоқлқштириш (тозаловчи харакатлар);
- асбоб ва деталларнинг тебраниши частотаси ва амплитудасининг пасайиши (сўндирувчи харакатлар);

• метал кесиш дастгохлари деталлари ва ишлов берилувчи деталларнинг занглашини олдини олиш (занга қарши харакатлар).

Янги таркибларни яратувчилар учун МССларини технологик хусусиятларда эмас, балки, функциональ хусусиятларга таянишса осонроқ бўлади, чунки, функциональ хусусиятларни деталларга дастгохларда ишлов беришдагина эмас, балки бевосита- асбоб ва ускуналар ёрдамида, кесиш зонасида содир бўлувчи қиринди ажратмасдан жараённи моделлари орқали бахолаш мумкин.

Шуни такидлаш лозимки, кўпчилик янги мой таркиблари яратиш бўйича шуғулланувчи тадқиқотчилар ва фирмалар, масалан, двигател ёки узатиш механизимлари учун, модель синов натижалари бўйича мойларни даражаларга ажратиш имкониятларига салбий муносабатдалар. Лекин 70% дан ортиқ ёзилган ишлар, тадқиқотнинг бошланғич этапларида ўтказилган синов натижаларидан иборат.

АДАБИЁТ

1. Технологические свойства новых СОЖ для обработки резанием / Под ред. М.И. Клушина.- М.: Машиностроение, 2001. - 189 с
2. Jerry P. Byers Metalworking Fluids Second Edition 2006 the United States of America.

КЎП ОПЕРАЦИЯЛИ МАШИНА УЗАТУВЧИ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАЯНЧ РЕАКЦИЯ КУЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

М.И. Носиров, Ф.Р. Раҳимов

ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлик институти

Аннотация: *Ушбу мақолада валларнинг ярим тайёр тери маҳсулоти билан таъсирлашиш натижасида узатувчи механизм ричагларининг айрим нуқталарида жойлашган таянчларининг шарнирларида ҳосил бўладиган реакция кучларини аниқлаш масаласи кўрилган.*

Аннотация: *В данной докладе рассматривается проблема определения сил реакции в результате взаимодействия валов с полуфабрикатом кожи, возникающих в шарнирах опор, расположенных в определённых точках рычагов подающего механизма.*

Abstract:: *This article discusses the problem of determining the reaction forces as a result of the interaction of the shafts with the semi-finished skin that occur in the hinges of the supports located at certain points of the levers of the feed mechanism.*

Таянч иборалар: *ярим тайёр тери маҳсулот, ишчи вал, ричаг, таянч.*

Ключевые слова: кожсырья, рабочий вал, рычаг, опора, угол.

Key words: *leather, working shaft, lever, support, angle.*

Бугунги кунда ярим тайёр тери маҳсулотига механик ишлов берувчи кўп операцияли машина ишлаб чиқилган [1, 2]. Ҳозирда кўп операцияли машинанинг конструкциясини такомиллаштириш, назарий ва амалий жиҳатдан параметрларини аниқлаш амалга оширилмоқда. Ушбу кўп операцияли машинанинг узатиб бериш

механизми ричагларига қандайдир куч билан таъсир этганда сиқувчи вал ишчи валга қандайдир куч билан таъсирлашади. Бу куч технологик жараёнда талаб қилинадиган кучдир. Ушбу валларнинг ярим тайёр тери маҳсулотига таъсирлашиш натижасида узатувчи механизм ричагларини ўзгариш соҳалари аниқлаш масаласини қаралган [3].

Қуйида юқоридаги келтирилган таъсирлашиш натижасида узатувчи механизм ричагларининг мувозанат ҳолати учун *O* ва *D* нуқталарида жойлашган таянчларининг шарнирларида ҳосил бўладиган реакция кучларини аниқлаш масаласини қараб чиқамиз.

Бунинг учун биз таъсирлашиш натижасида узатувчи механизм ричагларида ҳосил бўладиган кучларнинг статик таҳлилини қарайлик. Бунда кўп операцияли машинанинг узатиб бериш механизми ричаглари F_A куч таъсир этганда, сиқувчи валга F_2 куч билан ярим айёр тери маҳсулотни сиқади. Узатувчи механизмлардаги кучларни қуйидагича йўналтирамиз (1-расм). Агар *OA* ричагнинг *A* нуқтасига *Y* ўқи йўналишига қарама-қарши томонга йўналган F_A куч билан таъсир этган бўлса, у ҳолда горизонтал (*X* ўқига параллел) вазиятни эгаллаган ҳолати учун узатувчи механизм ричагларида ҳосил бўлган кучларнинг мувозанат тенгламасини статиканинг мувозанат тенгламалари ёрдамида қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

X ўқи бўйича,

$$X_0 + X_D + F_{эл}^2 + F_2 = 0. \tag{1}$$

Y ўқи бўйича,

$$Y_0 + F_{эл}^1 - P_1 - P_2 - F_A - P + Y_D = 0. \tag{2}$$

O нуқтага нисбатан момент олсак,

$$\begin{aligned} &F_1^{el} \cdot l_0 - P_1 \cdot \frac{l_{AO}}{2} - F_A \cdot l_{AO} - P_2 \cdot (l_{OB} - \frac{l_{BC}}{2} \cdot \cos\varphi_2) - l_{OB} \cdot (P_3 + P_4 - Y_D) - \\ &- F_2^{el} \cdot h - P_5 (l_{OB} + (DQ)_x - X_D \cdot l_{BD} = 0. \end{aligned} \tag{3}$$

Бу ерда, X_O, X_D, Y_O, Y_D- кучлар *O* ва *D* нуқтанинг таянч реакция кучлари, F_1^{el}-*ED* ричагга маҳкамланган пружинанинг эластиклик кучи, F_2^{el}-*ED* ричагга маҳкамланган пружинанинг эластиклик кучи, F_2 ишчивални сиқувчи кучи, P_1-*OA* ричагнинг оғирлик кучи, P_2-*BC* ричагнинг оғирлик кучи, P_3-*CDE* ричагнинг оғирлик кучи, P_4, P_5-марказлари *E* ва *H* нуқтада бўлган валларнинг оғирлик кучлари, F_A-педални босувчи куч, l_O-*O* таянчдан пружина ўрнатилган нуқтагача бўлган масофа, l_{AO}, l_{OB}, l_{BC}–ричагларнинг берилган узунликлари.

Статик ноаниқ системани ечиш учун бу системани шарнир билан бириктирилган *C* ҳамда *B* нуқталаридан учта қисмга ажратиш керак бўлади. Шу билан бирга ушбу нуқталарга координата ўқлари бўйлаб йўналган (айлантирувчи момент қўйилмаслигига сабаб, ажратилишдан олдин шарнир айланма ҳаракат қила олади) реакция кучлари ҳар бир қисмга (ўзаро мувозанатловчи қилиб) қўйилади (2-расм).

Учта ажратиб олинган ҳар бир қисм учун мувозанат тенгламасини тузамиз:

$$\begin{cases} \sum F_{kx} = X_0 - X_B = 0 \\ \sum F_{ky} = Y_0 - Y_B - P_1 - F_A - F_1^{el} = 0 \end{cases} \tag{4}$$

бу ерда, X_0, Y_0, X_B, Y_B – *0* ва *B* нуқталардаги таянч реакция кучлари.



1-расм. Узатувчи механизмнинг ричагли контурининг ишчи ҳолати

Иккинчи қисм учун мувозанат тенгламалари қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} \sum F_{kx} = X_B - X_C = 0 \\ \sum F_{ky} = Y_B - Y_C - P_2 = 0 \\ \sum M = X_C \cdot l_{BC} \cdot \cos\varphi + Y_C \cdot l_{BC} \cdot \sin\varphi + P_2 \cdot \sin\varphi \cdot \dfrac{l_{BC}}{2} = 0 \end{cases} \quad (5)$$

бу ерда, X_C, Y_C – C нуқтадаги таянч реакция кучлари, l_{BC}-BC ричагнинг узунлиги, φ-BC ричагнинг Y ўқи билан ташкил қилган бурчаги.

Учинчи қисм учун мувозанат тенгламалари қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} \sum F_{kx} = F_2 + F_2^{el} + X_C - X_D = 0 \\ \sum F_{ky} = Y_D + Y_C - P = 0 \\ \sum M = X_C \cdot l_{DC} \cdot \sin\varphi - Y_C \cdot l_{DC} \cdot \cos\varphi - P \cdot l_{(DQ)_x} - F_2 \cdot l_{DE} - F_2^{el} \cdot \dfrac{l_{DE}}{2} = 0 \end{cases} \quad (6)$$

бу ерда, X_D, Y_D - D нуқтадаги таянч реакция кучлари, l_{DC} - DC ричагнинг узунлиги, l_{DE} - DE ричагнинг узунлиги, l_{DQ} - учинчи кесилган қисм оғирлик маркази бўлган нуқтадан таянчгача бўлган масофа.



Биринчи қисм



Иккинчи қисм



Учинчи қисм

2-расм: Ричагли контур ажратилган қисмлари

Ҳосил бўлган (4), (5) ва (6) ифодалардаги X_0, X_D, Y_D ва Y_0 кучлар аниқлаштирамиз ва кучнинг φ бурчакка боғлиқ ўзгаришини график усулда қурамиз. Бунда $P_2=10$ *Н*; $l_{DC}=2$ *м*; $l_{DE}=4$ *м*; $l(DQ)_x=2$ *м*; $P=70$ *Н*; $F_2=8000$ *Н* қийматларини киритамиз (3, 4, 5, 6 – расмлар).



3-расм. X_0 кучнинг бурчакка боғлиқ ўзгариши.



4-расм. X_D кучнинг бурчакка боғлиқ ўзгариши.



5-расм. Y_0 кучнинг бурчакка боғлиқ ўзгариши



6-расм. Y_D кучнинг бурчакка боғлиқ ўзгариши.

Графиклардан (3, 4 – расм) шуни кўриш мумкинки, X_0 ва X_D кучларнинг φ бурчакка боғлиқ ўзгаришида бир хил бурчакда X_0 га нисбадан X_D нуқтада бир неча бор катта куч ҳосил бўларкан. Кейинги (5, 6 – расм) графиклардан кўриш мумкинки, X_0 кучнинг минимал қийматида Y_0 максимал қийматига, X_D кучнинг максимал қийматида Y_D кучнинг минимал қиймати мосликни кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1 Патент на полезную модель РУз, № FAP 00675. Машина для механической обработки кож. //Официальный бюллетень Агентства по интеллектуальной собственности РУз №12 (128). Ташкент, -С.58. / Бахадиров Г.А., Ризаев А.А., Баракаев Н.Р., Бахадиров К.Г., Умаров А.А., Атажанова Н.Б. 2010 г.

2 Носиров М.И., Акборов А.Н. Об экспериментальном стенде многооперационной машины для механической обработки кож // Сборник материалов XXIV Международная научно-практическая конференция «Инновация-2019». – Ташкент. 25-26 октября 2019 г. -С. 350-352.

3 Бахадиров Г.А., Рахимов Ф.Р., Акбаров А.Н. Расчет параметров рычажной системы механизма подачи кожевенного полуфабриката в зону механической обработки многооперационной машины // “Машинашуносликнинг долзарб муаммолари ва уларнинг ечими” Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами.- Тошкент. 20-21 ноябрь 2019 г. –С. 76-79.

КИШЛОК ВА СУВ ХУЖАЛИГИ ВА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЭЛЕКТР МОТОРЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ТАДКИКОТИ

Х.И. Нуров

Тошкент Ирригация ва қишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Бухоро филиали

Маърузада саноат корхоналаридаги электр моторларни модернизациялаш тадқиқоти ўтказилган.«Ромитан Ок Олтин” АЖ мисолида саноат механизмларининг электр моторларини модернизация қилишнинг самарадор кўрсаткичларини аниқланган.

Таянч иборалар:*Энергия ресурс, энергия истеъмоли, асинхронмотор, ротор, статор, паз, стержен, айлантирувчи момент, ишга тушириш токи, магнит тизими, подшипник, чулғам, электр тиюритма, актив қувват, қувват коэффициенти.*

В докладе приведены исследования модернизации электрических моторов в промышленных предприятиях. Определены эффективные показатели промышленных механизмов электрических моторов на примере Ромитанского АО “Ок олтин”.

Ключевые слова:*Энергоресурс, энергопотребление, асинхронный двигатель, ротор, статор, паз, стержен,обмотка, вращающей момент, пускавой ток, подшипник, электрический привод, активная мощность, коэффициент мощности*

In the article researches of modernization of electric motors in industrial enterprises. The effective indicators of industrial mechanisms of electric motors are determined on the example of the RomitanSC "Ok Oltin".

Key words:*Energy resource, power consumption, asynchronous motor, rotor, stator, groove, rod, winding, torque, starting current, bearing, electric drive, active power, power factor*

Стандарт ва янги серия асинхрон моторлардаги асосий қувват исрофларининг қиёсий тавсифи ва тақсимланиши.

«Ромитан Ок Олтин” АЖ мисолида саноат механизмларининг электр моторларини модернизация қилишнинг самарадор кўрсаткичларини аниқлаймиз.

Корхонадаги саноат механизмларининг электр моторлариниуч фазали ротори қисқа туташтирилган асинхрон моторлар ташкил этади. Уларнинг умумий сони 166 та бўлиб, 1-жадвалда моторларнинг паспорт катталиклари(типи, номинал қуввати, номинал кучланиши, номинал айланиш частотаси ва фойдали иш коэффициенти) келтирилган.

1-жадвал

№	Ишлаб чиқариш механизми	Сони	Типи	P_H кВт	η_H %	U_H кВ	n_H айл/мин	$\cos\varphi$ -
1	Ҳаракатлантирувчи лента	4	АО2	7,5	88,3	380	1000	0,84
2	Бурувчи мослама	4	АО2	4	85,5	380	1000	0,82
3	Силжитувчи дастгоҳ	3	АО2	1,1	76,4	380	1000	0,75
4	Зичловчи дастгоҳ	5	АП	37	91,2	380	1000	0,87
5	Линтерлаш дастгоҳи	28	АП	4,5	82,5	380	1500	0,74
6	Жинлаш дастгоҳи	22	А2	75	93,4	380	730	0,91
7	Тола конденсори	6	АО2	7,5	88,3	380	1000	0,84
8	Насос қурилмалари	12	АО2	75	93,2	380	1000	0,93
9	Очувчи мослама	5	АО2	2,2	80,6	380	1000	0,82
10	Юкловчи мослама	3	АО2	2,2	80,6	380	1000	0,82
11	Чиқинди лентаси	6	АП	4,5	82,5	380	1500	0,74
12	Тола тозаловчи дастгоҳ	6	А2	13	89,6	380	1500	0,88
13	Аралаштирувчи дастгоҳ	10	АП	10	86	380	1000	0,81
14	Уруғ вентилятори	2	АП	37	91,2	380	1000	0,87
15	Ажратувчи дастгоҳ	16	АО2	3	84,2	380	1000	0,84
16	Таровчи дасгоҳ	6	АО2	3	84,2	380	1000	0,84
17	Текисловчи дастгоҳ	6	АО2	7,5	88,3	380	1000	0,84
18	Сепаратор	4	АО2	7,5	88,3	380	1000	0,84
19	Сўрувчи мослама	3	АО2	55	92,6	380	1000	0,93

1	Статор ва роторчулғамларидаги активқувват исрофлари	50	47
2	Магнит тизимидагиқувват исрофлари	30	25
3	Механик қувватисрофлари	5	5
4	Қўшимча қувватисрофлари	15	8
5	Умумий қувватисрофлари	100	85

Корхонадаги ишлаб чиқариш механизмларининг электр моторлари истеъмол қилган энергияни қуйидаги тартибда ҳисоблаймиз.

Харакатланувчи лентадаги АО2 типидаги электр мотордаги умумий исрофларни аниқлаймиз. Бунда моторнинг техник кўрчаткичлари қуйидагича бўлади: $P_н$=7,5 кВт, cosφ=0,84, k_e=0,13, мотор бир йил ичида t=7500 соатга ишлаган, η=0,883;

Актив қувват истеъмоли қуйидаги миқдорни ташкил этади.

$$P_a = \frac{P}{\eta} = \frac{7,5}{0,883} = 8,49 \ \ кВт;$$

Реактив қувватистеъмоли:

$$Q = \frac{P}{\eta} tg\varphi \ = 7,5(0,65/0,883) = 5,49 кВар;$$

Актив қувватнингумумийистеъмоли:

$$P_\Sigma = k \cdot Q + P = 0,13 \cdot 5,49 + 8,49 = 9,21 \text{ кВт}.$$

Буерда*k*-ҳарбирквар реактив қувватгатўғрикеладиган актив қувватисрофи, кВт/кВар.

Харакатланувчи лентадаги электр моторда бир йилда истеъмол қилинганэлектрэнергияси:

$$W_e = P_\Sigma \cdot t = 9,20 \cdot 7500 = 69053 \text{кВт·соат/йил}.$$

Корхонада бундай механизмлар сони 4 та эканлигини ҳисобга олсак улардаги актив қувват исрофи 36,83 кВт ва энергия исрофи 276210 кВт соатни ташкил қилади.

Қолган ишлаб чиқариш механизмлари учун ҳам ҳисоблашларни шу тарзда «Microsoft Office Exsel» дастурида бажарамиз.



№	Ишлаб чиқариш механизми	ΔP_e кВт	ΔQ КВар	k_e -	Δt соат	P_Σ кВт	W_e кВт с
1	Харакатланувчи лента	8,49	5,49	0,13	7500	9,21	69053
2	Бурувчи мослама	4,68	3,27	0,13	7500	5,10	38272
3	Силжитувчи дастгоҳ	1,44	1,27	0,13	7500	1,60	12036
4	Зичловчи дастгоҳ	40,57	22,99	0,13	7500	43,56	326694
5	Ювилаш дастгоҳи	5,45	4,96	0,13	7500	6,10	45743
6	Жўнатиш дастгоҳи	80,30	36,59	0,13	7500	85,06	637919
7	Тола конденсори	8,49	5,49	0,13	7500	9,21	69053
8	Насос қурилмалари	80,47	31,80	0,13	4500	84,61	380730
9	Очувчи мослама	2,73	1,91	0,13	1800	2,98	5359
10	Юкловчи мослама	2,73	1,91	0,13	2500	2,98	7443
11	Чиқинди лентаси	5,45	4,96	0,13	7500	6,10	45743
12	Тола тозаловчи дастгоҳ	14,51	7,83	0,13	7500	15,53	116452
13	Аралаштирувчи дастгоҳ	11,63	8,42	0,13	7500	12,72	95417
14	Уруғ вентилятори	40,57	22,99	0,13	6000	43,56	261355
15	Ажратувчи дастгоҳ	3,56	2,30	0,13	5500	3,86	21242
16	Тарновчи дастгоҳ	3,56	2,30	0,13	7500	3,86	28966
17	Текисловчи дастгоҳ	8,49	5,49	0,13	7500	9,21	69053
18	Сепаратор	8,49	5,49	0,13	4500	9,21	41432
19	Сўрувчи мослама	59,40	23,47	0,13	7500	62,45	468352

1-расм. Корхонадаги ишлаб чиқариш механизмларининг электр моторлари истеъмол қиладиган актив қуввати ва энергияси.

2-жадвал.

№	Ишлаб чиқариш механизми	Сони	Типи	$P_н$ кВт	$\eta_н$ %	$U_н$ кВ	$n_н$ айл/мин	$\cos\varphi$ -
1	Ҳаракатлантирувчи лента	4	DSOR	7,5	89,4	380	1000	0,855
2	Бурувчимослама	4	DSOR	4	88,7	380	1000	0,845
3	Силжитувчидастгоҳ	3	DSOR	1,1	81,5	380	1000	0,84
4	Зичловчидастгоҳ	5	DKOK	37	93,0	380	1000	0,895
5	Линтерлашдастгоҳи	28	DSOR	4,5	88,7	380	1500	0,845
6	Жинлашдастгоҳи	22	DKOK	75	94,0	380	730	0,925
7	Тола конденсори	6	DSOR	7,5	89,4	380	1000	0,855
8	Насос қурилмалари	12	DKOK	75	94,0	380	730	0,925
9	Очувчимослама	5	DSOR	2,2	82,8	380	1000	0,835
10	Юкловчимослама	3	DSOR	2,2	82,8	380	1000	0,835
11	Чиқиндилентаси	6	DSOR	4,5	88,7	380	1500	0,845
12	Тола тозаловчидастгоҳ	6	DKOK	13	91	380	1500	0,88
13	Аралаштирувчидастгоҳ	10	DKOK	10	90	380	1000	0,86
14	Уруғвентилятори	2	DKOK	37	93,0	380	1000	0,895
15	Ажратувчидастгоҳ	16	DSOR	3	85	380	1000	0,84
16	Таровчидасгоҳ	6	DSOR	3	85	380	1000	0,84
17	Текисловчидастгоҳ	6	DSOR	7,5	89,4	380	1000	0,855
18	Сепаратор	4	DSOR	7,5	89,4	380	1000	0,855
19	Сўрувчимослама	3	DKOK	55	94,2	380	1000	0,93



Верхний колонтитул

№	Ишлаб чиқариш механизми	ΔP_a кВт	ΔQ КВар	k_e -	Δt соат	P_Σ кВт	W_e кВт с
1	Ҳаракатлантирувчи лента	8,39	5,09	0,13	7500	9,05	67881
2	Бурувчи мослама	4,51	2,85	0,13	7500	4,88	36604
3	Силжитувчи дастгоҳ	1,35	0,87	0,13	7500	1,46	10973
4	Зичловчи дастгоҳ	39,78	19,83	0,13	7500	42,36	317720
5	Линтерлаш дастгоҳи	5,07	3,21	0,13	7500	5,49	41180
6	Жинлаш дастгоҳи	79,79	32,77	0,13	7500	84,05	630360
7	Тола конденсори	8,39	5,09	0,13	7500	9,05	67881
8	Насос қурилмалари	79,79	32,77	0,13	4500	84,05	378216
9	Очувчи мослама	2,66	1,75	0,13	1800	2,88	5192
10	Юкловчи мослама	2,66	1,75	0,13	2500	2,88	7212
11	Чиқинди лентаси	5,07	3,21	0,13	7500	5,49	41180
12	Тола тозаловчи дастгоҳ	14,29	7,71	0,13	7500	15,29	114661
13	Аралаштирувчи дастгоҳ	11,11	6,59	0,13	7500	11,97	89761
14	Уруғ вентилятори	39,78	19,83	0,13	6000	42,36	254176
15	Ажратувчи дастгоҳ	3,53	2,28	0,13	5500	3,83	21042
16	Таровчи дасгоҳ	3,53	2,28	0,13	7500	3,83	28693
17	Текисловчи дастгоҳ	8,39	5,09	0,13	7500	9,05	67881
18	Сепаратор	8,39	5,09	0,13	4500	9,05	40729
19	Сўрувчи мослама	58,39	23,08	0,13	7500	61,39	460397

2-расм. Корхонадаги ишлаб чиқариш механизмларининг электр моторларини алмаштиргандан сўнг истеъмол қилган актив қувват ва электр энергияси

Корхонадаги ишлаб чиқариш механизмларининг электр моторлари истеъмол қилган умумий актив қувват 4124,67 кВт ни ваэлектр энергияси 27394920 кВт соатни ташкил этди.

Сўнгра қуйидаги жадвалда корхонадаги саноат механизмлари учун қўлланиладиган янги сериядаги асинхрон моторларнинг паспорт параметрларини киритамиз.

Корхонадаги ишлаб чиқариш механизмларининг электр моторлари модернизация қилингандан кейинги истеъмол қилинган энергияни қуйидаги тартибда «Microsoft Office Exsel» дастурида бажарамиз.

Корхонадаги ишлаб чиқариш механизмларининг электр моторларини алмаштиргандан сўнг истеъмол қилган актив қувват 4048,59 кВт ва электр энергияси 26855113 кВт соатга тенг бўлди.

Демак корхонада саноат механизмлари учун янги сериядаги асинхрон моторлардан фойдалансак, корхона истеъмол қилаётган актив қувват миқдори 76,08 кВт га ҳамда истеъмол қилаётган электр энергия 539807 кВт соат га камаяди.

АДАБИЁТ

1. Hoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Elektr mexanik tizimlarda energiya tejamkorlik, Toshkent, “O`AJBNT” Markazi, 2010, 161 b.
2. Қўзиев З.Э. ва бошқ. “Саноат корхоналарини модернизациялаш орқали энергия тежаш. Юқори технологияларга асосланган техник ва технологик жараёнларни моделлаштиришнинг замонавий муаммолари”(“Олий математика” кафедраси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланади.) мавзусида Республика илмий-амалий анжуманни мақоалар тўплами. Бухоро, 2013. 216-217 б.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЭНЕРГЕТИК АУДИТ ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ.

Х.И. Нуров

Тошкент Ирригация ва қишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Бухоро филиали

Ушбу маърузада Когон ёғ-экстракция корхонасида энергетик аудит ўтказиш орқали энергия тежаш чора тадбирларини ва оптимал мезонларини ишлаб чиқиш масаласига қаратилган. Маърузада асосан корхонада энергетик аудит ўтказиш тартиби ва корхонадаги технологик қурилмаларнинг энергетик кўрсаткичларини ҳисоблаш орқали электр энергиядан рационал фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: *Энергия тежамкор, энергетик текширув, энергия аудит, энергия ресурс, энергия исрофи, энергия истеъмоли, электр двигател, электр юритма, киловатт соат, оптимал режим, изоляция, шина, қувват коэффициенти, микропроцессорли ва микроконтроллерли бошқарув.*

В этом докладе рассмотрены задачи рационального проведения энергоаудита в Каган*ском жиро-масленном производстве Евроснар с целью энергосбережения.Статье в основном отработано предложения порядка проведения энерго аудита в производстве и*

с расчетом энергетических показателей технологических установок добится рационального использования электрической энергией в производстве.

Ключевые слова: *Энергосберегатель*,энергетическая проверка,энергоаудит, энергоресурс, потери энергии, энергопотребление, электродвигатель, электропривод, киловатт час, оптимальный режим, изоляция, шина, коэффициент мощности, микропроцессорное и микроконтроллерное управление.

In this article, the problems of rational energy audit in the Kogonfat-oil production with the purpose of energy saving are considered. The article basically worked out proposals for the procedure for conducting energy audits in production and with the calculation of the energy indicators of the process units will achieve rational use of electrical energy in production.

Key words: Energy saving, energy audit, energy audit, energy, energy loss, power consumption, electric motor, electric drive, kilowatt hour, optimal mode, insulation, bus, power factor, microprocessor and microcontroller control.

Ўзбекистон ва дунё энергетикасининг ҳозирги аҳволи ва унинг ривожлантириш истиқболининг умумий таҳлили шуни кўрсатадики бирламчи энергия ресурсларини заҳираси ва улардан оқилона фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади

Саноат корхоналарида энергетик аудит ўтказишнингнинг бир қанча мақсадлари мавжуд, мисол учун айрим бир мақсадларни кўриб чиқамиз:

- Энергияни тежаш зарур бўлган қисмларни ёки жойларни аниқлаш;
- Энергия истеъмолини оғишига сабаб бўлаётган факторларни аниқлаш;
- Корхонанимодернизациялаш даврида янги қурилмалар билан ёки янги қурилмаларини сотиб олишдан олдин энергетик имкониятларини баҳолаш;
- Корхона ва унинг қурилмаларини мақсадли ишлашини таъминлаш;
- Махсус ва тезкор бошқарув тизимларини яратиш;
- Ушбу йўналишдаги бошқа саноат корхоналар билан таққослаш:

Бу мақсадларнинг барчасига энергетик аудит ўтказиш биринчи ва а.

Қисқа аудит ўтказиш учун қисқа вақт талаб этади. Қисқа энертик аудитдан олинадиган маълумот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

– Ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун энергияни қанчалик тежаш мумкинлиги ва истеъмол вақтида қаерда камчилик, яни йўқотиш бўлаётганлиги тўғрисида маълумот;

– Тўлиқ аудит ўтказилатганда қайси нуқталарга ката эотибор қаратиш кераклиги тўғрисида маълумот

2. Тўлиқ энергетик аудит корхонанинг алоҳида агрегатларида, бўлимларида, технологик линияларда ва ишлаб чиқаришнинг барча тизимларида олиб борилади. Корхонанинг тузилиши ва ишлаб чиқаришнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда бир неча ҳафтадан бир неча ойгача вақт талаб қилиши мумкин.

Тўлиқ энергетик аудит ўтказиш асосида математик моделларни, энергетик характеристикаларини, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги технологик ва экспулатацион факторларнинг таҳлили олиниши мумкин. Юқорида олинган маълумотлар мос келувчи дастурлар орқали статистик таҳлил қилиниши мумкин. Тўлиқ агрегатик аудит агар корхона ўзига энергетик лойиҳа ёки энергетик дастурлар қабул қилмоқчи бўлса, жорий энергетик таҳлил қилиш имконини беради. Бундай ҳолларда иссиқлик энергиясининг жорий таҳлиллари олиб борилаётганда асосий ўлчов кўрсаткичлари бўлиб, сарф, харажат

ва босим ҳисобланади. Жорий энергетик таҳлил ўтказишда қуйидаги электрик кўрсаткичларни ўз ичига олади: кучланиш, ток, қувват коэффиценти, қувват.

Аудитлардан олинадиган маълумот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

– энергияни тежашнинг потенциал имкони;

– энергияни тежашдан олинадиган фойда потенциалини;

– ҳаракат қилиш учун тавсиялар;

– ҳар бир кучайишнинг иқтисодий баҳоси;

Фойдаланилаётган энергиясини ҳар бир ишлаб чиқарувчи,ёрдамчилар – хоналари ва бошқа эҳтиёжларга сарф бўлаётган энергияни қадрлаш керак. Олинган кўрсакичлар таҳлили асосида корхонанинг энергобаланси ишлаб чиқилади

Сўнги йилларда республикамизда ҳам саноат корхоналарида энергияни тежашнинг асосий тамойиллари орқали фаолият олиб борилмоқда.Корхонанинг электр истеъмол қилувчи ускуналарини ўрганиш шуни кўрсатадики, ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараганда электр истеъмоли баландлиги асосланди ва у қуйидаги факторларга боғлиқ:

Корхонада ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскирган технологик ускуналарнинг мавжудлиги.

Корхоналарнинг замонавий ҳисоб ва ўлчов ускуналари билан тўлиқ таъминланмаганлиги.

Энергия истеъмолини эффективлилигини тизимли таҳлил қилишнинг йўқлиги.

Корхонанинг энергоресурслари ва энергохўжалигини бошқариш бўйича малакали энергоменежернинг йўқлиги.

Корхона ишчиларини энергиядан рационал фойдаланганлиги учун иқтисодий рағбатлантиришнинг йўқлиги.

Ушбу факторларни ҳисобга олган ҳолда корхонада энергия тежаш чора– тадбирларни қуйидаги схемага асосан шакллантирлди:



Корхонанинг турли ишлаб чиқариш қисмларида энергиядан қанчалик фойдаланилаётганлигини, энергетик аудит ўтказиш давомида йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш орқали боҳоланиши мумкин. Энергетик аудитни баҳолашга икки хил ёндашиш мумкин:

Биринчиси пуллик баҳо, яъни иқтисодий кўринишдаги ўлчовлар ва келадиган фойда;

Иккинчиси эса фойдаланилаётган энергияни доимий назорат остида бўлиши билан баҳоланади.

Нихоят энергиядан фойдаланишни назорати ва натижаларини таҳлили пулни иқтисод қилади деб ҳисоблаш мумкин.

Мисол тарақасида Когон ёғ экстракциязаводидаги технологик жараёнга сарф бўлаётган энергияни тўғри аниқлаш мақсадида, ёғ экстракция, пресс, қўғириш ва форпресс цехларининг ҳаво ҳайдагичлари двигателлари салт ишлаш режимида ҳисобланди:

Ўлчаш натижалари қуйидагиларни кўрсатади:

- Бир неча механизмларнинг электрдвигателлари салт ишлаш режимида актив қувват номиналидан 8,8–10% ортиқ юкланган;
- Форпресс цехининг қўғириш ускунасининг юритимаси двигателларида юкламанинг тўсатдан ўзгариши аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан пресс №15 электр двигателларининг салт ишлашдаги энергия йўқотишлари ҳисобини кўриб чиқамиз.

Форпресс цехининг пресс №20 си двигателини номинал кўрсаткичлари:

Қуввати $P_{ном}$=55 кВт; $\cos\varphi_{ном}$=0,85; $n_{ном}$=1480 об/мин.

Пресс №20 двигателини салт ишлаш режимида оралатиб ўлчаш натижалари шуни кўрсатадики, салт ишлаш токи $I_{х.х}$=32,7 А, $\cos\varphi$=0,2 ўртача кучланиши $U_ф$=242 V.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, пресснинг тўлиқ салт ишлаш қуввати $S_{х.х}$=23,78 кВ·А, актив қуввати $P_{хх}$=4,75 кВт. Салт ишлаш режимидаги электр энергияни ўрнини қоплашга бир суткада $W_{хх}$=114 кВт·соат электр энергия сарф бўляпти.

Электр энергияни 4,4 сўм/кВт·соатлик нархида бу исрофнинг нарҳи 21774 сўм/суткани ташкил қилади. Агар бир йилда прессни 200 сутка ишлайди деб қабул қилсак, битта прессни салт ишлашдаги исрофи $C_{хх}$=4354800 сўм/йил ни ташкил қилади.

Юқоридаги фикр мулоҳазалар ва ҳисоб китоблар натижалар ва хулосалардан келиб чиқган ҳолдаэлектр қувват истеъмолини камайтириш бўйичатахминий чора тадбирларини оптимал мезонларини ишлаб чиқдик:

Электр энергиядан рационал фойдаланиш бўйича тавсиялар

- Реактив қувватни компенсация қилиш,
- Жорий эксплуатацияни мукаммаллаштириш,
- Қурилмалар салт ишлашини камайтириш,
- Технология жараёнига ёрдамчи кампонентлар сарфини камайтириш,
- Қувват исрофини камайтириш,
- Ҳарорат, босим ва бошқа кўрсаткичларни меъёрий таъминоти,
- Электротермик жараёнларда кучланиш меъёрларини ушлаш,
- Қурилма тезлигини мослаш,
- Кўп энергия истеъмол қилувчи агрегатларни вақт ўтиш билан алмаштириш,
- Максимал қувват вақтида кўп энергия истеъмол қилувчи агрегатлар истеъмолини камайтириш,
- Қувват пасайиши ва технологик паузалар вақтини оптималлаштириш,
- Максимум вақтида кўп энергияни истеъмол қилувчи агрегатларни ўчириш.

Когон ёғ экстракция заводини электр истеъмол қилувчи агрегатларини иш режимлари ва ҳолатларини ўрганиб, электр энергиясидан тўғри фойдаланиш бўйича қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- Цехлар бўйича энергия истеъмолини ҳисобини олиб бориш, ҳисоб асбобларини тўғрилиги устидан доимий назорат ва энергия истеъмол қилинадиган жойларда энергиядан тўғри фойдаланишни ташкил қилиш;
- Автоматлаштирилган тизимли назоратни йўлга қўйиш учун дастурли таъминотни ташкил қилиш ва қурилмаларни иш режимларини замонавий микропроцессорли ва микроконтроллерлар орқали бошқариш, назоарт ва ростлашни йўлга қўйиш.
- Юритмаларни иложи борича тезлиги ростланадиганини танлаш лозим, чунки асосий электр энергия истеъмолчилари электрдвигателлар ҳисобланади. Корхонада 450 дан ортиқ турли хил электр маторлар бор ва уларнинг юритмаларини барча юкламаларида айланиш тезлиги бир хил. Тезлиги созланадиган юритмалардан фойдаланиш текис ишга тушиши имконини беради ва турли юкламаларда энергияни тежайди.
- Корхонада қувват коэффициенти (cosφ) нинг қиймати 0,9–0,93 оралиқларда тебраниб туради. Лекин баъзи бир фидерларни қувват коэффиценти паст. Масалан: Шиналардаги ўлчанган кучланиш 6 кВ. Тайёрлов цехлари cosφ=0,3 да P=470 кВт, шиналардаги кучланиш эса 0,4 кВ фақат cosφ=0,3 да P=380 кВт. Бундан ташқари конденсатор батареяси 569 кВар реактив қувватни компенсация қилади. Агар двигателларга келувчи фидерлардаги исрофни ҳисобламасак, актив қувват исрофи 90 кВтни ташкил қилади. Келувчи фидердаги исрофни ҳисобламасак, актив қувват исрофи 90 кВтни ташкил қилади. Келувчи фидердаги ва трансформатордаги исрофни 10 кВт олсак, берилган боғланишдан реактив қувват ишлаб чиқариш 0,136 кВт/квар, тўғриланган батареяларда ҳам бу катталик 0,007 кВт/квар ни ташкил қилади. Албатта бу конденсатор батареяларининг эскирганлиги билан боғликдир. Реактив қувватни компенсация қилиш корхонанинг ҳамма цехларида олиб борилмайди. Агар ҳамма цехларга компенсация қурилмалари қўйилса, корхона истеъмол қилаётган электр энергияни 3–4% га тежаш мумкин.
- Чўғланма лампаларни кучайтирилган ёруғлик берувчи замонавий ёруғлик диодли лампалар билан алмаштириш. Ташқи ёритишнинг лампаларини қуввт коэффициентини ошириш учун, компенсацияловчи қурилмаларни эксплуатация қилиш керак. Замонавий ёритиш лампаларинқўллаб, энергия истеъмолини камайтириш имкониятларидан фойдаланиш.

Ёритишдан тўғри фойдаланиш учун ёруғлик қаерда керак бўлса, ўша белгиланган ҳудудни ёритишни таъминлаш.

Юқорида кўрсатилган ёритиш бўйича тавсиялардан, бу мақсаддаги электр энергия истеъмолини 15–16% га тежаш имконини беради.

АДАБИЁТ:

1. Раджабов А., М. Ибрагимов А. Бердышев, Энергия тежамкорлик асослари ўқув қўлланма , 2009, Тошкент

2.Троицкий-Марко Т.Е., Будадин О.Н., Михалков С.А., Научно-методические принципы энергосбережения и энергоаудита, 2005, Москва, Наука, с.540

3.Варнавский Б.П. Колесников А.И. Федоров М.Н., Учебное пособие по энергоаудиту коммунального хозяйства и промышленных предприятий,
1998, Москва, с.108.

ТЕХНИК ФАНЛАРГА МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ

У.А. Нуруллаев– катта ўқитувчи.
Жиззах политехника институти

Аннотация

Ушбу мақолада касб-ҳунар коллежларида техник фанлардан дарс беришда модулли ўқитиш технологияларини қўллаш ўқув самарадорлигини ошиши ва ўқувчилар фанларини осон ўзлаштиришга қаратилган.

Таянч сўзлар*: модул, кўникма, таълим, модулли таълим, ўқув элеманти, модулли ўқитиш, ўқув дастури.*

Аннотация

В данной докладе основное внимание уделяется использованию модульных технологий обучения при преподавании технических предметов в профессиональных колледжах для повышения эффективности обучения и облегчения освоения предметов студентами.

Ключевые слова: *модуль, умение, обучение, модульное обучение, элемент обучения, модульное обучение, учебная программа.*

Abstrakt

This article focuses on the use of modular teaching technologies in the teaching of technical subjects in vocational colleges to increase the effectiveness of training and facilitate the mastery of subjects by students.

Keywords: *module, skill, training, modular training, learning element, modular training, curriculum.*

Модулли таълим – ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у одам бош миясининг ўзлаштириш тизимга энг яхши мослашгандир. Модули ўқитиш асоси инсон бош мияси тўқималарининг модулли ташкил этилганига таянади. У қуйидагилардан таркиб топган бўлади (1-расм)**.**



1-расм. Модулли таълим таркиби.

Ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири сифатида модулли таълим технологияларида асосий ўқув мақсадлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: таълим олувчининг ўзига мос суръатда ишлаши, уларга ўз имкониятларини аниқлаш, таълим мазмунини ўзгарувчан тарзда қуриш, унинг турли турлари ва шаклларини

интеграциялаш, ўқувчиларда мустақил равишда таълим олиш кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг юқори даражадаги натижаларга эриштириш. Ўз-ўзидан кўринадики, юқоридаги баён қилинган мақсадларнинг охиргиси модулли ўқитишнинг бош, етакчи мақсади ҳисобланади.

Бу мақсадларга эришиш учун модулли ўқитиш технологиясининг маълум бир тизимга солиб олиш керак. Бунинг учун модулли дастур тузиб чиқиш керак. Ўз навбатида модулли дастур ўқув модулларидан, ўқув модуллари эса ўқув элементларидан (ЎЭ) таркиб топган бўлади. Ўқув элементи деганда муайян техник тушунча ёки жараённи ўқувчиларга етказиб бериш учун ҳизмат қиладиган ташкилий-мазмуний бирлик тушунилади. Ҳар бир ўқув элементи назорат саволлари билан якунланади. Мисол тариқасида “Кривошип-шатун ва газ тақсимлаш механизмига ТХК ва ЖТ” деб аталувчи ўқув модулининг ўқув элементларга ажратилишини қуйидагича тасвирлаш мумкин (2-расм):



“Кривошип-шатун ва газ тақсимлаш механизмига ТХК ва ЖТ”

(

1-ЎЭ – “ Кришовип-шатун ва газ тақсимлаш механизмига ТХК ва ЖТ” модулининг мақсади;

2-ЎЭ – Кришовип-шатун механизмида учрайдиган носозликлар;

3-ЎЭ – Кришовип-шатун механизмига ТХК ва ЖТ;

4-ЎЭ – Газ тақсимлаш механизмида учрайдиган носозликлар;

5-ЎЭ – Газ тақсимлаш механизмига ТХК ва ЖТ;

6-ЎЭ – Якуний назорат.

Модулли таълимнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ўқувчи модул билан ишлашда ўқув-билув фаолиятининг аниқ мақсадларига мустақил равишда (ёки ўқитувчининг баъзи бир ёрдамида) эришилади. Модулли ўқитиш, касбий таълимнинг замонавий масалаларини хар томонлама ечиш имкониятини яратади. Бунинг учун модулли ўқитиш технологиясининг оптималлашган ва содда кўринишда ишлаб чиқиш муаммосини хал этиш зарур.

Ўқув эле-менти	**Ўқувчиларга бериладиган мақсад ва топшириқлар кўрсатилган ўқув материали**	**Ўқувчилар учун шарҳ**
0-ЎЭ	**0-ЎЭ нинг ўқув модулининг мақсади:** Ўқув-чиларнинг КШМ ва ГТМ ҳақидаги билимлари назорат қилинади. Механизмнинг тузилиши ва ишлаш принципи қисқача такрорланади.	Дарслик ва манбалар:[1]-дарсликнинг 2-боб, 2.2-мавзусига эъти-бор беринг.
	1-ЎЭ нинг ўқув модулининг мақсади: КШМ ва ГТМ и	[2]-

1-ЎЭ	носозликлари ўрганилади ва уларни бартараф этиш йўллари очиб берилади. ***Муаммоли савол:*** *КШМ нинг носозликларини қандай ташқи аломатларидан билса бўлади ?*	дарсликнинг 53-67 бетларига қаранг.
2-ЎЭ	**Ушбу ўқув модулида тавсия этилаётган ўқув элементлари, топшириқ ва кўрсатмаларга амал қилган ҳолда ўқувчилар қуйидагиларни ўзлаштириб олиши лозим:** 1. КШМида вужудга келадиган носозликлар ҳақида тушунчага эга бўлиш: КШМ нинг асосий носозликларига цилиндрларнинг, поршен халқалари ва арриқчаларнинг, поршен бобишкасидаги девори ва тешикларининг, шатун каллаги втулкаларининг, тирсакли вал бўйинларидаги вкладишларнинг ейилиши ва поршен халқаларини қурум босиб қолиши киради.	[3]-адабиётдан қўшимча маълумотлар олининг.
3-ЎЭ	**Кривошип-шатун механизмига ТХК ва ЖТ** Двигателнинг бузилиши ва унда ҳосил бўлувчи носозликларини олдини олиш мақсадида автотранспорт корхоналарида комплекс профилактик тадбирлар бажарилади. Бу ишлар диагностикалаш, КХК; 1-ТХК, 2-ТХК ва МХ давридаги двигател бўйича махкамлаш, диагностикалаш, созлаш ва мойлаш ишлари ҳисобланади. Махкамлаш ишларини бажаришдан мақсад двигател бирикмаларини (двигателнинг рама таянчига, цилиндр каллаги ва картерни цилиндрлар блокига ва ҳ.к.) герметиклигини текширишдан иборат. Бу вазифа автомобилларни ишлаб чиқарувчи завод кўрсатмасига биноан белгиланган кетма-кетликда(1-расм), ҳамда меъёрий бураш моментида динамометрик калитдан, авточилангар асбоблари тўпламларидан фойдаланиланиб бажарилади.  **1-расм.** КамАЗ-740 (а), ЗИЛ-130 (б) ва Нексия	Техник ҳизмат кўрсатиш турлари ва тартибини тушиниб олинг.

	(*в)*двигателларининг цилиндр каллаклари гайкаларини маҳкамлаш кетма-кетлиги. **Жорий таъмирлаш:** двигателни жорий таъмирлашдаги энг асосий ва муҳим ишлар қуйидагилардан иборат: поршен халқалари, поршенларни, поршен бармоқларини, ўзак ва шатун бўйнидаги вкладишларни (таъмирлаш ўлчамларига мослаб), блок қистирмасини алмаштириш, клапаннинг эгарини силлиқлаш, сўнгра махсус аралашма билан артиш, махсус эритмалар билан мой йўлларини ювиш ва тозалаш, редукцион клапанни тозалаш ёки алмаштириш ва бошқалардир. ***Топшириқ:*** *Қуйидаги расмда қайси механизм ажратиб*  *кўрсатилган?*	
4-ЎЭ	**Ушбу ўқув модулида тавсия этилаётган ўқув элементлари, топшириқ ва кўрсатмаларга амал қилган ҳолда ўқувчилар қуйидагиларни ўзлаштириб олиши лозим:** ГТМ нинг асосий носозликларига туртгич ва унинг втулкаларининг, клапан тарелкалари ва ўриндиқларининг, шестерняларининг, газ тақсимлаш вали таянч бўйинларининг ва кулачокларининг ейилиши, клапан ва коромисла орасидаги тирқишнинг бузилиши киради. Газ тақсимлаш механизмининг шовқин билан ишлаши, карбюратордан аланга чиқиши ва тутун сўндиргичдан шовқин чиқиши носозлик аломатлари ҳисобланади. ***Муаммоли савол:*** *Агар битта клапан ишламаса (синган бўлса) автомобил ҳаракатлана оладими ?*	
5-ЎЭ	**Газ тақсимлаш механизмига ТХК ва ЖТ** Двигателнинг бузилиши ва унда ҳосил бўлувчи носозликларини олдини олиш мақсадида автотранспорт корхоналарида комплекс профилактик тадбирлар бажарилади. Бу ишлар диагностикалаш, КХК; 1-ТХК, 2-ТХК ва МХ давридаги двигател бўйича махкамлаш, диагностикалаш, созлаш ва мойлаш ишлари ҳисобланади. Ҳизмат кўрсатиш даврида асосий эътибор махкамлаш ва назорат-созлаш ишларига қаратилади. Двигателларда ГТМ бўйича созлаш ишлари клапан стерженининг юқори қисми билан туртгичлар ёки	

	коромислолар оралиғидаги тирқишни созлаш, двигател таянчининг рама билан бирикмасини қотириш, цилиндрлар каллаги ва картерни цилиндр блоки билан биргаликда қотириш ишларидан иборат бўлиб, диагностикалаш ишлари натижасига кўра бажарилади.  **2-расм.** Цилиндрлар ейилиш даражасини нутромер ёрдамида аниқлаш. *1-нутромер; 2-колибр ёрдамиданутромернинолгакелтириш.* Гильзаларнинг ейилиши натижасида, ўлчамлар меъёрий кўрсатгичлардан фарқ қилиб қолади, шу билан бирга ейилиш гильза диаметри бўйича нотекис бўлади, бу ҳолда улар механик таъсир кўрсатиш йўли билан(расточка) кейинги ўлчамларга келтирилади ва поршен ҳамда унинг халқаларининг гильзанинг янги ўлчам группасига мос келувчилари танлаб олиниб ўрнатилади. ***Топшириқ:*** *Қуйидаги деталларни номини айтинг ва уларни иш қобилиятини қайта тикласа бўладими?* 	
6-ЎЭ	**Якуний назорат**	Қуйида таклиф этилган тестларни ечилади.

Модулли ўқитиш таълим мазмунини такомиллаштиришда муҳим омили эканлиги аниқланди. “Автомобил ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш” фанинг модулли ўқитишда, модулли ёндашув ўқув мақсадлари, таълим мазмуни, ўқув-билув фаолиятинитаълим тамойиллари асосида олиб борилиши материалини тўла ўзлаштиришга олиб келиши кўрсатилди. Таълими жараёнига модулли технология асосидаёндошиш ўқувчиларнингўқув материалини тўлиқ ўзлаштиришлари имконини беради, унингкелажакда мустақил ва масофали таълимда истиқболли эканлигиникўрсатади.

АДАБИЁТ

1. Авлиёқулов Н.Ҳ. Замонавий ўқитиш технологиялари. Тошкент: Муаллиф, 2001. – 88 б.
2. Ашурова С.Ю. Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитиш. Касб – ҳунар таълими. – 2004. 14-15 б.
3. Беднарчик Х. Модульная система непрерывного профессио-нального образования. Санк-Петербург 1999. 200-205 с.
4. Голиш Л.В, Файзуллаева Д. Касб-ҳунар коллежларида модулли дастур асосида таълим бериш // Касб хунар таълими. – 2002. - №4. - 24с.
5. Юцявичене П.А. Теория и практика модульного обучения. Каунас: Швиеса, 1999. 271с.

СС-15М МАРКАЛИ ПАХТА СЕПАРАТОРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

О.Т. Маматкулов – катта ўқитувчи, И.Т. Турсунов - ассистент,
Р.М. Мурадов – профессор.
Наманган мухандислик–технология институти

Аннотация

Бу маърузада сепараторнинг самарадорликка таъсир кўрсатадиган тўрли сиртнинг фойдали юзасини ошириш имконини берадиган янги яратилган конструкциялар келтирилган. Бу конструкцияларда асосан тўрли сиртнинг шакли ва ишчи камерада жойлашишини ўзгартирилади.

Калит сўзлар: *пахта, чигит, тола, ишчи камера, тўрли юза, ҳаво, сидирғич, вакуум-клапан.*

Аннотация

В этом докладе показана новые конструкции сепаратора даюшие возможность увеличения полезной площади сетчатой поверхности. В этих кострукциях в основном изменена форма сетчатой поверхности и расположение её в рабочей камере сепаратора.

Ключевые слова: *хлопок, семена, волокно, рабочая камера, сетчатая поверхность, скребок, воздух, вакуум-клапан.*

Annotation

In this article I investigated the effect of increasing the surface of the separator offering a new construction. This construction especially changed the surface and the place of installation.

Key words: *cotton, seeds, fiber, working chamber, lattice surface, screws, bunker, fan, air.*

Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Шунинг учун мамлакат иқтисодиётида пахта муҳим ўрин эгаллайди.

Пахта тозалаш корхоналари ҳудудида жойлашган омбор ва ғарамлардан хомашёни қайта ишлаш цехларига етказиб бериш ҳаво ёрдамида қувурларда амалга оширилади. Пахтани ҳаво ёрдамида ташувчи қувурлардаги ташкил топган системанинг асосий элементларидан бири сепаратор ҳисобланади. Сепаратор асосан ҳаво билан ташиб келинган пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олиш учун ишлатилади.

Унинг ишчи камерасида жойлашган ажратиш органи тўрли юза ва сидирғичдан иборатдир. Пахтани ҳаводан ажратиш вақтида тўрли юза тешикларидан фақат ҳаво билан майда чанг заррачалари ўтади. Тўрли юза ишчи камерада вертикал жойлашган доира шаклда бўлиб, унинг юзасига ёпишган пахта тўр марказидан ўтган валга ўрнатилган сидирғич ёрдамида ажратиб олинади.

Мавжуд сепараторлар конструкцияси тўлиқ такомиллашган эмас. Улар вентилятор орқали ҳосил қилинган ҳаво босимининг йўқолишига сабаб бўладиган юқори аэродинамик қаршиликлар ҳосил қилади. Бундан ташқари, пахтани ҳаводан ажратиш пайтида толада технологик нуқсонлар ҳосил қилиб, пахта сифати бузилишига сабаб бўлади. Тўрли юза тешикларидан эса толаларнинг ҳаво билан чиқиб кетиши кузатилади.

Сепарация жараёнини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан тўрли юзадан пахтани ажратиб олиш ва уни вакуум-клапанга тушириш жараёнлари мукаммал ўрганилмаган.

Пахтани ҳаводан ажратиш жараёнини назарий асослаш орқали сепаратор тўрли сиртининг фойдали юзасини кенгайтириш, пахтанинг тўрли юзага урилишини ва вакуум-клапанга ҳавонинг сўрилиб кетишини камайтириш мумкин бўлади. Бу пахтани сепарациялаш жараёнини сезиларли даражада яхшилаш ва ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма иш унумдорлигини ошириш имконини беради. Сепарациялаш жараёнига катта салбий таъсир қилувчи яна бир холат - пахта тозалаш корхонаси ҳудудида ғарамларнинг асосий цехлардан узоқда жойлашганлиги сабабли ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма орқали пахтани узатишлар сонининг ортиб кетишидир.

Сепараторнинг ўрнатилиш жойи вентиляторга яқин бўлганлиги сабабли, тўрли юзада пахтани катта куч билан тортиб туради. Айрим ҳолларда сепараторнинг тўрли юзасига ёпишган пахта миқдори ошиб кетиш натижасида сидирғичнинг эгилувчан қисми ёрдамида самарали тозалай олмайди. Натижада сидирғич аста секин тўрли юзада ҳаракатланиш қийинлашиб, тўхтаб қолади. Бу эса сепараторнинг тиқилиб, тўхтаб қолишига сабабчи бўлади.

Мана шу камчиликка тугатиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот ишларида бир қатор таклифлар киритилган. Р.Амиров [1] томонидан тўрли юзанинг пастки қисмида ноль майдончасини ўрнатишни таклиф қилган. Бу майдонга тўрли юзага ёпишган пахтани тезроқ ажралиб чиқиб кетишини таъминлайди. Сепараторнинг ишини такомиллаштириш билан шуғулланган бир қатор олимлар [2] илмий изланишлар олиб борганлар.

Бунда пахтанинг тўрли юза билан учрашишни камайтириш мақсадида, пахтанинг инерция кучи ёрдамида ҳаракатланиши давом қилган ҳолда, ҳаво оқими йўналишини кескин ўзгартириш йўли билан амалга оширмоқчи бўлишган. Муаллифлар сепараторнинг янги конструкцияларини яратиш йўли билан уни тўрли сиртини фойдали юзасини ошириш имконини эга бўлган [3].

Бу конструкциясидан сепаратор ишчи камерасидан сидирғич вали устига тўрли барабан ўрнатилган. Шунинг учун чекка қисмлари конус кўринишда бўлади. Тўрли сиртнинг бундай кўринишда жойлашиши, уни фойдали юзасини икки маротаба атрофида ошириш билан бирга майда ифлосликларини кўпроқ ажралиб чиқиб кетишини таъминлаб туради.

Бундан ташқари тўрли сиртнинг фойдали юзасининг ошиши тешиклардан ўтувчи ҳаво тезлигини пасайтиради. Бу эса ўз навбатида толаларнинг чанг ҳаво билан қўшилиб чиқиб кетишини камайтиради (1-расм).



1-расм. Тўрли юзаси такомиллаштирилган сепаратор. (М.Г.- 1467093)

1-кириш қувури, 2-ишчи камера, 3-ҳаво камераси, 4-вакуум клапан, 5-конус тўрли юза, 6-вал, 7-тўрли барабан.

Сепаратор ишлаганда пахта ҳаво билан аралашиб кириш трубаси 2 орқали ишчи камера 1 га кириб келади. Ҳаво майда ифлосликлар билан конус ва цилиндр шаклдаги тўрли сиртлар 5 ва 7 орқали сўрилади. Пахтанинг асосий қисми инерция кучи таъсирида тўғри ҳаракатланиб бориб ишчи камера деворига урилган ҳолда вакуум клапан 4 га бориб тушади. Бир қисми эса конус ва цилиндр шаклдаги тўрли сиртлар бориб ёпишади. Уларнинг юзасидан сидиргич ёрдамида ажратиб олинади.

Таклиф қилинаётган иккинчи сепараторда [4] ҳам ён томондан ва ишчи камеранинг радиуси бўйлаб тўрли юзага эгадир (2-расм).



2-расм. Такомиллаштирилган сепаратор (М.Г. - №1781332)

Пахтани тўрли юзага камроқ ёпишишни амалга ошириш учун кириш қувури қаршисидаги ишчи камеранинг девори маълум масофага катталиштирилган. Шунинг ҳисобини зарба кучи ҳам камайтирилади. Юқорида сепараторга ўхшаб бу сепараторда хам пахта ҳаво билан аралашиб кириш қувури 5 орқали ишчи камера 2 кириб келади. Ҳаво иш камеранинг ён томонида ва радиус бўйлаб ўрнатилган тўрли юзада 3 орқали сўрилади. Пахтани асосий қисми иш камерасининг кириш қувури қаршисидан маълум масофага сурилган қисми 4га бориб урилади ва вакуум-клапан 9 келиб тушади ва сепаратордан ташқари чиқарилади.

Ушбу мақолада сепараторнинг тўрли сиртининг фойдали юзасини оширишни икки хил йўли кўрсатилади. Иккаласида ҳам тўрли сиртнинг фойдали юзаси икки маротаба атрофида ошади. Бунинг натижасида майда ифлосликлар кўпроқ ажралиб чиқиб кетиши амалга оширилади. Бу ўзгаришлар жуда содда бўлиб корхона муҳандислари ва ишчи ходимлари томонидан тайёрланиб ишлаб чиқаришга ўрнатиш мумкин. Бундан ташқари ушбу янги такомиллаштирилган сепаратор машиниси пахта тозалаш саноати корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган магистрлар ва аспирантларнинг фойдаланишлари мумкин бўлади.

АДАБИЁТ:

1. Амиров Р. «Исследования влияния средств механизации пневмотранспортных установок на качество волокна». Диссертация канд. тех. наук. Ташкент, 1976
2. Кадўрходжаев С. «Разработка сепаратора для хлопка-сўрца с целью сохранения его качественнўх показателей и сокраҳения потерь волокна». Диссертация канд. тех. наук. Ташкент, 1986
3. Ахмедходжаев Х.Т., Б.Марданов, Р.Мурадов, Ю.Янгибоев «Сепаратор для хлопка-сўрца». М.Г. – 1467093 23.03.89 Бюл. № 4.
4. Мурадов Р., А.Хожиев, А.Р.Хазан, А.Л.Насретдинов «Сепаратор для хлопка-сўрца». М.Г. – 1781332. 15.12.92 Бюл. № 46.

КЎП ЧЎНТАКЛИ ТОШТУТГИЧНИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Р.М. Мурадов –т.ф.д., профессор, О.Т. Маматқулов – PhD,
Э.А. Қамбаров – магистрант
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация

Пахта тозалаш корхоналарида пахтани ҳаво ёрдамида ташиш жараёнида унинг таркибидаги оғир аралашмаларни ушлаб қолиш қурилмасининг самарадорлигини ошириш мақсадида тоштутгич конструкцияси такомиллаштирилган бўлиб, натижасида пневмотранспорт қурилмасида оғир аралашмаларни ажратиб олишда юқори самарадорликка эришилади.

Калит сўзлар: *пахта, тоштутгич, пневматранспорт, кўп чўнтак, шикастланиш, оғир жисм, ишчи камера.*

Аннотация

В целях повышения эффективности устройства для улавливания тяжелых примесей в процессе пневмотранспортировки хлопка в камнеуловителье была улучшена конструкция уловителя примесей, что привело к высокой эффективности отделение тяжелых примесей в пневмотранспортном устройстве.

Ключевые слова: *хлопок, камнеуловитель, пневмотранспорт, много карманов, повреждение, тяжелые примеси, рабочая камера.*

Annotation

In order to increase the efficiency of the device for capturing heavy impurities during the pneumatic conveying of cotton in the stone trap, the design of the impurity trap was improved, which led to high efficiency in the separation of heavy impurities in the pneumatic conveying device.

Key words: *cotton, stone trap, pneumatic transport, multiple pocket, damage, heavy impurity, working chamber*

Пахта тозалаш корхоналарини ривожлантиришнинг асосий йўлларидан бири юқори самарадорли техника ва технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уни амалда тадбиқ қилишдир.

Пахтани тортиш, дала шароитида қуритиш ҳамда пахта тозалаш корхоналарида ғарамларни бузиб уни қайта ишлаш жараёнига узатишда пахта ичига турли катталикдаги оғир жисмлар ва металл парчалари тушиб қолади. Бунда жисмлар пахтани қайта ишлаш тизимига ўрнатилган машиналарнинг иш камерасига тушиб уларнинг иш жараёнини бузади, ишчи органларини шикастлайди, натижада машиналарнинг иш унуми пасаяди ва ишчи органлари тез ишдан чиқади. Шу билан бирга оғир жисмлар, металл парчалари пахта тозалаш заводлари юз берадиган ёнғинларнинг асосий сабабчидир. Оғир аралашмаларнинг катта тезлик билан айланаётган ишчи органлари металл қисмларига урилиши ёнғин келтириб чиқаради.

Шунинг учун пахтани қайта ишлаш жараёнида оғир аралашмаларини ажратиб олиш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақолада бугунги кунда пахта тозалаш корхоналарида оғир аралашмаларини ушлаб қоладиган мавжуд қурилмаларнинг иш жараёнларини ҳар томонлама ўрганиш ва камчиликларни тугатиш устида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган.

Пахта тозалаш корхоналарида оғир аралашмаларини ушлаб қоладиган қурилмалар асосан пневмотранспорт линиясининг горизонтал қисмидан вертикал қисмига ўтиш жойига ўрнатилади. Бунда пахта вертикал йўналишда кўтариб ҳаракатлантира оладиган ҳаво тезлиги ундан оғир бўлган бошқа аралашмаларнинг ажралиб қолишига имкон беради. Бу тамойилга асосланган қурилманинг энг катта камчилиги камеранинг пастки қисмига оғир аралашмалар билан бирга пахтанинг ҳам тушиб қолишидир.

Буни бартараф этиш учун камеранинг пастки қисмидаги чўнтакнинг ўлчамларини қисқартириш керак. Бундай ўзгартириш эса тош тутгич чўнтагининг фойдали қисми юзасини оширишнинг янги усули топилди. Бу усулда фойдали юза кесим юзасини бевосита ошириш йўли билан эмас, балки тош тутгич камерасида маълум масофаларда қўшимча чўнтаклар ўрнатиш таклиф қилинди. Чўнтаклар сонини аниқлаш учун тайёрланган экспериментал қурилмада чўнтаклар сонини, ўлчамларини ва жойлашувини ўзгартириш имконияти билан ишлаб чиқилди. [1]

Тоштутгичнинг асосий қисми оғир жисмларни тутиб қолиш жараёни содир бўладиган ажратиш камераси эканлигини ҳисобга олган ҳолда конструктив ва геометрик параметрларини аниқлаш керак бўлади.

Мавжуд чизиқли тоштутгичларнинг ишчи камераси кўп холларда цилиндрик ёки тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Тўғри тўртбурчак шаклидаги ишчи камерали тоштутгичлар кўпроқ учрайди.

Камера кенглиги оғир аралашмаларни тутиб қолиш жараёнида ишланаётган материални нормал ҳолатда ҳаракатланишини таъминлайди.

Камера кенглиги етарлича катта, материал қатлами унга қараганда кичик бўлса, оғир аралашмаларни тутиб қолиш учун яхши шароит туғилади ва бу аралашмалар чўнтакда тош тўплагичга тушиши осонлашади.

Тоштутгич камераси кичик бўлганда ишланаётган материал қалинлиги катта бўлади ва оғир аралашмаларнинг (айниқса, майда жисмлар) пахта таркибидан ажралиши қийинлашади. Бу ҳолатда пахта билан оғир жисмларнинг бирлиги мукаммалроқ бўлади.

Пахтадан оғир жисмларни тутиб қолиш жараёни унумдорлигини ошириш мақсадида ажратиш камераси кўндаланг кесими юзасини 0,25 м^2 (2ЧТЛ ва ЛКС тоштутгичларида) ҳаво тезлиги камерада 12,5 м/с ва 16 м/с қилиб олиш тавсия этилган. Шунинг учун экспериментал қурилманинг ишчи камерасини ҳам 0,25 м^2 қилиб оламиз. Тоштутгичнинг унумли ва ишончли ишлаши учун ишчи камеранинг шаклини ва ўлчамларини аниқлаш мақсадида экспериментал тадқиқот ўтказиш зарурати вужудга келди.

Экспериментал тадқиқот учун тоштутгич ишчи камерасининг 3 хил тури танлаб олинди. Бу камералар бир-биридан чўнтаклар жойлашиши ва улар орасидаги оралиқларнинг геометрик шакли, бундан ташқари тутиб қолиш жараёни, асосан ишлатилиши, марказдан қочма куч ва инерция кучлари билан фарқ қилади. Бу ҳоллар пахта ва оғир жисмларнинг физик-механик ва аэродинамик хусусиятлари каби ташиш режими ва ишчи камераларининг ўлчамларига боғлиқ бўлади.

Ҳар бир танланган ишчи камера турларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқилди. Биринчи турдаги тоштутгичнинг ишчи камераси пастки қисмида чўнтаклар маълум радиус остида эгилган. Улар орасидаги бўшлиқ силлиқ юза кўринишида бўлиб, горизонтал маълум бурчак остида жойлаштирилган.

Шундай қилиб, биринчи тур тоштутгичнинг ишчи камерасида пахтадан оғир жисмларни ажратиш жараёни асосан ташиш тезлиги, марказдан қочма куч, пахта ва оғир жисмлар оғирлик кучи ҳамда ишқаланиш коэффициентига боғлиқ деб хулоса қилиш мумкин.

Иккинчи турдаги ишчи камераси ҳам пастида чўнтакларни ташкил қиладиган эгик сиртдан иборат. Чўнтак кесимлари ораси эгри чизиқ ишчи камера ичкарисига қараб эгилган бўлиб, бу майда ифлосликларни ҳаво билан тортилишига йўл қўймайди ва уларни биринчи чўнтакка тушишига имкон беради.

Учинчи турдаги ишчи камера тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, чўнтаклар жойлашуви ва оралиқ юзалари шакли иккинчи тур билан бир хил, уларнинг фарқ қилувчи қисми кириш қувурига бурчак остида ўрнатилган ажратиш камерасининг юқори қисмида чиқиш қувури жойлашган. Ҳаво оқими тезлигининг ўзгариши пахтанинг ажратиш камераси орқа деворига урилишига сабаб бўлади ва пахтанинг титилиши ҳамда пахта билан оғир аралашмалар илашишининг бузилиши тутиб қолиш унумдорлигини оширишга сабаб бўлади. Шундай қилиб, учинчи турдаги ишчи камерасида бир вақтнинг ўзида оғирлик кучи ва марказдан қочма куч ишлатилади. Бундан ташқари, қўшимча пахта титилиши ҳосил бўлади. [2] Бу оғир жисмларнинг максимал миқдорда чўнтакка тушишига сабаб бўлади. Мана шу танлаб олинган тош тутгичнинг ишчи камерасига жойлашган чўнтакларнинг юқори қисми ярим доира шаклдаги тўрли сетка ўрнатилди. (1-расм)



1-расм. Кўп чўнтакли такомиллашган тош тутгич

Тош тутгич қуйидаги асосий қисмлардан иборат: кириш қувури 1, ажратиш камераси 2, чиқиш қувури 3, оғир жисмлар тўпланадиган бункер 4 ва чўнтаклар 5 дан иборат.

Тош тутгич ишлаганда пахта ҳаво оқими ёрдамида кириш трупкаси 1 орқали ажратиш камераси 2 га киради. Ажратиш камерасининг ҳажми кириш трупкасига нисбатан катта бўлганлиги сабабли пахтанинг тезлиги пасаяди. Оғир жисмларнинг бир қисми биринчи, қолганлари иккинчи ва учинчи чўнтакларга тушиб, бункер 4 да тўпланади. Оғир жисмлардан тозаланган пахта чиқиш трубаси 5 орқали ҳаво оқими ёрдамида кейинги машинага узатилади. Шу билан бирга чўнтаклар юқори қисмига ўрнатилган ярим доирали сеткали юзалар орқали чигитли пахта таркибидаги майда ифлосликлардан тозалаш имконини ҳам беради. Тўрли сиртларнинг эластик асосга ўрнатилганлиги зарба кучини сезиларли камайтиради. Натижада чигитли пахтани сифатига таъсир этувчи, механик таъсирига эга бўлган омиллар маълум бир даражада бартараф этилади.

АДАБИЁТ:

1. Ахмадхужаев Х., Р. Мурадов, У. Бойтураев. М. Ғаниев “Пахта хом ашёсидан оғир аралашмаларни ушлаб олгич” МГ № IH AP 9400057
2. Мурадов Р. «Пахтани дастлабки ишлаш технологиясидаги ташиш жараёнига самарадорликни ошириш йўллари» докторлик диссертация 2004 й.

GAZ BALLONLI AVTOMOBILLARNING TA’MINLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI

N. Odilov – “Yer usti transport tizimlari” kafedrasi stajyor-tadqiqotchisi
Jizzax politexnika instituti

Annotatsiya. *Ushbu ma’ruzada gaz ballonli avtomobillarning ta’minlash tizimi, uning ishlash prinspi hamda avtomobillarga o’rnatilayotgan gaz uskunalarining turlari tahlil etilgan.*

Kalit so’zlar: *avtomobil, dvigatel, ta’minlash tizimi, siqilgan tabiiy gaz, gaz ballon, xavfsizlik, gaz uskunalari.*

Аннотация. *В этом докладе анализируется система питания автомобилей с газовыми баллонами, принцип ее работы и типы газового оборудования, установленного в автомобилях.*

Ключевые слова: *автомобиль, двигатель, система питания, сжатый природный газ, газобаллон, безопасность, газовое оборудование.*

Abstract. *This article analyzes the gas supply system cars with gas cylinders, its principle of operation and the types of gas equipment installed in cars.*

Key words: *car, engine, supply system, compressed natural gas, gas cylinder, safety, gas equipment.*

Respublikamiz mustaqillikka erishgandan so'ng mamlakatimizda avtomobil sanoati shiddat bilan rivojlana boshladi. Avtomobillar soni kundan-kunga oshib bormoqda. Bu esa o’z navbatida mamlakatimizning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishining asosiy yo'nalishlaridan biri hisoblangan avtomobilsozlik sanoatiga xalq xo'jaligining barcha talablariga javob beradigan va atrof-muhitga kam zararli moddalar chiqaradigan shuningdek, yonilg'i tejamkorligi yuqori avtomobillarni ishlab chiqarish tarkibini oshirish va takomillashtirish vazifasini yuklaydi[1].

Avtomobil yonilg'isi sifatida qo'llaniladigan benzin va dizel yonilg'ilariga bo'lgan talabning o'sishi ularga muqobil yonilg'ilardan foydalanishni taqozo etmoqda. Hozirgi kunda tannarxi jihatidan arzon bo'lgan tabiiy gazlardan avtomobillarning yonilg'isi sifatida foydalanish keng yo'lga qo'yilgan. Respublikamizda tabiiy gazning ko'plab zahiralari bor va bu zahiralarda yuqori sifatli tabiiy gazlar bo'lib ulardan avtomobil dvigatellari uchun yonilg'i sifatida foydalanishda ortiqcha gazni qayta ishlash yoki kimyoviy usullarda ishlov berish texnologiyalari qo'llanilmasdan, to'g'ridan-to'g'ri yonilg'i sifatida foydalanish mumkin[3]. Bundan tashqari motor yonilg'isi sifatida qo'llaniladigan tabiiy gaz tannarxi jihatidan boshqa yonilg’i turlariga nisbatan ancha arzon turadi. Shu sababli hozirda respublikamizda avtomobillarning taxminan 70-80 % qismi tabiiy gaz yonilg’isida harakatlanmoqda [2].

Bundan tashqari motor yonilg'isi sifatida qo'llaniladigan tabiiy gaz neft mahsulotlaridan bir qancha afzalliklari bilan ustun turadi. Ulardan foydalanishda dvigatelning yuqori texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlariga erishiladi, chunki tabiiy gaz juda yaxshi antidetonatsion hossalarga ega, havo bilan aralashma hosil qilishi xususiyati juda yaxshi va havo bilan istalgan nisbatda aralashmalar hosil qilishi mumkin. Gazli dvigatellarda aralashma deyarli to'liq yonadi va ishlatilgan gazlarning zaharliligi ancha past bo'lganligidan atrof-muhit kam zararlanadi.

Asosiy agregatlar va dvigatel tizimlariga ko'ra, siqilgan gaz bilan ishlaydigan transport vositalarini hozirgi ishlab chiqarilayotgan benzinli dvigatelli avtomashinalar bilan birlashtirish darajasi o'rtacha 90% ni tashkil qiladi. Shu sababli, gaz yonilg'isiga o'tkazishda asosan karbyuratorli va injektorli dvigatelli avtomobillarning konstruksiyasini tubdan o'zgartrishni talab qilmaydi[4].

Siqilgan tabiiy gaz normal sharoitlarda istalgan bosimda gazsimon holatda bo'lib, ularga asosan metan va vodorod kiradi. Metan 20 MPa bosimgacha siqiladi va qalin devorli ballonlarda saqlanadi. Gazlarning qo'llanilishi porshen va gilza devorlaridan moy pardasining yuvilib ketishiga barham beradi, yonish kameralarida qurum hosil bo'lishini kamaytiradi, benzin bug'lari bo'lmaganligi uchun silindr gilzalarining devorlaridagi moy kuyib ketmaydi, natijada dvigatelning ishlash muddati va moy almashtirish davri 1,5-2 martaga uzayadi.

Biroq, gaz ballonli avtomobillarda ta'minlash tizimi murakkab, yong'in va portlash xavfsizligiga qo'yiladigan talablar esa yuqori bo'ladi. Gaz havo bilan aralashganda benzinga nisbatan ko'p hajmni egallagani uchun gazli dvigatellarning quvvati karbyuratorli dvigatelga qaraganda 10-20% kam bo'ladi[2]. Shuningdek, tabiiy gazning motor yonilg'si sifatida asosiy kamchiliklaridan biri hajmiy konsentratsiya energiyasining kamligidadir. Agar bir litr suyuq yonilg'ining yonishdagi issiqlgi 31426 kDj bo'lsa, normal sharoitlarda tabiiy gaz uchun bu qiymat 33,52–

35,62 kDj ni tashkil etadi, Shu sababga ko'ra gazdan transport vositalarida motor yonilg'isi sifatida foydalanish uchun gazni dastlab yuqori bosim 20-25 MPa ga siqish kerak, buning uchun maxsus kompressor qurilmalaridan foydalanishni taqazo qiladi[3].

Gaz yonilg'isining qo'llanilishi dvigateldan chiqayotgan ishlatilgan gazlar tarkibidagi zararli uglerod oksidi, azot ikki oksidi va uglevodorodlarning umumiy miqdorini kamaytiradi. Ayniqsa ishlatilgan gaz tarkibida qo'rg'oshin umuman bo'lmaydi.

Chiqayotgan gazlarning zaharliligi gaz yonilg'isini yoqqanda benzin bilan ishlagandagidan ko'ra 3 marta kam, dvigatel ishchi rejimini to'g'ri tanlaganda undan chiqayotgan shovqinlar darajasi kam va bu holat ayniqsa shahar sharoitida muhim hisoblanadi[2].

Karbyuratorli yoki injektorli dvigatellarni gaz yonilg’isiga o’tkazish ularni ikki xil yonilg’i tizimlarida ya’ni gaz va benzin yonilg’ilarida ishlashini ta’minlaydi. Ikkita yonilg’i tizimidan foydalanish avtotransport vositalarining umumiy quvvat zaxirasini ko'paytirish va ularning hajmini kengaytirishga yordam beradi.

Gaz yonilg’isida harakatlanayotgan transport vositalarining soni oshishi bilan gaz uskunalarini va gaz yonilg’isida harakatlanayotgan avtomobillarning yonilg’i ta’minlash tizimini takomillashtirishni taqozo etmoqda. Hozirgi kunda respublikamizda gaz yonilg’isida harakatlanayotgan avtomobillarga gaz uskunalarining quyidagi 4ta avlodi o’rnatilmoqda.

1-avlod GBU. 20-asrning 70-yillarida paydo bo'lgan va u asosan karbyuratorli dvigatellarga mo'ljallangan.

2-avlod GBU. Karbyuratorli dvigatellar injektorli dvigatellar bilan almashtirildi va ishlab chiqaruvchilar birinchi navbatda dizaynni o'zgartirmasdan gaz uskunalarini yangi injektorli avtomobillarga moslashtirishga harakat qilishdi.

Ikkinchi avlod gaz uskunalari 1-avlod bilan bir xil ishlaydi, ammo bunda vakuumli klapanining o'rniga elektromagnit klapanga almashtirilgan. Elektromagnit klapanni yordamida yoqilg'ining kerakli turini tanlash uchun tugmachadan foydalanib, bir yonilg’i turidan ikkinchisiga o’tkazish mumkin bo’ladi.

3-avlod GBU. Avtomobillardagi gaz qurilmalarining ishidagi jiddiy o'zgarishlar paydo bo'lishi bilan boshlandi. 3-avlod GBU ning oldingi avlodlardan asosiy farqi yonilg'i ta'minotini nazorat qilish va sozlash uchun elektron tizimning paydo bo'lishi edi. Bu avlod uskunalari kompyuter bilan jihozlangan avtomobillarga o'rnatilib elektron boshqaruv bloki orqali boshqarilishi natijasida yonilg'i sarfini kamaytirish va samaradorlikning oshishiga hamda chiqindi gazlar miqdorini kamaytirishga erishildi.

4-avlod GBU. Bugungi kunda gaz qurilmalarining eng keng tarqalgan versiyasidir (avtomobil egalarining 90 foizi ushbu tizimni afzal ko'rishadi). Nisbatan sodda tuzilishga ega bo'lishiga qaramay, mukammal texnik xususiyatlarga ega.

Ushbu avlod gaz uskunalarining afzalliklari quyidagilar :(1-rasm)

Ushbu avlodning avvalgilaridan ajralib turadigan xususiyati bu har bir silindr uchun dvigatelning yuqori quvvat bilan ishlashi uchun zarur bo'lgan gaz aralashmasini ta'minlaydigan injektorning mavjudligidir. Alohida ishlaydigan injektorlarning ishlashi elektron boshqaruv bloki tomonidan boshqariladi. Ushbu gaz uskunasi kam quvvat yo’qotilishi bilan dvigatelni yuqori samaradorlik (50% gacha) bilan ishlashini ta'minlaydi.

Gaz ballonli avtomobillarning ta’minlash tizimining yaxshi ishlashi va yuqori samaradorlikka erishish hamda havoga chiqarilayotgan zaharli gazlar miqdorini kamaytirish uchun avtomobillarga zamonaviy gaz uskunalarini o’rnatish lozim.



4-avlod gaz uskunalarini dvigatelga o’rnatish natijasida dvigatel quvvatining oshishiga, yonilg’i aralashmasining har bir slindr uchun bir xil meyorda taqsimlanishiga, yonilg’i uzatish dozasining aniqligi sababli yonilg’i sarfining kamayishiga va atrof muhitga chiqarilayotgan zaharli gazlar miqdorining kamayishiga, dvigatelning (avtomobilning) dinamik xususiyatlarini yaxshilanishiga, dvigatelni ishonchli ishga tushirishga hamda dvigatelning normal ish rejimiga tez erishishga olib keladi. Yurtimiz avtomobilsozligi sohasida mazkur texnologiya natijasida zararli gazlarni to’rt barobar kamaytirishga benzinni 70% tejashga erishiladi.

Adabiyotlar ro’yxati.

1.Ахметов Л.А., Иванов В.И., Ерохов В.И. «Экономическая эффективност и эксплуатационные качества газобаллонных автомобилей». –Т.: Узбекистан, 1984. 198 бет.
2.Hamroqulov O., Magdiev SH. Avtomobillarni texnik ekspluatatsiyasi. T.: Toshkent, 2005.
3.Polvonov A.S., va boshqalar. Transport vositalarida ishlatiladigan materiallar, T.: Fan, 2003.
4. Панов Ю.В. Установка и эксплуатация газобаллонного оборудования автомобилей / Ю.В.Панов. М.: Изд. центр«Академия»? 2006. 160 с.
http:// ru – Vsyo ob avtomobilyax.

МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ НЕЛИНЕЙНЫХ ЗАДАЧ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА ФИЛЬТРОВАНИЯ МАЛОКОНЦЕНТРИРОВАННЫХ СУСПЕНЗИЙ

Б .Ю. Палванов - доцент*, Ж.К. Юсупова– магистрант*,
С. Маткаримов – ассистент, А.У. Искандаров - магистрант**.**
***Ургенчский филиал ТУИТ, **Ургенчский государственный университет**

Аннотация. *В работе приведена математическая модель в виде систем нелинейной дифференциальных уравнений и их метод решения на основе теории конечно-разностных схем технологического процесса фильтрования малоконцентрированных суспензий.*

Ключевые слова. *Математическое моделирование, суспензия, фильтрования, концентрация, конечно-разностных схем, дифференциальных уравнение.*

Аннотация. *Ишда камконцентрацияли суюқликларни тозалаш технологик жараёнининг чизиқсиз дифференциал тенгламалар тизими кўринишидаги математик моделлари ҳамда уларнинг чекли-айирмали назарияси асосида ечиш усуллари келтирилган.*

Калит сўзлар. *Математик моделлаштириш, суюқлик, фильтрлаш, концентрация, чекли айрмалар, дифференциал тенглама.*

Annotation. *The paper presents a mathematical model in the form of systems of nonlinear differential equations and their solution method based on the theory of difference schemes of the technological process of filtering low-concentration suspensions.*

Keywords*. Mathematical modeling, suspension, filtration, concentration, finite-difference schemes, differential equation.*

Актуальность работы. Промышленные сточные воды предприятий химической, машиностроительной и других отраслей промышленности содержат в своём составе токсичные ионы тяжёлых металлов, которые при попадании в водоёмы пагубно воздействуют на флору и фауну водоёма, а также при попадании в организм человека оказывают токсикологическое воздействие.

Для защиты сточных и водозаборов подземных вод от источников загрязнения выбрасываемые промышленными объектами необходимо разработать эффективные методы, технические средства и технологии на основе проведённого комплексного исследования процесса в целом. В технология очистки жидких ионизированных промышленных выбросов как обычно применяются фильтры с ионытными фильтровальными перегородками. Такая технология также широко принимается при подготовке питьевой воды, переработки продуктов питания, обработка сырья общественного назначения и т.д.

Постановка задачи. Движение смесей происходить под действием постоянного перепада давления на участки фильтрации при переменном во времени расхода $q = q(t)$ (колматция каналов, водоёмов, земляных плотин, а также явления суффозии из названных сооружений и др.) или под действием переменного во времени перепада давления на участке фильтрации при постоянном расходе $q = q_0$ (засорения фильтров, заиление призабойной зоны нагнетательных скважин и др.). При этом предполагается, что пористая среда и суспензия таковы, что в процессе фильтрации последний част твёрдого вещества взвеси задерживается пористой средой, часть ранее осевших частиц срывается и попадает в фильтрационный поток и част проносится фильтрационным потоком дальше рассматриваемого участка. Рассмотрим единицу объёма порового пространства в процессе фильтрации смеси. Так же отметим, что насыщенностью называется количество вещества в единице объёма порового пространства.



Рис 1. Расчётного схема фильтрования суспензий.

Из закона сохранение балансы, движения и сохранение масс имеем [1, 26-30]

$$\frac{\partial\theta}{\partial t}+\frac{W}{m}\frac{\partial\theta}{\partial x}+\frac{\partial\alpha}{\partial t}+(1-m_0)\frac{\partial\delta}{\partial t}=\mu_0\frac{\partial^2\theta}{\partial x^2} \tag{1}$$

$$\theta-\theta_3=\frac{\alpha}{1-\delta} \tag{2}$$

$$\frac{\partial\delta}{\partial t}=\lambda\left(\theta-\gamma\delta\right). \tag{3}$$

После некоторых преобразовании уравнений (1)-(3) получим

$$\left(2-\delta\right)\frac{\partial\theta}{\partial t}+\frac{W}{m}\frac{\partial\theta}{\partial x}-\lambda\left(1-m_0-\gamma\delta+\theta_3\right)\theta+\lambda\gamma\delta\left(1-m_0+\theta_3\right)+\lambda\theta^2-\left(1-\delta\right)\frac{\partial\theta_3}{\partial t}=\mu_0\frac{\partial^2\theta}{\partial x^2}.$$

для упрошения введем обазначения,

$$\lambda_1=\lambda\left(1-m_0-\gamma\delta+\theta_3\right),\quad \lambda_2=\lambda\gamma\delta\left(1-m_0+\theta_3\right)$$

тогда получим

$$\left(2-\delta\right)\frac{\partial\theta}{\partial t}+\frac{W}{m}\frac{\partial\theta}{\partial x}-\lambda_1\theta+\lambda_2+\lambda\theta^2-\left(1-\delta\right)\frac{\partial\theta_3}{\partial t}=\mu_0\frac{\partial^2\theta}{\partial x^2}.$$

С учётом выше сказанной тогда реальная постановка задачи примет следующий вид:

$$\begin{cases}\left(2-\delta\right)\dfrac{\partial\theta}{\partial t}+\dfrac{W}{m}\dfrac{\partial\theta}{\partial x}-\lambda_1\theta+\lambda_2+\lambda\theta^2-\left(1-\delta\right)\dfrac{\partial\theta_3}{\partial t}=\mu_0\dfrac{\partial^2\theta}{\partial x^2},\\ \dfrac{\partial\delta}{\partial t}=\lambda\left(\theta-\gamma\delta\right),\\ \dfrac{d\theta_3}{dt}=\dfrac{1-\bar\theta}{2-\bar\delta}\dfrac{d\bar\theta}{dt}+\dfrac{1}{2-\bar\delta}\left[\lambda\left(\bar\theta-\gamma\bar\delta\right)\left(1-\bar\theta\right)-\dfrac{\theta_0 W}{H_0(1-\theta_0)}\right]+\\ +\theta_3\left[\lambda\left(\bar\theta-\gamma\bar\delta\right)+\dfrac{W}{H_0(1-\theta_0)}\right]\dfrac{1}{2-\bar\delta(t)},\end{cases} \tag{4}$$

где

$$\bar\theta(t)=\int_0^1\theta\left(x,t\right)dx;\quad \bar\delta\left(t\right)=\int_0^1\delta\left(x,t\right)dx.$$

Начальные и граничные условии для системы (4) имеют следующий вид [2, 358-360]:

$$\begin{cases}\theta(t,x)=\varphi_1(x),\quad \delta=0,\quad \theta_3=0,\ \text{при } t=0,\\ \theta(t,0)=\theta_0,\quad \text{при } x=0,\\ \theta(t,1)=\varphi_2(t),\ \text{при } x=1.\end{cases} \tag{5}$$

где

$$\varphi_1(x)=e^{-\lambda H_0 Bx},\ \ \varphi_2(t)=\theta_0\left(1-A_1Be^{-A_2t}\int_0^1 I_0\left(2\sqrt{\alpha t}\right)dx\right),$$

$$B=m_0(1-m_1)/q_0,\quad \alpha=A_1A_2Bx.$$

Здесь, θ - объемная концентрация взвешенного твердого вещества в движущейся смеси; θ_0 - начальная концентрация суспензий; δ - скорости осаждения частиц в поровом пространстве; W - скорость фильтрования; m - пористость фильтра; m_0 - начальная пористость фильтра; θ_3 - выходная концентрация смеси; W_0 - начальная скорость фильтрования; H_0 - толщина фильтровальной перегородки; m_1 - пористость осевшей массы; μ_0 - коэффициент искусственной вязкость; λ - кинетический коэффициент; A_1, A_2 - опытные параметры; q_0 - начальный единичной расход; γ - удельная вес вещества; I_0 - функция Бесселя нулевого порядка.

Метод решения. Так как, поставленная задача описывает нелинейных дифференциальных уравнений частного производного второго порядка. Таких уравнений решению аналитическими способами получит трудно. По этому, будем решат численными способами по методу конечно-разностных. Входящие в уравнение производные аппроксимируем разностной схемой, и получим систему алгебраических уравнений относительно искомых переменных [2, 359].

Для повышения порядок погрешности по времени будем воспользоваться неявную метод, после того систем уравнение решается методом прогонки [3, 12-13].

Если исходные параметры являются заданными, то выбор толщины фильтра и скорость подачи суспензии в колонку зависят от нас. Эти параметры могут быть регулируемыми для оптимального управления процессом. Для вычисления отклика входных параметров на процесс и режим работы фильтра, проведена ряд численных экспериментов для различных значений H_0 и W_0. Краткий анализ расчетов приведена в работе [4, 19-26; 5, 32-37] Так для, первой серии экспериментов, оставляя $W_0 = 0,0002\, м/сек$ без изменения, численные расчеты проведены при $H_0 = 0,2;\ 0,4;\ 0,5;\ 0,25;\ 0,35\, м$. Как следует из проведенных численных расчетов на ЭВМ, с ростом толщины фильтровальной перегородки концентрация гель - частиц на поверхности фильтра будет расти экспоненциально. Особенно это заметно при $H_0 > 0,25\, м$.

Список исползованных источников.

1. Равшанов Н., Палванов Б.Ю. Приближенно-аналитическое решение задачи технологического процесса фильтрования растворов от нежелательных ионов// Электронный научный журнал "Исследования технических наук". - 2016. - Выпуск 1(19) Январь-Март. С. 25-36.
2. Ravshanov N., Palvanov B., Ravshanov Z. Computer model and computing experiment for technological process of multicomponent mixtures filtering study // European researcher. - 2012. -Vol. 19. № 4. PP. 358–362.
3. Равшанов Н., Палванов Б.Ю. Математическая модель процесса ионообменного фильтрования ионизированных растворов // Узб. журнал «Проблемы информатики и энергетики». – Ташкент, 2015. – № 6. – С. 10-17
4. Равшанов Н., Палванов Б.Ю. Вычислительный эксперимент для исследования технологического процесса фильтрования жидких и ионизированных растворов // Отраслевые аспекты технических наук. –Москва: ИНГН, 2015. – № 3 (45). – С. 18-28
5. Равшанов Н., Палванов Б. Ю., Орифжонова У. Компьютерное моделирование сложного технологического процесса сепарирования сыпучих смесей // Проблемы вычислительной и прикладной математики. – Ташкент, 2017. – № 2 (8). – С. 30-40.

ЧИГИТЛАРНИ САРАЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ

Х. Исаханов - доцент, С. Режаббоев - таянч докторант, Р. Мурадов – профессор.
Наманган муҳандислик-технология институти

Аннотация

Маърузада пахта тозалаш корхоналарининг асосий маҳсулоти бўлган тола ва чигит чиқишига салбий таъсир этувчи омиллар келтирилган бўлиб, заводлар кесимида тола чиқиши таҳлил қилинган. Тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган ускуна ва механизмларнинг ишлаш принципи ва схемалари ёритилган.

Калит сўзлар: *пахта, чигит, тола, саралагич, ишчи камера, тўрли юза, шнек, бункер, вентилятор, ҳаво.*

Аннотация

В докладе представлены факторы, которые негативно влияют на выход волокна и семян, в процессе переработки хлопка-сырца и их анализ. Исследователями подробно освечена предложенные схемы и принцип работы мехонизмов и устройстав.

Ключевые слова: *хлопок, семена, волокно, сортировка, рабочая камера, поверхность решетки, шнеки, бункер, вентилятор, воздух.*

Annotation

The article presents factors that negatively affect the yield of fiber and seeds during the processing of raw cotton and their analysis. Researchers highlighted in detail the proposed schemes and the principle of operation of mechanisms and devices.

Key words: *cotton, seeds, fiber, sorting, working chamber, lattice surface, screws, bunker, fan, air.*

Пахта тозалаш корхоналарининг асосий маҳсулотлари ҳисобланган тола ва чигитнинг табиий хусусиятлари сақлаб қолиш пахта тозалаш саноати олдида турган энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунда пахтани дастлабки ишлаш жараёнида хар бир технологик машинадан сўнг тола чиқиши, чигитнинг шикастланиши ва таркибига ифлос аралашмаларни қўшилиб кетиши кузатилади [1]. Қуйидаги 1-жадвалда кесимида тола чиқиши навлар бўйича ушбу кўрсаткичлар келтирилган.

1-жадвал

№	Тўрақўрғон		Норин		Чуст		Мингбулоқ	
	%	тонн	%	тонн	%	тонн	%	тонн
1	35,2	8407	34,6	6880	36,1	3715	34,0	8815
2	34,8	824	33,0	156	36,9	417	32,8	1264
3	34,4	331	31,3	47	35,8	143	30,2	326
4	29,7	494	27,9	41	32,2	76	28,0	268
5	27,4	96	26,3	5	33,3	8	26,3	127

Юқоридаги жадвалда турли хил навларда пахта хомашёсини қайта ишлашда жинлаш жараёнидан сўнг тажрибалар ўтказилиб, тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичлари

тахлил қилинган. Масалан Тўрақўрғон туманида пахта заводида 1-нав пахтадан тола чиқиш 35,2 бўлса шу кўрсатгич, Чуст заводида 36 % ташкил қилмоқда. Бу ерда Тўрақўрғон заводида 0,8% тола йўқолши бор 3-нав пахтани қайта ишлагач Тўрақўрғон заводида тола чиқиши 34,4 Чуст заводида 35,8% бу ерда тола йўқолиши 1,4% тола йўқолиши. Ўтказилган тадқиқотлар асосида тола йўқолиши асосан жин машинасида, толаси бор чигитларнинг кўпроқ чиқиб кетиш натижасида аниқланди, тола чиқиши паст бўйичакорхоналарда толаси бор чигитларни ушлаб қолиш оқибатида жин машинасига берувчи ПНС маркали машиналардан яхши фойдаланмаслик оқибатида бўлиш мумкун.

Мана шулардан келиб чиққан холда пахта тозалаш корхоналарнинг иқисодий самарадорлигини ошириш мақсадида тола чиқиши кўпайтириш керак бўлади. Бу хам ўз навбатида толаси бор чигитларни ушлаб қоладиган машиналарни янги самарадор конструксияларини яратиш талаб қилади.

Ушбу келтирилган кўрсаткичлардан толанинг чиқишига салбий таъсир этадиган кўрсаткич бу тўла жинланмаган чигитларнинг кўп миқдорда учрашидир. Тўла жинланмаган чигитлар жинланган чигитларнинг таркибига қўшилиб кетиши ушбу жинлаш жараённинг унумдорлигини янада пасайишига олиб келади. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида кўплаб олимлар изланишлар олиб борилиб, жин машинасидан чиқган чигитлар орасида тўла жинланмаган чигитларни саралаш машиналари таклиф этилган [2].

Х.Исаханов (1) тавсия этган саралагич 1-расмда келтирилган. Чигит саралаш қурилмасида барабан ичида винтсимон шнек парраги ёрдамида чигитлар аралаштирилиб, саралаш жараёни бажарилади. Барабан остига жойлашган тебранувчи каретка ёрдамида чигит фракцияларга ажралиб сараланади. Ушбу қурилма ўзининг муракаб қонструкцияси сабабли ишлаб чиқаришда кенг қўланилмади [3].



1-Расм. Механик тебранишли чигитсаралаш қурилмаси
1-бункер 2-тақминлагич 3-сетка 4-бункер

Х.Исаханов томонидан тавсия этилган (1-расм) чигит саралаш технологик жараёни қуйидагича, яъни жинлан чиққан чигит бункер 1 га таъминлаш барабани 2 ёрдамида ишчи сетка юзаси 5 га тушади ва сеткали юзанинг тебраниши натижасида чигит фракцияларга ажралиб, сараланади. Саралагичнинг камчиликлари иш унумдорлигининг пастлиги, габарит ўлчамлари катта экани ва тўрли юзанинг чигит билан тиқилиб қолиши сабабли иш унумининг пасайиши ҳисобланади.

А.Обидов томонидан тавсия этилган чигит саралаш технологик жараёни схемаси ҳам юқоридаги кабидир (2-расм). Фақат, тўрли юза ўрнига симдан тўқилган юза қўлланган.



2-расм. Жинланган чигитларни саралаш қурилмаси

1-таъминловчи бункер; 2-эксцентрик; 3-тасмали узатма; 4-электродвигатель; 5-подшипниклар; 6-чигитлар фракциялари тушадиган новлар; 7-ажратувчи юза; 8-аррали гарнитурали барабан; 9-ёт аралашмалар шнеги.

Пахта тозалаш корхоналарида УЧДМ русумли машинани қўллаб туксизлантирилган ва кам тукли уруғлик чигит тайёрлашнинг бир босқичли усули икки босқичда туксизлантириш усулини қўллашга нисбатан анча афзалликларга эга. Бунда ҳар бир тонна уруғлик маҳсулотни ишлаб чиқаришда делинтерлаш жараёнида ўрта ҳисобда 20-25 % электр энергияси тежалади, биттадан тақсимловчи ва йиғувчи траспортерлар ҳамда битта элеватор кам ишлатилади. Қурилманинг асосий камчилиги юқори электр қувватларида ишлаши, сепарация тизимини ўрнатишнинг қийинлиги ва уруғларни электродлар орасида фракцияларга ажратиш жараёни самарадорлигининг пасайиб кетиши. Чунки уруғларни фақат электрод орасига тушириш ўта қийин жараён. Бундан ташқари қурилманинг унумдорлиги жуда паст. Юқорида айтилган сепараторлар камчиликлари кўп бўлганлиги учун чигит саралашда улар кам қўлланади. Айниқса, электр заряди таъсиридаги майдонда бир текис ва саралашга таъсир этувчи ҳаво намлиги ва температура муҳити ўта кучли саралаш самарадорлиги бўлиши учун ҳавонинг нисбий намлиги 60-65 % дан юқори бўлмаслиги керак. Бунга кузги, қишки мавсум ҳам тўсқинлик қилади. Бундан ташқари электросепараторлар таъминоти учун 30-50кВ кучланиш бўлиши керак ва бу ҳолат техник хизматни қийинлаштиради, хавфсизликни ёмонлаштиради [4].

Юқорида келтирилган турли хил схемага эга бўлган чигит саралагич ускуналарининг ишлаши жараёнида бир қанча афзалликлари билан биргаликда камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, пахта тозалаш корхоналарида жинлаш жараёнидан чиқган чигитлар орасидан толаси бор чигитларни юқори самарадорликда ажратиб олишда ҳамда тозалаш жараёнини такомиллаштириш ушбу камчиликларни бартараф қилишга олиб келади.

Хулоса

Ўтказилган тадқиқотлар Наманган вилоятида айрим пахта тозалаш корхоналарида тола чиқиши паст эканлигини кўрсатади. Тола чиқишини кўпайтириш учун жиндан

чиқаётган чигитлар ичидаги толаси бор чигитларни ажратиб олиб, қайта жинлаш жараёнига бериш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Режаббоев С., М.Эршашев Р.Мурадов Д.Турғунов Чигит саралагич Ўзбекистон Республикаси патенти № IAP 2017 0277.
2. Ахмедходжаев Х.Т., Якубов Д.Я.,Обидов А.А. Пахта хом ашёси чигитини сараловчи қурилма. Ўзбекистон Республикаси патенти № IAP 2002 0917.
3. Ахмедходжаев Ҳ.Т., А.Турсунов., А. Каримов –"Туксизланган чигитларнинг ўзгарувчан кесимини горизонтал аэродинамик қурилмадаги ҳаракатини ўрганиш". "Механика муаммолари" Тошкент 2005 йил 56-57 бет.
4. Ахмедходжаев Х.Т., Якубов Д.Я., Обидов А.А. "Пахта хом ашёси чигитни сараловчи қурилма" Ўзбекистон Республикаси патенти № IAP 20020917.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ИШЛАНМАЛАР

Р.М.Мурадов - проф., Х.Исаханов - доц., Ш.Ш.Халиков - ассистент.
Наманган муҳандислик-технология институти (Ўзбекистон, Наманган)
E-mail: rustam.m@list.ru halikov.sh@mail.ru

Аннотация: *Ҳозирги кунда бўлаётган ўзгаришлар, янгидан-янги иҳтиролар инсон манфаати йўлида амалга оширилиб, доимо инсоннинг яшаш шароитини ва турмуш тарзини янада юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда. Бу меҳнатларнинг самараси ўлароқ, барча ютуқлар, эришилган ижобий ишларнинг замирида фаол меҳнат ва албатта яратилиб берилаётган қулай шароитлар ётибди.*

Калит сўзлар: *Иқтисод, тармоқ, техника, янгилик, янги, инновация, технология, лойиҳа, маҳсулот, ишлаб чиқариш, такомиллаштириш, рағбатлантириш, хизмат, қўллаб-қувватлаш, тадқиқот, интеграция, таълим, ғоя, ярмарка, сифат, сақлаш.*

Аннотация: *Сегодняшние изменения, новые изобретения осуществляются в интересах человека и всегда служат дальнейшему улучшению условий жизни и образа жизни население. Основой всех достижений, положительных результатов работы, которая была достигнута, является активная деятельность и конечно же созданные благоприятные условия.*

Ключевые слова: *экономика, сеть, техника, инновация, новое, инновация, технология, проект, продукт, производство, улучшение, продвижение, сервис, поддержка, исследование, интеграция, образование, идея, ярмарка, качество, хранение.*

Abstract: *Nowadays, occurring changes, the latest inventions are being created for the help of people and they are improving the living conditions and life style of people behind not only the fruits of these labors but also behind all the victories. Implemented positive works lie hard work and of course, convenient opportunities that are being created.*

Key words: *Economy, connection, mechanic, innovation, new, technology, project, product, manufacturing, development, encouragement service, support, research, integration, education, idea, exhibition, quality, keep.*

Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш талаб этилади.Ўзбекистон Республикаси компанияларида янги маҳсулот ва жараёнларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш, шакллантириш, уларнинг ракобатбардошлигини ошириш шунингдек маҳсулот ва жараёнларни сезиларли такомиллаштириш; технологик жиҳатдан янги ёки сезиларли такомиллаштирилган хизматларни ишлаб чиқариш усулларини илмий жиҳатдан асосланган йўлларини ишлаб чиқишни кун тартибига қўяди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-916-сонли Қарорининг қабул қилиниши ва унинг асосида “Ўрта муддатли истиқболда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси”ни ишлаб чиқилиши республикамизда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга туртки бўлди.

Ҳозирги кунда бўлаётган ўзгаришлар, янгидан-янги иҳтиролар инсон манфаати йўлида амалга оширилиб, доимо инсоннинг яшаш шароитини ва турмуш тарзини янада юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси сўнгги йилларда инновация соҳасида янги билимларни яратиш, янги тамойилларни ишлаб чиқиш, йирик амалий изланишлар олиб боришда саноати ривожланган мамлакатлардан бирмунча орқада қолаётганини қайд этиш билан бир қаторда, охирги вақтларда фан-техника тараққиётини юксалтириш ва уни бошқариш, интеллектуал салоҳиятни янада кўтариш, иқтисодиёт тараққиётига замин яратувчи илмий ишланмаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Олимларнинг фикрича, ноёб ихтиролар илмий тадқиқот учун қулай шарт-шароит мавжуд жойдагина яратилади. Шу жиҳатдан Республикамизни ихтиролар ўлкаси, деб аташга тўла ҳақлимиз. Инновацион технологиялар, замонавий ишланмалар ва илғор ғояларнинг ҳар йили тақдим этилаётганлиги бунга асос бўлади. Шубҳасиз, бу Президентимиз раҳнамоликларида мамлакатимизда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига қаратилаётган алоҳида эътибор, илм аҳлига кўрсатилаётган ғамхурликни юксак самараси, албатта.

Бу борада Республикамиз мустақилликга эришган дастлабки кунлардан бошлаб ҳозирги дорил-омон кунларда барча соҳалар, у ишлаб-чиқариш бўлсин ёки таълим тизимини олсак ҳам жуда сезиларли ўзгаришларга ва истиқболли натижаларга эришиш йўлида хукуматимиз томонидан барча шар-шароитлар яратилиб, бу йўлда сўнги йилларда кўплаб ижобий ишларни амалга оширилди.

Бунга мисол қилиб вилоят олимлари томонидан яратилган ишланмаларни келтириш мумкин;

Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича:

1.Мева-сабзавотларни сифатли қуритишнинг арзон ва маҳаллий технологияси

Қисқача мазмуни: Мева-сабзавотларни қуритишни турли усуллари мавжуд бўлиб, ушбу лойиҳада, маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, мавжуд бино-иншоатлардан фойдаланиб, қимматли чет эл линияси сотиб олмасдан қуритиш усули таклиф қилинмоқда. Бунинг учун мавжуд: 4х6м (Н=3м), 5х7м (Н=3м), 6х8м (Н=3-4м), 6х12м (Н=4-5м) хона бўлиши кифоя. Бу хонанинг бир томонига ташқарига 2 та ҳаво пудовчи вентилятор ҳамда бино деворини тешиб калориферлар ўрнатилади, вентилятор калорифер

иссиқлигини ичкарига ҳайдаб бериб туради. Хона ичига, айтайлик қора киш-миш қуритиш учун бир неча қатор метал симлар тортилиб, узумлар шу симларга осиб чиқилади, вентилятор ва калориферларни ишлатиб, 1.5 суткада сифатли қуриган қора киш-мишлар олинади. Хона ичига стеллажлар ўрнатиб, қора слива ва бошқа мева-сабзавотларни сифатли қуритиш мумкин бўлади.

2. Шамол йўналишини кучайтириб, электр энергияси ишлаб чиқариш орқали ер тубидан тоза сув чиқариш қурилмаси.

Қисқача мазмуни; Муқобил электр энергияси ишлаб чиқарилишида шамол парраклари, яъни шамол генераторлари бутун дунё бўйича кенг қўлланилмоқда. Республикамиз худудида ҳар доим бир хил шамол эсиб турадиган жойлар деярли ҳар бир вилоятимизда мавжуд. Манашу шамол эсишини, сэндвич панелли, 80-100 метрли деворлар ўрнатилиб, шамол кучини кучайтириш ҳамда шамол генераторлари орқали электр энергияси ишлаб чиқариш, бу энергияни глубенной насослар ишлашига йўналтириб, ер остидан (80, 100, 120 метр ер остидан) тоза сув чиқариш лойиҳаси таклиф этилмоқда. Шамол генераторлари сонини чексиз ўрнатиш, шамол эсишини 10-15 марта кучайтириб бериш имкони мавжуд. Ер тубидан олинган тоза сувни исътемол учун ҳамда экин майдонларига йўналтириш мақсад қилинган. Ушбу лойиҳани янгилиги мавжуд шамол эсиши кучини бир неча бор кучайтириб беришдан иборат.

3.Мева-сабзавотларни узоқ ва сифатли сақлаш совутгич (холодильник) омборлари

Қисқача мазмуни: Мева-сабзавотларни сифатли ва узоқ муддатларда, совутгичларда сақлаш ҳамда қишги ва баҳорги мавсумларда аҳоли дастурхонига уларни етказиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. бугунги кунда барча туманларда ташкил этилган интенсив боғлар бирин-кетин катта ҳосилга кира бошлади. Энг дастлабки вазифа мана-шу меваларни сақлаш мақсадида, совутгич омборларини ҳарорати -5^0 с/ +5^0 с қилиб қуриш ҳар жиҳатдан зарур бўлмоқда. Мутахассислар томонидан энг кичик совутгичлардан бошлаб, энг катта совутгич омборларини лойиҳалаштириб бериш хизматлари ташкил қилинган. Лойиҳалаштирилган бундай совутгичлар бугунги кунда қурилиб Янгиқўрғон туманида (сиғими 3000 тонна), Наманган туманида (сиғими 1000 тонна), Паркент туманида (сиғими 500 тонна ва 2000 тонна) ишлаб фаолият кўрсатиб турибди.

4.Уруғларни аниқ экувчи қўл сеялкаси.

Қисқача мазмуни: Уруғларни аниқ экувчи қўл сеялкаси маккажуҳори, ловия, ерёнғоқ, нохот, мош ва бошқа экинларни уруғларини пушта устига аниқ оралиқда ва уяларга тушиши керак бўлган миқдорда (доналарда) экиш учун мўлжалланган. Ушбу қўл сеялкасида ҳар бир экинни уруғини экиш учун ячейкали дисклар тўплами мавжуд бўлиб, ячейка ўлчамлари уруғ ўлчамларига мос қилиб ишланган. Уруғларни экишда ушбу ячейкалар алмаштирилади ва экиш жараёни амалга оширилади. Сеялка қисмлари таянч ғилдиракдан занжирли узатма орқали ҳаракат олади ва унинг таранглигини ростлаш мумкин.Уруғ бункеридаги уруғ доналари экиш аппаратидаги ячейкали дисклар орқали сошникка ва у ердан ариқчага тушади ҳамда загортач ёрдамида тупроқ билан кўмилади.Экиш чуқурлигини чегаралагич ёрдамида ростлаш мумкин. Кўмилган уруғларни тупроғини ясси ғилдираклар зичлаб кетади Ушбу уруғларни аниқ экувчи қўл сеялкасини 10 гектаргача бўлган майдонларда ишлатиш мақсадга мувофиқдир Аниқ экиш хисобига уруғларнинг сарфи кескин камаяди ва униб чиққан кўчатларни яганалаш ишларига эҳтиёж қолмайди.

Саноат соҳаси бўйича:

1.Автомобил балони айланишидан фойдаланиб, электр энергия ишлаб чиқариш

Қисқача мазмуни: Маълумки, мукобил электр энергияси ишлаб чиқаришдан бошқа яна ноанъанавий усулларда энергия ишлаб чиқариш йўналишида илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Шаҳар худудидан ташқарида, узоқ масофали йўлларда, автомобил балонига шкив ўрнатилиб, ремень орқали балон айланишини генератор шкивига узатилиб, генератордан ишлаб чиқарилган электр энергияни контакт дастаси орқали юқоридаги ўтказгичга берилади. Катта трассали йўлларда юзлаб автомобиллар ҳаракатланишини ҳисобга олинса, катта кВт электр энергияси тўпланиши, бу энергияни исътемолга йўналтириш мумкин бўлади. Шунингдек, автомобил ўзини ўзи ҳаракатланиши учун энергия билан таъминлаши ҳам мумкин. Бу ҳолда электромобил кўринишидаги ҳаракатланиш воситасини кўз ўнгимизга келтиришимиз мумкин бўлади.

2.Тўрт қаторли пневматик пахта териш машинаси.

Қисқача мазмуни: Янги тўрт қаторли пневматик пахта териш машинаси, мавжуд шпинделли пахта териш, машинасидан тубдан фарқ қилиб, пневматик пахта териш машинасининг вазифаси чигитли пахтани механик шикастланишсиз, тоза ҳамда фақат яхши пишган пахталарни ҳаво тортилиши орқали чаноқлардан ажратиб олади. Шунингдек пневматик усулда пахта терилиши жараёнида янги машина ғўза тупига ва очилмаган ҳамда чала очилган кўсакларга зарар етказмаслик вазифаси қўйилган. Янги машина туп кўтаргич, ишчи камера, пахтани ҳаво билан тортиш новлари, ҳаво қувури, трактор, вентилятор ва бункердан иборат. Ушбу машинада вертикал ёки горизантал шпинделлар мавжуд эмас.



1-кабина, 2-чаноқдаги пахта, 3-ишчи камера, 4-қувур, 5-вентилятор, 6-юқори қувур, 7-бункер, 8-пахта, 9-нов, 10-метал лист, 11-чаноқдан олинган пахта, 12-юқори нов

3. Сув ресурсларини тежаш учун юқори бўкувчи гидрогеллар ишлаб чиқариш технологиясини саноатга тадбиқ қилиш

Қисқача мазмуни: Европа ва Осиёда дунё аҳолисининг 70% яшайди аммо бу минтақада ер юзидаги тоза сув захирасининг 39% жойлашган. Мавжуд 1,4 млрд.км^3 сув заҳирасининг фақат 40 минг км^3 и истеъмолга яроқли ва бунинг ҳам катта қисми музликларда жойлашган. Мана шу сувларнинг асосий қисми ерларни суғоришга сарфланмокда. Биргина республикамизнинг ўзида ичишга яроқли 90% сув ерларни суғоришга сарфланади. Бу эса маҳаллий хом-ашёлар асосида сувда юқори бўкадиган гидрогеллар синтез қилиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади. Олинган гидрогеллардан сув етишмаслиги, чўлланишни

олдини олиш, ерларнинг шўрланиши, минерал ўғитларни тежаш, турли хилдаги зарарли бактерияларга қарши кураш, тиббиёт, нефт-газ, қурилиш ва инженерия, парфюмерия каби соҳалардаги баъзи муаммоларни тўла ёки қисман ҳал қилиш мақсадида фойдаланилади. Гидрогель — сувни ўзига ўта сингдирувчан сунъий полимер бўлиб, тупроқ таркибидаги намликни узоқ вақт сақлаш имконини беради. Қор-ёмғир ёки суғориш сувларидан тўйинган гидрогель ўсимликлар илдизига намликни аста-секин ўтказиб беради. Гидрогель ўз оғирлигига нисбатан 250-400 мартагача кўп сувни ютади. Соддароқ айтганда, 10 грамм полимер 2,5-4 литргача сувни сақлаб тура олади

1-расм. Гидрогел гранулаларининг сув ютмасдан одинги холати

2-расм. Гидрогел гранулаларининг сувни ютгандан сўнг ўсимликка бериш холати

Хулоса қилиб айтиш жоизки барча ютуқлар, эришилган ижобий ишларнинг замирида албатта яратилиб берилаётган қулай шароит ҳамда фаол меҳнат ётибди.

Республикамизнинг гуллаб яшнаши ва аҳолининг турмуш тарзини юксалтириш йўлида анашундай фаоллик, изланиш, юксалишга интилишни олимларимиз ва талаба ёшларимиз давом эттиришлари лозимдир.

АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-916-сонли Қарори
2. 10-12 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган X - Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасининг каталоги.

ИНФРАКРАСНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ СУШКИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ

Ғ.Р.Рахматов

Ферганский государственный университет

gulomjon.rahmatov@mail.ru

Аннотация: *В докладе анализируются достижения инновационных технологий сушки сельскохозяйственной продукции.*

Ключевые слова: *сушка, функциональная керамика, инфракрасное излучение, сельскохозяйственная продукция.*

Аннотация: *Маърузада қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қуритиш учун инновацион технологияларнинг ютуқлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *қуритиш, функционал керамика, инфрақизил нурланиш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари.*

Annotation: *The article analyzes the achievements of innovative technologies for drying agricultural products.*

Key words*: drying, functional ceramics, infrared radiation, agricultural products.*

Согласно современным требованиям, в настоящее время народное хозяйство нуждается в установках для сушки сельскохозяйственных продуктов, отличающихся высокими эксплуатационными параметрами, низкой себестоимостью и материалоемкостью. В последние годы удалось разработать технологии получения функциональной керамики, преобразующей непрерывное излучение первичного источника в импульсное ИК-(инфракрасное) излучение и их широкое использование в различных областях народного хозяйства [1, 39].

Разработанная специальная функциональная керамика, использование которой в процессах сушки позволяет значительно повысить эффективность процесса с одновременным сокращением времени сушки, а также обеспечивает высокое качество конечного целевого продукта [2, 78]. Полученную плавленую керамику измельчали в порошок с размерами зерен 1-10 мкм и используя связывающую добавку, наносили наповерхность кварцевых трубок, внутри которой была помещена нихромовая спираль. Толщина керамического слоя составляла ~20-40 мкм. На основе описанных керамических излучателей разработана установка, схематический вид которой приведена на рис.1. Одной из главных, особенностей в случае шкафной сушки, является проблема отвода пара, образующегося при испарении растворителя, в частности, воды.



Пар задерживается в рабочем объеме, поглощает большую часть энергии излучателей. Это приводит к перегреву продукта, что не только снижает эффективность использования энергии, но ирезко ухудшает качество целевого продукта, так как продукт начинает нагреваться под воздействие перегретого пара. Он становится темным, неоднородно-высушенным. Для устранения этого процесса использованы эжекторы. В этом случае пар отводится за счет эжекции.

Преимущество данной системы заключается в том, что она может быть применена для сушильных установок любого размера и не требует коренной переработки конструкции при этом. Фактически, создается насос в канале между эжектором и стенкой устройства, который интенсивно выводит выделяемую из продуктов влагу за счет избыточного тепла и не требует дополнительной затраты энергии на принудительную вентиляцию камеры.

Важное значение имеет правильный выбор числа и расположения излучателей. Оптимальной является схема, когда излучатели располагаются в шахматном порядке для того, чтобы при освещении снизу и сверху создать максимально равномерную зону облучения (см.рис.1). Число излучателей и высота их расположения выбирается исходя из того, что строится равносторонний треугольник с вершинами из двух излучателей и точкой максимальной загрузки поддона – для верхних излучателей, а для нижних – эта вершина находится на две поддона.

В дальнейшем этот принцип был использован и для расчета сушильных устройств больших размеров. Угол наклона эжектора и его формавыбираются из условия, что проекция нижней части эжектора должна перекрывать середину поддона. В то же время, недопустимо, чтобы эжектор перекрывал ход лучей к продукту, так как это снижает эффективность системы. В этом случае обеспечивается максимальная эффективность отвода пара и использование подводимой энергии.

Существенное влияние на параметры сушильного устройства оказывает распределение мощностей по полкам в много полочной системе. При прочих равных условиях, наилучший эффект достигается при повышенной мощности самой нижней группы на 15-25 %. Объясняется это тем, что входящий воздух (снизу), является более холодным, чем в последующих слоях. По мере высыхания продукта, количество воды в немуменьшается и при постоянной мощности испаряющейся влаги может оказаться недостаточно для отвода избыточного тепла. Поэтому в этих сушилках введен специальный режим, позволяющий снизить мощность в два раза и перейти, в так называемый, «режим до сушки».

Есть более эффективный путьрешения проблемы повышения производительности установки. Дело том, что продукты при сушке значительно уменьшаются как по массе, так и по объему. В связи с этим, после снижения суммарной массы в 3-4 раза, продукты с верхних полок можно пересыпать на нижнюю, тогда толщина слоя будет достаточной для выделения необходимого количества влаги для охлаждения.

Освободившиеся верхние полки загружаются свежей продукцией. Такой подход особенно выгоден при использовании относительно больших установок, например, фермерами. Получается как бы непрерывный режим.

Для много этажных конвейерных сушилок, скорость движения ленты помере перехода продукта на нижние слои, замедляется, что ведет к накоплению более толстых

слоев продукта, выделяется достаточно влаги для охлаждения и появляется возможность получать высококачественную продукцию.

Приводим результаты исследования по сушке фруктов с помощью сушильного шкафа изложенной конструкцией [3, 123] (рис.2.).

Полученный продукт отличается хорошим товарным видом и сохранением всех полезных элементов до 90 % от первоначальных.



Рис.2. Динамика сушки яблоки

ЛИТЕРАТУРА

1. Лыков А.В. Теория сушки. -М.: Энергия, 1968.
2. Рахимов Р.Х., Саидов М.С., Ермаков В.П. Особенности синтеза функциональной керамики с комплексом заданных свойств радиационным методом. Часть 5. Механизм генерации импульсов функциональной керамикой. Computational nanotechnology выпуск. -М.: №3, 2016.
3. Рахимов Р.Х., Ермаков В.П., Рахимов М.Р., Латипов Р.Н. Особенности синтеза функциональной керамики с комплексом заданных свойств радиационным методом. Часть 6. Computational nanotechnology выпуск. -М: №3, 2016.

Рис 1. Тепловыделение стеклопластиков в исходном состоянии (—) и после теплового старения (- - -):*а, б* – стеклопластик на эпоксидном связующем холодного (ЭД-20) и горячего (ЭДТ-69) отверждения соответственно;*в, г* – стеклопластик на фенольном (ФПР-520) и полиэфирном (F805TF) связующих соответственно.[2]

ЛИТЕРАТУРА

1. Кириллов В.Н., Старцев О.В., Ефимов В.А. Климатическая стойкость и повреждаемость полимерных композиционных материалов, проблемы и пути решения //Авиационные материалы и технологии. 2012 №5
2. Н. С. Скрылёв, О. С. Вольный, В. И. Постнов, С. Л. Барботько Исследование влияния тепловых факторов климата на изменение характеристик пожаробезопасности полимерных композиционных материалов.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ МЧЖДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ

А.Эгамов - доцент, Ў.А. Пардабоев – магистрант. ЖизПИ.

Автомобилларга сервис усулида хизмат кўрсатиш уларни техник таъминлашнинг жаҳон бўйлаб энг кенг тарқалган усулидир. Автомобилларга сервис усулида хизмат

кўрсатиш автомобилларнинг ишлашга яроқлилиги, ишончлилиги, хавфсизлиги, тежамкорлиги ва зарурий ташқи кўринишини таъминлаш учун бажариладиган бир қанча хизматлар мажмуидир.

Хизматлар сервис усулида бажарилиши учун у қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт:

-ҳаммабоплиги, яъни хизматдан мижоз исталган корхонасида фойдаланиши имкониятига эга эканлиги;

-бажарилган хизматлар сифати давлат қонунлари асосида кафолатланиши;

-хизмат корхоналари орасида мижозлар учун рақобат пайдо бўлиши муносабати билан сервис маданиятининг ошиши ва сифатининг яхшиланишига доимо рағбат мавжудлиги;

-алмаштирилган эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг ишончли эканлиги;

-мижозлар хизматларидан фойдаланишининг қулайлиги, осонлиги билан ўзига жалб қила билиши;

Умуман, автомобилларга сервис сифатида бажариладиган хизматлар техник, тижорий, мижозлар билан ишлаш каби қисмлардан иборатдир. Шу нуқтаи назардан техник хизмат кўрсатиш дейилганда автомобил, унинг агрегатлари, деталлари ва қисмлари техник ҳолатини созлаш, ростлаш ва тиклаш-таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ишлар жамланмаси кўзда тутилади, чунончи:

- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш;
- автомобиллар агрегатлари, деталлари, кузовлари, шиналари, аккумуляторларини таъмирлаш, иш қобилиятини тиклаш;
- автомобилларни буюртмалар асосида диагностика қилиш;
- автомобилларга кўчаларда, йўлларда, сақлаш жойларида талабга асосан техник ёрдам кўрсатиш;
- автомобилларни қайта жиҳозлаш;
- автомобилларни давлат техник қаровига тайёрлаш;
- енгил автомобиллар кузовларига коррозияга қарши ишлов бериш;
- шикастланган автомобиллар кузовларини тиклаш;
- автомобилларни вақтинча ва доимий сақлаш;
- автосервисда ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш шаклини ташкил этиш.

Автосервис автомобилларга хизмат кўрсатишнинг биринчи, дастлабки усулидир, чунки дунёда автомобилларни биринчилардан бўлиб сотиб олган ва фойдаланадиганлар техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш уқувига эга бўлмаганлар. Шу сабабли автомобиллар ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз маҳсулотларини харидорга сотиш учун барча автомобиллар сотиладиган ва фойдаланиладиган жойларда уларга техник хизмат кўрсатувчи ва зарур материаллар ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи устахоналар, яъни автосервис корхоналари ташкил этиб ишга туширганлар.

Атомобилларга техник хизмат кўрсатувчи станциялар (АТХКС). АТХКС автосервис хизматини бажарувчи асосий ва энг кўп тарқалган корхоналардир. Замонавий АТХКС ларни янги ва ишлатилган автомобил, эхтиёт қисм ва автомобил материаллари билан савдо қилиш, автомобилларга турли хилдаги техник хизматлар кўрсатиш, агрегат, деталларни таъмирлаш, ишдан чиққанларини алмаштириш, автохалокатлар натижасида шикастланган автобил ва кузовларининг қайта тиклаш ишлари билан шуғулланадилар. Шунингдек, мижозлар автомобилларига, уларнинг мурожаатларига асосан кўчаларда, йўлларда, автобиллар турар ва сақлаш жойларида техник ёрдам курсатиш, мижозларга автомобилни техник эксплуатация қилиш туғрисида маслахат бериш, уларни автосервис ахбороти билан таъминлаш каби хизматлар хам АТХКС вазифаларига киради.

АТХКС лари ўзларининг ишлаб чиқариш фаолияти, қуввати, бажараётган хизматлари ва маъмурий-ташкилий тузилишларига қараб бир неча турларга бўлинади (1-расм)

АТХКС ларининг қуввати ишчи постлар сони ва бир йилда хизмат кўрсатилган автомобиллар сони билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, станциялар кичик (15 та гача ишчи постларга эга бўлган), ўрта (16-25 ишчи постлари) ва катта (25 дан кўп ишчи постли) хилларга бўлинади.

Албатта, барча мамлакатларда кичик ва ўрта станциялар хам сон, хам умумий қувват жихатидан ва кўрсатилган ялпи хизмат ҳажми ҳисобида етакчи ўринда туради (90% дан юқори). Дунёдаги кўпчилик мамлакатларда АТХКС лариниг ўртача қуввати 3.5-4.5 постни ташкил этади ва уларда ишлайдиган одамлнинг ўртача сони эса 4.5-5.5 кишидан иборат.

Автоустахоналар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг айрим механизм, агрегат ёки тизимлар бўйича бажаришга ихтисослашган кичик корхоналардир. Масалан, шиналарга ТХ кўрсатувчи ва уларни ямовчи ёки аккумляторни зарядловчи ва таъмирловчи, енгил автомобилларни кузови бўйича мураккаб бўлмаган ишларни бажарувчи , тикловчи ва бўёвчи ва х.к. Бундай устахоналар шахар ва қилоқларда, йўллар бўйларида жойлашиш мумкин.

1-расм. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялар турлари.

Устахоналарда автомобиллар кириши учун махсус постлар бўлиширт эмас уларнингмайдони хам унча катта эмас (40-60м*2), ишловчилар сони эса 1-2 кишидан иборатдир. Автоустахоналар оилавий кичик бизнеснинг айнан узидир.

Техник хизмат кўрсатиш постлари устахоналардан фарқли равишда автомобилнинг ўзига хизмат кўрсатади ва майда таъмирлаш ишларини бажаради. Булар хам кичик бизнес корхоналари бўлиб, уларда ишловчиларнинг сони 1-2 киими, постлар сони эса 1-2 дан иборат бўлиб, шахарлар, қишлоқлар ва йўл буйларида жойлашади [1].

Шу нуқтаи назардан техник хизмат кўрсатиш дейилганда автомобил, унинг агрегатлари, деталлари ва қисмлари техник ҳолатини созлаш, ростлаш ва тиклаш-таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ишлар жамланмаси кўзда тутилади.

Фирмавий техник хизмат кўрсатиш, одатда, ўзгармас даврийлик билан ўтказилиши режалаштирилади ва унинг даврийлиги GM UZ автомобиллари учун 10 минг км олинган, аммо иш ҳажмлари тоқ талонли (№ 1,3...) ТХК лар учун қайтарилади жуфт талонли (№ 2,4...) ТХК лар учун эса, ўзгариб боради.

Бугунги куннинг, юқори технологиялар ривожланган замоннинг талабидан келиб чиққан холда ТХКС ларини ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш услубини ва ТХКС ларида бажариладиган хизматлар сифатини аниқлаш услуби ишлаб чиқилди. Бунда ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш коэффициенти $К_{ПМ}$, корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмаси (минтақа ва устахоналар) дан фойдаланиш коэффициенти $К_{ПМi}$, ишлаб чиқариш минтақасининг солиштирма қуввати P_i, устахонанинг режадаги, амалдаги, қўшимча ишларининг ҳажми тушунчалари киритилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сидиқназаров Қ.М. умумий таҳрири остида. Автомобиллар техник эксплуатацияси. -Т.: “Voris nashriyoti” 2008.

2.Мусажонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш. –Т.: “Voris nashriyoti”, 2006

3. http://www.uzavtosanoat.uz/

КЎМИР БРИКЕТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

А.А.Хакимов, Н.Х. Вохидова, Қ. Нажимов
Фарғона политехника институти. ferpi_info@edu.uz

Маърузада кўмир кукунини брикетлаш жараёнида асосий жиҳоз сифатида фойдаланувчи шнекли пресни лойихаш ва асосий ўлчамларини аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: *Ёқилғи, кўмир кукуни, брикет, пресс, конструкция, шнек, брикет мустаҳкамлиги, унумдорлик, винт, мундиштук.*

В этом докладе приведены результаты проектирования и определение основных размеров шнекового пресса для брикетирования угля.

Ключевые слова:*Топлива, дисперсный уголь, брикет, пресс, конструкция, шнек, прочность брикета, производительност, винт, мундиштук.*

In this article, the results of designing and determining the main dimensions of a screw press for coal briquetting are presented.

Keywords: *fuel, dispersion grease, briquette, press, construction, screws, briquette strength, productivity, screws, forming tool*

Кўмир қазиш жараёнида табиий холатда учровчи кўмир кукуни ва кўмирни транспортировка қилиш ишларида хосил бўлган кўмир кукуни истемолчиларга кўпгина ноқулайликлар туғдиради. Кўмир кукунини истемолга яроқли холатга келтириш мақсадида уларни қуруқ ва хўл усуллар ёрдамида брикетланади. Хўл усулда брикетлашда бриктирувчи сифатида махаллий саноат чиқиндиси ҳисобланган буғдой бардаси ва ёнувчанлигини орттириш мақсадида консервалаш заводининг чиқиндиси ҳисобланган данак пўчоқларидан фойдаланилди [1].

Кўмир кукунини қуруқ усул билан брикетлаш жараёнида дастлаб кўмир кукуни фракцияларга ажратиб олинади. Брикетлашнинг бу усулида асосан ўта майин яъни 2 мм дан кичик бўлган ўлчамдаги кукунлардан фойдаланиш тавсия этилади. Брикет таркибида белгиланган ўлчамдан йирик бўлган заррачалар мавжуд бўлса, брикетлангандан сўнг, шу қисмларда ёриқлар пайдо бўлиши кузатилди. Қуруқ усул ёрдамида брикетлар олишда брикет таркибида бриктирувчи йўқлиги сабабли, пресловчи аппаратнинг юқори босим остида ишлаши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида энергия сарфини оширишга олиб келади. Биз томонимиздан кўмирли брикетларни хўл усулда ишлаб чиқарувчи линиянинг технологик схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Технологик схемадан кўриб турибдики, технологик линядаги ҳар бир жиҳоз бир - бири билан узвий боғлиқдир.



1-расм. Брикет ишлаб чиқариш технологик схемаси

Дастлаб кўмир кукуни кўмир конларидан транспортировка қилиш усули билан омборларга олиб келинади. Брикет ишлаб чиқариш корхоналарида кўмир кукунини асосан конвейерлар ёрдамида транспортировка қилинади. Ҳом ашё омборидан кўмир кукуни конвейерлар ёрдамида саралаш машиналарига узатилади.

Саралаш машиналарида майда кўмирлар таркибидан 5мм дан кичик бўлган кўмир кукуни ажратиб олинади. Кўмир зарраларининг 5мм дан катта ўлчамдагиларини ёқиш имконияти борлиги сабабли уларни брикетлаш шарт эмас. Ажратиб олинган кўмир кукуни конвейер ёрдамида мажбурий аралаштиргичга узатилади. Кўмир кукунига бириктирувчи сифатида қўшилаётган спирт заводининг чиқиндиси яъни барда махсус идишларда келтирилади. Идишни аралаштиргичдан юқори қисмга ўрнатилиб, қувурлар ёрдамида аралаштиргичга кўмир кукунининг 15-20% нисбати асосида қўшилади. Аралаштиргич икки валли аралаштириш қисмидан иборат бўлиб, кукун ва бириктирувчи бир хил масса бўлгунга қадар тўлиқ аралаштирилади. Аралаштиргич узлуксиз тизимда ишлайди. Тайёр бўлган аралашма конвейерлар ёрдамида шнекли пресга узатилади. Шнекли преснинг қабул килиш кисмидан преслаш қисмига сиқилган аралашма узатилади. Бу жараённи пресга ўрнатилган қадами ўзгарувчи шнек амалга оширилади (3-расм). Шнек аралашмани боскичма-босқич преслаб боради. Преснинг уч қисмига брикет шаклини берувчи алмашинувчи мундиштук ўрнатилади. Истемолчилар талабига қараб мундиштук шакли ва ўлчамини ўзгартириш мумкин. Шакл берилган брикет йўналтиргич ёрдамида автомат кескичга узатиб берилади. Брусс ҳолатда чиқаётган брикетни автомат кескич керакли ўлчамларда кесиб беради. Кесиш жараёнида ҳосил бўлган қолдиқлардан брикетларни ажратиб олиш учун тозалагичга узатилади. Брикет қолдиқлардан тозаландан сўнг махсус яшикларга жойлаштирилади ва куннинг иссиқ кунларида бир-икки сутка давомида ташқи атмосфера мухитида қуритилади. Ҳавонинг совуқ кунларида махсус аравачаларга жойлаштирилиб, қуритиш камерасига жўнатилади. Маълум бир хароратда қуритилган брикет қадоқлаш камерасида керакли масса ҳолатига келтирилиб қодоқланади ва омборга жўнатилади.

Илмий изланишлар натижасида брикетлаш қурилмасининг ярим саноат варианти яратилди (2-расм).

2-расм. Брикетловчи преснинг умумий кўриниши

3-расм. Ўзгарувчан қадамли шнек

Махсулотларни хўл усулда преслаш саноатнинг кўп тармоқларида ананавий усул ҳисобланади. Чунки бу усулда турли хил жинсдаги махсулотлар бир хил массага айлангунга қадар аралаштирилиб, сўнгра преслаш аппаратига узатилади. Брикет ишлаб

чиқариш саноатида бир неча турдаги преслаш аппаратларидан фойдаланиб келинмоқда. Хўл усулда преслашнинг турли хил усуллари мавжуд бўлиб, биз томонимиздан таклиф қилинаётган шнекли пресс шулар жумласидандир[2].

Шнекли преслардан қурилиш, озиқ – овқат, кимё, қишлоқ хўжалик ва саноатнинг бошқа тармоқларида пресловчи сифатида кенг қўлланилади. Шнекли пресларни конструктив тузилиши содда, узлуксиз иш тизимига эга ва боқарув тизими қулайлиги билан бошқа преслардан ажралиб туради. Шнекли пресларнинг асосий ишчи қисми шнек вали хисобланади. Шнек валининг цилиндрик ва конуссимон турлари мавжуд. Илмий – тадқиқот ишимизда цилиндрик турдаги шнек валли преснинг лаборатория стенди яратилиб, тажрибалар ўтказилди ва ижобий натижалар олинди. Бунда шнек валининг қадамлар сонини ўзгарувчан холатга келтириш ҳисобига брикетга ташқи куч таъсирини 3 кг дан 8 кг га кўтаришга эришилди.

Шнекли валнинг максимал рухсат этилган диаметри $d_{чег}$ материалнинг ўқ бўйлаб ҳаракатига қараб белгиланади:

$$d_{чег} = \frac{H}{\pi} \cdot tg\varphi \qquad (1)$$

Бу ерда φ – ишқаланиш бурчаги; $\varphi = arctgf$;

f–шнекнинг винтли юзасида материалнинг ишқаланиш коэффиценти.

Амалда қуйидагича олинади

$$d = (0{,}5 \div 0.4) \cdot d_{солишт}$$

Винтнинг бурчаклари шнекнинг ўқи бўйлаб α_D дан 90° гача ўзгариб туради. Ташқи α_D ва ички α_d винтли чизиқларининг кўтарилиш бурчаклари қуйидаги формулалар орқали топилади (1- расмда кўрсатилган)

$$\alpha_D = arctg\frac{H}{\pi \cdot D}; \alpha_D = arctg\frac{H}{\pi \cdot d} \qquad (2)$$

Амалий ҳисоб – китоблар учун бурчакли баландликларининг ўртача арифметик қийматини олиш етарли ҳисобланади.

$$\alpha_{ўрт} = 0{,}5(\alpha_D + \alpha_d) \qquad (3)$$

Ушбу қийматлар нам ва қовушқоқ материаллар учун мўлжалланган. Кўмир кукунини намлик даражаси пастлиги ва ишқаланиши юқори бўлганлиги сабабли брикетлашда бу кўрсаткичларни $5 \div 10$ % кўпроқ олиш лозим.



4- расм. Шнек кўрсаткичларини аниқлаш схемаси.

а) конструктив кўрсаткичлар;

б) винт чизиғининг бир қадамидаги ёйилма (развертка) узунлиги.

Брикетлаш учун мўлжалланган шнек қурилмасининг ишлаш кўламидан кўриниб турибдики, материалнинг ҳаракатланиш тезлигини ва унумдорлигини ошириш учун

айланма чизиқлар бурчагини α=10...30 градусга келтириш лозим, лекин 10 градусдан кам бўлмаган кўтарилиш бурчагини олиш зарур.

F_B шнекли қурилма корпусининг ички цилиндрсимон юзасининг майдони ва шнек бир қадамидаги винтли шнек юзаси майдони $F_Ш$ қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$F_B = \pi \cdot D \cdot (H - \delta); \quad (4)$$

$$F_Ш = \frac{1}{4 \cdot \pi}\left(\pi \cdot D \cdot L - \pi \cdot d \cdot l + H^2 \cdot \ln \frac{D + 2 \cdot L}{d + 2 \cdot l}\right) \quad (5)$$

Агар $F_в > F_ш$ бўлса, шнек преслаш ишини бажарган ҳисобланади.

Шнек ва валнинг диаметрларига мос келадиган айланма чизиқлар ёйилмасининг узунлиги (1-расмдан) қуйидагича топилади.

$$L = \sqrt{H^2 + (\pi \cdot D)^2}; \quad (6)$$

$$l = \sqrt{H^2 + (\pi \cdot d)^2}. \quad (7)$$

Винтнинг ташқи диаметри ва корпуснинг ички диаметри орасидаги бўшлиқ 0,3 ... 0,5 мм ни ташкил қилади [3].

Корпуснинг ички диаметри ва шнекнинг ташқи диаметрининг ўзгариши маҳсулот самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради. Шнекли пресс учун винт узунлиги бўйлаб ҳар қандай нуқтасида бу бўшлиқнинг чегара қиймати 0,9 мм дан ошмаслиги керак.

АДАБИЁТ

[1]. Хакимов А.А., Салиханова Д.С., Каримов И.Т. “Кўмир кукунидан брикетлар тайёрлашнинг долзарблиги” Фар ПИ “Илмий – техника” журнали 2019. Том 23.№2. Фарғона–2019. 226 бет

[2]. Ковалевский В.И. Проектирование технологического оборудования и линий: Учеб. пособие / В.И. Ковалевский. – Спб.: ГИОРД, 2007.

[3]. Хакимов А.А., Салиханова Д.С. “Ёқилғи брикетини пресловчи шнекли пресни ҳисоблаш ва лойиҳалаш” Фар ПИ “Илмий – техника” журнали 2020. Том 24.№3. Фарғона–2020. 208-211 бет

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШДА ИЗЧИЛЛИК ТАМОЙИЛИНИ ҚЎЛЛАШ

Ш.Ф.Тўраев*, Ф.Ф.Тўраев, Г.Т. Тўраева****

***Бухоро давлат университети**

****Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Бу ишда умумий ўрта мактаблар ва академик литцейларда квант физикаси фанини ва ОТМ ларда квант механика фанини изчиллик принципи асосида ўқитиш методикаси баён этилган.

В данной работе описывается наука о квантовой физике в общеобразовательных школах и академическом лицее, а также метод преподавания квантовой механики на принципах последовательно в университетах.

In this paper describes the science of quantum physics in general schools and the academic lyceums, as well as the method of teaching quantum mechanics on principles consistently at universities

Умумий ўрта таълим мактаблари, АЛ ва КҲК лар физика курсининг илмий асосларини чуқур ўзлаштирилиши, физика фани ва уни узлуксиз таълимнинг турли босқичларида ўқитишдаги изчиллигини таъминлашни талаб этади, лекин амалда бу ўқув адабиётлари ва ўқитиш амалиётида тўла бажарилмайди. Замонавий физика фанида фундаментал қонуният деб тан олинган статистик қонуниятлар таълим тизимидаги ўқув адабиётларида ва физикани ўқитишда ўзининг асосий ўрнини эгалламаган. Бунинг асосий сабаби умумий ва назарий физика курслари ҳамда физика ўқитиш методикасида изчиллик (преемственность) тамойилининг амалда қўлланмаслиги, фан ўқитувчиларининг асосий қисмининг ушбу тамойилни амалий фаолиятда қўллашни билмаслигидадир. Изчиллик масаласига, фалсафий категория сифатида Э.А.Баллер томонидан замонавий фалсафага мос келувчи – “янгида, моддий объектларнинг ривожланишида, эскининг, айрим элементларининг сақлаб қолиниши тушунилади”–фикр билдирилган. Таълим муассасаларида физикани ўқитиш – замонавий билимлар, асосий физик тушунчалар, қонуният ва назарияларни пухта ўзлаштирилишини ҳамда уларнинг таълимнинг турли босқичлардаги изчиллигини таъминлаши зарур. Изчиллик тамойилини ўқув жараёнида қўллашда. 1. Изчилликнинг дидактик тушунча ва тамойил эканлиги; 2. Дидактик татқиқотларда “изчиллик” ва “умумлаштириш”, “изчиллик” ва “предметлараро боғланиш”,“изчиллик” ва “тизимлаштириш” тушунчаларининг ўзаро боғланишга эгалиги; 3. Изчиллик тамойилининг педагогик ва дидактик татқиқотларда методологик тамойил эканлигига асосланилади. Шу асосда изчилликга таъриф берилади: “Ўқитишдаги изчиллик – ўқув материалини ўқитиш босқичлари бўйича тўғри тақсимланиши, билим, малака ва кўникмаларнинг босқичма – босқич ривожланишидаги боғланишлар ҳамда уларнинг ривожланишини кўрсатиб, яъни ўқитишнинг дастлабки босқичидаги билимларнинг сақланиб, янги билимларга таянч сифатида қўлланилиши ҳамда эски ва янги билимларнинг бирлашиб, яхлит ҳолга келишини ифодалайди” [1].

Талабаларга квант механика курсининг дастлабки бобларида Гейзенберг ноаниқлик муносабатини баён қилишда мавжуд методик қийинчиликлар талабаларни квантомеханик тасаввур асосида фикрлашга ўргатиш асосида ҳал этилади. Албатта ҳамма талабалар ҳам бу муаммоларни тезда енгиб ўтаолмайди, шу сабабли ўқитишда муаммоли таълим методлари ва бошқа замонавий методларни қўллаган ҳолда кўргазмали материалларни кенгроқ тадбиқ этиш керак.

ОТМ ларда статистик қонуниятлар умумий физика курсининг молекуляр физика ва квант физикаси бўлимларида соддароқ ўрганилади, назарий физика курсининг квант механика ва статистик физика бўлимларида мукаммаллаштирилган ҳолда ўрганилади, лекин умумий ва назарий физиканинг юқоридаги бўлимларининг мактаб, АЛ ва КҲК лар физика курслари билан етарлича боғланмаганлигидан, юқорида таъкидланган фанлардан олинган билимлар АЛ ва КҲК ларда физикани ўқитишда талаб даражасида қўлланилмайди. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун: 1. Умумий ва назарий физика бўлимлари ўқув материалини, шартли умумфизикавий ва касбий билимларга ажратиш ва ўқитишда изчиллик тамойилини қўллаш. 2. Ўқитиш методикаси ва берилган материалларнинг ўзлаштирилишига оид талаблар ва меъзонларни ишлаб чиқиш, шу

асосда таълим олувчиларнинг билимга интилиши ва фаоллигини тарбиялаш таклиф этилади [2].

Микрообъект учун траектория тушунчаси тадбиқ этилмаслиги, микрообъектнинг корпускуляр характеристикалари, яъни координатаси, импульси,импульс моменти ва энергия тушунчаларининг киритилишининг ноаниқлик муносабати билан чекланганлиги, микрообъектларнинг емирилиши, спинининг мавжудлиги ва потенциал баръерлар орқали ўтиш хусусияти микрообъектларнинг классик корпускуладан кескин фарқ қилишини кўрсатади.

Микрообъектларнинг классик корпускулалардан кескин фарқи, унда тўлқин хусусиятларининг мавжудлиги ҳисобланади, микрообъектнинг тўлқин ҳусусиятлари билан ноаниқликлар муносабати ва ундан келиб чиқадиган кўплаб натижалар боғланган.

Микрообъектларнинг классик тўлқин хоссаларига эга бўлса ҳам, Де- Бройл ғоялари асосида классик тўлқиндан тубдан фарқ қилиши ҳам кўрсатилади. Фараз қилайлик атомдаги $n-$ Бор орбитасининг узунлиги $2\pi r_n$ га тенг, бу орбитада ҳаракатланаётган электроннинг Де- Бройл тўлқин узунлиги $\lambda_n = \frac{2\pi\hbar}{p_n}$. Электроннинг орбитаси узунлигида электрон Де-Бройл λ_m тўлқин узунлиги n марта жойлашади. Натижада $p_n r_n = n\hbar$ моментнинг квантланиш шарти келиб чиқади [3, 4, 5].

Умуман масала ечиш машғулотлари, ўқув машғулотларидан ташқари ўтказиладиган семинар машғулотларида бу масалани мухокама этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Физикани ўқитишда статистик ғоя ва тушунчаларни шакллантиришдаги изчиллик умумий ўрта таълим мактаблари, АЛ ва КҲК ларда юқоридаги ғоя ва тушунчалар тўғрисида бошланғич маълумотларнинг сифат жиҳатдан берилиши, ОТМ ларда умумий ва назарий физика курсларида сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ривожлантирилиши билан ифодаланади. ОТМ ларда статистик қонуниятлар умумий физика курсининг молекуляр физика ва квант физикаси бўлимларида соддароқ ўрганилади, назарий физика курсининг квант механика ва статистик физика бўлимларида мукаммаллаштирилган ҳолда ўрганилади, лекин умумий ва назарий физиканинг юқоридаги бўлимларининг мактаб, АЛ ва КҲК лар физика курслари билан етарлича боғланмаганлигидан, юқорида таъкидланган фанлардан олинган билимлар АЛ ва КҲК ларда физикани ўқитишда талаб даражасида қўлланилмайди. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун: 1. Умумий ва назарий физика бўлимлари ўқув материалини, шартли умумфизикавий ва касбий билимларга ажратиш ва ўқитишда изчиллик тамойилини қўллаш. 2. Ўқитиш методикаси ва берилган материалларнинг ўзлаштирилишига оид талаблар ва меъзонларни ишлаб чиқиш, шу асосда таълим олувчиларнинг билимга интилиши ва фаоллигини тарбиялаш таклиф этилади [7, 8].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Accounts of Chemical Research Islamoglu, Goswami, Li, Howarth, Farha, and Hupp 2017.
2. Accounts of Chemical Research Jiang, Economou and Panagiotopoulos 2017.
3. Д.Джанколи “Физика 1-том Москва “Мир” 1989г
4. Т.И. Трафимова “Курс физики” 1990г
5. Сабади П. Солнечный дом. - М.: Стройиздат, 1981.
6. Чакалев К.Н., Садыков Ж.Д. Гелиотехника. 1994. №1.

7. Авезова Н.Р., Ж.Д.Садыков Влияние термического сопротивления коллекторно-аккумулирующей стены пассивных систем солнечного отопления на их коэффициент замещения тепловой нагрузки Гелиотехника. 2012 ,№1.

КВАНТ ФИЗИКАСИ ФАНИДА “МИКРОЗАРРАЧА” ТЎҒРИСИДАГИ ТАСАВВУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ш.Ф.Тўраев - ассистент
Бухоро давлат университети

Бу ишда, узлуксиз таьлим тизимида “Микрозаррача” тушунчасини квант физика фанида ва ОТМ ларда квант механикаси фанида шакллантириш методикаси баён етилган.

В данной работе, изложена методика формирование понятий "микрочастица" в квантовой в системе непрерывного образования, а также в курсе квантовой механике в вузах.

In this paper, describes the method forming the concepts of «micro particle» in the quantum system in the continuous education system, as well as in the course of quantum mechanics in high schools.

Квант механика курсида “микрообъект (микрозаррача)” тушунчаси талабалар ўзлаштириши учун мураккаб тушунчалардан бири хисобланади.

Бу тушунчани ойдинлаштириш мақсадида микрозаррача ва классик корпускула орасидаги кескин фарқларни ўрганиш талаб этилади. Буни даставвал Гейзенберг ноаниқликлар муносабатларини аниқлаштириш билан боғлиқ масалалардан бошлаймиз.

Кўп ҳолда ноаниқликлар муносабатини талқин этишда баъзан мазмуний ҳатоларга йўл қўйилади. Баъзан ноаниқликлар муносабатини микрообъект (микрозаррача) нинг координата ва импульсини бир вақтда ихтиёрий юқори аниқлик билан ўлчаш мумкин эмас, координатани қанчалик аниқ ўлчасак, импульсни шунчалик ноаниқ ўлчаймиз деб талқин этилади. Бундай талқин талабаларда нотўғри хулосанинг шаклланишига олиб келади, яъни ноаниқлик муносабати $\Delta p_x \Delta x \geq h$ ифодасининг моҳиятини ўлчаш жараёнига қандайдий чеклашлар қўяди деб тушинишга олиб келади. Бу ҳолда микрозаррача қандайдир координата ва импульсга эга бўлади, лекин ноаниқликлар муносабати уларни бир вақтда ўлчашимизга йўл қўймайди деб фараз қилишга тўғри келади.

Аслида эса, микрообъект (микрозаррача) бир вақтда маълум координата ва унга мос импульс проекциясига эга бўлаолмайди, агар у аниқ координата қийматига эга бўлган ҳолатда жойлашган бўлса, шу ҳолатда унинг импульсининг шу координатага мос проекцияси аниқ қийматга эга бўлаолмайди [1].

Табиийки бундан микрообъектларнинг координатаси ва мос импульс проекциясини бир вақтда, биргаликда ўлчаб бўлмаслиги тўғрисидаги хулоса чиқади ва бу айнан микрообъект (микрозаррача) нинг ўзига ҳос ҳусусияти билан боғланган.

Агар микрозаррача бир вақтнинг ўзида аниқ координатага ва унга мос импульснинг проекциясига эга бўлмаса, микрообъект учун траектория тушунчасини

қўллаб бўлмайди. Микрообъектлар учун траектория тушунчасини қўллаб бўлмаслиги эса унинг тўлқин ҳоссалари микрообектни классик корпускула сифати қарашга йўл қўймаслиги билан боғланган.

Атомнинг Бор назариясида "Атомда электрон орбитаси" тушунчаси киритилади, лекин атомнинг ўлчами чегарасида электрон (микрозаррача) нинг локал мавжудлиги тўғрисидагина гапириш мумкин. Демак атомнинг планетар модели бизнинг атом тўғрисидаги тасаввурларимизнинг ривожланишидаги қандайдир дастлабки этапни ташкил этади.

Юқоридаги фикрлардан микрообъектни классик корпускула сифатида тасаввур қилиш мумкин эмаслиги кўринади [2].

Талабаларга квант механика курсининг дастлабки бобларида Гейзенберг ноаниқлик муносабатини баён қилишда мавжуд методик қийинчиликлар талабаларни квантомеханик тасаввур асосида фикрлашга ўргатиш асосида ҳал этилади. Албатта ҳамма талабалар ҳам бу муаммоларни тезда енгиб ўтаолмайди, шу сабабли ўқитишда муаммоли таълим методлари ва бошқа замонавий методларни қўллаган ҳолда кўргазмали материалларни кенгроқ тадбиқ этиш керак.

Шунинг учун даставвал, микрообъект ва классик корпускуланинг фарқини аниқ тушунтиришга ҳаракат қилиш керак. Талабаларга квант механика курсининг дастлабки бобларида Гейзенберг ноаниқлик муносабатини баён қилишда мавжуд методик қийинчиликлар талабаларни квантомеханик тасаввур асосида фикрлашга ўргатиш асосида ҳал этилади. Албатта ҳамма талабалар ҳам бу муаммоларни тезда енгиб ўтаолмайди, шу сабабли ўқитишда муаммоли таълим методлари ва бошқа замонавий методларни қўллаган ҳолда кўргазмали материалларни кенгроқ тадбиқ этиш керак.

ОТМ ларда статистик қонуниятлар умумий физика курсининг молекуляр физика ва квант физикаси бўлимларида соддароқ ўрганилади, назарий физика курсининг квант механика ва статистик физика бўлимларида мукаммаллаштирилган ҳолда ўрганилади, лекин умумий ва назарий физиканинг юқоридаги бўлимларининг мактаб, АЛ ва КҲК лар физика курслари билан етарлича боғланмаганлигидан, юқорида таъкидланган фанлардан олинган билимлар АЛ ва КҲК ларда физикани ўқитишда талаб даражасида қўлланилмайди. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун: 1. Умумий ва назарий физика бўлимлари ўқув материалини, шартли умумфизикавий ва касбий билимларга ажратиш ва ўқитишда изчиллик тамойилини қўллаш. 2. Ўқитиш методикаси ва берилган материалларнинг ўзлаштирилишига оид талаблар ва меъзонларни ишлаб чиқиш, шу асосда таълим олувчиларнинг билимга интилиши ва фаоллигини тарбиялаш таклиф этилади [3].

Микрообъект учун траектория тушунчаси тадбиқ этилмаслиги, микрообъектнинг корпускуляр характеристикалари, яъни координатаси, импульси,импульс моменти ва энергия тушунчаларининг киритилишининг ноаниқлик муносабати билан чекланганлиги, микрообъектларнинг емирилиши, спинининг мавжудлиги ва потенциал баръерлар орқали ўтиш хусусияти микрообъектларнинг классик корпускуладан кескин фарқ қилишини кўрсатади.

Микрообъектларнинг классик корпускулалардан кескин фарқи, унда тўлқин хусусиятларининг мавжудлиги ҳисобланади, микрообъектнинг тўлқин ҳусусиятлари билан ноаниқликлар муносабати ва ундан келиб чиқадиган кўплаб натижалар боғланган [4].

Микрообъектларнинг классик тўлқин хоссаларига эга бўлса ҳам, Де- Бройл ғоялари асосида классик тўлқиндан тубдан фарқ қилиши ҳам кўрсатилади. Фараз қилайлик атомдаги $n-$ Бор орбитасининг узунлиги $2\pi r_n$ га тенг, бу орбитада ҳаракатланаётган электроннинг Де- Бройл тўлқин узунлиги $\lambda_n = \frac{2\pi\hbar}{p_n}$. Электроннинг орбитаси узунлигида электрон Де-Бройл λ_m тўлқин узунлиги n марта жойлашади. Натижада $p_n r_n = n\hbar$ моментнинг квантланиш шарти келиб чиқади.

Умуман масала ечиш машғулотлари, ўқув машғулотларидан ташқари ўтказиладиган семинар машғулотларида бу масалани мухокама этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Микрозаррачанинг қаралаётган ҳажм элементида мавжудлигини тўлқин функция асосида аниқлаш, микрозаррачанинг статистик моҳиятини очиб беради, яъни классик корпускуладан фарқли ҳолда микрозаррача нинг ҳолати статистик метод билан аниқланади. Юқоридаги фикрларнинг барчаси микрообъект (микрозаррача) ни моҳияти ва классик корпускуладан фарқини маълум маънода тушунтиради [5,6].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Accounts of Chemical Research Islamoglu, Goswami, Li, Howarth, Farha, and Hupp 2017.
2. Accounts of Chemical Research Jiang, Economou and Panagiotopoulos 2017.
3. Д.Джанколи “Физика 1-том Москва “Мир” 1989г
4. Т.И. Трафимова “Курс физики” 1990г
5. Сабади П. Солнечный дом. - М.: Стройиздат, 1981.
6. Чакалев К.Н., Садыков Ж.Д. Гелиотехника. 1994. №1.

ФИЗИКА ФАНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ғ.Рахматов, Ф.Юсупова
Фарғона давлат университети

Аннотация: Маърузада интерфаол усуллар таълим самарадорлигини изчиллигини таъминлашга хизмат қилиши усуллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: интерфаол усул, самарадорлик, физика, қонуният.

Аннотация: В докладе анализируются способы, которыми интерактивные методы служат для обеспечения согласованности в эффективности обучения.

Ключевые слова: интерактивный метод, эффективность, физика, законность.

Annotation: This article analyzes the ways in which interactive methods serve to ensure consistency in the effectiveness of training.

Key words: interactive method, efficiency, physics, legality.

Интерфаол таълим методларини барча таълим муассасаларига тадбиқ этиш асосида таълим самарадорлигини ошириш ва таълимни индивидуал-лаштириш, шахсга

йўналтириш, таълимда технологик ёндашувни шакллантириш, ҳамда фаол усулларни таълим жараёнларида қўллаш орқали ўқувчиларни мустақил равишда ўзлаштириш, таҳлил қилиш, ижодий мулоҳаза юритишга, шахсий хулосалар чиқариш, эркин фикр юритишга ўргатиш-ҳар бир педагогнинг дастуриламал вазифасидир.

Бугунги таълимдаги жараён ўқитувчилардан таълим-тарбия ишига янгича муносабатда бўлиш, касбий жиҳатдан етук, методик жиҳатдан маҳоратни ошириш, инновацион замонавий технологияларни таълим жараёнига қўллаш, методларини билишни ва амалда қўллашни тақозо этмоқда. Ривожланган давлатлар XIX асрда қолиб кетган дунё янгиликларига асосланган таълимдан, информацион инқилоб ютуқларига асосланган таълимга ўтмоқда. Бугун таълимда анъанавий усуллардан воз кечиб, кўпроқ мулоқатга асосланган методларини қўллаш, фикр алмаштиришни рағбатлантирувчи усуллари кўпроқ самара бермоқда [1].

Бугун замон талаблари асосида физика ва астраномия бўйича ўқитишнинг янги ғоялар билан бойитиш даркор. Олиб борилаётган татқиқодлар кўрсатишича, агар дарс ўқувчиларда маълум эмоционал, эстетик ва этик хисларни қўзғай олса, у холда бундай ўқув материалларини чуқур ўзлаштиради ва узоқ вақт эсида қолади. Ўқувчининг мустақил ишлашга ўргатиш керак. Буни амалга ошириш учун ўқитувчи ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олиши керак.

Ўқитишда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ялпи ёндашув асосида тизимли билим бериш усулини танлашни тақазо этади. Чунки бу усулда ўқитиш аниқ мақсадга йўналтирилиб, ўқувчиларни физикага қизиқишини, фикрлаш фаоллигини, олинган билимни ижодий қўллашни таъмин этилгани сабабли ўқувчиларда инсоният, табиат ва ходисаларнинг ўзаро боғлиқлиги тасаввурини шакллантириш асосида яхлит ва тизимли билим бериш имконияти яратилади.

Ўқитишда ялпи ёндашув усули ўрганилаётган материални самарали қабул этишни таъминлайди, у олинган билимни мустаҳкам ва чуқурлигини белгилайди, индуктив умумлаштириш усулидаги баён этиш билим яхлитлигини белгилайди, материалистик дунёқарашни шакллантиради. Барча машғулотларда ва масала ечишда, тайёр ва ясама қуроллар, қўшимча ва тарқатма материаллар, уй анжоми ва болалар ўйинчоқларидан унумли фойдаланиш режалаштирилган изланишларни амалга оширишда асосий омил бўлади.

Дарс самарадорлигини оширишда фойдаланилган кўргазмали қуролларнинг барча турлари, қўшимча ва тарқатма материаллар, физик ўйинлар, уй анжоми ва ўйинчоқлар, физикадан дарсдан ташқари машғулотларда умумлаштирувчи дарсларни ўтказишда, ўқувчилар билимини назорат қилишда фойдаланилиши мумкин.

Қуйидаги интерфаол усулнинг шакл ва формалари қўланилиб келинмоқда:

1. Жуфтликда ишлаш	7. Аквариум
2. Карусель	8. Тугалланмаган гаплар
3. Кичик гуруҳларда ишлаш	9. Ақлий ҳужум
4. Браун ҳаракати	10. Дарахт ечими
5. Ўз номимдан сўзлайман	11. Фуқаролар эшитуви
6. Мунозара	12. Дебатлар

Илғор педагогик теҳнологияларнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, бу усуллардан ўқувчининг ёши, психологик ҳусусияти билим даражасига қараб фойдаланиш мумкин. 6-9-синфларда “Ақлий ҳужим”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Синквен”, ”Б, Б, Б” (биламан, билишни истайман, билиб олдим), “Менга оҳирги сўзни беринг”, “Блиц”, “Кластер”, “Бинго” “Дебат”, “Тест синови” усулларидан фойдаланиш юқори самара беради [2].

“Сирт таранглиги” мавзусини юқори синф ўқувчилари онгида тўғри тўла шакллантириш учун уларнинг қуйи синфларда олган модда тузилиши ҳақидаги билимларини сифат ва миқдор жиҳатдан бойитиш лозим. Бунинг учун мазкур бўлимда баён этиладиган барча тушунчалар молекуляр-кинетик назарияга асосланиши керак.

Модда суюқ ҳолатининг ҳусусиятларини ўрганишга дастурда ажратилган вақт жуда чекланган. Шунинг учун фақат суюқликнинг сирти ҳоссаларигина бир мунча тўлароқ ўрганилади. Бу тушунчаларни ўрганишни молекулаларнинг ўзаро таъсир кучларини такрорлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Янги мавзуни молекулаларининг ўзаро таъсир кучларининг масофага боғлиқ бўлиши графигини анализ қилишдан бошлаш лозим.

Суюқлик молекулалари бир-бирига шунчалик яқин жойлашадики, улар орасидаги тортишиш кучлари сезиларли даражада катта бўлади. Ўзаро таъсир кучлари масофа ортгани сари тез камайиб боради.

Суюқлик сиртидан r_0 дан ортиқ масофада турган молекула учун бу кучларнинг тенг таъсир этувчи ўрта ҳисобда 0 га тенг бўлади. Суюқлик билан чегарадош бўлган буғнинг (ёки газнинг) зичлиги суюқликдан кўп марта кичик бўлганлиги учун молекуляр таъсир сферасининг суюқликдан ташқари қисмида молекула ўзи бўлади.

Натижада қалинлиги *r* бўлган сирт қатламидаги ҳар бир молекулага суюқликнинг ичига қараб йўналган куч таъсир этади. Бу кучнинг катталиги қатламнинг ички чегарасидан ташқи чегарасига тамон йўналишда ошиб боради. Бу кучлар сиртни таранглайди. Суюқлик сиртининг ҳоссаларини кўрсатувчи тажрибалардан плато тажрибасини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Совун пардасига оид тажрибалар намойиш қилинади. Сирт таранглиқнинг катталиги суюқлик сиртининг катталигига боғлиқ бўлмаслигини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Суюқлиқ сирти энергияси ҳам модда тузилишига асосланиб тушунтирилади. Молекула суюқликнинг ичкарисидан унинг сиртқи қатламига ўтишида молекулаларнинг таъсир кучларини енгиш учун иш бажариши зарур.

Бизнинг вазифамиз турли усуллардан фойдаланиб, ўқувчилар билимини оширишдан иборатдир.

АДАБИЁТ

1. Н.Тўлабоева “Физика дарсларида интерфаол методлардан фойдаланиш”, Нукус., 2017.

2. Р.Ишмухамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев “Таълимда инновацион технологиялар: таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар”., -Т.: Истеъдод., 2008.

ХОРИЖДАН ЮБОРИЛГАН МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ.

NUMERICAL SIMULATION OF THE PASSIVE REGENERATOR

Bakhodirzhon Siddikov
Department of Mathematics, Ferris State University
Big Rapids, MI 49307, USA

Magnetic Refrigeration (MR) is rapidly becoming competitive with conventional gas compression technology, primarily because the most inefficient component of the refrigerator – the compressor – is eliminated. In addition MR provides important environmental benefits. MR uses a solid magnetic material as the cooling source and water (perhaps with antifreeze additives) as the heat transfer medium. There is no need to use volatile chemicals with potential environmental problems.

MR is based on the magnetocaloric effect, where a magnetic material changes its temperature with variations of magnetic field. One of the key components of the MR is the Active Magnetic Regenerator (AMR), which produces refrigeration without gas expansion by using the magnetocaloric effect.

An AMR cycle consists of four operations: bed magnetization, warming of the magnetic material; fluid flow from the cold to hot reservoirs through the bed, transferring heat to the hot heat exchanger (called the Hot Blow Period); bed demagnetization, cooling of the magnetic material; fluid flow from the hot to cold reservoirs through the bed, and absorption of heat at the cold heat exchanger (called the Cold Blow Period). Regeneration occurs during fluid flows.

In order to conduct design studies of the MR a model of AMR has been developed by Sternberg [1]:

$$\frac{\varepsilon \cdot \rho_f \cdot c_p}{P} \cdot \frac{\partial T_f}{\partial t} = h \cdot a \cdot (T_m - T_f) + \frac{\Delta \Pr \cdot \dot{V}}{Ac \cdot L} - \frac{1}{Ac \cdot L} \cdot \frac{\partial Q_f}{\partial x}, \tag{1}$$

$$\frac{(1-\varepsilon) \cdot \rho_m \cdot c_m}{P} \cdot \left(\frac{\partial T_m}{\partial t} - \Phi_m \cdot \frac{\partial B}{\partial t} \right) = h \cdot a \cdot (T_f - T_m) - \frac{1}{Ac \cdot L} \cdot \frac{\partial Q_m}{\partial x}, \tag{2}$$

where

$$Q_f = -Ac \cdot (\varepsilon \cdot k_f + td) \cdot \frac{1}{L} \cdot \frac{\partial T_f}{\partial x} + \dot{V} \cdot \rho_f \cdot c_p \cdot T_f; \tag{3}$$

$$Q_m = -Ac \cdot (1-\varepsilon) \cdot k_m \cdot \frac{1}{L} \cdot \frac{\partial T_m}{\partial x}; \tag{4}$$

$T_f = T_f(x,t)$ is the fluid temperature; $T_m = T_m(x,t)$ is the bed temperature; x is the spatial coordinate; t is time; $h = h(\mathrm{Re})$ is the heat transfer coefficient between the fluid and material; a is the contact area of the fluid and material per unit of bed volume; $Ac = Ac(x)$ is the cross section area of bed; ε is the bed porosity (pore volume ratio); $B = B(x,t)$ is the magnetic induction; $c_m = c_m(T_m)$ is the heat capacity of the material; ρ_m is the density of the material; $\Phi_m = \Phi_m(B)$ is the thermo-magnetic function of the material; L is the bed length; P is the time period of the flow in either direction; $k_m = k_m(T_m)$ is the thermal conductivity of the material; $\rho_f = \rho_f(T_f)$ is the density of the fluid; $c_p = c_p(T_f)$ is the heat capacity of the fluid; $\Delta\mathrm{Pr} = \Delta\mathrm{Pr}(ff)$ is the pressure drop over the bed; $ff = ff(\mathrm{Re})$ is the fluid friction factor; $\dot{V}$ is the volumetric flow rate; $k_f = k_f(T_f)$ is the thermal conductivity of the fluid; $td = td(\mathrm{Re})$ is the coefficient of thermal dispersion; $\mu = \mu(T_f)$ is the viscosity of the fluid; and $\mathrm{Re} = \mathrm{Re}(T_f)$ is the Reynolds number.

In order to test the adequateness of the model we simplify it by assuming there is no magnetization and demagnetization. In other words, we have a passive regenerator instead of AMR. In that case $\Phi_m \cdot \dfrac{\partial B}{\partial t} = 0$ in (2).

To solve numerically the system of highly nonlinear partial differential equations (1) and (2) we employ a finite difference method. Assume the fluid enters the bed at the temperature of the cold reservoir T_{cold} during the Hot Blow Period and at the temperature of the hot reservoir T_{hot} during the Cold Blow Period.

The physical properties of the fluid and material: $\rho_f(T_f)$, $k_f(T_f)$, $c_p(T_f)$, $\mu(T_f)$, $c_m(T_m)$ are obtained from experimental measurements [1, 2]. Corresponding approximation curves are obtained by using a least-squares curve fitting technique.

The heat transfer coefficient between fluid and bed, $h(\mathrm{Re})$ is obtained from empirical correlation for packed particle beds [3]. The fluid friction factor, $ff(\mathrm{Re})$ for calculation of pressure drop over the bed, $\Delta\mathrm{Pr}$, and the coefficient of thermal dispersion, $td(T_f)$ are calculated using well established empirical correlations from [4, 5, 6].

The efficiency of the regenerator, E is calculated by the formula $E = COP / COP_{Carnot}$, where $COP = Q_c / (Q_h - Q_c)$ is the coefficient of performance of the regenerator, $COP_{Carnot} = T_{cold} / (T_{hot} - T_{cold})$ is the Carnot efficiency, and

$$Q_c = \int_0^1 \left(Q_f(0,t) + Q_m(0,t)\right) dt \quad \text{and} \quad Q_h = \int_0^1 \left(Q_f(1,t) + Q_m(1,t)\right) dt$$

are average cooling power and heat rejection during the one complete cycle, respectively.

Calculations were carried out until the system reached a steady cyclic state. The system is considered to be in steady state if it satisfies the condition $\left|\{T_m(x,1)\}_{pc} - \{T_m(x,1)\}_{pc-1}\right| \le \delta$, where $0 \le x \le 1$; subscripts pc and $pc-1$ refer to the present and the previous cycles,

respectively. We have determined that $\delta = 10^{-2}\ {}^{o}K$ is a sufficient condition to denote steady state.

Temperature profiles of the fluid and bed, coefficient of performance, and efficiency of the regenerator are obtained as a result of the computations. Computational results showed good agreement with the experimental results, proving the validity of the model.

Currently we are working on solving the system (1) and (2) with magnetization and demagnetization of the bed. We hope to obtain an accurate simulations of the AMR to find optimal design parameters of the regenerator such as length of the bed, time period of the flow, and volumetric flow rate.

REFERENCES

[1] Sternberg, A. and Zimm, C. B., private communication.

[2] Lide, D. R., CRC Handbook of Chemistry and Physics, CRC Press, 74th Ed., p.6-10, 1994.

[3] Whitaker, S., Forced Convection Heat Transfer Correlations for Flow in Pipes, Past Flat Plates, Single Cylinders, Single Spheres, and for Flow in Packed Beds and Tube Bundles, AIChE Journal, Vol.18, No 2, pp.361-371, 1972.

[4] Macdonald, I. F., Flow through Porous Media – the Ergun Equation Revisited, Ind. Eng. Chem. Fundam., Vol.18, No 3, pp.199-208, 1979.

[5] Bird, R. B., at al., Transport Phenomena, John Wiley & Sons, pp.196-200, 1960.

[6] Edwards, M. F. and Richardson, J. F., Gas Dispersion in Packed Beds, Chem. Eng. Sci., Vol.23, pp.109-123, 1968.

ИННОВАЦИОННАЯ ТЕХНОЛОГИИ ИЗГОТОВЛЕНИЯ ВЫПРАВЛЯЮЩЕГО АППАРАТА НАСОСОВ ТЕПЛОВЫХ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЙ

Г.В.Воропаев – академик РАН, А.А. Запаров – доцент АГУ,
Т.А.Расулов – инженер-конструктор.

Аннотация: *маърузада иссиқлик электростанцияларида фойдаланиладиган насосларнинг йўналтирувчи аппаратини қуйма методи билан маҳаллий ҳом ашёлардан ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш ва такомиллаштириш масалалари баён қилинган.*

Калит сўзлар: *иссиқлик электростанция, тортимпуфловчи машина, паррак машина, тўғриловчи аппарат.*

Аннотация: *В докладе рассматриваются вопросы освоения и усовершенствования технологии изготовления методом литья выправляющего аппарата для насосов, используемых на тепловых электростанциях.*

Ключевые слова: *тепловая электростанция, тягодутьевая машина, лопастная машина, выправляющий аппарат.*

Annotation: *The artikle deals with the problems of perfection and use of the technology of production of lokal raw materials through melting method of directing of the pumpers at power elektrostations.*

Key words: *thermal power plant, draft machine, paddle machine, straightening apparatus.*

Важным фактором бесперебойной работы тепловых электростанций является надежность узлов и деталей используемых насосов. Одним из основных агрегатов насосов является выправляющий аппарат, который обеспечивает упорядоченное движение потока воды, подаваемого в котел тепловой электростанции.

В настоящее время из-за отсутствия технологии изготовления данного аппарата он закупается из-за рубежа за иностранную валюту.

Учитывая вышеизложенное, основной целью данных исследований были освоение и усовершенствование технологии изготовления методом литья выправляющего аппарата для насоса ОПВ 5 – 110, используемых на тепловых электростанциях нашей республики.

Для достижения поставленной цели решались следующие задачи:

1. Проведение опытно-конструкторских работ и изготовление чертежей;
2. Подбор сырья и материалов;
3. Подбор и изготовление комплекта оснастки для литья металла;
4. Освоение технологических режимов и создание технологического регламента производства;
5. Изготовление опытного варианта выправляющего аппарата;
6. Испытание опытного варианта изделия на теплоэлектростанциях;
7. Подготовка научно-технической документации для получения сертификата качества, для предоставления патентной заявки и внедрения изделия в производство.

Важным фактором при конструировании и изготовлении деталей насосов тепловых электростанций является подбор материалов, отвечающих эксплуатационным требованиям. Основным материалом при изготовлении узлов и деталей ТЭС является сталь. По назначению стали делят на конструкционные, инструментальные и с особыми физическими и химическими свойствами – специальные. К последним относят нержавеющие, жаропрочные, жаростойкие, теплоустойчивые, электротехнические и другие. Самой значительной является группа среднеуглеродистых сталей 30, 35, 40, 45, 50, подвергающихся термической обработке. Благоприятные сочетания прочностных и пластических свойств позволяют применять эти стали при изготовлении ответственных деталей машин и механизмов.

Достаточно пластичная хромистая сталь 12Х13 используется для изготовления деталей подвергающихся действию слабоагрессивных сред, в том числе воды. К хромникелевым сталям относится сталь 12Х18Н9. Для снижения содержания в стали дорогостоящего никеля его частично заменяют марганцем. Сюда относят сталь марок 10Х14Г14Н3, которую рекомендуют в качестве заменителя стали 12Х18Н9.

Вышеуказанные марки стали производятся в металлургических предприятиях нашей республики. АО СП «Uz Saemyung Co» покупает необходимые сырьевые материалы у ведущих предприятий нашей республики и оказывает содействие в изготовлении предлагаемого выправляющего аппарата для насоса ОПВ 5 – 110.

Применение предлагаемой технологии будет осуществляться в теплоэлектростанциях нашей республики. Таким образом отпадет необходимость закупки данного оборудования за иностранную валюту из-за рубежа.

В НТК АН РУз совместно с сотрудниками РАН изготовлен опытный вариант выправляющего аппарата, проведены его промышленные испытания и разработан

регламент производства. Подготовлены технологические и конструкторские документации для промышленного изготовления продукции, оформлены заявки для получения сертификата качества и патента.

ЛИТЕРАТУРА

1. Рекомендации по проектированию и гидравлическим расчетам насосных блоков и водных трактов систем технического водоснабжения ТЭС и АЭС большой мощности П 06- 82/РНИИГ /Дульнев В.Б., Оспанов О.Ш., Сизов Н.Н./. Л.: РНИИГ, 2003, 86 с.
2. Роговой Т.Н., Кикиш О.В. Оценка работы головных циркуляционных насосов типа 0ПВЗ-185ЭГ энергоблока М. Электрические станции, 2011, JS 5, с. 30-34.
3. Circulating pumps for Castle Peak Int. Power Generation,2011, march, v.4-2, 27-29.
4. Holzhüter E., Migot A., Siekmann H. Einfluß von Bauwerk und Zulaufbedingungen auf die Kühlwasserpumpen und die verschiedenen Kühlwasserpumpenbauarten für Kühltürme. "VGB Kraftwerstechnik", 2007,57, N 6, 414-423.
5. Howe O.P. Power station circulating water pumps. "Pumps Pompes - Pumpen", 2001, N 172, 36-46.
6. Hitzeiberger H. Kühlwasserpumpen in Kühlkreislaufen mit Naßkühlturm. "BBC-Nachr.", 2006, 58, N 6-7, 251-256.
7. Keiser H.3., Lutz M.W. Large circulating pumps stations. "Proc.Amer.Power Conf.H, Vol.33". Chicago, I 11, 2001, 354-361.
8. Keiser H.3. Large circulating pumps for applications in power generating stations. Combustion, 2011, Sept., Vol. 43-3. 12-16.
9. Matthias H.-B. Kesselumwälzpumpen für Kraftwerke der zeitiger Entwicklumgsstand, м Hinweise für Planung, Betriebserfahrungen. "VGB Kraftwerkstechn.", 2006, N 7, 440-446.
10. Mayer. Konstruktive Vereinfachung von Hauptkühlwasserpumpen. BWK, n 11, 2008, 441-442.
11. Takea close look at startup and shutdown torques for big, low head circulating pumps. R.O. Sundrud, Rainer Vach.-Power, 2006, February, 54-55.
12. Thrust, power and impeller type are key factors vertikal circulating pumps. Power, 2008, IV, 44-45.

ФАЗАЛАР АЛОҚА ВАҚТИ УЗАЙТИРИЛГАН БАРБОТАЖЛИ ЭКСТРАКТОРНИНГ АРАЛАШТИРИШ ЗОНАЛАРИДА ГАЗ МИҚДОРЛАРНИ АНИҚЛАШ

Б.А. Алиматов - т.ф.д., профессор*, И.Т. Каримов - доцент, т.ф.н,**
Б.Ж. Хурсанов - катта ўқитувчи.**
***В.Г.Шухов номидаги Белгород давлат технология университети (РФ),**
****Фарғона политехника институти.**

Аннотация: *Мақолада жадал режимда ишловчи фазалар алоқа вақти узайтирилган барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналарида газ миқдорларни аниқловчи тенгламалар тавсия этилган.*

Калит сўзлар: *аралаштириш вақтини узайтириш,экстрактор, алоқа вақти, барботаж, суюқлик ва газ оқими,аралаштириш зонаси,газ миқдори, йўлдош оқимли,қарама-қарши оқимли.*

Аннотация: *В статье предложена уравнение для определения газосодержания перемешивающих зон барботажного экстрактора работающих в интенсивных режимах и увеличённый времени контакта жидкостей.*

Ключевый слова: *увеличение времени перемешивание, экстрактор,время контакта,барботаж,поток жидкости и газа, зона перемешивания,газосодержание,параллелный ток,противоток.*

Annotation: *Defining equations of diameters of mix zones of barbotage extractor working in intensive regimes and extending contact time are offered in the article.*

Key words: *prolonging mixing time, extractors, contact time, barbotage, liquid and gas stream, mixing zone, gas quantity, company steam, opposite steam.*

Барботажли экстракторнинг [1] афзалликлари шундан иборатки қўшилмайдиган суюқликларни аралаштириш зигзак шаклидаги аралаштириш зоналарида амалга оширилади. Бу эса алоқадаги суюқликларни жадал шароитда аралаштириш вақтини узайтириш ва натижада экстракция жараёнининг самарадорлигини оширади. Бу аппаратда суюқлик ва газ оқимлари асосий барботаж патрубкасида йўлдош оқимли, 1 – халқали каналда қарама – қарши оқимли, 2 – халқали каналда эса йўлдош оқимлидир (1 – расм).

Экстракторнинг юқоридаги аралаштириш зоналаридаги газнинг хажмий миқдорлари φ_0, φ_1 ва φ_2 аппаратни лойихалашда мухим ахамиятга эга, чунки уларга боғлиқ холда аппаратнинг айнан шу зоналари ўлчамлари аниқланади.

Экстракторнинг аралаштириш зоналари барқарор ва тенг жадалликдаги гидродинамик режимда ишлаши учун бу зоналардаги газ миқдорлари φ_0, φ_1 ва φ_2 лар тенг бўлишини таъминлаш керак.



1 – расм.Фазалар алоқа вақти узайтирилган барботажли экстрактор схемаси.



2 – расм.Қурилма лаборатория модели

Аппаратнинг ички барботаж патрубкаси ва 2 – халқали каналда харакатланаётган суюқлик ва газ йўлдош оқимли бўлганлиги учун қуйидагича аниқланади [2,3].

$$\varphi_0,\ \varphi_2 = (1 - 0{,}04 w_c)\,\varphi^1 \qquad (1)$$

Аппаратнинг биринчи халқали каналида эса суюқлик ва газнинг харакати қарама – қарши бўлганлиги сабабли газ миқдорининг қиймати қуйидагича аниқланади [2,3].

$$\varphi_1 = (1 + 0{,}04 \omega^1{}_c)\,\varphi^1 \qquad (2)$$

Бу ерда ω_c – асосий барботаж патрубкаси ва 2 – халқали каналда харакатланаётган суюқликнинг сарфий тезлиги, (м/с);

ω_c^1– биринчи халқали каналда харакатланаётган суюқликнинг сарфий тезлиги, (м/с).

1 – тенглама $\omega_c = 0 \div 20\, м/сек$ тезликка эга бўлган йўлдош оқимли суюқлик ва газларга нисбатан ўринли [2].

2 – тенглама эса $\omega_c = 0 \div 10\, м/сек$ тезликдаги қарама – қарши оқимли суюқлик ва газларга нисбатан ўринли [2].

φ_1 - суюқликнинг тинч холатдаги газ миқдори бўлиб, қуйидаги тенглама орқали аниқланади [2]

$$\varphi_c^1 = 2{,}47 \cdot \omega_г^{0,97} \qquad (3)$$

Бу ерда $\omega_г$ – газнинг аралаштириш зонасида келтирилган тезлиги, м/с.

3 – тенглама ёрдамида газ миқдорини суюқликнинг тинч холати учун чегаравий қийматини аниқлаш мумкин. Пуфакли режимдаги барботаж шароитида газ миқдорининг қиймати $\varphi_0, \varphi_1, \varphi_2 \leq 0{,}3$ бўлиши керак [3]. Бундай гидродинамик жараённи вужудга келтириш учун газ ёстиғи “h” нинг ўзгармас қийматида аралаштириш зоналарининг диаметрлари яъни кўндаланг кесим юзалари шундай танланиши керакки хар бир аралаштириш зонасида газ миқдорлари $\varphi_0, \varphi_1, \varphi_2$ ларнинг қийматлари тенг бўлиши керак. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бу янги яратилган барботажли экстракторни аралаштириш зоналарини ўлчамларини аниқловчи тенгламалар келтириб чиқарилди.

Ички барботаж патрубкаси диаметри экстракция қилинаётган суюқлик сарфига ва патрубка ичида алоқадаги суюқликлар таркибидаги мақсадли, яъни ажратиб олинадиган компонентларнинг биридан иккинчисига ўтишга улгуриши учун зарур бўлган сарфий тезликларига боғлиқ холда аниқланади. Бу катталиклар берилган холатда ички барботаж патрубкаси диаметри қуйидагича аниқланади

$$Д_0 = \sqrt{\frac{4Q}{\omega_c^1 \cdot 3600}} \quad , метр \qquad (4)$$

1 – халқали каналдаги барботаж патрубкаси диаметри эса бу зонадаги суюқлик ва газларнинг харакати карама – қарши бўлганлиги учун суюқлик тезлиги газ тезлигидан кичик бўлиш шарти орқали аниқланади. Яъни

$$\omega_Г \leq \omega_c$$

Бу шартдан келиб чиққан холда 1 – халқали канални хосил қилувчи барботаж патрубкаси диаметрини аниқловчи натижавий тенглама қуйидагича

$$Д_1 > \sqrt{\frac{4Q}{\pi\alpha\varphi_1(1-\varphi_1 3600)} + Д_0^2} \quad , метр \ (5)$$

Бу ерда α – якка олинган куракнинг тезлигига мос келувчи коэффициент [3]

$$\alpha = 30 \div 32 \, см/сек$$

φ_1 - 1 – халқали каналдаги газ миқдори

$Д_0$ - ички барботаж патрубкасининг ташқи диаметри

2 – халқали канални хосил қилувчи барботаж патрубкасини диаметрини аниқловчи натижавий тенглама қуйидагича

$$Д_2 > \sqrt{\frac{4Q}{\pi\, d\varphi_2(1-\varphi_2 3600)} + Д_1^{\,2}} \quad , метр \qquad (6)$$

Бу ерда φ_2 - 2 – халқали каналдаги газ миқдорининг қиймати

$Д_1$ – 1 – халқали канални хосил қилувчи барботаж патрубкасининг ташқи диаметри, (м);

Юқоридаги 4,5,6 – тенгламалар орқали барботажли экстракторининг аралаштириш зоналари ўлчамларини аниқлаш мумкин.

Аралаштириш зоналарида суюқликнинг келтирилган тезлиги барботаж режими учун $\omega_c \leq 0{,}1 м/с$ эканлигини эътиборга олган холда газ миқдорларини қийматларини 1,2,3 тенгламалар ёрдамида аниқлаш тавсия этилади.

АДАБИЁТ

[1] Алиматов Б.А., Хурсанов Б.Ж. Многоступенчатый барботажный экстрактор// Патент РФ № 2658053, кл. B01d11/04. 2018 г.

[2] Кафаров В.В. Основы массопередачи М.: Высшая школа, 1979 – 484 с.

[3] Каримов И.Т. Барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналарида гидродинамик жараёнларни тадқиқ қилиш т.ф.н.дисс. Т.: ТДТУ, 2001. – 131 б.

[4] Касаткин А.Г. Основные процессы и аппараты химической технологии. М.: Альянс, 2004. -751 с.

[5] Алиматов Б.А., Салимов З.С., Абдурахимов С.А. Конструкции и перспективы промышленного применения жидкостных барботажных экстракторов // Узб. хим. журнал, 2002, № 2. С. 59-63.

БАРБОТАЖЛИ ЭКСТРАКТОРНИНГ МАССААЛМАШИНУВ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

И.Т. Каримов[1], Б.А. Алиматов[2]

[1]Фарғона политехника институти, [2]Белгород давлат технологиялар университети

Мақолада барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналаридаги массаалмашинув жараёнлари тадқиқ қилинган.

“Fargonaazot”AJ нинг СК ва СКР цехида бутилацетат таркибидан сирка кислотасини сув билан экстракцион ювиш жараёнида талаб этилган концентрацияга етказиш учун суюқлик фазалари ва газ сарфлари режимларида аппаратнинг поғоналар сони аниқланган.

Тажрибавий ва назарий тадқиқотлар натижасида режимлар учун аппарат поғонасининг ФИК ва хажмий массаузатиш коэффициентининг қийматлари аниқланиб таққосланган. Ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар тавсия этилган ҳисоблаш усулларини тўла тасдиқлаган.

Бутилацетат суюқлиги концентрациясини 99% гача етказиш учун 5 поғонали барботажли экстракторда самарали ювилиши исботланган ва тажрибавий тадқиқотлар назарий тадқиқотларни тасдиқлаган.

Тажрибавий тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда дисперс фаза томчиларининг солиштирма фазалараро юзаларига ва газ пуфакларининг аралаштирувчи фазалараро юзаларига ва суюқлик фазаларини аппарат аралаштириш зоналарига келиш ҳамда аралаштириш вақтига боғлиқ ҳолда хажмий массаузатиш коэффициентини ҳисоблаш учун эмприк формула тавсия этилган.

Калит сўзлар: Гетероген, газ тезлиги, суюқлик тезлиги, газ миқдори, қовушқоқлик, сирт таранглик, моддаалмашиниш, поғоналар сони, коэффициент, самарадорлик.

Кириш

Экстракцион аппаратларда суюқлик фазаларини аралаштириш жараёнини амалга оширишда энергия беришнинг турли кўринишдаги усуллари мавжуд бўлиб, улар ичида эестракция жараёнини жадаллаштиришнинг истиқболли усулларидан бири бу суюқликларга нисбатан инерт бўлган газлар оқими ёрдамида аралаштиришдир. Худди шундай газ ёрдамида аралаштирувчи барботажли экстракторнинг янги конструкцияси яратилган бўлиб [1], тажриба қурилмасининг гидродинамик ва массаалмашинув жараёнларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тадқиқот объекти ва усули

Экстракция жараёнида эритма таркибидаги модда экстрагент билан мувозанатга етгунча тақсимланади. Бу мувозанат тарқалиш қонуни билан характерланади ва тақсимланиш коэффициенти орқали қуйидагича ифодаланади [2,3]

$$m = \frac{C_э}{C_р} = \frac{(y_б - y_1)\cdot V_{эр}}{y_1 \cdot V_{эг}}, \qquad (1)$$

бу ерда $C_э$ ва $C_р$ –мақсадли модданинг экстракт ва рафинатдаги концентрацияси. $y_б$-мақсадли модданинг эритмадаги бошланғич концентрацияси, y_1-экстракциядан кейин рафинатда қолган мақсадли модда концентрацияси, $V_{эр}$-эритма хажми,м^3, $V_{эг}$-экстрагент хажми,м^3.

Лойихачилар учун экстракторлар самарадорлигини баҳолашнинг энг қулай ва кенг тарқалган усули бу поғонанинг фойдали иш коэффициенти η ни аниқлашдир. [4,5]. Бу фойдали иш коэффициенти мақсадли модданинг бир фазадан иккинчи фазага максимал ўтиш сони нисбатларини ифода этади ва у қуйидагича аниқланади:

$$\eta = \frac{У_2 - У_1}{У_3 - У_1} = \frac{X_1 - X_2}{X_1 - X_3} \qquad (2)$$

Барботажли экстракторнинг поғоналари фойдали иш коэффициентини масса узатиш коэффициенти билан боғлаб, қуйдагича аниқлаш тавсия этилган[4,5].

$$\eta = 1 - e^{-A} \qquad (3)$$

бу ерда: А- мақсадли модданинг ажратиб олиш даражаси бўлиб, куйдагича аниқланади:

$$A = \frac{(mV_я + V_д)\cdot V_р \cdot K_{vy}}{V_я \cdot V_д} \qquad (4)$$

бу ерда m-тақсимланиш коэффициенти;

$V_я$- яхлит фазанинг битта аралаштирувчи контакт элементига тўғри келадиган сарфи, м^3/с;

$V_д$ - дисперс фазанинг битта аралаштирувчи контакт элементига тўғри келадиган сарфи, м^3/с;

K_{vy}-«у» фаза буйича хажмий масса узатиш коэффициенти, с$^{-1}$;

$V_р$-аппарат аралаштириш зонасининг хажми, м^3, (битта контакт элементи учун).

Барботажли эксторакторларда хажмий масса узатиш коэффициенти K_{vy} аппаратга берилаётган газ тезлигига ва суюқликлар аралашмасини аппарат аралаштириш зонасига келиш вақтига боғлиқ[4] яъни:

$$K_{vy} = 1{,}07 \cdot \omega_г^{0,25} \cdot \tau^{-1} \qquad (5)$$

Лекин суюқликларни экстракциялаш жараёнида суюқлик фазалари хоссалари поғонадан-поғонага ўтишда сезиларли даражада ўзгариб бориши мумкин: яхлит фаза ($\mu_я$) ва дисперс фаза ($\mu_д$) қовушқоқликлари, фазалар аро таранглик коэффициенти (σ)хамда дисперс фазанинг хажмий улуши (φ). Юқоридагини инобатга олган ҳолда тавсия этилаётган экстрактор учун қуйидаги ҳисоблаш формуласи тавсия этилди.

$$K_{vy} = 2{,}11 \cdot 10^{-6} \frac{\left(w_г^и \cdot w_г^T\right)^{0,25} \cdot \varphi}{\tau \cdot \sigma^{0,8} \cdot \mu_я^{0,8} \cdot \mu_д^{0,8}}, c^{-1} \qquad (6)$$

Бунда $w_г^и$- ички аралаштириш зонасидаги газ тезлиги, м/сек; $w_г^т$- ташқи аралаштириш зонасидаги газ тезлиги, м/сек; φ – ялпи фазада тарқалган дисперс фаза улуш, %; τ-суюқлик фазаларини аппарат аралаштириш зоналарига келиш вақти, сек; σ-фазалараро таранглик, н/м; $\mu_я$- ялпи фаза қовушқоқлиги,Па·сек; $\mu_д$-дисперс фаза қовушқоқлиги,Па·сек;

τ- суюқлик фазаларини аппаратнинг аралаштириш зонасига келиш вақти қуйдагича аниқланади:

$$\tau = \frac{V_p}{V_я + V_д}, \text{ сек}; \qquad (7)$$

Аппарат аралаштириш зонасининг хажми $V_р$ нинг қиймати биз томонимиздан таклиф қилинаётган аппарат учун ички аралаштириш зонаси хажми $V_и$ билан ташқи аралаштириш зонаси хажми $V_т$ ларнинг йигиндисига тенг бўлади:

$$V_р = V_и + V_т, \text{ м}^3, \qquad (8)$$

Яхлит фазада дисперс фазанинг хажмий улуши φ қуйидаги тенглама орқали топилади:

$$\varphi = \frac{V_д}{V_я + V_д}, \qquad (9)$$

Барботажли экстракторнинг саноат қурилмасини лойихалашда ишлаб чиқариш хажмига боғлик холда бир поғонада бир нечта контакт элементлари мавжуд бўлади. Шунинг учун поғонадаги аралаштириш элементлари сонини аниқлаш мухимдир ва у қуйидаги тенглама орқали топилади:

$$n = \frac{\left(V_{я_{ум}} + V_{д_{ум}}\right) \cdot \tau}{V_p}, \qquad (10)$$

Хажмий массаузатиш коэффициенти K_{vy} нинг тажрибавий қийматлари қуйидаги тенглама орқали топилади.

$$K_{Vy} = \frac{G}{V_\rho \cdot \Delta y_{ўр}}, \qquad (11)$$

Бу ерда G – экстракция жараёнида экстрагантга ўтган модда миқдори, м^3/сек;

$\Delta y_{ўр}$– аралаштирилаётган суюқликларни оқим бўйича харакатида жараённи ўртача харакатлантирувчи кучи бўлиб, қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$\Delta y_{ўр} = (\Delta y_1 - \Delta y_2)/Ln\,(\Delta y_1/\Delta y_2) \qquad (12)$$

Текширилаётган барботажли экстракторда массаалмашинув жараёнларини тадқиқ қилиш учун тажриба қурилмаси “Fargonaazot” АЖ нинг СК ва СКР цехига ўрнатилиб, корхона буюртмаси асосида тажрибавий тадқиқотлар олиб борилди. Тажриба қурилмаси схемаси ва умумий кўриниши 1-расмда келтирилган.



Расм. Тажриба қурилмасининг схемаси ва умумий кўриниши.

1-Шиша труба, 2,2а,2б,2с –фланецлар, 3-тортувчи шпилка, 4-ички барботаж патрубкаси, 5-ташқи барботаж патрубкаси, -газ узатувчи тешик, 7-газ узатувчи қувур, 8-газ узатувчи тешик, 9-оғир суюқлик қувури, 10-газ киритиш канали, 11-оғир суюқликни чиқариш канали, 12-оғир суюқликни киритиш канали, 13-қалпоқ, 14-оғир суюқлик оқувчи тешик, 15-енгил суюқлик идиши, 16-насос, 17-вентиль, 18-ротаметр, 19-компрессор, 20-газ вентили, 21-ротаметр, 22-оғир суюқлик идиши, 23-вентиль, 24-ротаметр, 25-вентиль, 26-оғир суюқлик идиши, 27-енгил суюқликни чиқарувчи канал, 28-зонт, 29-фильтр, 30-видеокамера.

Олинган натижалар

Тадқиқотлар қуйидаги тартибда ўтказилди. Тажриба қурилмасига бутилацетат-сув 3:1 нисбатда узатилди. Ювиш учун олинган аралашма таркибидаги бутилацетат концентрацияси БА=90%, сирка кислотаси концентрацияси эса 10%. Бутилацетат сарфи Q=0,23 м^3/соат, сув сарфи эса Q=0,075 м^3/соат. Қурилманинг аралаштириш зоналарига газ сарфлари Q=0,85,0,75, 0,65,0,55 м^3/соат, қийматларда 0,1м^3/соат қадам билан берилиб, ҳар бир газ сарфида сирка кислотаси концентрациясини талаб даражасида камайтириш учун қурилманинг поғоналар сони аниқланди. Тажриба қурилмасидан бир босқичда ўтказилган бутилацетат ва эфирли сув таркибидаги сирка кислотаси концентрацияси заводнинг марказий лабораториясида таҳлил қилинди ва бутилацетат ва эфирли сув қурилмага қайта-қайта қуйилиб, талаб даражасида ювиш учун поғоналар сони аниқланди.

Кейинги режимда тажриба қурилмасига бутилацетат-сув нисбатлари сақланган ҳолда узатилди. Ювиш учун олинган аралашма таркибидаги бутилацетат концентрацияси 93%, сирка кислотаси концентрацияси эса 6,7%. Бутилацетат сарфи Q=0,31 м^3/соат, сув сарфи эса Q=0,105 м^3/соат. Қурилманинг аралаштириш зоналарига газ сарфлари юқорида келтирилган қийматлари орқали берилиб, бу режимда ҳам ҳар бир газ сарфида сирка кислотаси концентрациясини талаб даражасида камайтириш учун қурилманинг поғоналар сони юқорида келтирилган усулда аниқланди.

Қуйида танланган режимлар учун бутилацетат суюқлиги таркибидан сирка кислотасини экстракцион тозалаш жараёнларида олинган натижалар келтирилган (1 ва 2-жадваллар).

1-Жадвал.

Бутилацетатни ювишда барботажли экстракторни поғоналар сонини тажрибавий аниқлаш.

Бутилацетат-сув сарфи 1:3 нисбатда.Q=0,23м^3/соат, Q=0,077м^3/соат-const

Фазалар	Концентрация %	1 поғона	2 поғона	3 поғона	4 поғона	5 поғона	Зичлик ρ, кг/м^3	Қовуш Қоқлик μ, 10^{-3} Па·с	Сирт тангликк σ, н/м	Фазаларо сирт таранглик σ, н/м
Газ сарфи Q =0,85 м^3/соат										
Бутилацетат	$X_б$	10	4,38	1,89	1,4	0,29	882	0,685	0,0482	0,0482
	$X_о$	4,38	1,89	1,4	0,29	0,03				
Сув	$У_б$	0	5,62	7,83	8,32	9,71	1000	1,04	0,73	
	$У_о$	5,62	7,83	8,32	9,71	9,99				
Газ сарфи Q =0,75 м^3/соат										
Бутилацетат	$X_б$	10	5,1	3,4	2,06	1	882	0685	0,0482	0,0482
	$X_о$	5,1	3,4	2,5	1	0,04				
Сув	$У_б$	0	4,9	4,9	7,5	9	1000	1,04	0,73	
	$У_о$	4,9	6,6	7.5	9	9,96				
Газ сарфи Q =0,65 м^3/соат										
Бутилацетат	$X_б$	10	6,3	4,1	2,7	1,1	882	0,685	0,0482	0,0482
	$X_о$	6,3	4,1	2,7	1,1	0,07				
Сув	$У_б$	0	3,62	5,82	7,22	8,82	1000	1,04	0,73	
	$У_о$	3,62	5,82	7,22	8,82	9,93				
Газ сарфи Q =0,55 м^3/соат										
Бутилацетат	$X_б$	10	6,7	4,9	3,2	1,6	882	0,685	0,0482	0,0482
	$X_о$	6,7	4,7	3,2	1,6	0,2				
Сув	$У_б$	0	3,3	5,3	6,8	8,3	1000	1,04	0,73	
	$У_о$	3,3	5,3	6,8	8,3	9,8				

2-жадвал

Бутилацетатни ювишда барботажли экстракторни поғоналар сонини тажрибавий аниқлаш.

Бутилацетат-сув сарфи 1:3нисбатда. Q=0,31м^3/соат, Q=0,105м^3/соат-const

Фазалар	Концентрация %	1 поғона	2 поғона	3 поғона	4 поғона	5 поғона	Зичлик ρ, кг/м^3	Қовуш қоқлик μ, 10^{-3} Па·с	Сирт тангликк σ, н/м	Фазаларо сирт таранглик σ, н/м
Газ сарфи Q =0,85 м^3/соат										
Бутилацетат	$X_б$	6,7	4,9	2,2	1,2	0,26	882	0,685	0,0482	0,0482
	$X_о$	4,9	2,2	1,2	0,26	0,03				
Сув	$У_б$	0	1,8	4,5	5,5	6,44	1000	1,04	0,073	

	$У_о$	1,8	4,5	5,5	6,44	6,67				
Газ сарфи Q =0,75 м^3/соат										
Бутилацетат	$Х_б$	6,7	3,1	2,4	1,6	0,69	882	0,685	0,0482	0,0482
	$Х_о$	3,1	2,4	1,6	0,69	0,06				
Сув	$У_б$	0	3,6	4,3	4,73	6,01	1000	1,04	0,073	
	$У_о$	3,6	4,3	4,73	6,01	6,64				
Газ сарфи Q =0,65 м^3/соат										
Бутилацетат	$Х_б$	6,7	3,6	2,7	2,1	1,1	882	0,685	0,0482	0,0482
	$Х_о$	3,6	2,7	2,1	1,1	0,04				
Сув	$У_б$	0	3,1	4	4,6	5,6	1000	1,04	0,073	
	$У_о$	3,1	4	4,6	5,6	6,6				
Газ сарфи Q =0,55 м^3/соат										
Бутилацетат	$Х_б$	6,7	3,9	2,5	2,1	1,2	882	0,685	0,0482	0,0482
	$Х_о$	3,8	2,5	2,1	1,2	0,4				
Сув	$У_б$	0	2,9	3,7	4,3	5,6	1000	1,04	0,073	
	$У_о$	2,9	3,7	4,3	5,6	6,3				

1 ва 2-жадваллардан фойдаланиб, газ тезликлари режимларида поғонанинг Ф.И.К ҳамда хажмий масса узатиш коэффициентларининг тажрибавий қийматлари аниқданди. Назарий қийматлари билан таққосланди. Ўтказилган тажрибалар назарий тадқиқотларни тўла тасдиқлади.

Қилинган ҳисоб натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал.

Хажмий масса узатиш коэффициенти $К_{vy}$, ва Ф.И.К η нинг режимлар бўйича назарий ва тажрибавий қийматлари

№	Газ сарфи $Q_г$	Газ тезлиги		Енгил суюқлик сарфи $Q_с$	Енгил суюқлик тезлиги		Газ миқдори		Хажмий масса узатиш коэффициенти $К_{vy}$, с$^{-1}$		Поғона Ф.И.К η		τ, сек
		$W_г^и$ м/с	$W_г^т$ м/с		$W_с^и$ м/с	$W_с^т$ м/с	φ_0	φ_1	таж	наз	таж	наз	$t_{ўр}$ сек
1	0.55	0.03	0.08	0.23	0.051	0.026	0,18	0,2	0,0136	0,0117	0,6	0,56	10,4
2	0.65	0.065					0,2	0,2	0,0138	0,0138	0,61	0,6	
3	0.75	0.09					0,23	0,2	0,0149	0,0153	0,68	0,72	22
4	0,85	1,3					0,24	0,2	0,0185	0,0169	0,8	0,81	
1	0.55	0.03	0.08	0.31	0.11	0.035	0,17	0,22	0,0167	0,0146	0,56	0,53	7,7
2	0.65	0.065					0,19	0,22	0,0195	0,0175	0,6	0,64	
3	0.75	0.09					0,21	0,22	0,02	0,0192	0,62	0,69	14
4	0,85	1,3					0,23	0,22	0,0208	0,021	0,72	0,75	

Олинган тажрибавий натижалар ЭҲМ ёрдамида қайта ишланиб регрессия тенгламалари олинди ва боғлиқлик графиклари қурилди, назарий қийматлари билан таққосланди. (2 ва 3-расмлар).



2-расм. K_{vy} **нинг** $Q_г$ **га боғлиқлиги.**

1. τ =10,4 сек, 2. τ = 7,7 сек.

$Q_г$=0,55м^3/соат да $w_Г^И$=0,03м/с , $w_Г^Т$=0,08м/с; $Q_г$=0,65м^3/соат да $w_Г^И$=0,065м/с, $w_Г^Т$=0,08м/с; $Q_г$=0,75м^3/соат да $w_Г^И$=0,09м/с , $w_Г^Т$=0,08м/с; $Q_г$=0,85м^3/соат да $w_Г^И$=1,3м/с , $w_Г^Т$=0,08м/с;

Олинган регрессия тенгламасини кўриниши қуйидагича.

1) $K_{vy} = 0{,}0206\ Q_г + 0{,}0003$ $R^2 = 0{,}9994$ (13)
2) $K_{vy} = 0{,}0141\ Q_г + 0{,}0091$ $R^2 = 0{,}9796$ (14)



3-расм. η **нинг** K_{vy} **га боғлиқлиги.**

1. τ =10,4 сек, 2. τ = 7,7 сек.

Олинган регоессия тенгламасини кўриниши қуйидагича.

1) $y = 31{,}441x + 0{,}2237$ $R^2 = 0{,}9594$ (15)
2) $y = 40{,}478x - 0{,}1235$ $R^2 = 0{,}9853$ (16)

Хажмий масса узатиш коэффициентини (6) формула бўйича ҳисоблашда суюқлик фазаларининг аппарат аралаштириш зоналарига келиш вақтига τ, фазалараро сирт таранглиқларига σ, ялпи ва дисперс фазалар қовушқоқликлари $\mu_я$, $\mu_д$ га, газ тезликлари $w_г^и$, $w_г^т$ га ва ялпи фазада дисперс фазанинг хажмий улушига боғлиқ ҳолда аниқланди. Барботажли экстракторда массаалмашинув жараёнларини ҳосил қилишда томчиларнинг солиштирма алоқа юзалари ва газ пуфакларининг аралаштирувчи алоқа юзалари асосий роль ўйнайди. Олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда хажмий масса узатиш коэффициентини дисперс фаза томчиларининг солиштирма алоқа юзалари $F_{сол}$ га, газ пуфакларининг аралаштирувчи солиштирма алоқа юзалари $\Sigma\alpha_s$ га ҳамда суюқлик фазаларини аппаратнинг аралаштириш зоналарига келиш вақти τ га, ва

аралаштириш вақти $t_{ўр}$ га боғлиқ ҳолда ҳисоблаш учун эмприк формуласи келтириб чиқарилди. Бу формула қуйидаги кўринишда.

$$K_{vy} = 0,54 \frac{F_{СОЛ}}{\Sigma a_s} \cdot (\tau \cdot t_{ўр})^{-1}, c^{-1} \qquad (17)$$

Хулоса. Олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижасида бутилацетат суюқлиги концентрациясини БА-99% етказиш учун 5 поғонали барботажли экстракторда ювиш мумкинлиги аниқланди. Натижада экстракторнинг самарадорлиги баҳоланди. Экстрактор поғонасининг ФИК ни тажрибавий ва назарий қийматлари аниқланди. Массаалмашинув жараёнида хажмий массаузатиш коэффициентининг тажрибавий ва назарий қийматлари аниқланди. Тажрибавий тадқиқотлар натижасида дисперс фаза томчиларининг солиштирма фазалараро юзаларига, газ пуфакларининг аралаштирувчи фазалараро юзаларига ҳамда суюқлик фазаларини экстракторнинг аралаштириш зоналарига келиш ва аралаштириш вақтига боғлиқ ҳолда хажмий массаузатиш коэффициентини ҳисоблаш учун эмприк формула тавсия этилди. Ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар назарий тадқиқотларни тўла тасдиқлади.

АДАБИЁТ

1.Алиматов Б.А., Соколов В.Н., Саъдуллаев Х.М., Каримов И.Т. Многоступенчатый барботажный экстрактор. А.С. №1607859 (СССР) , БИ №43, 1990.

2. Юсуфбеков Н.Р., Нурмухаммедов Х.С., Зокиров С.Г.Кимё технология асосий жараён ва қурилмалари. Тошкент: “Фан ва технологиялар нашриёти” 2015.-847 бет.

3. Алиматов Б.А.,Садуллаев Х.М., Каримов И.Т., Хурсанов Б.Ж. Методы расчета и конструирования аппаратуры для переработки сложных гетерогенных систем “Жидкост-газ-жидкост”. Монография. Белгород: Изд-во БГТУ, 2019-191с.

4. Каримов И.Т. “ Барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналаридаги гидродинамик жараёнларини тадқиқ қилиш” Ном. дисс. Тошкент: ТГТУ. 2001-130 бет.

5. Алиматов Б.А., Соколов В.Н., Абдураззоқов А. Кўп поғонали барботажли экстрактор поғоналари самарадорлигини баҳолаш. ФерПИ илмий-техника журнали. 2000 й. №2, 104-107 бетлар.

ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ТАҲЛИЛИ – САМАРАДОР ВА ТЕЖАМКОР МАШИНАЛАР ЯРАТИШ АСОСИ

Б.Ж.Хурсанов - катта ўқитувчи*, boyqozi.xursanov@mail.ru
Б.А.Алиматов - профессор,т.ф.д.**
***Фарғона политехника институти(ЎзР),**
****В.Г.Шухов номидаги Белгород давлат технология университети(РФ).**

Аннотация: *Мақолада технологик жараёнларни энг оптимал қурилмалар билан жиҳозлашнинг илмий принциплари, жараёнлар самарадорлиги ва тежамкорлигини ошириш омиллари ва уларнинг машиналар яратишдаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган. Машина тузилиши билан технологик жараённинг ва хом ашё ҳамда материалларнинг хусусиятларини боғлиқлиги масаласи, машинанинг структура ва параметрик синтезини ташкил этиши кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *технологик жараён, технологик қурилма, жиҳозлаш тизими, хом ашё хоссаси, машина тузилиши, материал хусусиятининг боғлиқлиги, машинанинг структура ва параметрик синтези, самарадорлик, тежамкорлик.*

Аннотация: *В статье исследовано научные приципы, эффективность процессов, методы увеличения эффективности и их роль при создание машин с оборудованными самыми оптимальными установками технологических оборудований. Показано задача зависимости структуры машин от технологических процессов и свойств сырьевых материалов, структуры машины и параметрического синтеза.*

Ключевые слова: *технологик процесс, технологическая установка, система оборудования, свойства сырья, структура машины, зависимость свойств материала, структура машины и параметрик синтез, эффективность, экономичность.*

Annotation: *The article examines the scientific principles of equipping technological processes with the most optimal devices, factors that increase the efficiency and economy of processes and their role and importance in the creation of machines. The question of the relationship between the structure of machine and technological process andproperties of raw materials, the organization of structural and parametric synthesis of machine is shown.*

Key words: *technological process, technological device, equipment system, raw material properties, machine structure, dependence of material properties, structural and parametric synthesis of the machine, efficiency, economy.*

5320300 - Технологик машиналар ва жиҳозлар таълим йўналишидаги бакалаврлар кенг инженерлик дунёқарашга эга кадрлар бўлиши керак.Ундан ташқари, улар жараёнларни технологик қурилмалар билан жиҳозлашнинг илмий принципларини тушуниши, қурилмаларни техник-иқтисодий тавсифларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва энг оптимал қурилмани танлаш, жараёнлар самарадорлигини ва тежамкорлигини ошириш омилларини аниқлаш, энергия сарфини ва маҳсулот таннархини камайтириш йўлларини билишлари керак.

Ҳозирги кунда диёримизда йирик корхоналар мавжуд бўлиб, уларда турли-туман моддалар: нефть маҳсулотлари, мадан ўғитлар, сульфат кислота, пластмасса, цемент,шифер,деворбоп ғишт,оҳак,гипс ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.Ушбу корхоналарда турли технологик жараёнлар махсус қурилмаларда амалга оширилади. Бу жараёнлар давомида хом-ашё ва материалларнинг ички тузилиш таркиби, агрегат ҳолати ўзгаради. Кимёвий технологик жараёнлар кимёвий реакциялардан ташқари турли физик-кимёвий жараёнлардан иборат: суюқлик ва қаттиқ материалларни узатиш, қаттиқ моддаларни майдалаш ва саралаш, ҳўл материалларни қуритиш ва бошқалар[1,3,4].

Юқоридаги жараёнларни амалга ошириш учун турли технологик машиналар ва жиҳозлар қўлланилади. Масалан, қаттиқ материалларни механик куч таъсирида қайта ишлаш машиналарига турли майдалагичлар ва тегирмонлар, ғалвир ва элаклар, аралаштиргичлар киради. Иссиқлик алмашиниш жараёнларини амалга оширгани турли печлар, иситкичлар ва совуткичлар қўлланилади.У ёки бу материални етиштиришда қўлланиладиган қурилмалар ва жиҳозлар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, яъни белгиланган миқдорда маҳсулот етиштиришга мўлжалланган комплекс сифатида қаралади.Исталган технологик жараён, унинг турли услубларда ўтказилишидан қатъий назар, ўзаро бир-бирига боғлиқ типик технологик босқичлар мажмуасидан иборат [1,2].

Мураккаб ва бир неча технологик жараёнларни тизимли ёндошиш асосида ўтказиш мақсадида қурилмаларнинг технологик схемаси тузилади. Аниқ натижага эришиш учун амалга ошириладиган кетма-кет ҳаракатларнинг мажмуаси ва йиғиндиси технологик схемани ташкил этади. .

Машина тузилиши билан технологик жараённинг ва ҳом ашё ҳамда материалларнинг хусусиятларини боғлиқлиги масаласи, машинанинг структура ва параметрик синтезидир. Технологик жараён таҳлилининг ўзига хос замонавий томонлари лойиҳаланаётган машиналарда конструктив ва технологик боғлиқликни, алоқадорликни кенг қўллашдан иборат. Технологик жараёнда машинанинг конструкцияси ва функционал вазифаси қисман меҳнат жараёнлари бир-бири билан ўзаро боғлик тарзда йўлга қўйилган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида корхона юқори самарадорлик кўрсаткичларига эришади. Шуни айтиш керакки, технологик жараёнларда қурилмаларнинг тутган ўрни бир-бирига мос эмаслиги, мосламалар компановкасининг бузилиши, технологик регламентга эътибор бермаслик, ишчиларнинг нотўғри жойлаштирилиши, технологик жараённи илмий асосда юқори даражада ташкил этмаслик каби ҳолатлар корхонанинг техник - иқтисодий кўрсаткичларини пасайишига олиб келади.

Технологик тизимларни тўғри танлашда хом ашё материаллари хоссалари билан қурилмаларнинг техник тузилишлари, детал ва узелларнинг материалларини ўзаро боғлиқлигига эътибор берилиши 1,2-расмларда кўрсатилган.



1-расм. Гипсни кичик қуритиш барабанида етиштириш технологик комплекс схемаси

1-автосамосвал; 2, 9 – бункерлар; 3, 6, 13, 15, 19 - та'минлагичлар;4,7-майдалагичлар; 5, 8, 12 – конвейер ва элеваторлар ; 10 – ўчоқ ;11 – қуритиш барабани ; 14 – тегирмон ; 16 – тутунсўргич ; 17, 18 – чанг ушловчи қурилмалар; 20 – элак.

Гипс тоши бункер 5 дан таъминлагич 6 ва таннов 7 ёрдамида қуритиш барабани 4 га туширилади ва унинг танаси қия жойлашганлиги ва айланиши натижасида пастки томонига қараб харакатланади. Барабан бандажлар 3 ёрдамида таянч роликлар 10га ўрнатилган бўлиб, тишли ғилдирак 13 ва махсус юритма ёрдамида айланма харакатга келтирилади. Ёнилғи сифатида 8 форсунка орқали берилаётган табиий газ ўчоқ 9 ёндирилади ва ҳосил бўлган иссиқ газлар тутунсўргич 2 ёрдамида барабан ичида хом-ашё билан йўлдош оқимда харакатлантирилади. Тайёр маҳсулот тушириш камера 11га келади ва у ердан шнек 12 ёрдамида туширилади. Барабандан чиқаётган чангланган газлар циклон 1 ёрдамида тозаланиб , махсус қувир ёрдамида атмосферага чиқарилади [1,2].



2-расм. Қуритиш барабани технологик комплект схемаси

Тажриба шуни кўрсатяптики, машина ва механизмларни хизмат вазифасини аниқ билмаслик ва ўрганмаслик ўз навбатида мураккаблаштирилган конструкция ҳамда уларнинг аниқлигига ортиқча талаблар қўйишга олиб келади. Демак, машина ва механизмларни тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланишда ортиқча харажатлар сарфланади.

Шундай қилиб, технологик жараён таҳлили янги бунёд этилаётган машинанинг хизмат вазифасини билиш ва аниклик меёри ҳамда бикрликни таъминлайдиган техникавий шартни ишлаб чиқиш машина аниқлиги билан боғлиқ бўлган асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Машина худди бошқа механизмлар каби ўз хизмат вазифасини унинг иш бажарувчи юзалари учун белгиланган рухсат этилган қўйим ва аниқликда сурила олгунча бажара олади. Бунда иш бажарувчи юзалар бошқа юзаларга нисбатан берилган рухсат этилган қўйим чегарасида, геометрик шаклда ва тозаликда харакатланиши керак. Юқорида санаб ўтилган ҳар бир кўрсаткич учун белгиланган рухсат этилган қўйим микдори машина хизмат вазифасига боғлиқ назарда тутилган рухсат этилган қўйимлар оптимал миқдорини тайинлаш машинасозликнинг халк хўжалигидаги аҳамиятини оширишда ҳамда машина аниқлиги муаммосини ҳал этишда муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳакикатдан ҳам, юқорида санаб ўтилган параметрларга тегишли рухсат этилган қўйимлар микдорини камайтириш, ўз навбатида машинанинг хизмат вазифасини тўғри бажаришга олиб келади. Чунки ушбу параметрлар машина ёки унинг механизмлари аниқлигини тавсифлайди. Масалан, тишли узатмали редукторлар аниқлигини ошириш ўз навбатида узатиш нисбати оғиш миқдорини камайтириб, ишнинг шовқинини камайтириб, фойдали иш коэффициентини оширади. Қурилма двигателларини тайёрлаш ва йиғиш аниқлигини ошириш ёқилғи ҳамда мойлаш сарфини қисқартиради. Дастгоҳлар аниқлигини ошириш эса ишлов берилаётган загатовкалар аниқлигини оширади ва йиғиш учун сарфланувчи харажатни камайтириб, дастгоҳнинг фойдаланиш коэффициентини оширади [5].

Машина бирор ишни бажариши учун маълум тартибда харакат қилиши керак бўлади. Ҳар қандай машина ва механизмнинг харакати инсоннинг маълум ишни бажариш жараёнидаги харакатидан олинган. Масалан, тикув машинасида бир чок тикиш керак бўлганда машина нинаси газламани тешиши ва чок нина тагида қолмаслиги учун унинг харакатда бўлиши ва тикилган кийимнинг чоки нина тагидан чиқиб, унинг ўрнига

газламанинг тикилмаган жойи узлуксиз келиб туриши керак бўлади. Яна бир мисол, автомат тўқув дастгоҳини олайлик, бу автоматда арқоқ ва танда иплари ўзаро тўқилиб, газлама ҳосил бўлади, тўқилган бу газлама доимо харакатда бўлиши шарт.

Юқорида келтирилган мисоллардан икки хил маҳсулотнинг бажарилишида ва хом ашё харакати билан машина харакати орасида ўхшашлик борлигини сезиш қийин эмас.

АДАБИЁТ

[1].Алиматов Б.А., Тожиев Р.Ж., Садуллаев Х.М., Каримов И.Т. Ишлаб чиқаришдаги технологик комплекслар.Дарслик.Фарғона– «Техника» ноширлик бўлими, 2007.- 169 бет.

[2].Богданов В.С. и др. Технологические комплексы и механическое оборудование предприятий строительной индустрии.Учебник. Белгород.Изд-во БГТУ,2008.- 528с.

[3].Чемеричко Г.И. Механическое оборудование и технологические комплексы по обогащению полезных ископаемых.Учеб. пособие. Белгород:Изд-во БГДУ,2012.-183с

[4].Yusupbekov N.R. ba bosh. Kimyoviy texnologia asosiy jarayon va qurilmalari –T.: “Fan ba texnologiya”,2015.- 848 bet.

[5]. Довгяло В.А.и др. Технические основы создания машин: учеб. пособие для вузов. Электронная копия.Гомель,Рес.Белорус.: Изд-во БелГУТ, 2009. -330с.

[6]. Богданов В.С. и др.Основы расчёт машин и оборудования предприятий строительных материалов и изделий.Учебник,Старый Оскол:ТНТ,2013.-680с.

МУНДАРИЖА

№	МУАЛЛИФЛАР ВА МАҚОЛАЛАР НОМИ	Бет
1	**А.С. Юлдашев, А.А.Запаров.** Олий таълимга инновацияларни жорий этишнинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти.	9
2	**Т.А. Мадумаров.** Маҳаллий кенгашлар ва депутатлар фаолиятида жамоатчилик билан алоқаларнинг ўрни.	13
3	**И.Б. Аббасов, Б.М.Расулов.** Использование инновационных технологий в образовании.	18
	1-СЕКЦИЯ: АНИҚ ВА ТЕХНИК ФАНЛАР	
4	**С. Зайнобидинов, Ш. Эрматов, У. Исмаилов.** Лазерные нанотехнологии.	23
5	**H.J. Mansurov, A.Y.Boboyev, M.I. O'rinboyev, N.Y.Yunusaliyev, A.K. Tojimuhammadov.** Zol-gel metodi asosida metaloksid qatlamlar olish va uning kimyoviy asoslari.	25
6	**Х.А. Ахмедов, И.О. Эргашев.** Янги конструкцияли колосник контури бўйлаб чигит оқимини назарий тадқиқотлари.	27
7	**А.С.Исомидинов, А.А. Ахроров, А.А.Мўйдинов, И.М.Мамаризаев.** Ротор-фильтрли қурилмада гидравлик қаршиликнинг тозалаш самарадорлигига таъсирини тадқиқ этиш.	29
8	**А.С.Исомидинов, Б.М.Ализафаров, А.О.Хошимов.** Газларни тозаловчи скруббернинг гидравлик қаршилиги ва тозалаш самарадорлигини тадқиқ этиш.	36
9	**Х.Дж. Ачилов.** Сувни магнитли қайта ишлаш ва амалда қўлланилиши.	42
10	**Х.Дж. Ачилов.** Noan’anaviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanib elektr ta’minotidagi ishonchlilikni oshirish.	45
11	**А.Л. Абдулвохидов.** Оценивание плотности вероятности по цензурированным данным на основе вейвлет функций.	48
12	**G.Axmedova, M.Asqaraliyeva.** Sun’iy shakl almashtirishlardan foydalanib trigonometrik tenglamalarni yechish**.**	51
13	**G. Axmedova, O. Mahmudova.** Ko’rsatkichli va logarifmik tenglamalarni yechishda monotonlik xossasidan foydalanish.	55
14	**B.T. Samatov , U.B. Soyibboev , A.X. Akbarov , B. I. Juraev.** A pursuit problem in differential game under geometrical and gronwall type constraints.	57
15	**А.Жумаев.** Саноат корхонанинг электр юкланмалар картограммасини тузиш.	60
16	**А.А. Жумаев.** Электр энергия сифатини тахлилий ва приборлар ёрдамида назорат килиш.	62
17	**S.A. Parpiyev, M.Sh. Mamatov, D. Parpieva.** Makkajo`xori duragayining ekish muddati, ko`chat qalinliklarini hamda don hosilini matematik modellashtirish.	64
18	**D. Mirzoyev, N.G’. Tursunov.** Qayta tiklanuvchi energiya manbalari bilan ta’minlash muammolari.	66
19	**Z.A.Zaparov, U.Mirxamidov, A.A.Zafarov, T.Ibaydullaev, O. Majidov.** Quvurlardagi ikki fazali muhitda vaqtinchalik harakat.	68
20	**Д.Ғ. Захидов.** Двувыборочное обобщение метода эмпирического правдоподобия при случайном цензурировании наблюдений.	73

21	**B.B.Xoldorov, B.A.Ergashev, O.S.Ermatov.** Qishloq xo`jaligiga oid standartlarni xalqaro standart talablari bilan uyg`unlashtirishning o`rni.	75
22	**M.Qamchiyeva, F.Raimjonova.** bolalarda matematik tushunchalarni rivojlantirishga oid ilmiy yondashuvlar.	77
23	**Ф.Э.Нишонов, А.С. Халмухамедов.** Автотранспорт воситалари (атв) эксплуатациясида йўл шароитини тадқиқ қилиш.	80
24	**F.E. Nishonov, A.S.Xalmuxamedov.** Xalqaro ravonlik indeksi iri(international reuhgness indeks).	83
25	**Э.Т. Мухаметшина, И.З. Аббасов, Р.М. Мурадов.** Пахтани кайта ишлаш технологик жараёнида чигитнинг шикастланиш даражасини таҳлил қилиш.	86
26	**Э.Қ.Қаландаров.** Қаттиқ жисмлар физикасини интеграциялаб ўқитиш ҳақида.	90
27	**М.Р. Каюмова , Г.Т. Бадалова, Ж.О. Иззатиллаев.** Определение качество электроэнергии микросетях с возобновляемыми источниками энергии.	92
28	**А.М.Нажимова, Т.М.Юлдошов, А.Д. Исмандияров.** Энергоресурсосбе режение в системе собственных нужд теплоэлектростанции.	96
29	**К.М.Реймов, Б.А.Узаков, А.Д.Исмандияров, Т.М.Юлдошов.** Об оптимизации режимов работы тахиаташской тэс.	99
30	**Т.С. Нишонов, О.М. Дадамирзаева.** Эҳтимоллар назарияси тушунчаларини талабаларга етказишда ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти	101
31	**Ж. К. Абдурахманов.** Новое, более плодотворное, определение метрики (расстояния) в множестве конечных множеств.	103
32	**A. Axlimirzayev, Sh. Ermatov, D. Xojiyev, S. Axmadoxunova.** Planimetriyadan masalalarni yechishda o'quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishning nazariy va amaliy masalalari.	106
33	**J.R.Aliyeva, M.A.Ikromaliyeva.** Parabolaga doir masalalarni maple tizimidan foydalanib yeshishning qulayligi.	110
34	**J.R.Aliyeva, Z.S.Asranova.** Pisa tadqiqotida matematik savodxonlik.	113
35	**Э.Ш. Назирова, Р.Т. Содиқов, Ш. Исмоилов.** Бўлакли бир жинсли бўлмаган соҳа учун пуаасон тенгламасига қўйилган чегаравий масалани ечишда итерацион усул.	117
36	**S.D.To'rayev.** Vodorod yoqilg'i energiyasidan foydalanib energiya tejash.	121
37	**M.U. To'ravev, M.I. Nurmatov, A.S. Mirkomilov.** Metrologiya-o'lchashlar haqidagi fanining stixiyali rivojlanish davri.	124
38	**J. Madaminova.** O'quvchilarni matematika olimpiadasiga tayyorlash tajribasidan.	126
39	**J.F. Xolliyev.** Quyosh suv chuchitgichida kondensatsiya jarayoni.	129
40	**Ғ.Р. Рахматов.** Мева ва сабзовотларни қуритиш қурилмасидаги айрим таҳлиллар.	131
41	**М.З. Абдуллаев, С.С. Худоёров.** Исследование влияние азота и водорода на свойства наплавленного металла при автоматической дуговой сварке под слоем флюса.	134
42	**Л.Ю. Бакиров, С.А. Абдумуталибова.** Махаллий ашё ва энергетик ресурслардан фойдаланиб машинасозлик учун гетерокомпозит полимер материаллар олиш ҳамда саноат корхоналарига қўллаш технологиясини такомиллаштириш.	136

43	**Ж.Акилов; М.С.ДЖаббаров; Ю.Гайбулов.** Моделирование давления на плунжер при эксплуатации нефтяных скважин с глубинными насосами.	139
44	**Н.К. Камолов, Н.Н. Норхожаева.** Исследование синхронных двигателей продольно - поперечного возбуждения при элетромехнических резонансных условиях.	143
45	**Д.Рохмонов, А.У.Саримсаков, Р.Мурадов.** Хомашё валигининг зичлигини ростлаш тадқиқи.	147
46	**A.Artiqov.** Aniq fanlarni o‘qitishdagi ayrim muammolar va klassik olimlarning ta’lim samaradorligi haqidagi fikrlari.	150
47	**A.Artiqov.** Modulli ta’lim tizimining yaratilish tarixi va ta’lim samaradorligidagi o’rni.	152
48	**И.Б. Асқаров, И.И. Умиров.** Амалий дарсларни модулли таълим технологиясидан фойдаланиб ташкил этиш технологияси.	154
49	**А.Б.Ахмедов.** Бўлажак мухандисларда тадқиқотчилик компетенцияларни шакллантиришнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш.	158
50	**Д.Ш. Джураева.** Математикани ўқитишда ижодий фаолиятни ривожлантириш ва ижодий қобилиятни ривожлантириш муаммолари ҳолати.	161
51	**Г.Х. Дўсмуродова.** Математикадан иқтидорни ривожлантиришда қобилият билан истеъдоднинг ўрни.	164
52	**С.С. Шарипов**. Техника йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларини аниқ фанлар негизида касбга тайёрлаш.	166
53	**Х.Ў. Акбаров, А. Запаров, М.У. Фарходов, К.Х. Фарходова.** Технологические методы повышения коррозионной стойкости хирургического инструмента на основе стали.	169
54	**Х.Ў. Акбаров, А. Запаров, Ш.М. Мавлянова.** Устройство для размерной настройки станков с чпу сверлильно-фрезерно-расточной группы.	171
55	**К.Ж. Жуманиязов, Д.Э. Казакова, А.А. Кушимов.** Показателей выработанных пряж в зависимости от смесового состава.	175
56	**Ш.Ю. Саматова, О.А. Кузиев, Л.З. Темирова.** Повышение эффективности работы гту с когенерацией путем использования теплоты уходящих газов в котлоагрегатах отопительной системы и эффектывности установок.	179
57	**М. Абдувахидов, М.М. Абдувахидов.** Решение дифференциальных уравнений изгибных колебаний инновационных пакетных конструкций.	182
58	**Х.Т.Ахмедходжаев, А.А.Обидов, Ш.Ш.Халиков, Ж.Абдурахмонов.** Толадор чигитларни саралашда уларнинг хоссаларига боғлиқлик тавсифларини ўрганиш.	185
59	**С.О. Саидов**, **В.Ш. Камалов.** Узлуксиз таълим тизимида педагогик тестшуносликнинг типология масалалари.	188
60	**D. Mirzoyev, Sh. Sh. Xusanov.** Qishloq va suv xo’jaligini elektr energiyasi bilan ta’minlashda, elektr energiyasining tijorat hisobining avtomatlashtirilgan tizimi (аскуэ) ni o’rni/	192
61	**Д.М. Махмудова.** Талабалар креатив компетентлигини оптимал бошқарув мавзуларини ўтишда ривожлантириш усуллари.	195
62	**Н. Б. Холмирзаев, Д. А. Умарова, Д. А. Бойматова.** Экологик шароитларни ҳисобга олган холда мсларини янги кимёвий	198

	таркибини ишлаб чиқиш.	
63	**Н. Б. Холмирзаев, Д. А. Умарова, Д. А. Бойматова.** Кесиш жараёнига мойлаш совутиш суюқликлари (мсс) функционал таркибининг таъсири.	199
64	**М.И. Носиров, Ф.Р. Раҳимов.** Кўп операцияли машина узатувчи механизмининг таянч реакция кучларини аниқлаш.	201
65	**Х.И. Нуров.** Қишлок ва сув хужалиги ва саноат корхоналарида электр моторларини модернизациялаш тадкикоти.	205
66	**Х.И. Нуров.** Саноат корхоналарида энергетик аудит ўтказиш орқали электр энергиядан рационал фойдаланиш.	209
67	**У.А.Нуруллаев.** Техник фанларга модулли ўқитиш технологиясини қўллаш методикаси.	214
68	**О.Т. Маматкулов, И.Т. Турсунов, Р.М. Мурадов.** СС-15м маркали пахта сепараторнинг самарадорлигини ошириш йўллари.	219
69	**Р.М. Мурадов, О.Т. Маматқулов, Э.А. Қамбаров.** Кўп чўнтакли тоштутгични конструкциясини такомиллаштириш.	222
70	**N. Odilov.** Gaz ballonli avtomobillarning ta'minlash tizimini takomillashtirish usullari.	225
71	**Б .Ю. Палванов, Ж.К. Юсупова, С. Маткаримов, А.У. Искандаров.** Математическое моделирование нелинейных задач технологического процесса фильтрования малоконцентрированных суспензий.	228
72	**Х. Исаханов - доцент, С. Режаббоев - таянч докторант, Р. Мурадов.** Чигитларни саралаш қурилмасини конструкциясини такомиллаштириш йуллари.	232
73	**Р.М.Мурадов, Х.Исаханов , Ш.Ш.Халиков.** Наманган вилояти олимлари томонидан яратилган ишланмалар.	235
74	**Ғ.Р.Рахматов.** Инфракрасная технология сушки сельскохозяйственной продукции.	239
75	**Х.М.Нишанов, А.А.Хакимов, А. У. Абдурахимов, А.Ш.Икромов, М.М.Султонова.** Исследование структур и физических свойств веществ методами молекулярной акустики.	242
76	**М.Нишанов, А.А.Хакимов, А. У. Абдурахимов, А.Ш.Икромов.** Теоретические основы мицеллообразования..	245
77	**Л.В. Дубровец, З.Ш. Ходжаева.** Повышение эффективности высокоскоростной механической обработки.	248
78	**Д.П. Наврузов.** Применение методов конечных разностей для уравнение диффузии.	250
79	**Д.П. Наврузов.** Численное исследование моделей для расчета одномерного волнового уравнения первого порядка с использованием двухшаговых конечно-разностных методов .	253
80	**П.Т. Абдуқодирова.** Талабаларда математик саводхонлик компетенцияларини ривожлантириш босқичлари.	255
81	**.Ш. Теляев, Л.В. Дубровец.** Старение пластмасс и влияние на них вий окружающей среды.	258
82	**А.Эгамов, Пардабоев.** Жиззах шаҳридаги жиззахавтотеххизмат мчжда бажариладиган ишларнинг тахлили.	261
83	**А.А.Хакимов, Н.Х. Вохидова, Қ. Нажимов.** Кўмир брикети ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш.	264
84	**Ш.Ф.Тўраев, Ф.Ф.Тўраев, Г.Т. Тўраева.** Узлуксиз таълим тизимида физикани ўқитишда изчиллик тамойилини қўллаш.	268

85	**Ш.Ф.Тўраев.** Квант физикаси фанида “микрозаррача” тўғрисидаги тасаввурни шакллантириш.	271
86	**Ғ.Рахматов, Ф.Юсупова.** Физика фани самарадорлигини оширишда интерфаол методлардан фойдаланиш.	273
87	**Bakhodirzhon Siddikov.** Numerical simulation of the passive regenerator/	276
88	**Г.В.Воропаев, А.А. Запаров, Т.А.Расулов.** Инновационная технологии изготовления выправляющего аппарата насосов тепловых электростанций.	278
89	**Б.А. Алиматов, И.Т. Каримов, Б.Ж. Хурсанов.** Фазалар алоқа вақти узайтирилган барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналарида газ миқдорларни аниқлаш.	280
90	**И.Т. Каримов, Б.А. Алиматов.** Барботажли экстракторнинг массаалмашинув жараёнлари самарадорлигини баҳолашда ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар.	284
91	**Б.Ж.Хурсанов, Б.А.Алиматов.** Технологик жараёнлар таҳлили – самарадор ва тежамкор машиналар яратиш асоси.	291